



**BUXORO**

ISLOM OLAMI MADANIYATI POYTAXTI

عاصمة الثقافة في العالم الإسلامي

— 2020 —



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

МУИН УЛ-ФУҚАРО АҲМАД ИБН МАҲМУД БУХОРИЙ

# ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА ДАР ЗИКРИ МАЗОРОТИ БУХОРО

*(Бухоро мазорлари ҳақида  
Муллозоданинг тарих китоби)*

Форс тилидан таржима, муқаддима, тадқиқ,  
изоҳлар, иловалар муаллифи ва нашрга тайёрловчи  
Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари  
бўйича фалсафа доктори **Комилжон Раҳимов**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
Ташкент – 2019

**Масъул муҳаррир:**  
**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ**, тарих фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:**  
**Омонулла БЎРИЕВ**, тарих фанлари доктори,  
**Ҳалим ТЎРАЕВ**, тарих фанлари доктори, профессор.

Ўз даврида ислом цивилизациясининг йирик марказларидан бўлган Мовароуннаҳр ўлкасидан кўплаб диний ва дунёвий илмлар олимлари, тасаввуф шайхлари ва бошқа улуғ шахслар етишиб чиққан бўлиб, уларнинг сўнгги ором топган маконлари кейинги авлодлар томонидан зиёрат қилинадиган масканларга айлантирилган. Ислом оламига минглаб уламолар ҳада этган муқаддас заминимиз юзлаб зиёратгоҳлар ва қадамжолар ўлкаси сифатида ҳам машҳурдир.

Ўтмишда Марказий Осиёда улуғ ва машҳур кишилар қабрлари тўғрисида бир неча асарлар яратилган бўлиб, Муин ул-фуқаронинг (XIV аср охири – XV аср ўрталари) «Тарихи Муллозода» асари улар орасида алоҳида ўрин тутади. Ушбу асарда Бухоро диёридаги муқаддас зиёратгоҳлар тўғрисида маълумот берилибгина қолмасдан, ўлкамиздаги исломий зиёрат қойдалари, тартиби ва одоблари ишлаб чиқилган ва тизимга солинган.

Ёш шарқшунос ва манбашунос олим Комилжон Раҳимов томонидан ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилинган ушбу асарда VIII асрдан XV асргача бўлган даврда яшаб ўтган ҳамда Бухоро ва унинг атрофларида дафн этилган 150 дан ортиқ, шунингдек, улар билан боғлиқ равишда яна бир қатор дин уламолари, тасаввуф шайхлари, олимлар, тарихнавислар, шоирлар ва ҳукмдорлар қабрларининг жойлашган ўрни ҳамда ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади.

*Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги 2017 йилнинг 11 июлдаги Ф-4988-сон Фармойишининг ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 372-Ф-сон фармойиши билан тасдиқланган «2020 йилда Бухоро шаҳрининг «Ислом олами маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан амалга ошириладиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар дастури – «Йўл харитаси»нинг 1-банди ижроси асосида нашрга тайёрланди.*

*Китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти «Марказий Осиё тарихига оид манбалар нашри (ЎЗР ФА ШИ фонди ёзма манбалари асосида)» амалий гранти доирасида нашрга тайёрланиб, институт Илмий Кенгашининг мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 21 июндаги 03-07/3965-сонли ҳулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

**ISBN 978-9943-19-544-8**

©Шарқшунослик институти, 2019  
©Комилжон Раҳимов, 2019  
© «Фан» нашриёти, 2019

**Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича  
Ислом олами ташкилоти ICESCO томонидан  
2020 йил Бухоро – ислом олами маданияти  
пойтахти деб эълон қилинганлиги ҳамда Хожа  
Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг  
915 йиллиги ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд  
таваллудининг 700 йиллигига бағишланади**

## СЎЗБОШИ

Қадимий Туроннинг қоқ юрагида жойлашган Ўзбекистон замини шуҳрати жаҳонга ёйилган тарихий шаҳарлари, бой тарихий-маданий мероси, жумладан, буюк аждодларимиз томонидан бино этилган бетакрор меъморий обидалари билан машҳур. Бугунги кунда юртимизда мавжуд жами 7 минг 476 моддий-маданий мерос объектидан 4 минг 308 таси археологик ёдгорлик бўлса, 2 минг 79 таси меъморчилик ёдгорлигидир. Мазкур ёдгорликлардан бир қисми эса дунё мусулмонлари учун муқаддас ҳисобланган зиёратгоҳлар жумласига киради.

Ўз даврида ислом цивилизациясининг йирик марказларидан бўлган Мовароуннаҳр ўлкасидан кўплаб диний ва дунёвий илмлар олимлари, тасаввуф шайхлари ва бошқа улуғ шахслар етишиб чиққан бўлиб, улардан муайян қисмининг сўнгги ором топган маконлари кейинги авлодлар томонидан зиёрат қилинадиган масканларга айлантирилган. Бухородаги Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Ҳазрати Имом (767–832), Чор Бакр, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний (тахм. 1103–1179) ва Хожа Баҳроуддин Нақшбанд (1318–1389), Самарқанддаги Қусам ибн Аббос (624–677), Имом Бухорий (810–870), Абу Мансур Мотуридий (ваф. 944), Амир Темур (1336–1405) ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404–1490), Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий (820–932) ва Имом Абу Исо ат-Термизий (824–892), Тошкентдаги Имом Қафқол Шоший (903–976), Занги Ота (ваф. 1258) ва Шайх Хованди Тоҳур (ваф. 1355), Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд (1247–1326) мақбаралари юртимизда мавжуд бўлган зиёратгоҳлардан кичик бир қисмидир, холос. Ислом оламига минглаб уламолар ҳадея этган муқаддас заминимиз зиёратгоҳлар ва қадамжолар ўлкаси сифатида ҳам машҳурдир.

Зиёрат барча мусулмон ўлкалари каби Марказий Осиёда ҳам азалдан анъанавий сайёҳликнинг асосий турларидан бири бўлиб келган. Халқимиз қадим замонлардан буён улуғ аждодлари хотирасига эҳтиром бажо келтириш мақсадида уларнинг қабрларини зиёрат қилишга одатланган. Бунинг устига, ислом дунёсининг бошқа ўлкалари вакиллари ҳам ҳамisha кўплаб улуғ алломалар мангу ором топган юртимиз зиёратига ошиқшган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий ва диний қадриятларнинг қайтадан тикланиши асносида буюк аждодларимиз қабрлари обод қилиниб, эски мақбаралар таъмирланди ва янгилари бунёд этилди. Мамлакатимиз тарихий тараққиётининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» асосида бошланган янги босқичида эса, юртимизда, умуман, туризм, жумладан, зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича улкан ишлар бошланди.

2018 – 2019 йиллари қабул қилинган бир неча фармонлар ва қарорлар асосида ҳаммаси бўлиб 86 давлат билан визасиз режим, жумладан, 8 давлат фуқаролари учун муддати чекланмаган визасиз режим, 1 давлат фуқаролари учун 60 кун муддатга визасиз режим, 76 давлат фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз режим, 1 давлат фуқаролари учун эса 7 кун муддатга визасиз режим белгиланди. Бундан ташқари, Ўз-

бекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5611-сон Фармонида мувофиқ хорижда яшовчи ватандошлар, Ўзбекистонда таҳсил олувчи хорижий талабалар, Ўзбекистонда илмий тадқиқот билан шуғулланувчи хорижий тадқиқотчилар, Ўзбекистонда даволанувчи хорижий фуқаролар ва Ўзбекистонда инвестицион фаолият билан шуғулланувчи хорижликлар учун мўлжалланган «Vatandosh», «Student visa», «Academic visa», «Medical visa» ва «Investment visa» каби визалар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва туристик фаолият субъектларининг аризасига кўра Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний мероси, анъаналарини ўрганиш мақсадида кирувчи хорижий фуқаролар учун 2 ойгача бўлган муддатга бериладиган зиёрат визаси («Piligrim visa») ҳам жорий этилди. Яна шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралда қабул қилинган «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3509-сон Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада Зиёрат туризмни қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлимнинг асосий мақсади хорижий сайёҳларнинг зиёрат туризми доирасидаги ташрифларини тизимли йўлга қўйиш бўйича ишларни олиб боришдан иборатдир.

Мазкур қадамлар билан бир вақтда бевосита зиёрат туризмни янада оммалаштириш ва хорижий сайёҳларни юртимиз зиёратгоҳларини келиб кўришга тарғиб қилиш мақсадида йирик халқаро тадбирлар ҳам ўтказила бошланди. 2018 йилнинг 7-12 ноябрида Малайзиядаги Бутунжаҳон сўфийлар маркази (World Sufi Center) билан ҳамкорликда Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган Биринчи «Нақшбандия туристик фестивали» бундай тадбирларнинг биринчиси бўлди. Мазкур фестивалда Малайзия, Индонезия, Туркия, Буюк Британия, Янги Зеландия, Хитой, Ҳиндистон, Австралия, АҚШ, ЖАР ва бошқа давлатлардан келган 150 дан ортиқ нақшбандия сўфийлик тариқати вакили, жумладан, ўндан ортиқ машҳур уламо иштирок этишди. 2019 йилнинг 31 октябрь – 7 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Иккинчи «Нақшбандия туристик фестивали»да эса хорижий иштирокчилар сони 250 тадан ошиб кетди. Шунингдек, 2019 йилнинг 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида ислом дунёсининг эътиборли халқаро ташкилотлари ва соҳа идоралари, зиёрат туризми соҳасидаги туристик компаниялар, олий ўқув юртлари ва илмий доиралар вакиллари ҳамда уламолардан иборат 120 нафар хорижлик меҳмон иштирокида Зиёрат туризми бўйича биринчи Халқаро форум бўлиб ўтди.

Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилоти ISESCO томонидан «2020 йил Бухоро шаҳри – ислом олами маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши, шунингдек, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги муносабати билан кенг миқёсдаги халқаро тадбирлар бўлиб ўтиши мўлжалланган.

Булардан ташқари, «Рамазонни Ўзбекистонда нишонлашнинг 7 сабаби» номли реклама кампанияси ташкил этилди ҳамда республика бўйлаб масжидлар жойлашувини кўрсатувчи «Masjid Finder Uzbekistan» мобил иловаси ишга туширилди; шунингдек, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Иккинчи халқаро зиёрат туризми форумини янгиланган форматда ўтказиш кўзда тутилиб, ушбу «Ўзбекистон

зиёрат туризми ҳафталиги» мобайнида «Ўзбекистон исломий мероси» илмий анжумани, «Halal in Travel» конференцияси, Ўзбекистон исломий архитектурасига бағишланган форум, «Modest-fashion» либослар шоуси, «Halal Chef World» ошпазлар танлови каби турли маданий-маърифий тадбирлар Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонга оқими ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, юртимизга 2016 йилда 2 млн. 157,7 минг, 2017 йилда эса 2,5 млн.дан ортиқ хорижий сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2018 йилда бу рақам икки баробар ошиб, 5,3 млн. кишига, 2019 йилда эса 6 млн. 748,5 минг кишига етди. Агар сайёҳларнинг муайян қисми зиёрат мақсадида ташриф буюрганликларини назарда тутсак, туризмнинг мазкур йўналиши ривож учун лозим бўлган инфратузилмани ривожлантириш билан биргаликда ўлкамиздаги муқаддас зиёратгоҳлар – улуғ шахслар қабрлари ва қадамжолари тўғрисида маълумотнома ва йўлқўрсаткич (путеводитель)лар, шунингдек, мазкур муқаддас маконларни зиёрат қилиш қоидалари ва одоблари тўғрисида қўлланмалар тайёрлаш борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилиши лозимлиги маълум бўлади. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, юртимиздаги қадимий зиёратгоҳлар тўғрисида маълумот берувчи тарихий манбалар, жумладан, зиёрат ва зиёратгоҳларга бағишлаб ёзилган асарларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўтмишда Марказий Осиёда улуғ ва машҳур кишилар қабрлари тўғрисида ҳам у ёки бу даражада маълумот берувчи умумий мавзулардаги асарлардан ташқари, улар ҳақида ва уларни зиёрат қилишга оид асарлар ҳам яратилган бўлиб, Абу Ҳафс Умар Насафийнинг (1070–1142) «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд уламолари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Қанд» асари»), Муин ул-фуқаронинг (XIV аср охири – XV аср ўрталари) «Тарихи Муллозода» («Муллозоданинг тарих китоби»), Содик Мунший Жондорийнинг (1758–1820) «Дахмаи шоҳон» («Шоҳлар дахмаси»), Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг (ваф. 1874) «Самария», Ҳаким Нуратоийнинг «Исмҳои бузургони Бухорои Шариф» («Бухорои Шариф улуғларининг исмлари») (1900) ва Носириддин Тўра Бухорийнинг «Тухфат уз-зойирин» («Зиёратчиларга тухфа») (1906) каби асарларини эслатиб ўтиш мумкин. Булар орасида «Тарихи Муллозода» алоҳида ўрин тутиб, у XX аср бошларига қадар ўлкамизда зиёратнома йўсинида яратилган кўпчилик асарлар учун ўзига хос намуна бўлиб қолди.

Гарчи, «Тарихи Муллозода»га қадар ҳам, ундан кейин ҳам ўлкамиздаги қадимий қабристонлар, мақбаралар ва бошқа зиёратгоҳлар тўғрисида бир қанча асарлар яратилган бўлса-да, уларнинг аксарияти қабрлар ва уларнинг эгалари тўғрисидаги маълумотлар тўпламидан иборат. Ҳолбуки, Муин ул-фуқаро ўз асарида Бухоро дивердидаги қабрлар ва қабристонлар тўғрисида шунчаки маълумот бериб қолмасдан, ўлкамиздаги исломий зиёрат қоидалари, тартиби ва одобларини ишлаб чиқишга ёки бир тизимга солишга уринган.

Эътиборингизга ёш шарқшунос олим Комилжон Раҳимов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Тарихи Муллозода» асари ҳавола этилмоқда. Шу пайтга қадар бир неча тарихий манбани ўзбек тилига муваффақиятли ўгирган бу тадқиқотчи навбатдаги таржимасини ҳам аввалгилари каби қадимий манбаларни ҳозирги ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиш меъёрлари асосида амалга оширган. Тегишли



изоҳларнинг саҳифа остидаги 487 ҳаволада берилганлигининг ўзи таржимоннинг ўз ишига қанчалик масъулият билан ёндашганини кўрсатади. Асар матнида учрайдиган тарихий, диний, тасаввуфий тушунчалар ва атамалар ҳамда киши, жой ва асар номлари кўрсаткичи ушбу таржиманинг илмийлигини таъминлашга хизмат қилган. Таржимон кириш ўрнида Муин ул-фуқаро ва унинг «Тарихи Муллозода» асари тўғрисида амалга оширган тадқиқоти натижаларини баён қилган. Буларнинг барчаси нафақат «Тарихи Муллозода» асарининг ўзбек тилига қилинган таржимасининг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган илмий-изоҳли таржима сифатида шаклланишига, балки ушбу ишни тўлақонли таржима-тадқиқотга айланишига хизмат қилган.

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси*

*вице-президенти,*

*Абу Райҳон Беруний номидаги*

*Шарқшунослик институти директори,*

*тарих фанлари доктори, профессор*

# МУИН УЛ-ФУҚАРО ВА УНИНГ «ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИ

(Кириш ўрнида)

## 1. МУИН УЛ-ФУҚАРОНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

### 1.1. ИСМИ ВА ТАХАЛЛУСИ

«Тарихи Муллозода» асари муаллифининг тўлиқ исми асарнинг аксарият қўлёзма нусхаларида Аҳмад ибн Маҳмуд кўринишида эслатилган. Бироқ асарнинг кейинги асрларда кўчирилган айрим қўлёзмалари, жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида сақланаётган №09/902, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №4589 ҳамда Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети кутубхонасида сақланаётган №160-рақамли қўлёзма нусхаларида асар муаллифининг номи Аҳмад ибн Муҳаммад кўринишида келтирилган. «Тарихи Муллозода»ни биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган шарқшунослар жумласидан бўлган К. Залеман, Е. Ф. Каль ва В. В. Бартольд каби тадқиқотчилар ҳам мазкур қўлёзмаларга таянган ҳолда унинг номини Аҳмад ибн Муҳаммад шаклида эслатишади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, «Тарихи Муллозода» муаллифининг номи асарнинг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №5056/1 рақамли қўлёзмасида Муҳаммад ибн Маҳмуд, №46/1 рақамли қўлёзмасида эса Муллозода кўринишида келтирилган. Аммо, ҳозиргина эслатиб ўтганимиздек, асарнинг аксарият, жумладан, қадимий қўлёзма нусхаларида муаллифнинг номи Аҳмад ибн Маҳмуд деб таништирилган-

<sup>1</sup> Қаранг: Залеман К., Розен В. Список к персидским, турецко-татарским и арабским рукописям библиотеки Спб. университета. ЗВО РАО. Т. II. 1888. – С. 241–262; Т. III. 1889; Каль Е. Ф. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской публичной библиотеки. Ташкент, 1889; Бартольд В. В. Сочинения. Т. I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.: Наука, 1963. – С. 107.

лигидан келиб чиқиб, мазкур исмнинг тўғри варианты ҳам айнан Аҳмад ибн Маҳмуд эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Аҳмад ибн Маҳмуд «Муин ул-фуқаро» тахаллуси остида ижод қилган. Мазкур тахаллусни ифодаловчи сўз арабча «*фақир*» сўзининг «*камбағал*», «*бечора*» маъносини англатишидан келиб чиқсак, «камбағалларга ёрдам берувчи», «камбағалларга яхшилик қилувчи», «камбағаллар ёрдамчиси» маъноларини англатади. Бироқ, «*фақир*» сўзининг ўрта асрларда *дарвеш*, *сўфий* маъноларида ҳам қўлланилганлигини, бунинг устига, Аҳмад ибн Маҳмуднинг сўфийлик тариқати аъзоси бўлганлигини эътиборга олсак, «Муин ул-фуқаро» тахаллусининг «дарвешлар (сўфийлар) ёрдамчиси», «дарвешлар (сўфийлар) дастёри», «дарвешлар (сўфийлар) хизматкори» маъноларини ифодалашини ҳам эҳтимолдан узоқ тутиб бўлмайди.

«Тарихи Муллозода» муаллифи муллалар – руҳонийлар ва уламолар хонадонидан келиб чиққанлиги муносабати билан Муллозода номи, шунингдек, Бухоро диёрида туғилиб, яшаганлигидан келиб чиқиб, Бухорийзода нисбаси билан ҳам эслатиш мумкин. Жумладан, асарнинг Россия Федерацияси Санкт-Петербург шаҳридаги Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти фондида сақланаётган №С1677-1 (XIX а.) рақамли қўлёзма нусхасида унинг Муллозода, мазкур институт фондида сақланаётган №2020 (XIX а.) рақамли қўлёзма нусхада эса Бухорийзода номи ҳам эслатилади. «Тарихи Муллозода»нинг ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №2047/2 (1318/1900 й.) рақамли қўлёзма нусхасида эса Муин ул-фуқаронинг Бухорийзода ва Муллозода номларидан ташқари, «Лисон ул-хавос» номи билан ҳам донг таратганлиги эслатилади. Бир қарашда мазкур кўшимча номлар асарнинг қадимий қўлёзма нусхаларида эмас, балки кейинги даврларда – XIX ва XX асрларда кўчирилган уч қўлёзма нусхасида учраши Аҳмад ибн Маҳмуднинг унинг ўзидан кўра кўпроқ кейинги асрлар котиблари ташаббуси билан қўйилганлиги тўғрисида тахмин қилишга сабаб бўлса-да, биринчидан, асарнинг номланишидаёқ унинг муаллифи Муллозода кўринишида эслатилиши, иккинчидан, Аҳмад ибн Маҳмуднинг ҳақиқатан ҳам, Бухоро диёрида яшаб ижод қилганлиги уни мазкур ном ва нисба билан эслатиш ҳам мумкинлигини кўрсатади.

## 1.2. ҲАЁТИ

Бизгача Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Муин ул-фуқаронинг ҳаёти тўғрисида бирор-бир аниқ ва тўлиқ маълумот етиб келмаган. «Тарихи Муллозода»нинг муаллифи асарда ўзининг Шористоний (Шаҳристоний)<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Шаҳристон – Бухоро шаҳридаги қадимий қалъа. Бу ердан етишиб чиққан уламолар бу нисбат билан танилган.

нисбали уламолар авлодидан бўлиб, сўфий шайхлар «хизматкори» эканлиги, шунингдек, хожагон-нақшбандия тариқати пири Хожа Муҳаммад Порсо (749/1348–822/1420) унинг пири бўлганлигига қисқача ва умумий тарзда ишора қилиб ўтган бўлса-да, унинг ўзи, шунингдек, бошқа тарихий манбалардан бирортаси унинг таваллуд ва вафот санаси ҳамда жойи, оиласи, таҳсили, устозлари, асарлари, фаолияти ҳамда ҳаёти билан боғлиқ бошқа жиҳатлари тўғрисида алоҳида ёки аниқ маълумотлар бермаган. Бироқ қўлимиздаги мавжуд материаллар бу борада айрим тахминий хулосаларга келишимизга ёрдам беради.

Жумладан, «Тарихи Муллозода» асарида Бухоро ва унинг атрофларидаги қабрлар ва қабристонлар тўғрисидаги анчайин аниқ ва батафсил ҳикояларнинг ўзи муаллифнинг Бухоро шаҳри ёки атрофида туғилиб, яшаб ўтганлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Муин ул-фуқаронинг Хожа Муҳаммад Порсонинг муриди бўлганлиги, бунинг устига, «Тарихи Муллозода» асарини ушбу пири вафотидан – 1420 йилдан кейин ёзганлиги эса, унинг тахминан XIV аср охирларида дунёга келиб, тахминан XV аср ўрталари ёки иккинчи ярмигача умр кечирган бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Муин ул-фуқаро «Тарихи Муллозода» асарининг «Шористонлик имомлар қабрлари» номли бўлимида ўзининг Бухоро шаҳридаги Шористон уламолари авлодидан эканлиги тўғрисида шундай эслатиб ўтади: *«Абу Бакр Ҳомид раҳимахуллоҳ қабрининг қибла томонига қараб бироз масофа йўл босилганда Шористонлик имомлар қабрлари учрайди. Улар жумласига Мавлоно Фаҳриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шористоний, Мавлоно Рукниддин Абдураҳим ибн Аҳмад аш-Шористоний ва Мавлоно Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдураҳим аш-Шористоний киради. Мавлоно Рукниддин мен фақирнинг она томондан бобоси, Мавлоно Жамолиддин эса каминанинг тоғасидир»*<sup>3</sup>. Шундан маълум бўладики, Муин ул-фуқаро ўз даврининг таниқли руҳонийлари ва имомлари авлодидан бўлиб, диний илмлар соҳаси олимлари оиласида тарбия топган.

Дарвоқе, «Тарихи Муллозода» асарининг ўзи ҳам Муин ул-фуқаронинг ўз замонасида яхши таҳсил олганлиги, диний ва дунёвий илмлар, жумладан, Қуръон, тафсир, ҳадис, фикҳ, тил, адабиёт ва тарих соҳаларида чуқур билимга эга бўлганлигидан далолат беради.

Муин ул-фуқаро, юқорида эслатилганидек, сўфийлик тариқати аъзоси ва тариқат шайхлари муриди бўлган. У «Тарихи Муллозода» муқаддимасида ўзининг сўфий шайхлар «хизматкори» эканлигига қўйидагича

<sup>3</sup> Муин ул-фуқаро, Аҳмад ибн Маҳмуд. Тарихи Муллозода дар зикри мазороти Бухоро (форс-тожик тилида) [Сўзбоши, таҳрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи Аҳмад Гулчин Маоний]. – Техрон: Эроншунослик тадқиқотлари маркази, 1370/1991. – Б. 66.

ишора қилиб ўтади: «Энди эса валийларга хизмат қилувчи ходим, арзимас ва нотавон фақир ҳамда банда бўлмиш, Муин ул-фуқаро номи билан аталувчи Аҳмад ибн Маҳмуд (Аллоҳуни ва унинг ота-онасини ҳамда барча мўминлар ва мўминалар, муслимлар ва муслималарни мағфират қилсин) «Нарсаларнинг барчаси йўқ бўлмайди ва билганларимизнинг барчаси унутилмайди» ҳикматига мувофиқ қабрлари раҳмат ва мағфират ёғиладиган жой бўлган буюк олимлар ва ислом шайхлари қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳумдан айримлари [тўғрисидаги маълумотлар]ни имкони борича ва уларнинг шафоатларидан умид қилган ҳолда қоғозга туширади»<sup>4</sup>.

«Тарихи Муллозода» муаллифи асар муқаддимасининг бошқа бир ўрнида ўтганларнинг қабрларини зиёрат қилишнинг фазилатлари тўғрисида сўз юритиш асносида ўзининг хожагон-нақшбандия тариқати йирик намояндаси ва пири Хожа Муҳаммад Порсонинг (749/1348–822/1420) муриди бўлганлигига қуйидагича ишора қилиб ўтади: «Бироқ кашф ва аъён аҳлидан бўлган айрим кишиларнинг айтишларича, кимки бирор улуғ кишини зиёрат қилиш мақсадида бирор қабрнинг олдида борса ва ўша улуғ киши ўша ерда дафн этилган деб ишонса, гарчи ҳақиқатда бу ўша улуғ кишининг қabri бўлмаса-да, ўша улуғ кишининг файзи ва баракотидан тўла-тўкис ва бирор-бир камчиликсиз баҳраманд бўлади. Чунки руҳлар оламидаги [масофавий] яқинлик ва узоқлик бир хилдир. Олий ҳазрат, замона қутби, имон аҳлининг паноҳи, илм ва ирфон осмонининг қуёши, Аллоҳ азза ва жалла аҳлидан бўлган комил инсонлар орасидан танлангани, валийликка таянгувчи покиза жаноб, улуғимиз бўлмиш мавлоно, бизнинг хожамиз, яъни Хожа Порсо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳофизий ал-Бухорий (Аллоҳ таоло унинг хокини пок, қабрини ўз фазли билан ёруғ ва бизлар учун муқаддас қилсин) ҳам ана шу гапларни тўғри деб топгандилар»<sup>5</sup>.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ўз даврининг фикҳ, калом ва тасаввуф соҳаларидаги йирик ва машхур олими, хожагон-нақшбандия тариқати йирик намояндаси бўлмиш Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий Порсо (749/1348–822/1420) Хожа Баҳроуддин Нақшбанднинг (718/1318–791/1389) асосий халифаларидан бири (Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Яъқуб Чархий ва Хожа Алоуддин Ғиждувоний билан биргаликда) ҳамда Нақшбанддан кейин тариқат раҳбарлигини амалга оширган сўфий бўлган. Бу эса, ўз навбатида, Муин ул-фуқаронинг тасаввуфдаги хожагон-нақшбандия тариқати аъзоси бўлганлигини кўрсатади.

Шу ўринда Муин ул-фуқаро тўғрисида қисқача бўлса-да яна бир маълумот берувчи бошқа бир ўринга эътибор қаратсак. «Тарихи Муллозо-

<sup>4</sup>Тарихи Муллозода. – Б. 16.

<sup>5</sup>Тарихи Муллозода. – Б. 17.

да»нинг ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №2047/2 (1318/1900 й.) рақамли қўлёзма нусхасининг охириги 110<sup>а</sup>-варағида муаллифга қуйидагича таъриф берилган: *«Шайхларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этган тарихчилар сараси, тариқат раҳнамоси, имомларнинг далили ва солиқлар ҳужжати бўлмиш «Муин ул-фуқаро» деб чақирилувчи ҳамда «Лисон ул-хавос», «Бухорийзода» ва «Муллозода» номлари билан донг таратган Мавлоно Аҳмад ибн Маҳмуд»*. Ушбу таърифдан маълум бўладики, Аҳмад ибн Маҳмуд «Мавлоно» (Шайх, Хожа) унвонига ҳам эга бўлиб, буюк шайх ва имом сифатида танилган ҳамда хожагон-нақшбандия тариқатининг шунчаки оддий бир аъзоси – солиқ эмас, балки тариқат раҳнамоси ва солиқлар йўлбошчиси ҳисобланган. Унга берилган «Лисон ул-хавос» («Хос кишилар тили») номи эса унинг *хос кишилар* – сўфийлар тушунадиган тилда сўзлагани ва ёзганидан далолат беради.

### 1.3. АСАРЛАРИ

Аҳмад ибн Маҳмуднинг дин уламолари муҳитида тарбия топганлиги, чуқур диний ва дунёвий илмларни эгаллаганлиги, сўфийлик тариқати аҳлидан бўлганлиги унинг ижодида ҳам ўз аксини топган.

Бугунги кундаги маълумотларга кўра, бизнинг давримизгача Муин ул-фуқаронинг форс-тожик тилида ёзилган иккита асари етиб келган. Ушбу икки асардан машҳурлиги ва аҳамиятига кўра, биринчиси, илм аҳлига аввалдан маълум бўлган, қолаверса, муаллифни ислом оламида, жумладан, мусулмон зиёратчилари, шунингдек, тарих ва тасаввуфга қизиқувчилар орасида машҳур қилган **«Тарихи Муллозода дар зикри мазороти Бухоро»** («Бухоро мазорлари ҳақида Муллозоданинг тарих китоби») асаридир. Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида дафн этилган улуғ ва машҳур кишилар – дин уламолари, тасаввуф шайхлари, турли соҳа олимлари, ижодкорлар, ҳукмдорлар ва бошқаларнинг қабрлари жойлашган ўрни, шунингдек, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ушбу асарни яратишдан асосий мақсад кишиларни мазкур шахсларнинг қабрларини зиёрат қилиш орқали уларнинг изидан боришга, таълимотларига эргашишга чорлашдан иборат бўлган. Одатда, қисқача қилиб «Тарихи Муллозода» («Муллозоданинг тарих китоби») деб эслатиладиган бу асар муаллифнинг тариқатдаги пири – Хожа Муҳаммад Порсонинг вафотидан, яъни 1420 йилдан кейин ёзилган (Муин ул-фуқаронинг мазкур асари тўғрисида кейинги бўлимларда батафсил маълумот берилади).

Муин ул-фуқаро қаламига мансуб бўлган иккинчи асар узоқ вақт давомида тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетган кўринади.

Яқин-яқингача Муин ул-фуқаронинг фақатгина «Тарихи Муллозода» асари тўғрисида сўз юритилар, бундан муаллиф фақат бир асар қолдирганлиги ёхуд бизнинг давримизгача унинг фақатгина бир асари етиб келганлиги англашилди. Зеро, асарнинг эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гулчин Маоний томонидан тайёрланиб, икки марта – 1960 ва 1991 йиллари Техронда амалга оширилган нашрлари, шунингдек, 1992 йили Р. Л. Ғафурова томонидан рус тилига ҳамда 2009 йили Ш. Воҳидов ва Б. Аминовлар томонидан ўзбек тилига таржималарининг тадқиқот (сўзбоши, кириш ёки муқаддима) қисмларида Муин ул-фуқаронинг иккинчи асари ҳам бўлганлиги тўғрисида бирор нарса дейилмаган. Бироқ 2001 йили покстонлик таниқли манбашунос Ориф Навшоҳий биринчи бўлиб Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро қаламига мансуб бўлган иккинчи асар – «Хулосат ул-маноқиб» («Маноқиб» асарининг қисқартмаси») тўғрисида қисқача эслатиб ўтдиб. 2008 йили эса эронлик тадқиқотчи Муҳаммад Афшин Вафойй Муин ул-фуқаронинг ушбу асарига бағишланган махсус тадқиқотини эълон қилди<sup>7</sup>.

«Хулосат ул-маноқиб» буюк шоир ва сўфий, мавлавия тариқати асосчиси Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Румий (604/1207–672/1273) ҳаёти ва таълимотига бағишлангандир. Бу асар аслида Шамсиддин Аҳмад Афлокий (ваф. 761/1360) томонидан 718/1318–754/1353 йиллар оралиғида яратилган «Маноқиб ул-орифин» («Орифларнинг эзгу хислатлари») асарининг қисқартирилган, аммо, янги қисмлар билан тўлдирилган вариантдир. Муин ул-фуқаро ушбу асарда нафақат «Маноқиб ул-орифин»нинг қисқартирилган кўринишдаги асосий мазмунига шунчаки қўшимча маълумотлар қўшади, балки Румийнинг бошқа бирор-бир манбада учрамайдиган сўзлари – турли муносабатлар билан айтган гаплари ва билдирган қарашларини келтиради. Бу эса, ўз навбатида, «Хулосат ул-маноқиб»нинг шунчаки бошқа бир асарнинг қисқартирилган варианты бўлмасдан, муайян даражада мустақил асар эканлигини кўрсатади. Асарда Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳали ҳаёт эканлигига ишора қилинганлигидан келиб чиқиб, унинг 1420 йилдан – Порсо вафотидан аввал ёзилганлигини англаш мумкин. Муҳаммад Афшин Вафойй «Хулосат ул-маноқиб» қўлёзмаларининг бизгача етиб келган икки – Техрон ва Калькутта нусхалари мавжудлиги тўғрисида маълумот берган.

<sup>6</sup> Ориф Навшоҳий. Савоқиб ул-маноқиб авлиёуллох // «Маориф» журнали (форс тилида). №2. – 1380 й. мурдодобон/2001 й. август-ноябрь. – Б. 59–60.

<sup>7</sup> Муҳаммад Афшин Вафойй. «Хулосат ул-маноқиб»да Мавлононинг бошқа манбаларда учрамайдиган сўзларнинг келтирилиши // Фирдавсий номидаги Машҳад университети Адабиёт ва гуманитар фанлар факультети журнали (форс тилида). №160. – 1387/2008 й. баҳори. – Б. 295–308.

## 2. «ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИ

### 2.1. АСАРНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ

Ислом динининг илк даврларидан қабрларни, айниқса, буюк ва машхур уламолар ва машойихлар қабрлари, мақбаралари ва қадамжоларини зиёрат қилиш анъанаси мавжуд бўлиб, бу анъана ислом цивилизациясининг йирик марказларидан бирига айланган Марказий Осиёда, жумладан, исломнинг учинчи асри бўлмиш IX аср бошларидаёқ *қуббат ул-ислом* (ислом гумбази) номи билан машхур бўлган Бухоро диёрида кенг тарқалган. XIV асрда Мовароуннаҳрда Темурийлар давлатининг ташкил топиши натижасида юзага келган сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт илм-фан ва маданият, жумладан, диний илмлар ривожини билан биргаликда зиёратчилик анъанасининг ҳам янада кенг ёйилишига сабаб бўлди. Темурий ҳукмдорлар буюк уламолар ва машойихларга катта ҳурмат билан муносабатда бўлиб, уларнинг қабрлари бошида маҳобатли мақбаралар бино этишди. Темурийлар даврида янада ривожланиб, ўз тараққиётининг янги даврини бошлаган хожагон-нақшбандия сўфийлик тариқати вакиллари ҳам ушбу анъана такомилга ўз хиссаларини қўшишди. Марказий Осиё тарихида зиёратга бағишлаб ёзилган илк зиёратнома асар – «Тарихи Муллозода» ана шундай шароитда вужудга келди.

Марказий Осиёда «Тарихи Муллозода»га қадар турли жанрларда ёзилган асарлар, жумладан, Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг (286/899–348/960) «Тарихи Наршахий», Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг (506/1113–562/1167) «Ал-Ансоб» ва Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг (462/1070–537/1142) «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарларида ҳам улуғ ва машхур кишилар қабрлари тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилган. Бироқ Муин ул-фуқаро ўзидан олдинги муаллифлардан фарқли равишда, ўз асарини фақатгина улуғ кишилар қабрлари ва қадамжоларига бағишламай, балки унда зиёрат қилишнинг шаръий асослари ва одоблари тўғрисида ҳам батафсил тушунтириш берган. Шунинг ўзи бу асарни Марказий Осиё тарихида зиёратга бағишлаб ёзилган илк асар, деб аташимизга асос бўла олади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, «Тарихи Муллозода» муаллифи зиёратчилик анъанаси кенг қулоч ёйган темурийлар даври эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Бухоро диёридаги муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида маълумот берибгина қолмай, биринчилардан



бўлиб ўлкамиздаги исломий зиёрат қоидалари, тартиби ва одобларини ишлаб чиқишга, бир тизимга солишга уринган.

Муин ул-фуқаронинг ўзи мазкур асарни ёзишдан мақсадини шундай изоҳлайди:

*«Шуни билгинки, дин уламолари ва ер юзи машойихлари раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъиннинг<sup>8</sup> пок руҳлари ва муқаддас машҳадларига<sup>9</sup> ҳурмат адо этиш баракотларнинг ошишига сабаб ҳамда дин ва дунё саодатига эришишга восита бўлади. Буларга эришиш эса орзу-ниятларга этиш ва [юксақ] мартабаларга эришишнинг белгисидир. Бухорои шариф ва унинг атрофларидаги – Аллоҳ ўз фазли билан уларни ва мусулмонларнинг бошқа шаҳарларини ўз паноҳида асрасин – муқаддас машҳадлар ва мунаввар марқадлар тўғрисида бундан-да кўпроқ ҳикоя қилиш мумкин»<sup>10</sup>.*

Муин ул-фуқаронинг ушбу асаридан кейин ўлкамиздаги улуғ ва машҳур кишиларнинг қабрлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олувчи Давлатшоҳ Самарқандийнинг (840/1436–900/1495) «Тазкират уш-шуаро», Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг (850/1457–927/1520) «Меҳмонномаи Бухоро», Сом Мирзо Сафавийнинг (923/1517–974/1566) «Тухфаи Сомий», Ҳасанбек Румлуниг (937/1530–985/1577) «Аҳсан-ут-таворих» ва Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг (ваф. 1291/1874) «Самария», шунингдек, буюк ва машҳур шахслар, жумладан, ҳукмдорлар ёки уламолар ва машойихлар қабрларига бағишланган, яъни зиёратчиларга мўлжалланган Мирзо Содик Мунший Жондорийнинг (1171/1758–1235/1820) «Дахмаи шоҳон», Ҳаким Нуратойинг «Исмҳои бузургони Бухорои шариф» (1318/1900) ва Носириддин Тўра Бухорийнинг «Тухфат уз-зойрин» (1324/1906) асарлари яратилган бўлса-да, Марказий Осиёда исломий зиёратнинг ўзига хос кодексини яратган «Тарихи Муллозода» зиёратнома йўсинида яратилган кўпчилик асарлар учун ўзига хос намуна бўлиб қолди.

## 2.2. АСАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ТУЗИЛИШИ

Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Муин ул-фуқаронинг «Тарихи Муллозода» асари Бухоро ва унинг атрофидаги улуғ ва машҳур шахсларнинг зиёрат қилинадиган қабрлари тўғрисида маълумот беришга бағишланган асар бўлиб, уни манбашуносликда «тарихий зиёратномалар» деб аталувчи асарлар туркумига киритиш мумкин. Асар, юқорида эслатиб ўтилганидек, зиёратчилар учун маълумотнома ва йўлқўрсаткич (путеводитель)

<sup>8</sup> раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин [арабча *رحمة الله عليهم اجمعين*] – Аллоҳ уларнинг барчасини раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улуғ кишилардан бир нечтасининг номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилақ).

<sup>9</sup> машҳад [арабча *مشهد* – шаҳид бўлган жой] – шаҳид бўлган (Аллоҳ ва дин йўлидаги курашда жон фидо қилган) кишининг дафн этилган жойи, қабри.

<sup>10</sup> Тарихи Муллозода. – Б. 1.

сифатида тайёрланган. Асарнинг муқаддима қисмида қабрларни зиёрат қилишнинг шаръий асослари ва одоблари тўғрисида батафсил тушунтириш берилиши унинг тўлақонли зиёратнома асари сифатида шаклланишини таъминлаган.

Муаллиф «Тарихи Муллозода»нинг муқаддима қисмида ўз асарининг мазмуни тўғрисида қуйидагича маълум қилади:

*«Бу [китоб] Бухоро ва унинг атрофларида узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган, қабрлари йўқ бўлиб, ўринлари билинмай кетган олимлар, улуғлар ва машойихлар қаддасаллоху арвоҳаҳум<sup>11</sup> жумласидан бўлган кишилар тўғрисида ҳикоя[лар тўпламидан иборат] бўлиб, мен улар тўғрисида улардан ҳар бирининг кўрсатган хизматларини эътиборга олган, улар тўғрисида эслатишдан хурсанд бўлган ҳамда уларни улар тўғрисидаги маълумотлар билан олқишлаган ҳолда ҳикоя қилдим»<sup>12</sup>.*

Муин ул-фуқаро ўз асарида фақатгина улуғ кишиларнинг қабрлари ва уларнинг жойлашган ўрни тўғрисида маълумот бериб қолмасдан, имкони борича қабри тавсиф этилаётган ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳам ҳикоя қилишга ҳаракат қилган. Жумладан, асарда мазкур шахсларнинг таваллуд ва вафот саналари, муайян қисмининг эса ҳаёти ва фаолияти, жумладан, диний ва дунёвий илмлар олимларининг яратган асарлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Муаллиф асар муқаддимасининг бошқа бир ўрнида бу ҳақида шундай дейди:

*«...қабрлари раҳмат ва мағфират ёғиладиган жой бўлган буюк олимлар ва ислом шайхлари қаддасаллоху таоло арвоҳаҳумдан айримлари [тўғрисидаги маълумотлар]ни имкони борича ва уларнинг шафоатларидан умид қилган ҳолда қоғозга туширади. [Қўлингиздаги китобда] Аллоҳ таолонинг мадади ва осонлаштириши билан уларнинг исмлари ва лақаблари мўтабар китобларда баён этилганидек келтирилади, айримларининг таваллуд ва вафот саналари эса бизга маълум бўлганича қайд этилади»<sup>13</sup>.*

«Тарихи Муллозода»да турли даврларда Марказий Осиёда ҳукм сурган сулолалар, жумладан, сомонийлар, қорахонийлар ва салжуқийлар давлатларининг айрим ҳукмдорлари амалга оширган муҳим ишлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Умуман, асарда VIII асрдан XV асргача бўлган даврда яшаб ўтган ҳамда Бухоро ва унинг атрофларида дафн этилган 150 дан ортиқ, шунингдек, улар билан боғлиқ бир қатор дин уламолари (муфассир, муҳаддис, фақиҳ, мутакаллим, имом), тасаввуф шайхлари, олимлар, тарихнавислар,

<sup>11</sup> қаддасаллоху арвоҳаҳум [арабча *قَدَسَ اللهُ أرواحهم*] – Аллоҳ уларнинг руҳларини покласин (улуғ кишилар номи кўплик шаклида тилга олинганда ундан кейин айтиладиган тилак).

<sup>12</sup> Тарихи Муллозода. – Б. 1.

<sup>13</sup> Тарихи Муллозода. – Б. 16.

шоирлар ва ҳукмдорлар қабрларининг жойлашган ўрни ҳамда ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Ушбу шахслар жумласига диний (тафсир, ҳадис, фикҳ, калом ва тасаввуф) ва дунёвий илмлар (фалсафа, мантиқ, тарих, адабиётшунослик, тилшунослик, физика, астрономия ва б.) соҳаларида фундаментал асарлар ёзган **олимлардан** «Абу Ҳафс Кабир» номи билан машҳур бўлган Абу Ҳафс Аҳмад ал-Ижлий ал-Бухорий (150/767–217/832), Абу Бакр Абдуллоҳ Тархон (ваф. 333/944), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ас-Субадмуний (258/872–340/952), Абу Бакр Муҳаммад ал-Калободий ал-Бухорий (305/917–385/995), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бухорий ал-Варроқ Ғунжор ал-Ҳофиз (ваф. 412/1021), Абу-н-Наср Муҳаммад ал-Утбий (ваф. 427/1036), Рукниддин Муҳаммад ал-Бухорий (тав. 491/1098), Абу Исҳоқ Иброҳим ас-Саффор ал-Бухорий (460/1068–534/1140), Фахриддин Абу-л-Маҳосин Ҳасан ал-Ўзгандий (ваф. 592/1196), Шарафиддин Абу Ҳафс Умар ал-Ақилий (ваф. 576/1180 ёки 596/1199), Мавлоно Жамолиддин Саттожий (ваф. 644/1246), Ҳусомиддин Муҳаммад ал-Ахсикатий (ваф. 644/1247), Абу-л-Иффат Мавлоно Ҳофизиддин ал-Бухорий (615/1218 – 693/1294), Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий Бухорий (ваф. 747/1346) ва бошқалар, жумладан, XI–XIII асрларда Бухоро шаҳрида яшаб, фаолият кўрсатган ва фикҳ илми ривожига муносиб ҳисса қўшганлиги сабабли **«Қуззоти сабъа» («Етти қози»)** номи билан машҳур бўлган етти фақиҳдан олтитаси – Абу Жаъфар Муҳаммад аш-Шаъбий (ваф. 400/1010 ёки 404/1013), Абу Зайд Убайдуллоҳ ад-Дабусий (ваф. 430/1039), Абу Иброҳим Исмоил ал-Мустамлий ал-Бухорий (ваф. 434/1043), Заҳириддин Абу Бакр Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 619/1222), Бадиъуддин ал-Бухорий (тахм. VII/XII а.) ва Абдурраҳим ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Садидий аз-Завзаний (тахм. IX/XIV а.), **сўфий шайхлардан** Абу Наср Аҳмад ал-Жандий ат-Туркий (IV/X а.), Абу Бакр Муҳаммад ал-Искоф (ваф. 313/925), Ҳасан Андақий (ваф. 552/1157), Хожа Абдуллоҳ Барақий (ваф. 555/1160), Хожа Авлиё Калон (ваф. 627/1229), Сайфиддин Бохарзий (586/1190–659/1261), Абу-л-Мафохир Яҳё Бохарзий (ваф. 736/1336) ва бошқалар, **ҳукмдорлардан** сомонийлар (261/874–395/1004), қорахонийлар (840–1212) ва салжуқийлар (1097–1153) давлатлари ҳукмдорлари, шунингдек, 536/1142–638/1240 йиллари Бухорода ҳукм сурган, диний ва сиёсий ҳокимиятни ўзида бирлаштирган руҳонийларнинг Буюк Бурҳоний садрлар деб номланувчи сулоласи вакиллари киради.

«Тарихи Муллозода» тузилишига кўра уч қисм ва йигирма тўққиз бўлимдан иборат. Жумладан, асарнинг муқаддима қисми муаллифнинг қисқача кириш сўзидан ташқари, зиёратнинг шаръий асослари ва одоблари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Эркакларга ҳам, аёлларга ҳам қабрларни

зиёрат қилишга рухсат берилганлиги тўғрисида», «Қабрларни қандай зиёрат қилиш кераклиги тўғрисида» ва «Зиёрат одоблари» номли бўлимларни ўз ичига олган.

Асарнинг асосий матни унда тавсифланган қабрларнинг жойлашиш ўрнига қараб икки қисмга бўлинган. Муаллифнинг ўзи бундай бўлиниш тўғрисида шундай маълум қилади:

*«Ушбу нотаваон банданинг ожиз ўйига мазкур дин улуғлари (Аллоҳ таоло уларнинг барчаларининг руҳларини пок қилсин) [қабрлари] тўғрисидаги ҳикояларимни қуйидаги икки қисмга бўлган ҳолда келтирсам деган фикр келди:*

*Биринчи қисм: Шаҳарнинг ўзида ҳамда шаҳардан ярим фарсах<sup>14</sup> узоқликкача бўлган жойларда дафн этилган улуғлар тўғрисидаги ҳикоялар.*

*Иккинчи қисм: Шаҳардан ташқаридаги туманлар ва биринчи қисмда эслатилган жойлардан наридаги маконларда [дафн этилган] улуғлар тўғрисидаги ҳикоялар»<sup>15</sup>.*

«Тарихи Муллозода»нинг **биринчи қисми** 15 бўлимдан иборат бўлиб, улардан 8 таси Хожа Абу Ҳафс, Саффор, Чашмаи Айюб, Сомонийлар, Исмоилийлар, Саттожийлар, Миқдом ва Субадмун қабристонлари ёки қабрлар мажмуалари, 7 таси эса Хожа Абу Ҳафс Сафкардарий, Гунжор Ҳофиз, Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл, Хожа Жандий, Шамс ул-мулк ва Хожа Порадўз каби шахсларнинг алоҳида қабрлари ва мақбаралари ҳамда ушбу қабрларда мангу ором олган кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Асарнинг **иккинчи қисми**дан жой олган 9 бўлимнинг 8 таси Фатҳобод, Садрлар, Буғробек, Етти қози, Ақилий, Абу Бакр Ҳомид ва Шористон қабристонлари ёки қабрлар мажмуалари, 1 таси сунний-ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ал-Куфийнинг (80/699–150/767) шогирди, фақиҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Абасий ал-Куфий аш-Шарафдуний (Шарафданий)га тегишли бўлган алоҳида қабр жойлашган жой ҳамда уларнинг соҳиблари ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади.

<sup>14</sup> фарсах [فرسخ، форс-тожикча фарсанг فرسنگ (тош) сўзининг арабча талаффузда ўзгарган шакли] – олти километр икки юз қирқ метрга тенг келадиган узунлик ўлчов бирлиги.

<sup>15</sup> Тарихи Муллозода. – Б. 17.

## 2.3. АСАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Муин ул-фуқаро ўз асарини ёзишда нафақат маълумот олиш, балки илмий ҳақиқатга таяниш ва илмий аниқликка риоя қилиш мақсадида ўзигача бўлган даврда яратилган кўплаб асарлардан кенг фойдаланган. Унинг ўзи мазкур асарни яратишда илмий ҳақиқат ва аниқлик услубини асос қилиб олганлигига қуйидагича ишора қилиб ўтади:

*«Шунингдек, билиб қўйгинки, Бухоронинг фатҳ этилиши саҳобалар ва тобеинлар разияллоҳу анҳум ажмаъин замонида юз берган бўлса-да, Бухорода саҳобалар ва тобеинлардан бирортасининг пок қабри борлиги аниқланмаган ва ишончли маълумотлар билан тасдиқланмаган. Бухорода Хожа Уҳбон<sup>16</sup>, Каъб ул-Аҳбор<sup>17</sup>, Муҳаммад ибн Восиъ<sup>18</sup> ҳамда саҳобалар ва тобеинлар разияллоҳу анҳум жумласидан бўлган бошқа кишиларнинг қабрлари мавжудлиги тўғрисида Бухоронинг оддий халқи орасида тарқалган ривоятларга келсак, тарихчиларнинг мўътабар асарлари[да келтирилган маълумотлар]дан бунинг акси англашилади. Ушбу кишилардан ҳар бири тўғрисида сўз борган ўринларда [улар тўғрисида] фақатгина ҳақиқий бўлган маълумотлар келтирилади»<sup>19</sup>.*

«Тарихи Муллозода» муаллифи ўз асарини яратиш жараёнида бевосита фойдаланганлигига ишора қилиб ўтган манбаларнинг ўзи ўн олтита. Муин ул-фуқаро мазкур асарлардан асосан уч мақсадда – исломий зиёрат қоидалари ва одоблари, Бухоронинг турли даврлардаги тарихи ҳамда асарда номлари келтириладиган шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот олиш мақсадларида фойдаланганлигидан келиб чиқиб, уларни мазкур уч гуруҳга бўлиб кўрсатамиз.

### **I. Исломий зиёрат қоидалари ва одоблари тўғрисида маълумот олиш мақсадида фойдаланилган манбалар:**

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (131/749–189/805) фикҳга доир кичик маълумотнома сифатида яратган **«Китоб ал-жомеъ ас-сағир»** («Кичик тўплам китоби») **асарига ёзилган шарҳ**. Муин ул-фуқаро мазкур шарҳнинг айнан қайси муаллиф қаламига мансублигини маълум қилмаган. Гап шундаки, Шайбонийнинг «Китоб ал-жомеъ ас-сағир» китобига Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий (ваф. 321/933), Муҳам-

<sup>16</sup> Абу Уқба Уҳбон ибн Авс ал-Асламий (р.а.) (VII а.) – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) саҳобаларидан, ҳадис ривоятчиларидан бири. Бугунги кунда Бухоро халқи орасида «Хожа Уҳбон» ёки «Хожа Абон», «Хожа Ўбон» номи билан машҳур.

<sup>17</sup> Абу Исҳоқ Каъб ибн Мотий ал-Ҳимарий ал-Аҳбор (ваф. 34/654 – 655) – ислом динини қабул қилган яманлик яҳудий, исроилиёт ривоятчиларидан ҳамда Қуръон тафсирчиларидан бири.

<sup>18</sup> Муҳаммад ибн Восиъ ал-Аздий (ваф. 123/741) – тобеинлар жумласидан бўлган фақиҳ ва сўфий.

<sup>19</sup> Тарихи Муллозода. – Б. 16.

мад ибн Муҳаммад Марвазий (ваф. 334/945), Абу Бакр Жассос Розий (ваф. 370/980), Абу Лайс Самарқандий (ваф. 373/984), Абу Бакр Муҳаммад ас-Сарахсий (ваф. 490/1096), Абу-л-Йуср Паздавий (ваф. 493/1100), Абу Саид Му-тахҳар ибн Ҳусайн Яздий (ваф. 571/1175), Масъуд ибн Ҳусайн Яздий (ваф. 586/1190), Фахриддин Абу-л-Маҳосин Ҳасан ал-Ўзгандий ал-Ансорий (ваф. 592/1196), Абу-л-Аббос Заҳриддин Аҳмад ат-Темуртоший ал-Хоразмий (ваф. 601/1205) ва бошқалар томонидан шарҳлар ёзилган. «Тарихи Муллозода»нинг бошқа ўринларида мазкур шарҳловчилардан иккитаси – Абу Бакр Муҳаммад ас-Сарахсий (ваф. 490/1096) ва Фахриддин Абу-л-Маҳосин Ҳасан ал-Ўзгандий ал-Ансорий (ваф. 592/1196) қаламларига мансуб бўлган шарҳларининг эслатилишидан Муин ул-фуқаро ўз асарида фойдаланган шарҳ ушбу икки муаллифдан бирига мансуб бўлиши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилиш имкониятини беради.

2. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Тусийнинг (450/1058–505/1111) фикҳ, калом, тасаввуф ва фалсафага бағишланган **«Иҳё улум ад-дин»** («Диний илмларни тирилтириш») асари.

3. Рукниддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Муфтий ал-Бухорийнинг (491/1098–573/1177) шариат аҳкомларига бағишланган **«Ширъат ул-ислом»** («Исломнинг тўғри йўли») асари.

4. Абу-с-Саодат Мажидиддин Муборак ибн Муҳаммад Шайбоний ал-Мавсилининг (544/1149–606/1210) ҳадисга доир **«Жомеъ ул-усул мин аҳодис ар-расул»** («Пайғамбар ҳадислари тўғрисида асослар тўплами») асари.

5. Абу-р-Ражо Нажмиддин Мухтор ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад аз-Зоҳидий ал-Ғазминийнинг (ваф. 658/1260) фикҳга оид **«Кунят ал-муња ли-татмим ал-ғуня»** («Эҳтиёжларни қондириш учун «Орзу» асарини хулосалаштириш») асари. У бу асарда устози Фахриддин Қабозаний қаламига мансуб «Мунят ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар орзуси») асарини қисқача баён қилган.

6. Абу-р-Ражо Нажмиддин Мухтор ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад аз-Зоҳидий ал-Ғазминийнинг (ваф. 658/1260) Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон ал-Бағдодий (362/972–428/1036) қаламига мансуб фикҳга оид «Мухтасар ал-Қудурий» асарига шарҳ сифатида ёзилган **«Шарҳ ал-Қудурий»** («Қудурий асари шарҳи») асари.

7. Валиюддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Умарий ал-Хатиб ат-Табризийнинг (ваф. 740/1340) ҳадисга оид **«Мишкот ул-масобиҳ»** («Чироқлар тоқчаси») асари.

## **II. Бухоронинг турли даврлардаги тарихи тўғрисида маълумот олиш мақсадида фойдаланилган манбалар:**

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий (286/899–348/960) қаламига мансуб Бухоронинг қадим замонлардан Сомонийлар даврига

қадар бўлган тарихига бағишланган **«Тарихи Наршахий»** («Наршахийнинг тарих китоби») асари. Бу асар «Тарихи Муллозода»да **«Ахбори Бухоро»** («Бухоро хабарлари») номи билан эслатилган.

2. Гунжор ал-Ҳофиз номи билан машҳур бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ (ваф. 412/1021) томонидан Бухоронинг қадим замонлардан Сомонийлар даврига қадар бўлган тарихига бағишлаб ёзилган **«Тарихи Бухоро»** («Бухоро тарихи») асари. Бу асар бизнинг давримизгача етиб келмаган.

3. Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хоразмий аз-Замахшарий (467/1075–538/1144) қаламига мансуб тарих, адабиёт, шеърят ҳамда ўз даврида кенг тарқалган бошқа фанларга оид **«Рабъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр»** («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни») асари.

4. Алоуддин Абу-л-Манзар Ато Малик ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Жувайнийнинг (623/1226–681/1282) Марказий Осиё, Хуросон, Эрон ва уларга қўшни ўлкаларнинг XII–XIII асрлардаги тарихи, жумладан, хоразмшоҳлар давлати, мўғуллар хужуми ва ҳалоқуийлар давлати билан боғлиқ воқеалар тўғрисида ҳикоя қилувчи **«Тарихи жаҳонгушой»** («Жаҳонни эгалловчининг тарихи») асари.

5. Абу Закариё Муҳйиддин Яҳё ибн Шарофиддин ибн Муррий ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Ҳузомий ибн Муҳаммад ан-Нававийнинг (631/1233–676/1277) киши исмлари ҳамда диний матнларда учрайдиган атамаларнинг маънолари изоҳига бағишланган **«Таҳзиб ул-асмо ва-л-луғот»** («Исмлар ва сўзларни тўғрилаш») асари.

**III. Асарда номлари келтириладиган шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот олиш мақсадида фойдаланилган манбалар:**

1. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн ал-Ҳорис ас-Субадмунийнинг (258/872–340/952) ислом оламининг буюк уламиси, фикҳ ва ҳадис соҳаларининг йирик олими, ислом дини суннийлик йўналишидаги *ҳанафийлик* мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ал-Куфий (80/699–150/767) ҳаёти ва фаолиятига бағишланган **«Кашф»** («Очиб бериш») асари. Субадмуний қаламига мансуб ушбу асарнинг тўлиқ номи турли манбаларда **«Кашф ул-осор аш-шарифа фи маноқиб Аби Ҳанифа»** («Абу Ҳанифа фазилатлари тўғрисида «Улуғ белгиларни очиб бериш» китоби»), **«Кашф ал-асрор фи маноқиб Аби Ҳанифа»** («Абу Ҳанифа фазилатлари тўғрисида «Сирларни очиб бериш» китоби») ва ҳ.к. кўринишларида келтирилган.

2. Муин ул-фуқаро томонидан Абу-л-Муин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътамид ибн Муҳаммад ибн Макҳул ибн Фазл ан-Насафий ал-Макҳу-

лий (418/1027–508/1114) қаламига мансублиги айтилган **«Ал-Итмом ли-тамом ал-эхтимом»** («Барча саъй-ҳаракатни ишга солиш учун мукамаллашиш») асари.

3. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний ат-Тамимий ал-Марвазийнинг (506/1113–562/1167) ислом оламининг турли ўлкаларида яшаб ўтган улуғ шахслар, жумладан, уламолар ва машойихлар исмлари, насаблари ва қисқача таржимаи ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган **«Ал-Ансоб»** («Насаблар») асари.

4. Шамсиддин Муҳаммад ибн Юсуф Кирмонийнинг (717/1317–786/1384) **«Ал-Кавокиб ад-дарорий фи шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий»** («Саҳиҳ ал-Бухорий» шарҳига бағишланган «Ёрқин юлдузлар») асари. Бу асар «Тарихи Муллозода»да **«Шарҳи Саҳиҳи Кирмоний»** («Кирмонийнинг «Саҳиҳ»га ёзган шарҳи») номи билан эслатилган.

Албатта, ҳажман кичик бўлишига қарамасдан анча кенг даврга оид тарихий воқеалар, шунингдек, VIII асрдан XV асргача бўлган даврда яшаб ўтган икки юзга яқин шахс тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган «Тарихи Муллозода» асарининг яратилишида фойдаланилган манбалар рўйхати шуларнинг ўзи билангина чекланиши мумкин эмас. Муин ул-фуқаро ўз асарини яратишда бундан бошқа манбалардан ҳам фойдаланганлиги эҳтимоли мавжуд. Чунки муаллиф асарда номлари келтирилган шахслардан анчагина қисми тўғрисидаги маълумотларни қай манбалардан олганлигини маълум қилмаган. «Тарихи Муллозода»ни илк бор монографик тадқиқ қилган шарқшунос Р. Ғафурова ўзининг тадқиқотида Муин ул-фуқаро ушбу асарни яратишда Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг (462/1070–537/1142) **«Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд»** асаридан намуна сифатида фойдаланганлигини тахмин қилади.



## 2.4. АСАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

«Тарихи Муллозода» исломий зиёрат асослари ва зиёратгоҳларга бағишлаб ёзилган зиёратнома асари сифатида ўзи яратилган замондан то XX аср бошларига қадар Марказий Осиё халқлари орасида, шунингдек, ундан ташқаридаги ўлкаларда анчагина машҳур бўлганлигини асарнинг бизнинг давримизгача етиб келган кўплаб қўлёзма нусхаларидан билиб олса ҳам бўлади. Қўлимизда мавжуд маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда ва хорижда «Тарихи Муллозода»нинг 95 та қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистондан ташқари Россия, Тожикистон ва Эрон қўлёзмалар хазиналарида сақланмоқда. Жумладан, биздан олдинги тадқиқотчилар асарнинг хориждаги 40 та қўлёзма нусхаси мавжудлиги тўғрисида маълумот берган бўлсалар, биз ўз изланишларимиз натижасида ҳозирги кунда асарнинг Ўзбекистонда 55 қўлёзма нусхаси сақланаётганлиги аниқланди.

«Тарихи Муллозода» асарининг хориждаги – Ўзбекистондан ташқаридаги қўлёзмалари олдинроқ ва кенгроқ ўрганилганлигидан келиб чиқиб, бошида мазкур асар қўлёзмаларининг хорижий мамлакатлардаги нусхалари тўғрисида умумий маълумот бериб ўтиш, шундан сўнггина унинг Ўзбекистондаги қўлёзма нусхалари тўғрисида сўз юритишга қарор қилинди.

Шарқшунос Р. Ғафурова берган маълумотларга кўра, «Тарихи Муллозода»нинг энг кўп қўлёзмалари сақланаётган хорижий давлат Россия бўлиб, бу мамлакатда асар қўлёзмаларининг жами 25 нусхаси мавжуд. Жумладан, Россия Федерацияси Санкт-Петербург шаҳридаги Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида асарнинг XVI–XIX асрларда кўчирилган 20 та қўлёзма нусхаси сақланмоқда: №А223 (973/1565-66 й.), №В675 (1008/1600 й.), №С453-3 (XVII а.), №В671-2 (1225/1810 й.), №В1148-1 (1225/1810 й.), №С-1922-1 (1229/1814 й.), №4941-1 (1231/1816 й.), №В3339-2 (XIX а. бошлари), №С450-1 (1242/1826-27 й.), №С-1650-4 (1262/1846 й.), №С451-2 (1276/1859-60 й.), №В-2411-2 (1277/1860-61 й.), №В-673-2 (1281/1864-65 й.), №В-678 (1289/1872 й.), №А1055 (1290/1873 й.), №В2307-1 (1291/1874 й.), №В672 (XIX а.), №В2020 (XIX а.), №С1677-1 (XIX а.), №А1223-3 (XIX а.). Бундан ташқари, Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети қўлёзмалар фондида ҳам асарнинг XVI–XIX асрларда кўчирилган қуйидаги 5 та қўлёзма нусхаси мавжуд: №604 (911/1505-06–1011/1602-

03 й.), №390<sup>a</sup> (XVI–XVII а.), №P.947 (1052/1642 й.), №P.948<sup>b</sup> (1287/1870 й.), №593<sup>c20</sup>.

«Тарихи Муллозода» асари қўлёзмаларининг маълум бир қисми кўшни Тожикистон давлатидадир. Р. Ғафурованинг маълум қилишича, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қўлёзмалар фондида асарнинг XVII–XIX асрларда кўчирилган 12 та қўлёзма нусхаси сақланмоқда: №513/I (1059/1649 й.), №1336/I (1073/1662-63 й.), №1944 (XVII а.), №1960 (1246/1830 й.), №1256/VI (1251/1835-36 й.), №708/VII (1251/1835-36), №283/II (1257/1841 й.), №548/VII (1263/1847 й.), №1191/V (1285/1868-69 й.), №236/1 (1290/1873 й.), №26/1 (1306/1888-89 й.), №1604 (1314/1896-97 й.)<sup>21</sup>.

«Тарихи Муллозода» қўлёзма нусхалари сақланаётган яна бир хорижий давлат Эрондир. Ҳозирда Эрондаги кутубхоналарда асарнинг XIX асрда кўчирилган 3 та қўлёзма нусхаси мавжуд: Сипаҳсолор мадрасаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №1642 (1234/1818 й.), Малик миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №4330 (1292/1875 й.) ва Эрон Мажлиси кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №ḥ2/225 (1301/1884 й.) рақамли қўлёзма нусхалар<sup>22</sup>.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, «Тарихи Муллозода»нинг Эронда сақланаётган нусхаларидан биринчиси – 1234/1818 йили Бухорода кўчирилган №1642-рақамли Сипаҳсолор нусхаси «Рисолаи Муллозода» номи остида Наршахийнинг «Тарихи Наршахий» асари билан бир жилдда китобат қилинган бўлиб, ушбу нусха Эрондаги қолган икки нусха – Малик миллий кутубхонаси (№4330, 1292/1875 й.) ва Эрон Мажлиси кутубхонаси (№ḥ2/225, 1301/1884 й.) нусхалари учун асос бўлиб хизмат қилганлиги сабабли асарнинг Эрондаги қолган икки нусхаси ҳам «Рисолаи Муллозода» номи остида Наршахийнинг «Тарихи Наршахий» асари билан бир жилдда кўчирилган.

Манбашунос Р. Ғафурова ўз тадқиқотида «Тарихи Муллозода» асарининг Ўзбекистон қўлёзмалар хазиналарида 14 та, жумладан, ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фон-

<sup>20</sup> «Тарихи Муллозода» асарининг Россия қўлёзма хазиналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари тўғрисидаги жамлаштирувчи ушбу маълумот Р. Ғафурованинг «Тарихи Муллозода»га бағишланган монографик тадқиқотидан фойдаланган ҳолда шакллантирилди. Бу тўғрида қаранг: Р. Л. Ғафурова. Китоби Мулла-заде / Р. Л. Ғафурова. – Ташкент: «Фан», 1992. – С. 9-10.

<sup>21</sup> «Тарихи Муллозода» асарининг Тожикистон қўлёзма хазиналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари тўғрисидаги маълумот Р. Ғафурованинг «Тарихи Муллозода»га бағишланган монографик тадқиқотидан фойдаланган ҳолда шакллантирилди. Бу тўғрида қаранг: Р. Л. Ғафурова. Китоби Мулла-заде / Р. Л. Ғафурова. – Ташкент: «Фан», 1992. – С. 9-10.

<sup>22</sup> «Тарихи Муллозода» асарининг Эрон қўлёзма хазиналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари тўғрисидаги маълумот эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гулчин Маонийнинг «Тарихи Муллозода»нинг Техрон нашрига ёзган сўзбошисидан фойдаланган ҳолда шакллантирилди. Бу тўғрида қаранг: Муин ул-фуқаро, Аҳмад ибн Маҳмуд. Тарихи Муллозода дар зикри мазороти Бухоро / Сўзбоши, таҳрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи Аҳмад Гулчин Маоний. – Техрон: Эроншунослик тадқиқотлари маркази, 1370/1991. Мухаррир сўзбошиси (асар матни ва сўзбоши форс тилида). – Б. 3-5.

дида 9 та (№46/I, 1245/1829; №47/I, 1314/1896-97; №48/I, 1261/1845; №49/I, 1307/1889; №1384/I, 1270/1853; №1494/I, 1233/1818; №1507/I, 1276/1860; №1892/I, 1262/1846; №2529/II, 1255/1839-40), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида 4 та (№26, 1279/1863; №30; №31а, 1235/1819; №32а, 1231/1815) ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс маркази қўлёзмалар фондида 1 та (№09/902, 1230/1814-15) нусхаси мавжудлиги тўғрисида эслатиб ўтган<sup>23</sup>.

Биз Р. Ғафурованинг мазкур тадқиқоти амалга оширилганидан буён анчагина – ўттиз йилга яқин вақт ўтгани сабабли, ундаги айрим маълумотлар бирмунча эскирган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда «Тарихи Муллозода» асарининг Ўзбекистондаги қўлёзма нусхалари бўйича қайтадан текширув ўтказишга қарор қилдик. Амалга оширилган изланишлар натижасида ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида асарнинг Р. Ғафурова томонидан эслатилган 9 та қўлёзма нусхасидан ташқари яна 41 нусхаси мавжудлигини, бундан ташқари, ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фонди, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси «Хужжатлар» фонди ва Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти Ахборот-кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалари фондида ҳам «Тарихи Муллозода» асарининг Р. Ғафуровага маълум бўлмаган яна 4 та қўлёзма нусхаси сақланишини аниқладик. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида асарнинг Р. Ғафурова томонидан эслатилган 4 қўлёзма нусхасини топа олмадик. Тахминимизча, «Тарихи Муллозода»нинг Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нусхаларининг барчаси ёки бир қисми кейинчалик бошқа қўлёзмалар хазиналари, жумладан, ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ўтказиб юборилган бўлиши мумкин. «Тарихи Муллозода» асарининг ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 9 қўлёзма нусхаси тўғрисида Р. Ғафурова томонидан келтирилган маълумотлар билан ушбу қўлёзма нусхалар тўғрисида биз аниқлаштирган маълумотлар ўртасида айрим фарқлар мавжуд. Жумладан, асарнинг Р. Ғафурова тавсифидаги №47/I рақамли қўлёзмаси бугунги кунда №47/2 рақами остида, №2529/II рақамли қўлёзмаси №2529/6 рақами остида сақланмоқда. Бундан ташқари, мазкур институт қўлёзмалар фондида Р. Ғафурова тавсифидаги №1507/I (1276/1860) рақамли қўлёзмани топа олмадик, аммо рақами шунга ўхшаб кетадиган, бироқ кўчирилган санаси бошқа бўлган №1507/2 (1256/1840) рақамли қўлёзма мавжудлигини аниқладик.

<sup>23</sup>Қ а р а н г: Р. Л. Ғафурова. Китоби Мулла-заде / Р. Л. Ғафурова. – Ташкент: «Фан», 1992. – С. 9-10.

Шундай қилиб, амалга оширилган изланишлар натижасида ҳозирги кунда мамлакатимизнинг қўлёзмалар хазиналарида ушбу асарнинг жами 55 та қўлёзма нусхаси сақланаётганлигини аниқладик:

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 50 та, жумладан:

- ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида 43 та: №46/1, 1245/1829; №47/2, 1314/1896; №48/1, 1261/1845; №49/1, 1307/1889; №1384/1, 1270/1853; №1494/2, 1233/1818; №1507/2, 1256/1840; №1530, 1279/1862; №1892/1, 1262/1846; №2047/2, 1318/1900; №2212/4, 1304/1887; №2381/2, 1277/1860; №2529/6, 1255/1839; №3302, 1261/1845; №№3390/3, 1220/1805; №3396/1, 1220/1805; №3410/25; №3417/1; №3419/2, 1292/1875; №3856/6, 1245/1830; №4269/1, 1315/1897; №4355/1, 1219/1805; №4447/2, 1251/1835; №№4510; №4580/1, 1309/1892; №4589, 1313/1895; №4621/2, 1244/1828; №4799/3, 1227/1812; №4998/3, 1275/1858; №5056/1, 1246/1830; №5387/2, 1309/1892; №5388/1, 1235/1820; №5389/4, 1231/1816; №5592, 1297/1880; №6079/1, 1303/1885; №9013/4, 1233/1817; №9046/4; №9436/2, 1221/1807; №№9459/4, 1253/1837; №9692/2, 1248/1832; №9767/2, 1292/1875; №9857/5, 1247/1831; №11355/3, 1265/1849;

- ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти дублет фондида 7 та: №516/2, 1290/1873; №632/1, 974/1566; №1063/2, 1236/1821; №2753/2, 1285/1868; №2955/4; №3297/3, 1274/1857; №3372/3, 1228/1813;

- ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фондида 1 та: №412/III, 1227/1812;

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс маркази қўлёзмалар фондида 1 та: №09/902, 1230/1815;

- Бухоро давлат музей-қўриқхонаси «Хужжатлар» фондида 2 та: №26037/11, 1116/1704; №9820/12, 1329/1911;

- Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти Ахборот-кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалари фондида 1 та: №299, 1236/1821.

Ўтмишда «Тарихи Муллозода» асарининг ўлкамиз ва ундан ташқарида анчагина машҳур бўлганлиги, шунга кўра, унинг қўлёзма нусхалари бундан-да кўпроқ бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, уларни мамлакатимиздаги қўлёзмалар сақланувчи бошқа марказлардан ҳам қидириб кўрдик. Бироқ мазкур марказлар, жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Хоразм Маъмун академияси кутубхоналарида ушбу асар қўлёзмалари мавжуд эмаслиги маълум бўл-

ди. Шунга қарамасдан, бошқа марказлар, шунингдек, аҳоли ихтиёридаги коллекцияларда «Тарихи Муллозода»нинг бизга маълум бўлмаган бошқа қўлёзмалари мавжудлигини ва улар келажакда тадқиқотчиларга маълум бўлиши мумкинлигини эҳтимолдан узоқ тутмаган ҳолда, асарнинг бизгача етиб келган қўлёзма нусхалари рўйхати бундан-да кенгайишини башорат қилиш мумкин.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, «Тарихи Муллозода» асарининг аксарият қўлёзма нусхаларида муаллифнинг номи **Аҳмад ибн Маҳмуд** кўринишида эслатилган бўлса-да, асар қўлёзмасининг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги №4589 рақамли, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (№09/902) ҳамда Санкт-Петербург давлат университети (№160) нусхаларида муаллифнинг номи **Аҳмад ибн Муҳаммад**, асарнинг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги №5056/1 рақамли қўлёзмасида **Муҳаммад ибн Маҳмуд**, №46/1 рақамли қўлёзмасида эса **Муллозода** кўринишида келтирилган.

Асарнинг номи аксарият қўлёзма нусхаларда **«Тарихи Муллозода» («Муллозоданинг тарих китоби»)** кўринишида келтирилган. Шунингдек, асар қуйидаги номлар билан ҳам машҳур бўлган:

**«Китоби Муллозода» («Муллозоданинг китоби»)** – асарнинг Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №В675 (1008/1600 й.), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №09/902 (1230/1814-15 й.), ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №1494/2 (1233/1818 й.), №1507/2 (1256/1840), №1530 (1279/1862), №5387/2 (1309/1892) ва №5388/1 (1235/1820) рақамли қўлёзма нусхаларида;

**«Рисолайи Муллозода» («Муллозода рисоласи»)** – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №2212/4 (1304/1887) ва №6079/1 (1303/1885), шунингдек, Эрондаги кутубхоналар, жумладан, Сипаҳсолор мадрасаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №1642 (1234/1818 й.), Малик миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №4330 (1292/1875 й.) ва Мажлис кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №᠒2/225 (1301/1884 й.) рақамли қўлёзма нусхаларида;

**«Тарихи Муллозода Бухорий» («Муллозода Бухорийнинг тарих китоби»)** ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №3390/3 (1220/1805) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Китоби Муллозода Бухорий» («Муллозода Бухорийнинг китоби»)** Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети қўлёзмалар фондида сақланаётган №P.947 (1052/1642 й.) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Китоби маноқиб мазороти Бухорои шариф» («Бухорои шарифдаги мазорлар хислатлари тўғрисидаги китоб»)** асарининг Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети қўлёзмалар фондида сақланаётган №390<sup>a</sup> (XVI–XVII а.) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Тарихи бузургони Бухоро» («Бухоро улуғлари тазкираси»)** Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети қўлёзмалар фондида сақланаётган №604 (911/1505-06–1011/1602-03 й.) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Тарихи мазорот» («Мазорлар тарихи»)** Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №1604 (1314/1896-97 й.) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Тарихи мазороти Бухоро» («Бухородаги мазорлар тарихи»)** ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган №412/III (1227/1812) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Тарихи тоифаи фузалои Бухоро» («Бухоро фозиллари табақаси тарихи»)** ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №46/1 (1245/1829) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Рисолаи зикри мазороти Бухоро» («Бухородаги мазорлар тўғрисида рисола»)** ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №9436/2 (1221/1807) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Рисолаи зикри мазороти балдаи фоҳираи Бухоро» («Улуғвор Бухоро шаҳридаги қабрлар тўғрисида рисола»)** ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №3410/25 рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Рисолаи Муллозода Фуқароий дар мадҳи қуббат ул-ислом Бухоро» («Муллозода Фуқароийнинг ислом гумбази Бухоро мадҳида битган рисоласи»)** ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №4269/1 (1315/1897) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Рисола дар фазои Бухоро» («Бухоро фазилатлари тўғрисида рисола»)** Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №С453-3 (XVII а.) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Тазкираи шуйухи Бухоро» («Бухоро шайхлари тазкираси»)** Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети қўлёзмалар фондида сақланаётган №593<sup>c</sup> (?/?) рақамли қўлёзма нусхасида;

**«Зикри тоифаи Бухоро ва навоҳиҳо» («Бухоро ва унинг атрофларидаги тоифалар баёни»)** Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №1256/VI (1251/1835-36 й.) рақамли қўлёзма нусхасида.

«Тарихи Муллозода»нинг XVI–XVIII асрларда кўчирилган ва бугунги кунда Россия Федерацияси Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети қўлёзмалар фондида сақланаётган №604 (911/1505 – 1011/1602 й.), №390<sup>а</sup> (XVI–XVII а.), №P.947 (1052/1642 й.), Россия Федерацияси Санкт-Петербург шаҳридаги Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №A223 (973/1565 й.), №B675 (1008/1600 й.), №C453-3 (XVII а.), ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган № ДҚ.632/1 (974/1566 й.), Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №513/I (1059/1649 й.), №1336/I (1073/1662-63 й.), №1944 (XVII а.) ҳамда Бухоро давлат музей-қўриқхонаси «Хужжатлар» фондида сақланаётган №26037/11 (1116/1704 й.) рақамли қўлёзма нусхалари асарнинг энг қадимий ва нисбатан қадимий нусхалари ҳисобланади. Асарнинг бизга маълум бўлган қўлёзмалари орасида энг кейин кўчирилганлари сифатида ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №2047/2 (1318/1900 й.) ва Бухоро давлат музей-қўриқхонаси «Хужжатлар» фондида сақланаётган №9820/12 (1329/1911 й.) рақамли қўлёзма нусхаларни эслатиш мумкин. «Тарихи Муллозода»нинг бизга маълум бўлган 5 та қўлёзмаси, жумладан, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №3410/25, №3417/1, №4510, №9046/4 ва №.2955/4 рақамли нусхаларида уларнинг кўчирилган вақти қайд этилмаган. Асарнинг қолган 77 қўлёзма нусхаси XIX асрнинг турли йилларида кўчирилган.

«Тарихи Муллозода» асари қўлёзмаларининг аксарият қисми Бухорода кўчирилган. Жумладан, асарнинг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 50 нусхасидан 27 таси, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланаётган 1 та нусхасида уларнинг Бухоро шаҳрида кўчирилганлиги маълум қилинган. Шунингдек, Шарқшунослик институтидаги китобат қилинган жойи кўрсатилмаган №632/1 рақамли қўлёзманинг котиби Бухорода яшаб, шу ерда вафот этган Поянда Муҳаммад ибн Дарвеш Муҳаммад (ваф. 1601) бўлганлиги, ушбу институтдаги №1507/2 рақамли қўлёзма эса Мулло Мир Мусайяб Бухорий деган котиб томонидан кўчирилганлиги ушбу қўлёзмаларнинг ҳам китобат қилинган жойи Бухоро бўлганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, Санкт-Петербург давлат университети

Шарқ факультети қўлёзмалар фондида сақланаётган №P.947 (1052/1642 й.), Эрондаги Сипаҳсолор мадрасаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №1642 (1234/1818 й.) ва Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №A1055 (1290/1873 й.) рақамли қўлёзмалар ҳам Бухорода кўчирилган.

«Тарихи Муллозода» қўлёзмаларидан маълум қисми Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўчирилган. Жумладан, асарнинг Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №B671-2 (1225/1810 й.) рақамли қўлёзма нусхаси Насаф (Қарши) шаҳрида китобат қилинган.

«Тарихи Муллозода»нинг ўзи яратилган юртдан ташқарида ҳам донг таратганлиги асар қўлёзма нусхаларининг Марказий Осиёдан ташқаридаги ўлкаларда нафақат кенг тарқалиши, балки китобат этилишида ҳам кўринади. Асарнинг Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №B3339-2 (XIX а. бошлари) ва №A1223-3 (XIX а.) рақамли қўлёзмалари Волгабўйи ўлкасида, Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети қўлёзмалар фондида сақланаётган №593,с (?/?) рақамли қўлёзма нусхаси эса ушбу ўлканинг марказий шаҳри бўлмиш Қозонда кўчирилган. Нафақат «Тарихи Муллозода» асари етиб борган, балки китобат ҳам этилган ўлкалар жумласига Эрон ҳам кирди. Асарнинг Эрондаги Малик миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №4330 (1292/1875 й.) ва Эрон Мажлиси кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №Ḥ2/225 (1301/1884 й.) рақамли қўлёзма нусхалари Эроннинг Техрон шаҳрида кўчирилган.

«Тарихи Муллозода» асарининг шеърый варианты ҳам яратилган. 1323/1905 йили Абдуллоҳхожа Бухорий ибн Мухторхожа мазкур асарни «Тарихи Муллозодаи манзум» («Муллозода тарих китобининг шеърый баёни») номи остида бироз қисқартирилган кўринишда шеърга айлантирган. Бугунги кунда асарнинг 1 дона қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №2126 рақам остида сақланмоқда.

«Тарихи Муллозода» асари 1322/1904 йили бухоролик китобфуруш Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий томонидан Когон ва Бухоро шаҳарлари матбааларида Наршахийнинг «Тарихи Наршахий» асари билан бир жилдда тошбосма усулида нашр этилади. Бугунги кунда ушбу тошбосма нашрнинг 16 та нусхаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида (№3811, №3812, №3813, №3814, №№3815, №9581, №9582, №10472, №14624), Бухоро давлат музей-қўриқхонаси «Хужжатлар» фондида (№9778/12, №10823/11, №12154/11, №24164/11, №29054/11) ва Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти Ахборот-кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалари фондида (№231, №960) сақланмоқда.



## «ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

### «ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ

### ЎЗР ФА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ АСОСИЙ ФОНДИДАГИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Т/Р	Инвентарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Котиб ёки хаттот номи	Кўчирилган сана	Кўчирилган жой
1	46/1	Муллозода	Тарихи тоифаи фузалои Бухоро	.....	1245/1829 й.	Бухоро
2	47/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Абдуллоҳ ибн Абдулазиз	1314/1896 й.	.....
3	48/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1261/1845 й.	Бухоро
4	49/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1307/1889 й.	Бухоро
5	1384/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1270/1853 й.	Бухоро
6	1494/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Китоби Муллозода	.....	1233/1818 й.	.....
7	1507/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Китоби Муллозода	Мулло Мир Мусайяб Бухорий ибн Мулло Мир Ҳомид	1256/1840 й.	.....

8	1530	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Китоби Муллозода	Муҳаммад Маҳмудхожа ибн Мансурхожа ибн Иброҳимхожа ибн Хусайнхожа ал-Мах-дум ал-Аъзам	1279/1862 й.	.....
9	1892/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1262/1846 й.	Бухоро
10	2047/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1318/1900 й.	Бухоро
11	2212/4	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Рисолаи Муллозода	Сайид Мирсиддиқ	1304/1887 й.	Бухоро
12	2281/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1277/1860 й.	Бухоро
13	2529/6	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1255/1839 й.	.....
14	3302	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1261/1845 й.	.....
15	3390/3	Аҳмад ибн Муҳаммад Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозодаи Бухорий	Миршокир ибн Мир Абдурасул Бухорий	1220/1805 й.	Бухоро
16	3396/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Хусайн Ба-дахший	1220/1805 й.	Бухоро
17	3410/25	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Рисолаи зикри мазороти балдаи фоҳираи Бухоро, Китоби Муллозода	.....	.....	.....

18	3417/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Абдурахмонхожа ибн Муҳаммад Фозилхожа Мирхайдарий	.....	Бухоро
19	3419/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1292/1875 й.	Бухоро
20	3856/6	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Абдуҳолик	1245/1830 й.	Бухоро
21	4269/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Рисолаи Муллозода Фуқароӣ дар мадҳи Қуббат ул-ислом Бухоро	.....	1315/1897 й.	Бухоро
22	4355/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Ҳожи Боқий ибн Мулло Надр Муҳам- мад Бухорӣ	1219/1805 й.	Бухоро
23	4447/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1251/1835 й.	Бухоро
24	4510	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	.....	Бухоро
25	4580/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мир Юсуф	1309/1892 й.	Бухоро
26	4589	Аҳмад ибн Муҳаммад Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Абдулжалил Жўйбо-рий	1313/1895 й.	Бухоро
27	4621/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1244/1828 й.	Бухоро
28	4799/3	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Муҳаммад Ражаб	1227/1812 й.	.....

29	4998/3	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1275/1858 й.	.....
30	5056/1	Муҳаммад бин Маҳмуд	Тарихи Муллозода	Мир Ўзбек	1246/1830 й.	.....
31	5387/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Китоби Муллозода	.....	1309/1892 й.	Бухоро
32	5388/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Китоби Муллозода	.....	1235/1820 й.	Бухоро
33	5389/4	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1231/1816 й.	Бухоро
34	5592	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1297/1880 й.	Бухоро
35	6079/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Рисолаи Муллозода	.....	1303/1885 й.	Бухоро
36	9013/4	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мир Саййид Муҳам- мад ибн Миракхожа Бухорий	1233/1817 й.	Бухоро
37	9046/4	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	.....	.....
38	9436/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Рисолаи зикри мазороти Бухоро	Шайхимуқули Муҳам- мад ибн Назар Оталиқ	1221/1807 й.	Бухоро
39	9459/4	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1253/1837 й.	.....
40	9692/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Муҳаммад Шариф ибн Бурҳон	1248/1832 й.	.....

41	9767/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1292/1875 й.	.....
42	9857/5	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1247/1831 й.	.....
43	11355/3	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Абдуназар ибн Муҳаммад Қосим Лабиобий	1265/1849 й.	.....

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
ЎЗР ФА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ДУБЛЕТ ФОНДИДАГИ  
ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИ**

Т/Р	Инвентарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Котиб ёки хаттот номи	Кўчирилган сана	Кўчирил- ган жой
1	516/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мир Атоуллоҳ қори	1290/1873 й.	.....
2	632/1	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Поянда Муҳаммад ибн Дарвеш Муҳаммад	974/1566 й.	.....
3	1063/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1236/1821 й.	.....
4	2753/2	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1285/1868 й.	.....

5	2955/4	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	.....	.....
6	3297/3	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1274/1857 й.	.....
7	3372/3	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1228/1813 й.	.....

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
ЎЗР ФА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ҲАМИД СУЛАЙМОНОВ ФОНДИДАГИ ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Қотиб ёки хаттот номи	Қўчирилган сана	Қўчирил- ган жой
1	396	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Зикри тоифа мин аҳли Бухоро	.....	.....	.....
2	698	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Зикри тоифа мин аҳли Бухоро	.....	.....	.....

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
ЎЗР ФА АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ  
ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИДАГИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Котиб ёки хаттот номи	Кўчирилган сана	Кўчирил- ган жой
1	412/III	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи мазороти Бухоро	Подшоҳхон ибн Ҳа- бибуллоҳхожа Эшон	1227/1812 й.	.....

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ  
ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИДАГИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Котиб ёки хаттот номи	Кўчирилган сана	Кўчирил- ган жой
1	09/902	Аҳмад ибн Муҳаммад Муин ул-фуқаро	Китоби Муллозода	Муҳаммад Латиф ибн Муҳаммад Зариф ал-Бухорий	1230/1815 й.	Бухоро

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ «ХУЖАТЛАР» ФОНДИДАГИ  
ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Котиб ёки хаттот номи	Кўчирилган сана	Кўчирилган жой
1	26037/11	Аҳмад ибн Муҳаммад Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Муҳаммад Хусайн	1116/1704 й.	.....
2	9820/12	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Муҳйиддин Раъфат	1329/1911 й.	.....

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ВИЛОЯТИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ  
ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ФОНДИДАГИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Котиб ёки хаттот номи	Кўчирилган сана	Кўчирилган жой
1	299	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	.....	1236/1821 й.	.....



**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДАЙИ МАНЗУМ» АСАРИНИНГ  
ЎЗР ФА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
АСОСИЙ ФОНДИДАГИ ҚҮЛЁЗМА НУСХАСИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Котиб ёки хаттот номи	Кўчирилган сана	Кўчирилган жой
1	2126	Абдуллоҳхожа Бухорий ибн Мухторхожа	Тарихи Муллозодаи манзум	.....	1323/1905 й.	Бухоро

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ**

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
ЎЗР ФА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
АСОСИЙ ФОНДИДАГИ ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Нашр этувчининг номи	Ҳаж- ми	Нашр этилган жой	Нашр этилган сана
1	3811	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
2	3812	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
3	3813	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.

4	3814	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
5	3815	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
6	9581	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
7	9582	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
8	10472	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
9	14624	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	72 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ «ҲУЖЖАТЛАР» ФОНДИДАГИ  
ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Нашр этувчининг номи	Ҳаж- ми	Нашр этилган жой	Нашр этилган сана
1	9778/12	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	125 б.	Когон матбааси	1322/1904 й.
2	10823/11	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	125 б.	Когон матбааси	1322/1904 й.
3	12154/11	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	125 б.	Когон матбааси	1322/1904 й.

4	24164/11	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	144 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
5	29054/11	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	196 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.

**«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИНИНГ  
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ВИЛОЯТИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ  
ШАРҚ ҚҮЛЁЗМАЛАРИ ФОНДИДАГИ ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ**

Т/Р	Инвен- тарь рақами	Муаллиф номининг берилиши	Асар номининг берилиши	Нашр этувчининг номи	Ҳаж- ми	Нашр этилган жой	Нашр этилган сана
1	231	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	202 б.	Бухоро матбааси	1322/1904 й.
2	960	Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро	Тарихи Муллозода	Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий	205 б.	Когон матбааси	1322/1904 й.

## 2.5. АСАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

«Тарихи Муллозода» XIX аср охирларидан бошлаб тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига торта бошлаган. Жумладан, рус шарқшуносларидан Борис Дорн (1805–1881)<sup>24</sup>, Карл Залеман (1850–1916)<sup>25</sup>, Виктор Розен (1849–1908)<sup>26</sup>, Евгений Каль (1861–1891)<sup>27</sup>, Василий Бартольд (1869–1930)<sup>28</sup>, Василий Вяткин (1869–1932)<sup>29</sup>, Александр Семёнов (1873–1958)<sup>30</sup> ва Николай Миклухо-Маклай (1915–1975)<sup>31</sup>, тожик олими Абдурахмон Тоҳиржонов (1907–1983)<sup>32</sup> ҳамда эронлик тадқиқотчи Саид Нафисий (1895–1966)<sup>33</sup> асарнинг қўлёзма нусхаларини тадқиқ ва тавсиф қилишди.

«Тарихи Муллозода»дан қадимий манба сифатида фойдаланган илк тадқиқотчи эса В. Бартольд бўлди. У ўзининг «Туркистон мўғул босқинчилиги даврида» асарида Марказий Осиёнинг мўғул истилосига қадар бўлган даври, жумладан, қорахонийлар сулоласи ҳукмдорлари фаолиятини ёритишда Муин ул-фуқаронинг асаридан самарали фойдаланади<sup>34</sup>. Шунингдек, «Тарихи Муллозода» Иван Умняков (1890–1976)<sup>35</sup>, Василий Вяткин<sup>36</sup>, Василий Шишкин (1894–1966)<sup>37</sup>, Ольга Сухарева (1903–1983)<sup>38</sup> каби шарқшунослар тадқиқотларида ҳам фойдаланилган манбалардан бири бўлди.

«Тарихи Муллозода» илк бор XX аср бошларидаёқ нашр этилган бўлса-да, қимматли тарихий манба сифатида бевосита тадқиқ қилиш бир-

<sup>24</sup> Melanges Asiatiques (Bulletin de L'Academie imperiale des sciences de St.-Petersbourg) 1887. – Т. VII. P. 173.

<sup>25</sup> Залеман К., Розен В. Список к персидским, турецко-татарским и арабским рукописям библиотеки Спб. университета. ЗВО РАО. Т. II. 1888. – С. 241–262; Т. III. 1889. – С. 197–222; Melanges Asiatiques, X, 1890. P. 271–281, 288.

<sup>26</sup> Залеман К., Розен В. Список к персидским, турецко-татарским и арабским рукописям библиотеки Спб. университета. ЗВО РАО. Т. II. 1888. – С. 241–262; Т. III. 1889. – С. 197–222.

<sup>27</sup> Каль Е. Ф. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской публичной библиотеки. – Ташкент, 1889.

<sup>28</sup> Бартольд В. В. Туркестан. Исследование. Соч. 1. – С. 107–108.

<sup>29</sup> Перечень восточных рукописей В. Л. Вяткина в Государственной публичной библиотеке РУз. Труды Государственной публичной библиотеки РУз. Т. 1. – Ташкент, 1935. – С. 66.

<sup>30</sup> Семенов А. А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей Фундаментальной библиотеки САГУ. – Ташкент, 1935. – С. 39.

<sup>31</sup> Миклухо-Маклай Н. Д. Описание таджикских и персидских рукописей. Вып. 1. С. 48–57. М. – Л., 1955.

<sup>32</sup> Тагирджанов А. Т. Описание таджикских и персидских рукописей Восточного отдела библиотеки ЛГУ. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1962. – С. 388–396.

<sup>33</sup> Нафисий, Саид. Хижрий Х асрга қадар бўлган даврда Эрондаги ва форс тилидаги назм ва наср (форс тилида). – Техрон: Фуруғий, 1363/1984. – Б. 237.

<sup>34</sup> Қаранг: Бартольд В. В. Сочинения. Т. I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Москва: Изд. Восточной литературы, 1963. – С. 107–108, 376, 381–382, 384, 389–390.

<sup>35</sup> Қаранг: Умняков И. И. Рабат-и Малик. Сб., посвященный В. В. Бартольду. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Ташкент, 1927. – С. 186–187.

<sup>36</sup> Қаранг: Вяткин В. Л. Шейхи Джуйбари. – Ташкент, 1927; Вяткин В. Л. Ходжа Ислам. Сб., посвященный В. В. Бартольду. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Ташкент, 1927. – С. 4.

<sup>37</sup> Қаранг: Шишкин В. А. Архитектурные памятники Бухары. – Ташкент, 1936. – С. 33.

<sup>38</sup> Қаранг: Сухарева О. А. К вопросу об исторической топографии Бухары X–XII вв. Труды Академии наук Таджикистана. Т. XXVII. – Сталинабад, 1954; Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства. Очерк третий к вопросу о Бухаре XVI в. – Ташкент, 1958. – С. 47–55.

мунча кейинроқ бошланди. Ушбу асар 1322/1904 йили китоб савдоси билан шуғулланувчи Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий томонидан «Тарихи Наршахий» асари билан бир жилдда нашрга тайёрланиб, Когон ва Бухоро шаҳарлари матбааларида тошбосма усулида чоп этилади<sup>39</sup>. 1960 йили асарнинг илк нашрини Эрондаги Сипаҳсолор мадрасаси қўлёзмалар фондида сақланаётган №1642 (1234/1818 й.) рақамли қўлёзма нусхаси асосида тайёрлаб, амалга оширган эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гулчин Маоний мазкур нашр сўзбошида «Тарихи Муллозода»нинг Эрондаги қўлёзмалари, тузилиши, мазмуни, тил услуби ва тарихий манба сифатидаги аҳамияти борасида ўта умумий бир тарзда сўз юритиб ўтди<sup>40</sup>. Асарнинг иккинчи нашри 1991 йили амалга оширилди<sup>41</sup>. Кейинчалик бошқа бир эронлик тадқиқотчи Шаҳром Юсифийфар «Тарихи Муллозода» тадқиқига бағишланган алоҳида мақолада асар муаллифи Муин ул-фуқаронинг ҳаёти, мазкур асарнинг мавзуси, тузилиши ҳамда тарихий манба сифатидаги қимматига доир фикрлари билан ўртоқлашди<sup>42</sup>. Аммо, тан олиш лозимки, Юсифийфар ўз мақоласида «Тарихи Муллозода» ва унинг муаллифи тўғрисида ўзидан олдинги эронлик тадқиқотчилар – Саид Нафисий ва Аҳмад Гулчин Маоний билдирган умумий, баъзида хато маълумотлар доирасидан чиқиб кета олмаган. Мазкур эронлик манбашунослардан бирортаси нафақат асар муаллифи Муин ул-фуқаронинг ҳаёти тўғрисидаги энг умумий маълумотларни, жумладан, таваллуд ва вафот саналари ёки асарлари сонини аниқлашга ҳаракат қилиб ҳам кўрмаган, балки асарда қабри ва ҳаёти тўғрисида эслатилган шахсларнинг аниқ сонини ҳам нотўғри беришган.

«Тарихи Муллозода» биринчи марта ўзбек шарқшуноси Раъно Ғафурова томонидан монографик тадқиқот объектига айлантирилди. Унинг 1992 йили чоп этилган «Китоби Муллозода» монографиясида мазкур асар борасида амалга оширилган тадқиқот натижалари билан бирга, асарнинг рус тилига таржимаси ҳам жой олган<sup>43</sup>. Р. Ғафурова мазкур тадқиқотида биринчи марта «Тарихи Муллозода»нинг Ўзбекистон ва хориждаги қўлёзмалар хазиналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари,

<sup>39</sup> Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро. Тарихи Муллозода // «Тарихи Наршахий» билан бир жилдда (форс-тожик тилида) [Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий томонидан нашрга тайёрланган]. – Когон: Когон матбааси, 1322/1904. – 72 б.; Аҳмад ибн Маҳмуд Муин ул-фуқаро. Тарихи Муллозода // «Тарихи Наршахий» билан бир жилдда (форс-тожик тилида) [Мулло Султон ибн Мулло Собир Бухорий томонидан нашрга тайёрланган]. – Бухоро: Бухоро матбааси, 1322/1904. – 72 б.

<sup>40</sup> Муин ул-фуқаро, Аҳмад ибн Маҳмуд. Тарихи Муллозода дар зикри мазороти Бухоро / Сўзбоши, таҳрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи Аҳмад Гулчин Маоний (форс-тожик тилида). – Техрон: Ибн Сино, 1339/1960. – Б. 1-7.

<sup>41</sup> Муин ул-фуқаро, Аҳмад ибн Маҳмуд. Тарихи Муллозода дар зикри мазороти Бухоро / Сўзбоши, таҳрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи Аҳмад Гулчин Маоний (форс-тожик тилида). – Техрон: Эроншунослик тадқиқотлари маркази, 1370/1991. – 112 б.

<sup>42</sup> Шаҳром Юсифийфар. «Тарихи Муллозода дар зикри мазороти Бухоро» китобига бир назар // «Тарих ва география» ой китоби (форс тилида). – Техрон, 1380 й. хурдод-тир (2001 й. июнь – июль) ойлари. №44-45. – Б. 121-129.

<sup>43</sup> Р. Л. Гафурова. Китоби Мулла-заде / Р. Л. Гафурова. – Ташкент: «Фан», 1992.

мазмунни ва манбалари тўғрисида нисбатан тўлиқроқ маълумот бериш билан бирга, асарнинг тарихий-географик манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб берган. Бироқ ушбу тадқиқотда ҳам етарли маълумотлар бўлмаганлиги сабабли, Муин ул-фуқаронинг ҳаёти, жумладан, таржимаи ҳоли ёритиб берилмаган. Бундан ташқари, тадқиқотчига асарнинг яна бир хорижий мамлакат – Эрон қўлёзмалар хазиналарида мавжуд бўлган қўлёзма нусхалари маълум бўлмаган кўринади. Бунинг устига, асарнинг тадқиқотга илова қилинган русча таржимаси, гарчи араб ва форс тилларида яратилган мусулмон манбаларининг совет давридаги бошқа таржималарига қараганда анчагина яхши чиққанлиги билан ажралиб турса-да, айрим камчилик ва хатолардан холи эмас.

«Тарихи Муллозода» асари биринчи марта 2009 йили ўзбек шарқшунослари Ш. Воҳидов ва Б. Аминов томонидан ўзбек тилига таржима қилинди<sup>44</sup>. Таржимонлар, албатта, таржиманинг ўзи билангина чекланмай, унинг сўзбоши қисмида асарнинг мазмуни, тузилиши ва қўлёзма нусхалари тўғрисида умумий маълумот бериб ўтишган. Мазкур таржима ҳам, худди унинг рус тилига қилинган илк таржимаси каби, араб ва форс тилларидаги мусулмон манбаларининг совет даврида ўзбек тилига қилинган таржималарига нисбатан анчагина тўлиқлиги, аниқлиги ва илмий-изоҳли эканлиги билан ажралиб туради. Бироқ ушбу таржима амалга ошган вақтда – бундан ўн бир-ўн икки йиллар олдин «Тарихи Муллозода» тўғрисида кейинчалик қўлга киритилган маълумотлардан анчагина қисми ҳали илм аҳлига яхши маълум бўлмаганлиги асарнинг бугунги кун талаблари даражасида қайтадан таржима қилиш заруратини келтириб чиқарди. «Тарихи Муллозода»нинг иккинчи ўзбекча таржимаси шу тариқа юзага келди.

«Тарихи Муллозода» асарини тўла ва кенг қамровли ўрганиш борасида ўз ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири асарнинг барча, жумладан, энг қадимий қўлёзма нусхалари асосида ягона танқидий матнини яратишдир. Гарчи, тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, «Тарихи Муллозода»нинг турли даврларда турли жойларда кўчирилган кўплаб қўлёзма нусхалари матни деярли бир хил бўлиб, улар орасида жиддий тафовутлар бўлмаса-да, бу ҳолатни тадқиқот натижаларига кўра таъкидлабгина қолмасдан, биз айтиб ўтган ўша ягона танқидий матнда кўрсатиб бермоқ лозим. Ягона танқидий матннинг мавжуд эмаслиги «Тарихи Муллозода»нинг рус ва ўзбек тилларига қилинган илк таржималарининг ҳам асарнинг фақатгина Эрондаги Сипаҳсолор (№1642, 1234/1818 й.) нусхаси асосида Техронда амалга оширилган

<sup>44</sup> Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Муин ул-фуқаро. «Тарихи Муллозода» (Бухоро мазорлари зикри) [Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг «Самария» асари билан бир жилдда] / Сўзбоши, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, Б. Аминов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2009.

нашридан қилинишига сабаб бўлди. «Тарихи Муллозода»нинг биз томондан амалга оширилган иккинчи ўзбекча таржимасига ҳам Техрон нашри асос қилиб олинди.

«Тарихи Муллозода», гарчи Раъно Ғафурова тадқиқотида тарихий-географик манба сифатида яхши ўрганилган бўлса-да, унинг бошқа муҳим жиҳатлари, жумладан, тасаввуфга оид манбалар, шунингдек, Марказий Осиё тарихида зиёратнома жанрида яратилган асарлар орасидаги ўрни ва аҳамияти ҳам тадқиқотлар объектига айлантирилмоғи лозим деб ҳисоблаймиз.

## 2.6. АСАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНГАН ИККИНЧИ ТАРЖИМАСИ

Юртимизда форс ва араб тилларидаги қадимий манбаларнинг шу пайтга қадар ўзбек тилига қилинган таржималарида таржима тили ва услуби билан боғлиқ айрим хатолар ва камчиликларнинг учраши, жумладан, бундай таржималарнинг муайян қисмида ўзбекча таржима тили форсча ёки арабча лексика, синтаксис ва стилистикага «қарам» бўлиб қолганлиги, асар матнида учрайдиган махсус атамалар, шунингдек, шахслар, жойлар, асарлар, тарихий воқеалар ва ҳ.к. тўғрисида етарли даражада изоҳлар берилмаганлиги сир эмас. Биз ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, жумладан, бундай хато ва камчиликлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида «Тарихи Муллозода»нинг иккинчи ўзбекча таржимасини қуйидагилар асосида амалга оширдик:

1. Асар матни илмий таржима меъёрлари ва талабларига риоя қилинган ҳолда, ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси, синтаксиси ва стилистикаси қоидалари асосида бугунги ўзбек ўқувчисига тушунарли бўлган ҳозирги замон ўзбек илмий тилига таржима қилинди.

2. Асар матни қадимий манбаларни ҳозирги ўзбек тилига илмий таржима қилиш қоидалари ва меъёрлари асосида, жумладан, матнда сўз ёки ибора билан ифодаланмаган, бироқ маъноси англашиладиган ўринларни квадрат қавслар ичида берган ҳамда асар аслидан фарқли равишда таржима матнида тиниш белгилари қўйган ҳолда таржима қилинди.

3. Асарнинг ўзбек тилига таржимаси илмий-изоҳли бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидаги маълумотлар тайёрланиб, саҳифа остидаги 487 та ҳаволада берилди:

1) асарда келтирилган ҳозирги замон ўқувчиси учун тушунилиши қийин бўлган тарихий, диний, тасаввуфий тушунчалар ва атамалар изоҳи;

2) асарда эслатилган шахслар, жойлар, асарлар, тарихий воқеалар ва ҳ.к. тўғрисида маълумотлар;

3) асарда келтирилган Қуръони карим оятлари сураси ва рақами ҳамда ҳадислар тўғрисида маълумотлар;

4) асарда келтирилган ҳижрий-қамарий тақвим асосидаги саналарнинг милодий тақвимдаги муқобили;

5) асарда келтирилган зиёрат дуоларининг ўзбек тилига таржимаси.

4. Муин ул-фуқаро ва унинг «Тарихи Муллозода» асари тўғрисида тадқиқот материали тайёрланиб, асар таржимаси матнидан олдин жойлаштирилди.



5. Асарда учрайдиган тарихий, диний, тасаввуфий тушунчалар ва аталар сўзлиги ҳамда киши, жой ва асар номлари кўрсаткичи тайёрланиб, асар таржимаси матнидан кейин жойлаштирилди.

\* \* \*

Олис аждодларимиз томонидан яратилган ва юртимизнинг узоқ тарихидан ҳикоя қиладиган қадимий манбалардан яна бирини баҳоли қудрат ўзбек тилига ўгириб, шу аснода билимимиз ва қобилиятимиз етганча тадқиқ қилиб, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола этиш шарафига муяссар бўлганимиздан бениҳоя мамнунмиз.

Ушбу анчайин оғир ва масъулиятли, шу билан бир замонда, ўта шарафли ишни амалга оширишда, жумладан, ушбу асарнинг таржимаси ва тадқиқи жараёнида айрим камчиликлар ва хатоларга йўл қўйган бўлишимиз ҳам мумкин. Бундай камчиликлар ва хатолар тўғрисида холисона билдириладиган фикр-мулоҳазалар мазкур таржима-тадқиқотнинг кейинги нашрларининг янада такомиллашган ҳолда ўқувчиларга тақдим этилишига катта ёрдам беради деб умид қиламан.

**Комилжон РАҲИМОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси*

*Абу Райҳон Беруний номидаги*

*Шарқшунослик институти катта илмий ходими,*

*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА  
ДАР ЗИКРИ МАЗОРОТИ БУХОРО**

**БУХОРО МОЗОРЛАРИ ҲАҚИДА  
МУЛЛОЗОДАНИНГ ТАРИХ КИТОБИ**

## [МУАЛЛИФ МУҚАДДИМАСИ]

### [ДЕБОЧА]

#### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Боқийликда ёлғиз, улуғлик ва буюкликда ягона бўлган, ўлимни [гуноҳлардан] сақланувчилар учун қайғудан қутулиш йўли қилиб яратган Аллоҳга ҳамдлар, [Аллоҳ томонидан жаннат тўғрисида] хушхабар ва [дўзах тўғрисидаги] огоҳлантиришни барча халқлар ва элатларга мансуб бўлган кишиларга етказиш учун [элчи қилиб] юборилган набийлар<sup>45</sup> ва сафийларнинг<sup>46</sup> улуғи, ўлганлар ва тириклар шафоатчиси<sup>47</sup> бўлмиш Муҳаммадга, унинг барча авлодлари ва саҳобаларига ҳамда қиёматга қадар унга эргашган барча кишиларга салавот ва саломлар бўлсин.

Бу [китоб] Бухоро ва унинг атрофларида узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган, қабрлари йўқ бўлиб, ўринлари билинмай кетган олимлар, улуғлар ва машойихлар қаддасаллоҳу арвоҳаҳум<sup>48</sup> жумласидан бўлган кишилар тўғрисида ҳикоя[лар тўпламидан иборат] бўлиб, мен улар тўғрисида улардан ҳар бирининг кўрсатган хизматларини эътиборга олган, улар тўғрисида эслатишдан хурсанд бўлган ҳамда уларни улар тўғрисидаги маълумотлар билан олқишлаган ҳолда ҳикоя қилдим. Ўз йўлларида бо-риб, узоқ ўтмишда ва яқинда оламдан ўтган, улардан хотира ва ҳикоялардан бошқа ҳеч нарса қолмаган, ушбу кишиларнинг барчаларига [охи-ратда] омонлик тилаймиз.

<sup>45</sup> **набий** [арабча *نبي* кўплиги анбиё *انباء* хабар берувчи] – Аллоҳдан хабар берувчи ва бандаларни Аллоҳнинг айтганларини бажаришга чақирувчи, пайғамбар (унга китоб туширилган ёки туширилмаганлигидан қатъи назар).

<sup>46</sup> **сафий** [арабча *صفي* кўплиги асфийё *اصفياء* тозалаб (ажратиб) олинган, танлаб олинган] – Аллоҳнинг бандалар орасидан танлаб олган ва ўзига яқин қилган бандаси.

<sup>47</sup> **шафоат** [арабча *شفاعت* ёнини олиш] – 1) Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.)нинг Аллоҳдан мўминлардан бўлган у ёки бу кишининг гуноҳларини кечириши ва жаннатга киргизишини сўраб ўртага тушишлари; 2) юксак даража, мақом ва мартабаларга етган мўминлардан бирининг Аллоҳдан бошқа мўминларнинг гуноҳларини кечиришини сўраб ўртага тушиши; 3) фаришталарнинг гуноҳкорлар, Қуръоннинг қорилар ва Рўзанинг рўзадорлар гуноҳларини кечиришини сўраб ўртага тушишлари.

<sup>48</sup> **қаддасаллоҳу арвоҳаҳум** [арабча *قدس الله ارواحهم*] – Аллоҳ уларнинг руҳларини покласин (улуғ кишилар номи кўплик шаклда тилга олинганда ундан кейин айтиладиган тилак).

Шуни билгинки, дин уламолари ва ер юзи машойихлари раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъиннинг<sup>49</sup> пок руҳлари ва муқаддас машҳадлари-га<sup>50</sup> ҳурмат адо этиш баракотларнинг ошишига сабаб ҳамда дин ва дунё саодатига эришишга восита бўлади. Буларга эришиш эса орзу-ниятларга етиш ва [юксак] мартабаларга эришишнинг белгисидир. Бухорои шариф шаҳри ва унинг атрофларидаги – Аллоҳ ўз фазли билан уни мусулмонларнинг бошқа шаҳарлари қаторида офатлар ва хавф-хатарлардан ўз паноҳида асрасин – муқаддас машҳадлар ва мунаввар марқад тўғрисида бундан-да кўпроқ ҳикоя қилиш мумкин.

Яна шуни ҳам билгинки, Бухоро биринчи марта ҳижратнинг эллик тўртинчи йилида<sup>51</sup>, яъни саҳобалар<sup>52</sup> разияллоҳу анҳум ажмаъин<sup>53</sup> даврида фатҳ этилган<sup>54</sup>. [Аммо] ушбу фатҳдан [маълум вақт ўтганидан] кейин Бухоро халқи бошқатдан диндан қайтди. Шундан сўнг Бухоро ҳижратнинг тўқсонинчи йилида<sup>55</sup>, яъни тобеинлар<sup>56</sup> ва табаа тобеинлар<sup>57</sup> разияллоҳу анҳум<sup>58</sup> даврида иккинчи марта фатҳ этилди. Қутайба<sup>59</sup> разияллоҳу анҳу<sup>60</sup> томонидан Бухоро жомеъ масжидининг қурилиши эса ҳижратнинг тўқсон тўртинчи йилида<sup>61</sup> юз берган. Бу йил эса Дамашқда Бани Умайя жомеъ масжиди қурилган ўн йилликка мансубдир. Қутайба разияллоҳу анҳунинг ака-укалари билан бирга-

<sup>49</sup> раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин [арабча رحمة الله عليهم اجمعين] – Аллоҳ уларнинг барчасини раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улуғ кишилардан бир нечасининг номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилақ).

<sup>50</sup> машҳад [арабча مشهد] шаҳид бўлган жой] – шаҳид бўлган (Аллоҳ ва дин йўлидаги курашда жон фидо қилган) кишининг дафн этилган жойи, қабри.

<sup>51</sup> Милодий 674 йилда.

<sup>52</sup> саҳобалар [арабча шакли: саҳоба صحابة ёки асҳоб اصحاب; бирлиги: соҳиб صاحب] бирга бўлувчилар, бирга юрувчилар, асҳоблар, ҳамроҳлар] – ислом дини пайдо бўлган илк пайтлардаёқ Муҳаммад (с. а. в.)нинг пайғамбарлигига имон келтирган, доимо ул зот билан бирга бўлиб, бирга юрган, ул зотга йўлдош ва қўлдош бўлган сафдошлари, Ул зот билан мулоқотда бўлган ёҳуд ҳарбий юришларида қатнашган мўмин кишилар. Кейинчалик Муҳаммад (с. а. в.)ни ўз ҳаёти давомида бир марта бўлса ҳам кўрган барча кишиларни саҳобалар деб атай бошлаганлар.

<sup>53</sup> разияллоҳу анҳум ажмаъин [арабча رضى الله عنهم اجمعين] – Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин (исломда дин улуғлари, масалан, саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеинлар ва бошқаларнинг номи кўплик шаклда тилга олингандан кейин айтиладиган тилақ).

<sup>54</sup> Бухоро Араб халифалиги томонидан биринчи марта 54/674 йили умавийлар халифалиги ҳукмдори Муовия I (41/661 – 60/680)нинг лашкарбошиси Убайдуллоҳ ибн Зиёд томонидан ишғол этилган.

<sup>55</sup> Милодий 709 йилда.

<sup>56</sup> тобеинлар [арабча шакли: тобеъин تابعين; бирлиги: тобеъ تابع] эргашувчилар] – саҳобаларнинг шогирдлари ва издошлари, саҳобалардан кейин уларнинг ислом динини ёйиш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларини давом эттирган мусулмонлар тоифаси, пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.)дан кейинги даврда Ул зотнинг саҳобаларини кўрган, улар билан турли муносабатда бўлган ёки уларга эргашган авлод вакиллари.

<sup>57</sup> табаа тобеинлар [арабча шакли: табаъа тобеъин تابعين] тобеинларга эргашувчилар] – мусулмон ҳолида тобеинларни кўрган, уларга эргашган ва шу ҳолида вафот этган кишилар.

<sup>58</sup> разияллоҳу анҳум [арабча رضى الله عنهم] – Аллоҳ улардан рози бўлсин (исломда дин улуғлари, масалан, саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеинлар ва бошқаларнинг номи кўплик шаклда тилга олингандан кейин айтиладиган тилақ).

<sup>59</sup> Абу Ҳафса Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилӣ (49/669–96/715) – умавийлар халифалиги ҳукмдори Валид ибн Абдулмалик ҳукмронлиги даврида Хуросон ва Сеистон ноиб (86/705–96/715), Мовароуннаҳрни фатҳ этган араб саркардаси.

<sup>60</sup> разияллоҳу анҳу [арабча رضى الله عنه] – Аллоҳ ундан рози бўлсин (исломда дин улуғлари, масалан, саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеинлар ва бошқалардан бирининг номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилақ).

<sup>61</sup> Милодий 712/713 йилда.

ликда Фарғонада қатл этилиши эса ҳижратнинг тўқсон олтинчи йи-лида<sup>62</sup> юз берган.

«Кашшоф» («Очиб берувчи») <sup>63</sup> китоби муаллифи <sup>64</sup> томонидан ёзилган «Рабеъ ул-аброр» («Эзгулар баҳори») <sup>65</sup> асарида шундай келтирилган: «Ҳа-дисда келтирилишича <sup>66</sup>, Жаброил алайҳиссалом [араб тилида] Фохира <sup>67</sup>, форс-тожик тилида эса Бухоро деб аталадиган бир шаҳарни эслатади. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам <sup>68</sup> унга: «Бу [шаҳар]нинг Фохира деб аталганлигининг сабаби шундаки, у қиёмат куни ўзининг [дин йўлида] шаҳид бўлган кўплаб фарзандлари билан бошқа шаҳарлар-дан устун бўлиб туради», дер экан. Аллоҳдан: «Эй Аллоҳим! Фохира ва унинг халқига баракотлар бергин, халқининг қалбини тақво <sup>69</sup> учун пок-лагин, уларни менинг умматимга меҳрибон қилгин!» – деб сўраган. Шу сабабли ҳам бошқа бирор халқ ғарибларга <sup>70</sup> Бухоро халқидан-да меҳри-бонроқ эмасдир. Набий алайҳиссалом <sup>71</sup> [Бухоро тўғрисида яна] шундай деган: «Бухоро [Аллоҳ ўз] раҳмати билан асрайдиган ва фаришталар томонидан мақталган шаҳардир. Унинг халқи [Аллоҳ йўлида] қилич яланғочлайдиган кишилар каби гиламларда ўтиришади».

«Тарихи жаҳонгушой» («Жаҳонни эгалловчининг тарихи») <sup>72</sup> китоби-да келтирилишича, Бухоро [халифалик марказидан] шарқда жойлашган шаҳарлар орасида Қуббат ул-ислом <sup>73</sup> [номи билан машҳур] бўлиб, бу ўл-

<sup>62</sup> Милодий 715 йилда.

<sup>63</sup> «Кашшоф», тўлиқ номи «Ал-Кашшоф ан-ҳақоиқ ат-танзил ва уюн ал-ақовил фи вужух ат-таъвил» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиб берувчи») – Маҳмуд Замахшарий томонидан 1132-1134 йиллари Маккада яратилган тафсир. Бу асар ислом дунёсида эътироф этилган тафсилардан саналади.

<sup>64</sup> Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хоразмий аз-Замахшарий (467/1075-538/1144) – «Жоруллоҳ» лақаби билан машҳур бўлган хоразмлик машҳур муфассир, адабиётшунос ва тилшунос олим.

<sup>65</sup> «Рабеъ ул-аброр», тўлиқ номи «Рабеъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни») – Маҳмуд Замахшарийнинг тарих, адабиёт, шеърят ҳамда ўз даврида кенг тарқалган бошқа фанларга оид асари. Асарда турли қиссалар, ҳикоятлар, латифалар ва суҳбатлар келтирилади.

<sup>66</sup> Ушбу ҳадиснинг санади нақадар саҳиҳ ёки заиф ёхуд мавзӯ (тўқима) эканлиги тадқиқотчилар ҳукмига ҳавола.

<sup>67</sup> фохира [арабча *إفخرة*] – қимматли; улуғвор, фахр қилувчи.

<sup>68</sup> саллаллоҳу алайҳи васаллам [арабча *صلى الله عليه وسلم*] – Аллоҳ таоло ул зотга ўзининг салавот ва саломини нозил этсин (Муҳаммад (с. а. в.) номи айтилганидан кейин келтириладиган тилақ).

<sup>69</sup> тақво [арабча *تقوى* сақланиш] – тасаввуфда: банданинг Аллоҳга етишиш мақсадида ушбу йўлда тўсиқ бўлиши мумкин бўлган барча нарсалардан сақланиши. Тақвонинг асосини икки нарса: кўрқиш ва сақланиш ташкил этади. Банданинг Аллоҳдан тақвоси ҳам икки кўринишда бўлади. Яъни банда Аллоҳнинг азобидан ёки унинг фироқидан кўрқади. Банданинг Ҳақнинг азобидан кўрқиши кўринишидаги тақвосининг белгиси шундан иборат бўладики, бунда у азобга учрамаслик учун Аллоҳ таолонинг буйруқлари ва қайтариқларига риоя қилади ҳамда Ҳақ билан бўладиган суҳбат ҳақлари ва ҳадларини сақлайди. Бордию банданинг Ҳақдан бўлган тақвоси фироқдан кўрқиши кўринишида бўладиган бўлса, бунда банда Ҳақдан айро бўлиб қолмаслик учун, Ҳақдан қуйида бўлган нарсалардан ўзини сақлайди ва Ҳақдан қуйида бўлган нарсалар билан ором топмайди.

<sup>70</sup> ғариб [арабча *إغريب*] – ўз юртидан бошқа юрт(лар)да яшовчи, ўз юртидан бошқа юрт(лар)га чиқиб кетган, бегона юрт(лар)да яшовчи, бегона юрт(лар)да овораю сарсон бўлиб юрвчи, мусофир.

<sup>71</sup> алайҳиссалом [арабча *عليه السلام*] – унга омонлик бўлсин (исломда пайғамбарлар номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилақ).

<sup>72</sup> «Тарихи жаҳонгушой» («Жаҳонни эгалловчининг тарихи») – Эрон ва Хуросонда ҳукмронлик қилган мўғул сулола ҳалоқуийлар давридаги давлат арбоби ва тарихчи Алоуддин Абу-л-Манзар Ато Малик ибн Баҳоуддин Муҳаммад Жувайнийнинг (623/1226-681/1282) Марказий Осиё, Хуросон, Эрон ва уларга қўшни ўлкаларнинг XII-XIII асрлардаги тарихи, жумладан, хоразмшоҳлар давлати, мўғуллар ҳужуми ва ҳулоқуийлар давлати билан боғлиқ воқеалар тўғрисида ҳикоя қилувчи асари.

<sup>73</sup> Қуббат ул-ислом [арабча *قبة الاسلام*] – Ислом гумбази (Бухоро шаҳрининг тарихий сифат номларидан бири).

каларда Мадинат ус-салом<sup>74</sup> мавқеидадир. Бу диёр фақиҳлар<sup>75</sup> ва уламо-лардан<sup>76</sup> таралган нур ёғдуси билан ёришган, унинг атрофлари эса маънолар олами жилваларига қоришгандир. Қадим замонлардан бери ўтган ҳар бир асрда Бухоро ўз давридаги барча динлар уламолари тўпланадиган жой бўлган.

Бухоро [шаҳрининг номи] «бухор» сўзидан ясалган бўлиб, бу сўз муғлар<sup>77</sup> тилида «билимлар макони» маъносини англатади. Бу сўз уйғур ва хитой бутпарастлари<sup>78</sup> [тилидаги «бухор»] сўзига ҳам яқин бўлиб, уларнинг бутлар сақланадиган ибодатхоналари Бухор деб аталади. [Бироқ] аслида [ушбу] шаҳарнинг [дастлабки] номи Лумижкат<sup>79</sup> бўлган.

Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср Сомоний<sup>80</sup> [хукмронлиги] замонида яшаган Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий<sup>81</sup> раҳматуллоҳ<sup>82</sup> томонидан [ҳижрий-қамарий] 337 йили<sup>83</sup> яратилган «Ахбори Бухоро» («Бухоро қиссалари») <sup>84</sup> китобида ҳикоя қилинишича, Ҳасан Басрий<sup>85</sup> разияллоҳу анху шундай деган: «Айюб пайғамбар алайҳиссалом Бухорога келганида шаҳар халқи уни яхши кутиб ол[иб, катта ҳурмат-эҳтиром кўрсат]ган. Шунда [Айюб алайҳиссалом] уларнинг ҳаққига дуо қилиб, [Аллоҳдан уларга] баракотлар тилаган».

<sup>74</sup> Мадинат ус-салом [арабча *مدينة السلام*] – Тинчлик шаҳри (Бағдод шаҳрининг тарихий сифат номларидан бири).

<sup>75</sup> фақиҳ [арабча *فقيه*] тушунувчи, англаб етувчи] – фиқх (ислом ҳуқуқи, ислом қонунчилиги) билимдони, ислом ҳуқуқшуноси.

<sup>76</sup> уламо [арабча *علماء* олимлар] – ислом илмлари (тафсир, ҳадис, фиқх ёки калом) соҳаси олими.

<sup>77</sup> муғ [форс-тожикча *مغ*] – 1) оташпараст, зардуштий; 2) оташпарастлар (зардуштийлар) руҳонийси.

<sup>78</sup> Уйғурлар ислом динини қабул қилгунарига қадар бўлган даврда тангричилик, монийлик ва буддизм динларига эътиқод қилганлар. Бундан ташқари, 1209-1335 йиллари Шарқий Туркистон ўлкаси шарқидаги Турфон диёрида мавжуд бўлган Уйғур Турфон идикутлиги (давлати)да буддизм асосий диний эътиқод шакли ҳисобланган. Маълумотларга қараганда, Турфон диёри уйғурларининг маълум қисми XV асрга қадар буддизм динида қолишган.

<sup>79</sup> Турли тарихий манбалар, жумладан, «Тарихи Наршахий», «Ал-Масолик ва-л-мамолик», «Муъжам ул-булдон», «Тарихи Жаҳонгушой», «Тарих ар-русул ва-л-мулук», «Ал-Ансоб», «Аҳсан ут-тақосим фи маърифат ал-ақолим», «Худуд ул-олам» ва шу каби бошқа асарларда Бухоро шаҳрининг олдинги номи Нимижкат (*نيمجکت*), Нумижкат (*نميچکت*), Нумижкат (*نميچکت*), Нумижкас (*نميچکت*), Нумижкас (*نميچکت*), Нумужкас (*نموچکت*), Нумушкас (*نومشکت*), Нумижкент (*نميچکنت*), Лумижкат (*لوميچکت*), Бамижкат (*بميچکت*), Бамижкас (*بميچکت*), Бумижкас (*بوميچکت*), Бунжикас (*بنيجکت*), Бумикас (*بوميکت*) кўринишларида эслатилган.

<sup>80</sup> Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний (ваф. 343/954) – сомонийлар сулоласининг 331/943-343/954 йилларда ҳукм сурган еттинчи ҳукмдори.

<sup>81</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий (286/899-348/960) – сомонийлар даврида Бухорода яшаб ижод қилган тарихчи, сомонийлар саройи котиби, Бухоро тарихига бағишланган «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») асари муаллифи.

<sup>82</sup> раҳматуллоҳ [арабча *رحمة الله*] – Аллоҳ уни раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улўф кишилар номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилақ).

<sup>83</sup> Милодий 949/950 йили.

<sup>84</sup> «Ахбори Бухоро» («Бухоро қиссалари») – Наршахий қаламига мансуб «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») асарининг бошқа номларидан бири.

<sup>85</sup> Абу Саид ал-Ҳасан ибн Ясор ал-Басрий (21/642-110/728) – муфассир, муҳаддис, мутакаллим, фақиҳ ва воиз. Илк ислом зоҳидларидан ҳамда тасаввуф асосчиларидан бири.

Ваҳб ибн Мунаббих<sup>86</sup> разияллоҳу анҳу шундай дейди: «Бани Исроил пайғамбарлари алайҳимуссаломдан<sup>87</sup> бири<sup>88</sup> ёди улуғ бўлган буюк зот [Аллоҳ]дан ер юзини кезиб чиқишга рухсат сўрайди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло унга рухсат беради. [У ўз] саёҳати [давоми]да Жайхун [дарёси]га етгач сол<sup>89</sup> ясайди-да, [у билан] дарёдан ўтиб, Бухорога етиб боради. Бухоро халқи унга иззат-икромлар кўрсатиб, [унинг мавқеи ва обрў-эътиборига] муносиб тарзда меҳмон қиладилар. [Шундан сўнг у] дуо қилиб, [Аллоҳдан] Бухоро халқи учун қуйидаги уч нарсани сўрайди: «Эй Худо! Уларнинг авлодларига баракотлар бергин. Бухоро халқига душманларига қарши туришда мадад бергин ва улардан фитнани узоқлаштиргин»».

Айтишларича, Абдуллоҳ ибн Муборак<sup>90</sup> разияллоҳу анҳу шундай деган: «Фитна<sup>91</sup> бошланадиган бўлса, Бухорода бўлинглар. Чунки бу шаҳарда фитна узоқ давом этмайди».

«Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») [асарининг] муаллифи, Ғунжор ал-Ҳофиз номи билан машҳур бўлган муҳаддис<sup>92</sup> имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ<sup>93</sup> раҳматуллоҳ ҳамда Асбот ибн Ясаъ<sup>94</sup> шундай деганлар: «Айюб алайҳиссаломнинг мунаввар қабри Бухорода бўлиб, бу ўлка [халқи ораси]да маълум ва машҳурдир». Шунингдек, уларнинг айтишларича, бу қабрнинг [ўзига хос] белгиси шундан иборатки, у ерда қишда ҳам ям-яшил бўлиб турадиган бир дарахт бўлиб, унинг остида жаннат булоқлари жумласидан бўлган бир булоқ оқиб туради. Дарахтнинг япроқлари эса жийда дарахти япроқларига ўхшаб кетади. Бироқ муҳаддис ва муҳаққиқ<sup>95</sup> Имом

<sup>86</sup> Абу Абдуллоҳ Ваҳб ибн Мунаббих ал-Яманий (34/654-114/732) – тобеинлар жумласидан бўлган муҳаддис, тарихчи ва исроилиёт ривоятчиси.

<sup>87</sup> алайҳимуссалом [арабча عليهم السلام] – уларга салом бўлсин (исломда пайғамбарлар номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

<sup>88</sup> Яъни, Айюб пайғамбар.

<sup>89</sup> сол – тахта-ёғочлар ёки сувда чўкмайдиган бошқа нарсаларни арқон ва бошқа нарсалар билан бир-бирига бириктириш орқали ясалган сузувчи супа (платформа) бўлиб, дарё ва бошқа сув ҳавзаларидан ўтишда фойдаланилади.

<sup>90</sup> Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Муборак ибн Возиҳ ал-Ҳанзалий ат-Туркий ал-Марвазий (118/736-181/797) – марвлик буюк муҳаддис, фақиҳ, тарихчи ва сўфий. Ҳадис, фиқҳ, тафсири ва ислом тарихига доир саккиз асар муаллифи. Сунний-ханафий мазҳаби асосчиси Абу Ханифа Нуъмон ибн Собитнинг шогирди. Марказий Осиёдан етишиб чиққан илк зоҳидлардан ва ушбу ўлка тасаввуфи асосчиларидан бири.

<sup>91</sup> фитна [арабча فتنه] – 1) беқарорлик, нотинчлик; 2) давлатга қарши амалга оширилган, беқарорлик ва нотинчликка сабаб бўладиган исён.

<sup>92</sup> муҳаддис [арабча محدث ҳадисчи] – ҳадис тўплаш, уни оғзаки ва ёзма тарзда баён қилиш орқали кейинги авлодларга етказиш билан шуғулланадиган киши, ҳадис илми билимдони.

<sup>93</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ (ваф. 412/1021) – Ғунжор ал-Ҳофиз лақаби билан машҳур бўлган таниқли уламо ва тарихчи, бизнинг давримизгача етиб келмаган «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») асари муаллифи.

<sup>94</sup> Асбот ибн Ясаъ ал-Бухорий (III/IX а.) – таниқли муҳаддис, Бухорода фаолият кўрсатган ҳадис мактабларидан бирининг асосчиси.

<sup>95</sup> муҳаққиқ [арабча محقق ҳақиқатни англаб етган] – тасаввуфда: унга оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг бошқа кишилар учун яширин ва сирли бўлган ҳақиқати (моҳияти) қандай бўлса шундайлигича маълум бўлган, бу оламда Аллоҳнинг зоти тажаллийсидан (жилваланишидан) бошқа бирор нарса мавжуд эмас, балки барча нарса унинг зотининг турли кўринишларда акс этишидир, деган хулосага келган киши.

Муҳйиддин Нававий<sup>96</sup> раҳматуллоҳ айтганидек, аслида, Айюб алайҳиссаломнинг қабри бу ерда эмас. Унинг бу айтганлари тўғри ва ишончлидир. «Таҳзиб ул-асмо ва-л-луғот» («Исмлар ва сўзларни тўғрилаш»)<sup>97</sup> китобида шундай дейилади: «Айюб алайҳиссалом Ҳаврон<sup>98</sup> диёрида яшаган бўлиб, унинг қабри Наво қишлоғи яқинида жойлашганлиги маълумдир. У ерда мақбара ва масжид ҳам мавжуд бўлиб, ўша қишлоқ мазкур [мақбара ва масжид]га вақф қилинган. У ерда суви оқиб турган бир булоқ, унда эса оёқ изи нақшланиб қолган бир тош бор. Айтишларича, бу унинг оёқ изидир. Одамлар буни табаррук билиб, ушбу булоқ сувига ювинишади ва ундан сув ичишади. Улар бу булоқ Қуръонда эслатилган, дея ушбу жойнинг баракали эканлигига ишонишади».

---

<sup>96</sup> Абу Закариё Муҳйиддин Яҳё ибн Шарофиддин ан-Нававий (631/1233-676/1277) – шомлик таниқли муҳаддис, фақиҳ ва имом. Ҳадис, фикҳ ва бошқа фанларга доир ўттизга яқин асар муаллифи.

<sup>97</sup> «Таҳзиб ул-асмо ва-л-луғот» («Исмлар ва сўзларни тўғрилаш») – Нававийнинг киши исмлари ҳамда диний матнларда учрайдиган атамаларнинг маънолари изоҳига бағишланган асари.

<sup>98</sup> Ҳаврон – бугунги Сурия мамлакатининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган тарихий диёр.



## ЭРКАКЛАРГА ҲАМ, АЁЛЛАРГА ҲАМ ҚАБРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШГА РУХСАТ БЕРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

«Жомеъ ул-усул» («Асослар тўплами») <sup>99</sup> [асари]да Бурайда <sup>100</sup> разияллоҳу анхунинг қуйидаги айтганлари келтирилган: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам <sup>101</sup>: «Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишни тақиқладим», деб айтган. Бироқ Муҳаммад [саллаллоҳу алайҳи васаллам]нинг ўзига ўз онасининг қабрини зиёрат қилишга рухсат берилган. Шунга кўра, [ул ҳазрат: «Қабрларни] зиёрат қилаверинг, чунки қабрларни зиёрат қилиш сизларга охиратни эслатади»], деб айтган].

Ривоятда келтирилишича, [Ул ҳазрат] алайҳиссалоту вассалом <sup>102</sup> шундай деган: «Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишни тақиқлаган эдим, ammo энди қабрларни зиёрат қилаверинг ва [у ерда] уят гапларни гапирманг».

Абу Хурайра <sup>103</sup> разияллоҳу анхундан нақл қилишларича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган: «Мен ўз Раббимдан онам учун истиғфор <sup>104</sup> айтишга изн сўраганимда изн бермади, унинг қабрини зиёрат қилишга изн сўраганимда эса изн берди». Бу [ҳадисни] Муслим <sup>105</sup> раҳимаҳуллоҳ <sup>106</sup> келтирган.

<sup>99</sup> «Жомеъ ул-усул», тўлиқ номи «Жомеъ ул-усул мин аҳодис ар-расул» («Пайғамбар ҳадислари тўғрисида асослар тўплами») – сунний-шофеий мазҳабига эътиқод қилувчи муҳаддис, муфассир, фақиҳ ва тарихчи Абу-с-Саодат Маждиддин Муборак ибн ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Шайбоний Мавсилиининг (544/1149–606/1210) ҳадисга доир асари.

<sup>100</sup> Бурайда ибн ал-Хусайб ал-Асламий (р.а.) (ваф. 63/682) – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) саҳобаларидан. Ҳадис ривоятчиси.

<sup>101</sup> саллаллоҳу алайҳи васаллам [арабча *صلى الله عليه وسلم*] – ул зотга Аллоҳнинг салават ва саломи бўлсин (Муҳаммад (с. а. в.) номи айтилганидан кейин келтириладиган дуо).

<sup>102</sup> алайҳиссалоту вассалом [арабча *عليه الصلوة والسلام*] – ул зотга салават ва салом бўлсин (исломда пайғамбарлар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган дуо).

<sup>103</sup> Абу Хурайра Абдураҳмон ибн Саҳр ад-Давсий ал-Яманий (р. а.) (ҳижратдан олдинги 19/599–59/678) – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) саҳобаларидан, энг машҳур ҳадис ривоятчиларидан бири. Беш мингдан ортиқ ҳадис ривоят қилган.

<sup>104</sup> истиғфор [арабча *استغفار*] – гуноҳларни кечиришини сўраб Аллоҳга ёлвориб.

<sup>105</sup> Абу-л-Хусайн Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий (206/821–261/875) – машҳур муҳаддис, ислом динининг суннийлик йўналишида энг мўътабар деб тан олинган «Сиҳоҳи ситта» номи билан машҳур олти саҳиҳ ҳадислар тўпламидан бирининг тўплловчиси. Унинг «Саҳиҳу Муслим» ҳадислар тўплами Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» тўпламидан кейинги иккинчи мўътабар ҳадис манбаси ҳисобланади.

<sup>106</sup> раҳимаҳуллоҳ [арабча *رحمه الله*] – Аллоҳ уни раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улуғ кишилардан бирининг номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

Абу Довуд<sup>107</sup> ва ан-Насоий<sup>108</sup> раҳимаҳумуллоҳдан<sup>109</sup> нақл қилинган ривоятда шундай дейилади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам онаси қабри бошига келиб, йиғлади ва олдида турган бошқа кишиларни ҳам йиғлатди. Шундан сўнг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деди: «Мен улуг ва буюк Раббимдан онам учун истиғфор айтишга изн сўраганимда изн бермади, унинг қабрини зиёрат қилишга изн сўраганимда эса изн берди. Шундай экан, қабрларни зиёрат қилаверинг».

«Мишкот ул-масобих» («Чироқлар тоқчаси»)<sup>110</sup> асарининг қабрларни зиёрат қилишга бағишланган фаслининг учинчи қисмида келтирилишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган: «Кимки ҳар жума куни ота-онасининг ёки улардан бирининг қабрини зиёрат қилса, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиради ва [бу иш унинг амаллари дафтари-га] яхши иш сифатида ёзиб қўйилади». Бу ҳадисни ал-Байҳақий<sup>111</sup> раҳимаҳумуллоҳ келтирган.

«Ширъат ул-ислом»<sup>112</sup> [асарининг] мусулмонлар қабрларини зиёрат қилишнинг исломий қоидаларига бағишланган фаслида келтирилишича, Пайғамбар алайҳиссалом ҳақиқатдан ҳам шундай деган: «Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишни тақиқлаган эдим, аммо эндиликда у ерда уят гапларни гапирмайдиган ва сўкинмайдиган бўлсангизгина қабрларни зиёрат қилинг». [Ул ҳазрат] алайҳиссалоту вассаломнинг ўзи мусулмон бўлган яқинларининг қабрларини зиёрат қиларди.

---

<sup>107</sup> Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Имрон ал-Аздий ас-Сижистоний (202/817 – 275/888) – машҳур муҳаддис ва фақиҳ, ислом динининг суннийлик йўналишида энг мўтабар деб тан олинган «Сихоҳи ситта» номи билан машҳур олти саҳиҳ ҳадислар тўпламидан бирининг тўпловчиси. Унинг «Сунану Абу Довуд» ҳадислар тўплами Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг ҳадис тўплamlаридан кейинги учинчи мўтабар ҳадис манбаси ҳисобланади.

<sup>108</sup> Абу Абдураҳмон Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ан-Насоий (215/830 – 303/915) – машҳур муҳаддис ва фақиҳ, ислом динининг суннийлик йўналишида энг мўтабар деб тан олинган «Сихоҳи ситта» номи билан машҳур олти саҳиҳ ҳадислар тўпламидан бирининг тўпловчиси. Унинг «Сунану Насоий» ҳадислар тўплами Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Термизийларнинг ҳадис тўплamlаридан кейинги бешинчи мўтабар ҳадис манбаси ҳисобланади.

<sup>109</sup> раҳимаҳумуллоҳ [арабча *الله* *رحمهم*] – Аллоҳ уларни раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улуг кишилардан бир нечтасининг номи кетма-кет тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

<sup>110</sup> «Мишкот ул-масобих» («Чироқлар тоқчаси») – Валиюддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Умарий ал-Хатиб ат-Табризийнинг (ваф. 740/1340) ҳадисга оид асари, ҳадислар тўплами.

<sup>111</sup> Абу Бакр Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Али ибн Мусо ал-Хуросоний ал-Байҳақий (384/994–458/1066) – муҳаддис ва фақиҳ, ҳадис, фиқҳ, ақида ва тарихга оид кўплаб асарлар муаллифи.

<sup>112</sup> «Ширъат ул-ислом» – Рукниддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Муфтий ал-Бухорийнинг (491/1098–573/1177) фиқҳга оид асари. Олтмиш бир қисмдан иборат бўлган ушбу китобда ақида, одоб-ахлоқ, Қуръон ва суннат, Қуръон фазилатлари, Қуръонни ўрганиш ва ўргатиш масалалари, намоз, рўза, закот, таҳорат ва ибодатга оид ҳукмлар, ейишиш ва кийиниш масалалари, никоҳга тегишли ҳукмлар, зиёфат одоблари, қариндошлик масалалари, уй-жой тутиш, мусулмончилик ва қўшничилик ҳуқуқи, эр-хотин ва ёш болаларга оид масалалар ёритилган.

Аз-Зоҳидийнинг<sup>113</sup> «Шарҳ ал-Қудурий» («Қудурий асари шарҳи»)<sup>114</sup> [асар]ида [Имом] Муҳаммад [Шайбоний]<sup>115</sup> раҳимахуллоҳнинг «Ал-Осор» («Излар»)<sup>116</sup> [асари]даги [қуйидаги] эслатмаси келтирилган: «Ўлганлар ҳаққига дуо қилиш ва охиратни эшлаш мақсадида қабрларни зиёрат қилишнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ». Бу, аслида, Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг айтган гапидир. [Имом] Муҳаммад [Шайбоний] раҳимахуллоҳ томонидан келтирилган гапнинг тўғридан-тўғри маъноси [нинг ўзиёқ] аёлларнинг эркаклар қаторида қабрларни зиёрат қилишлари мумкин эканлигини кўрсатади.

[Юқорида] Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинган [ҳолда келтирилган] ҳадисга келсак, у Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қабристонга борадиган аёлларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин» ҳамда «Сиз [аёл]лар у ердан гуноҳкор бўлиб қайтасизлар, савоб олиб қайтмайсизлар. Ўликларни безовта қилиб, тирикларни чалғитасизлар», деб айтган гапларига асосланган.

Бироқ [бир кун келиб мусулмонларга қабрларни зиёрат қилишга] рухсат берилгач, [аёлларнинг ҳам қабрларни зиёрат қилишлари] рухсатли бўлади. Зеро, [Расулulloҳ] саллаллоҳу алайҳи васаллам [умматларига қарата]: «Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишни тақиқладим», деб айтган бўлса-да, Муҳаммад [саллаллоҳу алайҳи васаллам]нинг ўзига ўз онасининг қабрини зиёрат қилишга рухсат берилган. [Шунга кўра, ул ҳазрат:] «Қабрларни зиёрат қилаверинг, чунки қабрларни зиёрат қилиш сизларга охиратни эслатади. Аммо [қабрларни зиёрат қилиш чоғида] уятли гапларни гапирманг. Кейинчалик қабрни осонроқ топиш мақсадида унга [бирор-бир] белги қўйиб қўйишнинг ёмон томони йўқ», [деб айтган].

«Жомеъ ул-усул» [китоби]да шундай келтирилади: «Усмон ибн Мазъун<sup>117</sup> разияллоҳу анҳу Мадинада оламдан ўтган илк муҳожирлардан<sup>118</sup> бири эди. У вафот этиб, уни тупроққа топширишганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишига бирор тош олиб келиб,

<sup>113</sup> Абу-р-Ража Нажмиддин Мухтор ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад аз-Зоҳидий ал-Ғазминий (ваф. 658/1260) – хоразмлик машҳур фақиҳ, «Ал-Ҳовий фи-л-фатово», «Ал-Мужтабо», «Зод ул-аимма», «Кунят ул-муна ли-татмим ал-ғуна» асарларининг муаллифи.

<sup>114</sup> «Шарҳ ал-Қудурий» («Қудурий асари шарҳи») – Аз-Зоҳидий ал-Ғазминий томонидан Қудурий номи билан машҳур бўлган машҳур фақиҳ Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон ал-Бағдодийнинг (362/972–428/1036) «Мухтасар ул-Қудурий» асарига ёзилган шарҳ. Мазкур шарҳ «Ал-Мужтабо» номи билан ҳам машҳур бўлган.

<sup>115</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (131/749–189/805) – ироқлик машҳур фақиҳ, муҳаддис ва тилшунос. Сунний-ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг шогирди ва издоши. Ислом ҳуқуқини тизимлаштирувчилардан бири. Фикҳга оид кўплаб асарлар муаллифи.

<sup>116</sup> «Ал-Осор» («Излар») – Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг ҳанафийлик фикҳига бағишлаб ёзган асари.

<sup>117</sup> Усмон ибн Мазъун (р.а.) (ваф. 3/624) – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) саҳобаларидан ва эмиқдош биродарларидан. Ислом динига кирган ўн учинчи киши.

<sup>118</sup> муҳожирлар [арабча муҳожир مهاجر] кўчиб ўтган, ҳижрат қилган] – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) бошчилигида Маккадан чиқиб кетиб, Мадинага кўчиб ўтган (ҳижрат қилган) мусулмонлар.

унинг қабрини белгилаб қўйишни буюради. Ўша киши бир тошни олади-ю, кўтариб олиб келолмайди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўрнидан туриб, енгини шимаради-да, ўша тошни кўтариб олиб келади. Сўнгра уни [Усмон ибн Мазъун қабрининг] бошига қўйиб: «Мен бу [тош] билан биродаримнинг қабрини белгилаб қўймоқдаман. Унинг яқинида оилам аъзоларидан бўлган кишиларни дафн этаман», дейди».

Аз-Зоҳидийнинг «Шарҳ ал-Қудурий» [асар]ида келтирилишича, ул ҳазрат қабрни [бирор нарса билан] белгили қилиб қўяркан, қабрни текислаб квадрат шакл бермасди. Чунки ул ҳазрат алайҳиссалоту вассалом<sup>119</sup> ўз ўғлининг қабрига ясси шакл берган. Бошқа айрим кишиларнинг айтишларича, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда ул ҳазрат саҳобаси разияллоҳу анхунинг қабрига ясси шакл берилган. [Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам] шундай деган: «Бу қабр тупроқни уйиш орқали кўтарма шаклида ясалган бўлиб, ердан кўтарилиб туради, унинг устида эса оқ гил бўлаклари ётади». Шунингдек, ул ҳазрат қабр устига оёқ қўйиш, ўтириш ёки ётишни маъқулламасди. Абу Ҳурайра разияллоҳу анхундан нақл қилишларича, [Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам] шундай деган: «Кишининг қабр устига ўтирганидан кўра ёниб турган чўғ устига ўтириб, кийими куйгани ва олов унинг баданига етиб боргани яхшироқдир». Ибн Масъуд<sup>120</sup> разияллоҳу анхундан нақл қилишларича эса, [Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бу тўғрида] шундай деган: «Бирор бир мўминнинг қабри устига оёқ қўйганимдан кўра ёниб турган чўғ устига оёқ қўйганим яхшироқдир».

---

<sup>119</sup> алайҳиссалот вассалом [арабча عليه الصلوة والسلام] – унга салават ва омонлик бўлсин (исломда пайғамбарлар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган тилак).

<sup>120</sup> Абдуллоҳ ибн Масъуд (р. а.) (ваф. 32/652) – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) саҳобаларидан. Исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган кишилардан бири. Энг машҳур ҳадис ривоятчиларидан, шунингдек илк муфассир ва фақиҳлардан бири.

## ҚАБРЛАРНИ ҚАНДАЙ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИ ТЎҒРИСИДА

«Ширъат ул-ислом» [асарининг] қабрларни зиёрат қилиш қоидаларига бағишланган фаслида [шундай дейилади]: «Зиёратга киришишдан олдин таҳорат қилиб, икки ракаат намоз ўқиш керак. Бунда ҳар бир ракаатда бир мартадан «Фотиҳа» сураси ва «Оят ул-Курсий» ояти ҳамда уч мартадан «Ихлос» сураси ўқилади-да, унинг савоби вафот этган кишининг руҳига бағишланади. Шундан сўнг [қабрни зиёрат қилмоқчи бўлган киши] қабристонга йўл олади. У қабристонга кириб келаётганида:

**«Ассаламу алайкум аҳлуд-дийари минал муъминийна вал муслимийн. Раҳимаҳуллоҳул мутақаддимийна минкум вал мута ахирийна минна. Антум лана салаф ва наҳну лакум халаф ва табаъ. Ва инна иншааллоҳу бикум лаҳиқун»**<sup>121</sup>, дейиши керак. Шундан кейин қабрга қараб ўтирсин-да, «Ёсин» сурасини ёхуд ўзи билган бошқа бирор сурани ўқисин. Охирида [Аллоҳга] тасбеҳ айтиб, вафот этган кишининг ҳаққига дуо қилсин-да, орқасига қайтсин».

Бир ҳадисда [келтирилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган]: «Бу дунёда ўзи таниган кишининг қабри олдидан ўтаётиб унга салом йўлламайдиган бирор банда йўқдир. Акс ҳолда [қабрда ётган ўша киши] қандай қилиб [у ердан ўтиб кетаётган ўша кишини] таниши ва унинг саломига жавоб айтиши мумкин?». Бошқа бир ҳадисда [келтирилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган]: «Қабристон олдидан ўтиб кетаётган киши Қуръондан: **«Кул хуваллоҳу аҳад»**<sup>122</sup> парчасини ўн марта қироат қилсин-да, унинг савобини вафот этганларнинг руҳларига бағишласин».

Қабристон[ни зиёрат қилгани борган]да «Ёсин» сурасини ўқиш маъқул ҳисобланади. Бу машҳур бир ҳадис ва суннат билан белгилаб қўйилган. Қабристонга оёққийим билан кирмаслик керак. Чунки [Расулуллоҳ] саллаллоҳу алайҳи васаллам бунини маъқулламаган. Шунга кўра, мақбарага ялангоёқ кириб бориб, у ерда дафн этилган кишилар ҳаққига дуо қилиш, Аллоҳдан уларнинг гуноҳларидан кечишни сўраш маъқул иш ҳисобланади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни бир киши-

<sup>121</sup>Маъноси: Эй мўмин ва мусулмонлардан иборат диёр аҳли, сизларга салом бўлсин. Аллоҳ сизлардан ва бизлардан олдин ўтганларга ва кейин келадиганларга раҳм қилсин. Сизлар биздан олдин кетдинглар, бизлар эса сизларнинг ўринбосарларингиз бўлиб, сизларга эргашамиз. Иншааллоҳ, биз ҳам сизларга йўлиқурмиз.

<sup>122</sup>Қуръони карим. «Ихлос» сураси, 1-оят. Маъноси: «Айтинг: У Аллоҳ ягонадир» // Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент, «Тошкент ислом университети», 2012.

нинг қабристонда оёқкийим билан юрганини кўриб, унга оёқкийимини ечишини буюрган экан.

Дин уламолари ва яқийн<sup>123</sup> аҳли улуғлари қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум ажмаъин<sup>124</sup> шундай деганлар: «Қабрларни зиёрат қилиш суннат бўлиб, бу ишнинг жума куни охирида, шанба, душанба ва пайшанба кунлари кўёш чиққунига қадар бўлган вақтда, шунингдек, Ошуро<sup>125</sup> куни, Арафа куни ва шу каби бошқа муборак саналарда амалга ошиши мустаҳабдир». Ҳадисда айтилишича, кимки [оламдан] ўтганларни зиёрат қилса, у вафот этганидан сўнг фаришталар уни зиёрат қилади. Шунингдек, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «[Оламдан] ўтганларни зиёрат қилинг, шунда улар зиёрат қилувчиларга дўст тутинишади», деган.

Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга ўзининг тош-юраклигидан шикоят қилганда, ул ҳазрат унга юракни юмшатадиган кўйидаги уч амални қилишни буюради: биринчиси – етимнинг бошини силаш, иккинчиси – бемор кишининг ҳолидан хабар олиш, учинчиси – [оламдан] ўтганларни зиёрат қилиш.

Шунингдек, ҳадисда айтилишича, кимки ота-онасининг қабрини ҳафтада бир марта, бошқа бир ривоятга кўра эса, вақти-вақти билан зиёрат қилса, гуноҳлари кечирилиб, қабул бўлган ҳажнинг савобига эга бўлади, вафот этганидан кейин эса фаришталар уни зиёрат қилишади.

Шайх Абу-л-Ҳасан Рустуфағний<sup>126</sup> раҳматуллоҳдан: «[Оламдан] ўтганларни қандай ният билан зиёрат қилиш керак?» – деб сўрашганида [бунга жавобан] шундай дейди: «Тўрт ният билан: биринчиси – [оламдан] ўтганларни ҳурмат қилиш [ниятида]; иккинчиси – ўзи ўлганидан кейин бошқалар ҳам уни зиёрат қилишлари умидида; учинчиси – ибрат олиш, яъни тоатга<sup>127</sup> юзланиш ва маъсиятдан<sup>128</sup> қочиш учун; тўртинчиси – Аллоҳ таоло унинг турмушини енгил қилиши, [Аллоҳдан] ўзгага муҳтож

<sup>123</sup> **яқийн** [арабча *يقين* қатъий ишонч] – тасаввуфда: бандада Аллоҳнинг ўз бандасининг фойдасини кўзлаб иш тутишига бўлган қатъий ишончи.

<sup>124</sup> **қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум ажмаъин** [арабча *قدس الله تعالى ارواحهم اجمعين*] – Аллоҳ таоло уларнинг барчаларининг руҳларини покласин (улуғ кишилар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган тилак).

<sup>125</sup> **ошуро** [арабча *عاشورا* ўнинчи] – ҳижрий-қамарий йилнинг биринчи ойи бўлмиш муҳаррам ойининг ўнинчи куни бўлиб, бу кун барча самовий динлар тарихида муҳим воқеалар бўлиб ўтгани сабабли мусулмонлар томонидан рўза тутиш ва бошқа солиҳ амаллар қилиш орқали улуғланади. Жумладан, бу кун Одам алайҳиссаломнинг тавбалари қабул қилинган, Нуҳ алайҳиссалом кемадан тушиб, бунинг шукронасига рўза тутган, Фиръавн фарқ этилиб, Бани Исроилга денгиз ёрилган ва шунинг учун улар рўза тутган кундир.

<sup>126</sup> **Аслида: Абу-л-Ҳасан Али ибн Саид Рустуфағний** (ваф. 350/961) – самарқандлик машҳур мутакаллим ва фақиҳ олим, мотуридия калом мактаби асосчиси Абу Мансур Мотуридийнинг шогирди. Изоҳ: Ушбу мутакаллимнинг номи аксарият араб, форс, рус ва, ҳатто, ўзбек тилидаги манбаларда Рустуфағний кўринишида хато берилган. Бироқ мутакаллимнинг асарлари, қабртоши ҳамда Самъонийнинг «Ал-Ансоб» асарида унинг номи Рустуфағний кўринишида келтирилган.

<sup>127</sup> **тоат** [арабча *طاعت* бўйсунуш] – Аллоҳга бўйсунуш, Аллоҳга итоат қилиш, Аллоҳнинг буюрган ишларини бажариш ва тақиқлаган нарсаларидан сақланиш.

<sup>128</sup> **маъсият** [арабча *معصية* бўйсунмаслик] – Аллоҳнинг амрларини бажармаслик ва тақиқларига риоя қилмаслик, гуноҳ ишлар қилиш, осийлик.

бўлмаслиги ва Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг<sup>129</sup> яратган бандаларига ёрдам бера олиш имкониятига эга бўлишни ният қилиб».

Шунингдек, [қабрларни] пайшанба ёки жума кунлари зиёрат қилиш яхшироқдир. Чунки ҳадисда келтирилишича, ушбу икки кунда [оламдан] ўтган ҳар қандай киши ҳаққига қилинган садақа ёки улар ҳаққига қилинган дуо уларга тезроқ етиб боради.

[Қабрларни] зиёрат қилишга бораётган киши уйдан чиқаётганда қуйидаги дуони ўқийди: **«Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳу-л-мулку ва лаҳу-л-ҳамд. Юҳйи ва юмийту ва ҳува ҳайюн ла яму-ту, биядиҳи-л-хайр. Ва ҳува ала кулли шайъин қодийр. «Ва ҳува-л-аввалу ва-л-охиру ва-з-зоҳиру ва-л-ботину. Ва ҳува би-кулли шайъин ъалийм»**<sup>130</sup>. У зиёрат қиладиган жойга бориш йўлида зиёрат қилинувчи киши ҳаққига имкони бориша садақа қилмоғи, мақбарага кириш чоғида эса қуйидаги дуони ўқимоғи лозим бўлади: **«Аллоҳумма инний асъалука хайра мадҳалий ва аузу бика мин шарриҳи. Рабби адҳилний мудҳала сидқин ва ахрижний муҳража сидқин важъал ли мил ладунка султнан ва насийро. Бисмиллаҳи даҳална ва алаллоҳи таваккално»**<sup>131</sup>.

[Қабрларни] зиёрат қилиш одоблари жумласига кирадиган ишлардан бири, зиёратни бирор пайғамбарнинг қабри бўлган қабристондан бошлаш керак. Борди-ю қабристонда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочи бўлса, [зиёратни] ўшандан бошлаш керак. Айтишларича, Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочининг бир неча толаси Бухородаги қабрларда сақланмоқда. [Масалан,] ушбу соч толаларидан бири Қози Абу Зайд Дабусийнинг<sup>132</sup> устози Қози Имом Шаъбийнинг<sup>133</sup> [қабри]да, бошқа бири Хожа Имом Абу Бакр Ҳомид тепалигидаги Хожа Абдуллоҳ Барақийнинг<sup>134</sup> [қабри]да, яна бири Сўфийлар

<sup>129</sup> **Субҳонаху ва таоло** [арабча سبحانه و تعالی] – пок ва улуғ. Аллоҳнинг номи эслатилганда ундан кейин келтирилиб, пок ва улуғ Аллоҳ маъносини билдиради.

<sup>130</sup> **Маъноси:** «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ бўлиб, У ягонадир ва Унинг шериги йўқдир. Ҳукмронлик [фақатгина] Унга [тегишли] ва мақтов [фақатгина] унга [йўлланган]дир. У тириклик ато этгучи ва ўлим йўллагувчи, [абдий] тирик ва ўлмас зотдир. Яхшилик [фақатгина] Унинг қўлларидан яралар. У барча нарсага қодирдир» (Ҳадиси шариф). «У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билувчидир» (Қуръони карим. «Ҳадид» сураси, 3-оят).

<sup>131</sup> **Маъноси:** «Аллоҳим, Сендан менинг яхшилик билан киришимни насиб этишинг ва мени ёмонликдан асрашингни сўрайман» (Ҳадиси шариф). «Эй, Раббим! Мени [қабрга] содиқлик билан (гуноҳларим кечирилган ҳолида) киритгин ва [тирилтирганинда ҳам] содиқлик (розилигин билан) чиқаргин ҳамда мен учун ўз даргоҳингдан бир мадад берувчи хужжат ато қилгин» (Қуръони карим. «Исро» сураси, 80-оят). «[Бу ерга] Аллоҳнинг номини айтиб кирамиз ва Аллоҳга таваккул қиламиз».

<sup>132</sup> X аср охирлари – XI аср бошларида Бухорода яшаб ўтган машҳур фақих ва қози. Асарнинг кейинги бўлимларида Дабусий тўғрисида асар муаллифининг батафсилроқ маълумоти ҳамда асар таржимонининг тўлдирувчи саҳифаошти маълумот-изоҳлари келтирилган.

<sup>133</sup> XI асрда Бухорода яшаб ўтган машҳур фақих ва қози. Асарнинг кейинги бўлимларида Шаъбий тўғрисида асар муаллифининг батафсилроқ маълумоти ҳамда асар таржимонининг тўлдирувчи саҳифаошти маълумот-изоҳлари келтирилган.

<sup>134</sup> XII асрда Бухорода яшаб ўтган сўфий, хожাগон-нақшбандия тариқати шайхи, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг биринчи халифаси. Асарнинг кейинги бўлимларида Барақий тўғрисида асар муаллифининг батафсилроқ маълумоти ҳамда асар таржимонининг тўлдирувчи саҳифаошти маълумот-изоҳлари келтирилган.

машҳади яқинида жойлашган Хожа Имом Абу Бакр Тархон тепалигидаги Деҳқон Сўғдий [қабри]да, яна бир толаси Садр тепалигидаги Саййид Имом Зарангар [қабри]да, бошқа бир толаси эса, Садр Шаҳид Ҳусомиддин раҳимаҳумуллоҳ [қабри]да сақланади.



## ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИ

Шунингдек, [қабрларни] зиёрат қилиш одоблари жумласига зиёратни тик турган ҳолда қилиш, қабрнинг устига ўтирмаслик, қабристонда намоз ўқимаслик, қўл билан қабрни силамаслик ва қабрни ўпмаслик ҳам киради. Зеро, булар христианларнинг одатлари жумласидандир.

«Қунят» («Хулосалаштириш»)<sup>135</sup> асарида: «Қабрга қўл тегизиш одатий ёки маъқул иш эканлиги бизга маълум эмас. Бироқ бунинг ёмон томони йўқ», дейилган бўлса-да, биз бундай ишни салафларимиз<sup>136</sup> томонидан инкор қилинган бидъат ишлар жумласидан ҳисоблаймиз.

Жоруллоҳ<sup>137</sup> [бу тўғрида шундай деган]: «Макканинг аллома машо-йихлари бу ишни номаъқул топиб, уни китоб аҳлининг одатларидан деб билишади. Қуръонни ўпиш ҳам шундай ишлар жумласига киради».

«Ихё ул-улум» («Илмларни тирилтириш»)<sup>138</sup> [асари]да [шундай дейилади]: «Қабрларни зиёрат қилишда қиблага орқа ўгириб, қабр томон юзланиб туриш, [қабр аҳлига] салом бериш, аммо қабрга қўл тегизмаслик ва уни ўпмаслик тавсия этилади. Зеро, [қабрга қўл тегизиш ва уни ўпиш] христианларнинг одатларидандир».

«Жомеъ ус-сағир» («Кичик тўплам»)<sup>139</sup> [асари] шарҳида [шундай дейилади]: «Динда фақатгина истилом<sup>140</sup> маросими чоғида қора тошни ўпишга, шунингдек, Қуръонни ўпишга рухсат этилгандир». Умар разияллоҳу анҳу тўғрисида ҳикоя қилишларича, у ҳар куни тонгда Қуръон китобини қўлига олиб, ўпар ва «Раббим азза ва жалланинг<sup>141</sup> буйруғи ва фармони», дерди.

<sup>135</sup> «Қунят ул-муна ли-татмим ал-ғуна» («Эҳтиёжларни қондириш учун «Орзу» асарини хулосалаштириш») – хоразмлик машхур фақиҳ Мухтор Зоҳидий Ғазминийнинг (ваф. 658/1260) асари. У бу асарда устози Фаҳриддин Қабозаний қаламига мансуб «Мунят ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар орзуси») асарини қисқа баён қилиб берган.

<sup>136</sup> салафлар ёки солиҳ салафлар [арабча салаф *سلف* олдин ўтган, аждод] – пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) томонидан мақтаб эсга олинган ва башорат қилинган, ислом тарихининг илк уч асрида яшаб, фаолият кўрсатган саҳобалар, тобеинлар ва табаа тобеинлар жумласидан бўлган мусулмон диний арбоблари (олимлар, фозиллар, мужтаҳидлар ва ш.к.).

<sup>137</sup> Бу ерда «Жоруллоҳ» лақаби билан машхур бўлган хоразмлик машхур муфассир, адабиётшунос ва тилшунос олим Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хоразмий аз-Замахшарий (467/1075–538/1144) назарда тутилмоқда.

<sup>138</sup> «Ихё ул-улум», тўлиқ номи «Ихё улум ад-дин» («Диний илмларни тирилтириш») – хуросонлик машхур фақиҳ, файласуф ва сўфий Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Тусийнинг (450/1058–505/1111) фикҳ, калом, тасаввуф ва фалсафага бағишланган йирик ҳажмли фундаментал асари.

<sup>139</sup> «Китоб ал-жомеъ ас-сағир» («Кичик тўплам китоби») – сунний-ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг шогирди ва издоши, ироқлик машхур фақиҳ, муҳаддис ва тилшунос Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг (131/749–189/805) фикҳга доир кичик маълумотнома сифатида яратган асари.

<sup>140</sup> истилом [арабча *استلام* қўл тегизиш, силаш] – Каъбадаги Қора тошга қўл тегизиш, уни силаш ва ўпиш.

<sup>141</sup> азза ва жалла [арабча *عز و جلال*] – улуғ ва буюк; Аллоҳ номи эслатилганда Унга нисбат бериб айтиладиган хусусият. Бу ўринда: «Аллоҳ азза ва жалла» дегани «улуғ ва буюк Аллоҳ» маъносини билдиради.

Мақбарага кириб боришда қуйидагиларни айтиш керак: **«Ассалому алайкум, ё аҳлал-қубур минал-муъминина ва-л-муъминот, ва-л-муслимийн ва-л-муслимот. Раҳимахуллоҳ ал-мутақаддимина минкум ва-л-мутаъаххирийна минна. Антум лана фаратун ва наҳну лакум табаъун ва инна бикум иншааллоҳ лоҳиқун. Амма нисаукум фақад нукиҳат, ва амма дуварукум фақад сукинат ва амма амвалукум фақад қусимат. Фа ҳазо хабару ма индана, фама хабару ма индакум»**<sup>142</sup>.

[Зиёрат қилувчилар] салом айтиб бўлгач кўп такбир<sup>143</sup> туширсинлар. Чунки такбирнинг савоби [оламдан] ўтганларга бошқа зикрлар<sup>144</sup> ва дуоларнинг савобидан олдинроқ етиб боради. Улар Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочи сақланаётган бирор бир улуғ кишининг қабрига етиб борганларида эса, унинг қаршисида тамомила улуғлаш ҳисси билан тик турган ҳолда қуйидагиларни айтсинлар: **«Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху. Аллоҳумма салли ала руҳи Муҳаммадин фи-л-арвоҳи ва салли ала жасади Муҳаммадин фи-л-ажсади ва салли ала (қабри) Муҳаммадин фи-л-қубури ва салли ала шаъри Муҳаммадин фи-ш-шуъур»**<sup>145</sup>. Шундан кейин «Фотиҳа» [сураси], «Оят ул-Курсий» ва «Ёсин» [сураси], охирида эса «Ҳашр» ва «Таборақ» [суралари]ни ўқисинлар. Чунки ҳадисда келтирилишича, «Таборақ» сураси қайси бир кишининг руҳига бағишлаб ўқилса, ўша киши қабр азобидан қутулади. Шунингдек, «Залзала», «Такосур», «Ихлос», «Фалақ» ва «Фотиҳа» сураларини ўқиб, буларни ўқишдан ҳосил бўлган савобни ўша ўтган киши ҳамда вафот этган барча мусулмонларга бағишласин[лар]. Сўнгра [дуога] қўл очиб, худди намоз чоғида бўлганидек, қуйидагиларни айтсин[лар]: **«Аллоҳуммағфирлий ва ли-волидайя ва ли-жамийи-л-муъминийна ва-л-муъминот»**<sup>146</sup>. Шундан сўнг эса қуйидаги дуони ўқисин[лар]: **«Аллоҳумма тақоббал минний тиловата ҳазиҳи-с-сувари ва қироата ҳазиҳи-л-оёти мин китобика-л-карим. Важъал савобаҳа ли фалон ва ли аҳли ҳазиҳи-л-мақбарати мин ал-муъминин ва-л-муъминот ва-л-муслимина ва-л-муслимот. Ва адхил алайҳимир-руҳа ва-**

<sup>142</sup> *Маъноси:* Ассалому алайкум, эй мўминлар ва мўминалар, муслимлар ва муслималар, раҳималлоҳ жумласидан бўлган қабрлар аҳли, сизлардан олдин ўтганлар ва сизларнинг ортингиздан боргувчилар. Сизлар бизларнинг бизлардан олдин ўтганларимиз бўлиб, бизлар сизларнинг ортингиздан боргаймиз ва Аллоҳ хоҳласа сизларга қўшилгаймиз. Сизларнинг [бу дунёда қолган] аёлларингиз турмушга чиқишди, сизларнинг уйларингизда [сизлардан бошқалар] яшашмоқда, сизларнинг мол-мулкларингиз эса [сизлардан бошқалар] ўртасида бўлиб олинган. Сизлар тўғрингизда билганимиз ана шулар. Сизлар эса бизлар тўғримизда ҳеч нарса билмайсизлар. Қаранг: «Наҳж ул-балоға».

<sup>143</sup> **такбир** [арабча تكبير улуғлаш] – Аллоҳни улуғлаш мақсадида «Аллоҳу акбар» («Аллоҳ буюқдир») иборасини айтиш ва такрорлаш.

<sup>144</sup> **зикр** [арабча ذكر эслаш] – тасаввуфда солиқнинг Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш мақсадида такбир, тасбиҳ, таҳмид, таҳлил, тавҳид, танзиҳ ва ҳавқала, шунингдек, оятлар ёки ҳадислардан олинган дуолар ҳамда Аллоҳнинг номлари ва сифатларини такрорлаш орқали уни тилда ёки қалбда поклб ва улуғлаб эслаши.

<sup>145</sup> *Мазмуни:* Ассалому алайкум. Аллоҳим, руҳлар орасида саййидимиз Муҳаммаднинг (с. а. в.) руҳига, жасадлар орасида саййидимиз Муҳаммаднинг (с. а. в.) жасадига, қабрлар орасида саййидимиз Муҳаммаднинг (с. а. в.) қабрига ҳамда сочлар орасида саййидимиз Муҳаммаднинг (с. а. в.) сочларига юбор.

<sup>146</sup> *Маъноси:* Аллоҳим, мени, шунингдек ота-онамни ҳамда барча мўминлар ва мўминаларни мағфират этгин.

**р-роҳата ва-л-фусҳата ва-н-нур ва-р-рахмата ва-л-бушро ва-л-карор-мата. Ва иза сора ҳолий мисла ҳолиҳим иғфирлий ва тажоваз анний вахтим лий би хайри хотимиҳи. Ё арҳам ар-роҳимин»<sup>147</sup>. Сўнгра қабр бошида тик турган ҳолда «Бақара» сурасини бошидан «Ва лаҳум аза-бун азийм»<sup>148</sup>гача ўқисин[лар]. Шундан сўнг яна тик туриб, «Аман ар-расул»<sup>149</sup> оятидан суранинг охиригача ўқисин[лар]. Сўнгра қайтадан қабр бошига келиб, қиблага юзланиб шундай десин[лар]: «Субҳана ман таъаззаза би-л-қудрати ва-л-бақои ва қаҳҳара-л-ибода би-л-мавти ва-л-фанои фаяруддул-халоиқа кама бадаъҳум ва юъидуҳум кама ан-шаъаҳум. Аузу биллаҳи минаш-шайтонир-рожийм. «Заъамал-лазина кафару ал лай юбъасу. Қул бала ва раббий латубъасунна сумма лату-наббаунна бима амилтум. Ва залика алаллоҳи ясир»<sup>150</sup>. Шундан сўнг қўл[лар]ини дуога кўтариб, яна шундай десин[лар]: «Аллоҳумма робба ҳазиҳи-л-ажсад ал-балия, ва-л-изом ан-нахирах, ва-ш-шуъур ал-му-тафарриқа, ва-л-жулуд ал-мутамаззиқа, аллазина моту ала шаҳадати ал ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ. Аллоҳумма баррид алайҳим мазожиъаҳум ва вас-сиъ алайҳим мазойиқаҳум ва анис фи зулмат ал-қабри ваҳшатаҳум, варҳам ғурбатаҳум ва фарриж курбатаҳум ва борик лаҳум фийма сору илайҳ. Ва барик лана иза сирно фиймо сору илайҳ. Наббихна ан навмат ил-ғофилин. Варзуқнал-ухбата ли-л-мавти ва-л-истиъда-да лаҳу ва таввафана муслимийна ва алҳиқно би-с-солиҳин. Ва кун бинавбиҳим роуфар роҳийма. Бироҳматика я арҳамар-роҳимин. Ва саллаллоҳу ала Муҳаммадин ва алиҳи ва асҳабиҳи ажмаийн ат-тай-йибин ат-тоҳирин, ва саллама таслиман касийро»<sup>151</sup>.**

<sup>147</sup> Маъноси: Аллоҳим, улуғ Китобингдан тиловат қилинган ушбу суралар ва қироат қилинган ушбу оятларни қабул этиб, ундан ҳосил бўлган савобни фалончига ҳамда ушбу қабристонда ётган мўминлар ва мўминалар, муслимлар ва муслималарга ёғдиргин. Уларга тинчлик-хотиржамлик, кенглик ва ёруғлик, раҳмат ва хушхабар ҳамда каромат ато этгин. Мен ҳам уларнинг ҳолига тушганимда мени мағфират айлаб, менга раҳмат йўллагин-да, охиратимни хайрли қилгин, эй Раҳмиларнинг энг Раҳимлиси.

<sup>148</sup> Қуръони карим. «Бақара» сураси, 7-оят. Маъноси: «Улар учун улкан азоб [тайёрлаб қўйилгандир].»

<sup>149</sup> Қуръони карим. «Бақара» сураси, 285-оят. Маъноси: «Пайғамбар ... имон келтирди.»

<sup>150</sup> Маъноси: Қудрати ва боқийлиги билан улуғ бўлган, бандаларни ўлим ва йўқолишга йўликтириш билан бўйсундирган, ўз яратганларини бошида қандай яратган бўлса, ўшандай ҳолатга қайтарувчи зотга мақтовлар бўлсин. Мен Аллоҳдан [Унинг даргоҳидан] тошбўрон қилиб қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. «Кофир бўлган кимсалар ўзларини ҳеч қачон қайта тирилмаймиз, деб гумон қилдилар. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Йўқ! Раббимга қасамки, албатта, қайта тирилтирилурсиз, сўнгра, албатта, сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллоҳга осондир». Қуръони карим. «Тағобун» сураси, 7-оят.

<sup>151</sup> Маъноси: Аллоҳим, «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ бўлиб, У ягонадир ва Унинг шериги йўқдир. Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир», деб гувоҳлик бериб оламдан ўтган, ушбу йўқ бўлиб кетган жасадлар, чириб кетган суяклар, титилиб кетган сочлар, тилка-пора бўлиб кетган териларга ўзинг эгалик қилгин. Аллоҳим, уларнинг ётган жойларини салқин, кириш жойларини кенг қилиб, қабр қоронғулиги ёлғизликларида уларга ҳамроҳ, ғарибликларида эса уларга меҳрибон бўлгин ва уларнинг қайғуларини тарқатиб юборгин. Биз ҳам уларнинг ҳолига тушганимизда бизга баракат бергин, бизларни ғафлат уйқусидан уйғотиб, ўлим учун ва унга тайёрланиш учун керак бўлган нарсалар билан таъминлагин. Бизларни мусулмонлар сифатида қабул қилгин ва солиҳларга яқинлаштиргин. Бизларга ва уларга раҳми ва меҳрибон бўлгин, эй раҳмиларнинг энг раҳимлиси. Муҳаммад, унинг оиласи ҳамда покдомон саҳобаларига Аллоҳнинг салаотлари ва саломи бўлсин.

## ЭСЛАТМА

Шуни билиб кўйгинки, Аллоҳ сенга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиб, тириклик чоғингда ва ўлганингдан кейин устингга тақво либосини кийгизди. Буюк олимлар, ислом шайхлари ва улуғ валийлар<sup>152</sup> ҳали ҳаёт бўлиб, одамлар уларни ўз кўзлари билан кўриб юрган чоғларида уларнинг қандай мартабалар ва даражаларга эришганликларини билиб олиш қийин ва оғир ишдир. Шундай экан, улар беқарор дунёдан барқарор дунёга кўчиб ўтганларидан кейин [уларнинг қандай мартабалар ва даражаларга эришганликларини], айниқса ёди улуғ бўлган буюк Зот [Аллоҳ] хос валийлик<sup>153</sup> даражасига етказиш билан улуғлаган, зоҳирлари<sup>154</sup> ва ботинларини<sup>155</sup> Ўзининг зот ва сифатлари<sup>156</sup> жилваланиши билан безатган, улуғлик гумбазлари [остида] ва қизғаниш пардалари [орти]да ўзгаларнинг кўзларидан яширган кишиларнинг [мартаба ва даражаларини] қандай билиб олиш мумкин? **«Менинг гумбазларим остидаги валийларимни мендан бошқа ҳеч ким билмайди»**, деган ҳадиси қудсий ана шундай кишилар тўғрисида айтилгандир. Шундай кишилардан айримларнинг ҳоллари<sup>157</sup> ва мақомлари<sup>158</sup> ҳаёт чоғларида ҳам, ўлганларидан кейин ҳам бирор кишига маълум бўлмади. Аллоҳ азза ва жалла улардан баъзиларини эса, одамлар уларнинг зоҳирлари ва ботинларидан баҳра-

<sup>152</sup> **валий** [арабча *ولي* дўст; кўплиги **авлиё** اولياء дўстлар] – тасаввуфда: Аллоҳнинг буйруқлари ва қайтариқларига тўлиқ риоя қилиш, Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билиш, икки дунёга тегишли нарсаларнинг барчасидан кўнгил узиб, биргина Аллоҳга кўнгил боғлаш, уни севиш ва унга интилиш орқали сайру сулук йўлида комилликка эришган, ўзидан фоний ва Аллоҳга боқий бўлган ёхуд ўзини тамомила унутиб, фақатгина Ҳақ мушоҳадатига (Аллоҳни кўришга) машғул бўлган, натижада Ҳақ *валийси* (Аллоҳнинг яқин дўсти) мақомига етиб, ғайб илмидан хабардорлик ва кароматлар кўрсатиш қобилиятларига эга бўлган киши.

<sup>153</sup> **валийлик** [арабча *валоят* ولاية валийлик, дўстлик] – тасаввуфда: Аллоҳнинг буйруқлари ва қайтариқларига тўлиқ риоя қилиш, Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билиш, икки дунёга тегишли нарсаларнинг барчасидан кўнгил узиб, биргина Аллоҳга кўнгил боғлаш, уни севиш ва унга интилиш орқали сайру сулук йўлида комилликка эришиш, ўзидан фоний ва Аллоҳга боқий бўлиш ёхуд ўзини тамомила унутиб, фақатгина Ҳақ мушоҳадатига (Аллоҳни кўришга) машғул бўлиш натижасида Ҳақ *валийси* (Аллоҳнинг яқин дўсти) мақомига етиб, ғайб илмидан хабардорлик ва кароматлар кўрсатиш қобилиятларига эга бўлган киши – валийнинг ҳолати.

<sup>154</sup> **зоҳир** [арабча *ظاهر* сирт, ташқари] – ташқари, ташқи томон, ташқи кўриниш, ташқи дунё (инсондаги).

<sup>155</sup> **ботин** [арабча *باطن* ич, ичкари] – ич, ичкари, ички томон, ички кўриниш, ички дунё (инсондаги).

<sup>156</sup> **сифат** [арабча *صفت* белги, хусусият] – Аллоҳга хос бўлган хусусият, белги, ўзига хослик; Аллоҳнинг махсус номлар билан билдирилаётган тавсифи, эпитет.

<sup>157</sup> **ҳол** [арабча *حال* ҳолат] – тасаввуфда: сайру сулук босқичларини босиб ўтиш жараёнида солиқда унинг ўзи истамаган ҳолда (ёхуд, айримларнинг фикрича, сўфийнинг ўз саъй-ҳаракатлари натижасида) юз берадиган, қувонч, қайғу, умид, кўрқув ва шу каби бошқа вақтинчалик рухий ҳолатлардан бири.

<sup>158</sup> **мақом** [арабча *مقام* тўхташ жойи, ўрин] – солиқ сайру сулук йўлида ўз саъй-ҳаракатлари (ёхуд, айримларнинг фикрича, Аллоҳнинг тавфиқи) билан етадиган даражалардан ва босиб ўтиши керак бўлган босқичлардан ҳар бири. Мақом сўфий томонидан доимий тақрорланиш натижасида унинг хусусиятига айланадиган хулқ-атвордир. Мақомлар муайян кетма-кетликда жойлашган бўлиб, бир мақом шартларини тўла адо этмаган солиқ ундан кейинги мақомга ета олмайди, бир мақом шартларини тўла адо этиб, ундан кейинги мақомга ўтган солиқда эса у етган олдинги мақомлар кучи сақланиб қолади.

манд бўлишлари учун, ўзининг етук ҳикмати ҳамда туганмас фазлу раҳмати билан одамлар орасида алоҳида кўзга ташланадиган қилиб қўйди. Ушбу тоифага мансуб кишиларга хос бўлган жиҳат шундан иборатки, уларнинг намоён бўлишлари вужудга келганларидан то қиёмат кунига қадар кучайиб бораверади. Улар ҳаёт чоғларида одамларнинг тўғри йўлга ҳидоят этилишларига сабаб бўлганликлари каби ўлганларидан кейин уларнинг пок руҳларига яқинлашиш ўта фойдали ўша натижа ва самарани беради. Ана шу валийларнинг қадри юксак Бухородаги мунаввар марқадрлари ва муаттар машҳадлари бу ерда яшовчи кишиларни офатлар ва хавф-хатарлардан асрайди.

Энди эса валийларга хизмат қилувчи ходим, арзимас ва нотавон фақир банда, Муин ул-фуқаро номи билан аталувчи Аҳмад ибн Маҳмуд (Аллоҳ уни ва унинг ота-онасини ҳамда барча мўминлар ва мўминалар, муслимлар ва муслималарни мағфират<sup>159</sup> қилсин) «Албатта, барча нарса ҳам идрок этилмайди. Билиб қўйингларики, албатта унинг ҳаммаси ҳам тарк этилмайди» ҳикматига мувофиқ қабрлари раҳмат ва мағфират ёғиладиган жой бўлган буюк олимлар ва ислом шайхлари қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳумдан айримлари [тўғрисидаги маълумотлар]ни имкони борича ва уларнинг шафоатларидан умид қилган ҳолда қоғозга туширди. [Қўлингиздаги китобда] Аллоҳ таолонинг мадади ва осонлаштириши билан уларнинг исмлари ва унвонлари мўътабар китобларда баён этилганидек келтирилади, айримларининг таваллуд ва вафот саналари эса бизга маълум бўлганича қайд этилади.

Шунингдек, билиб қўйгинки, Бухоронинг фатҳ этилиши саҳобалар ва тобеинлар разияллоҳу анҳум ажмаъин замонида юз берган бўлса-да, Бухорода саҳобалар ва тобеинлардан бирортасининг пок қабри борлиги аниқланмаган ва ишончли маълумотлар билан тасдиқланмаган. Бухорода Хожа Уҳбон<sup>160</sup>, Каъб Аҳбор<sup>161</sup>, Муҳаммад ибн Восиъ<sup>162</sup> ҳамда саҳобалар ва тобеинлар разияллоҳу анҳум жумласидан бўлган бошқа кишиларнинг қабрлари мавжудлиги тўғрисида Бухоронинг оддий халқи орасида тарқалган ривоятларга келсак, тарихчиларнинг мўътабар асарлари[да келтирилган маълумотлар]дан бунинг акси англашилади. Ушбу

<sup>159</sup> мағфират [арабча مغفرت кечириш] – Аллоҳ томонидан бандаларнинг қилган гуноҳларининг кечирилиши, гуноҳларни кечириш.

<sup>160</sup> Абу Уқба Уҳбон ибн Авс ал-Асламий (р. а.) (VII а.) – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) саҳобаларидан, ҳадис ривоятчиларидан бири. Бугунги кунда Бухоро халқи орасида «Хожа Уҳбон» ёки «Хожа Абон», «Хожа Убон» номлари билан машҳур. Маълумот учун: Абу Уқба Уҳбон ибн Авс ал-Асламий мақбараси Бухоро шаҳридан 50 км. шимоли-ғарбда ёки Варахша тепалигидан 20 км. шимоли-ғарбдаги қум тепаликлар орасида, Қизилқум чўлининг Ромитан тумани худудидаги қисмида жойлашган. Хожа Уҳбон мақбараси азалдан шифобахш суви билан эл орасида шуҳрат топган маскан саналади. Бу ерга халқ тили билан айтганда пес (илмий тилда витилиго) касаллигидан шифо топиш учун республикамизнинг барча ҳудудларидан беморларнинг келиши кузатилади.

<sup>161</sup> Абу Исҳоқ Каъб ибн Мотий ал-Ҳимярий ал-Аҳбор (ваф. 34/654–655) – ислом динини қабул қилган яманлик яҳудий, исроилиёт ривоятчиларидан ҳамда Куръон тафсирчиларидан бири.

<sup>162</sup> Муҳаммад ибн Восиъ ал-Аздий (ваф. 123/741) – тобеинлар жумласидан бўлган фақиҳ ва сўфий.

кишилардан ҳар бири тўғрисида сўз борган ўринларда [улар тўғрисида] фақатгина ҳақиқий бўлган маълумотлар келтирилади.

Бироқ кашф ва аён<sup>163</sup> аҳлидан бўлган айрим кишиларнинг айтишлари, кимки бирор улуғ кишини зиёрат қилиш мақсадида бирор қабрнинг олдига борса ва ўша улуғ киши ўша ерда дафн этилган деб ишонса, гарчи ҳақиқатда бу ўша улуғ кишининг қабри бўлмаса-да, ўша улуғ кишининг файзи ва мададидан тўла-тўқис ва бирор-бир камчиликсиз баҳраманд бўлади. Чунки руҳлар оламидаги [масофавий] яқинлик ва узоқлик бир хилдир. Олий ҳазрат, замона қутби<sup>164</sup>, имон аҳлининг паноҳи, илм ва ирфон<sup>165</sup> осмонининг қуёши, Аллоҳ аза ва жалла аҳлидан бўлган комил инсонлар орасидан танлангани, валийликка таянгувчи покиза жаноб, улуғимиз бўлмиш мавлоно, бизнинг хожаимиз, яъни Хожа Порсо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳофизий ал-Бухорий<sup>166</sup> (Аллоҳ таоло унинг хокини пок, қабрини ўз фазли билан ёруғ ва бизлар учун муқаддас қилсин) ҳам ана шу гапларни тўғри деб топгандилар. Демак, зиёратчи бирор-бир улуғ кишига мансуб деб топилган ҳар қандай қабрни, гарчи ҳақиқатда шундай бўлмаса-да, ўша улуғ кишининг руҳи баракаларидан баҳраманд бўлмоғи учун ўша қабрни улуғ ва азиз билмоғи лозим бўлади.

Ушбу нотавон банданинг ожиз ўйига мазкур дин улуғлари (Аллоҳ таоло уларнинг барчаларининг руҳларини пок қилсин) [қабрлари] тўғрисидаги ҳикояларимни қуйидаги икки қисмга бўлган ҳолда келтирсам, деган фикр келди:

<sup>163</sup> **кашф** [арабча *كشَف* очиш] ёки **кашф ва аён** [арабча *كشَف و عيان* очиш ва кўриш] – солиқнинг ғайб пардаси ортидаги нарсаларни кўриши, солиққа ғайб пардаси ортидаги нарсаларнинг аён (маълум, равшан, ойдин) бўлиши; **кашф аҳли** ёки **кашф ва аён аҳли** – ғайб пардаси ортидаги нарсалар унга аён (маълум, равшан, ойдин) бўлган сўфийлар.

<sup>164</sup> **қутб** [арабча *قطب* қутб; ўқ] – сўфийлар наздида валийликнинг энг юқори даражасига етган, инсонларнинг кўнглидаги нарсаларни била оладиган ҳамда уларга таъсир ўтказиш қобилиятига эга бўлган комил инсон, ягона ва улуғ йўлбошчи. Қутб сўфийлик ёки валийликнинг қуйидан юқорига кўтарилиб борадиган поғонасидаги энг юқори даража бўлиб, мазкур поғоналар турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинган. Жумладан, айрим муаллифлар уларни қуйидан юқорига қараб борадиган тўрт минг макнун (яширин), уч юз ахёр (энг яхшилар), қирқ абдол (ўринбосарлар), етти аброр (яхшилар), тўрт автод (устунлар), уч нуқабо (донишмандлар) ва бир қутбдан, бошқалар эса уч юз нақиб, қирқ нажиб (улуғ), етти абдол, тўрт автод ва уч афроддан иборат деб билишган. Мустамлий Бухорий (ваф. 434/1043) эса, айнан валийлар эмас, балки умуман сўфийларнинг қуйидан юқорига қараб борадиган абдол, автод, нуқабо ва қутб деган тўрт даражага бўлиниши, жумладан, ер юзида доимо тўрт юз абдол мавжуд бўлиб, улардан қирқтаси автод, ушбу қирқтадан тўрттаси нақиб ва ушбу тўрттадан биттаси эса қутб бўлиши тўғрисида сўз юритган.

<sup>165</sup> **ирфон** [арабча *عرفان* чуқур ва батафсил билиш] – Аллоҳга етишиш йўлидан бораётган солиқ томонидан Аллоҳнинг зоти, исмлари ва сифатларини билиш илми ва амалиёти; Аллоҳни излаб бораётган, яъни Аллоҳга етишишни истовчи сўфийнинг Аллоҳ ва унинг барча хусусиятлари тўғрисида билим ҳосил қилиш учун танлаган йўли ва усули; Аллоҳни билиш илми. Сўфийларнинг таърифича, ирфон ақлий далил ва хулоса асосида эмас, балки Аллоҳ томонидан ато қилинадиган кашф ва шуҳуд ёрдамида Аллоҳни танишдан иборат бўлиб, киши бундай қобилиятга фақатгина қалби, руҳи ва танаси билан тоат-ибодат қилиш ёхуд Аллоҳ томонидан мажзуб бўлиш (жалб қилиниш) орқалигина эга бўлиши мумкин. Ирфон йўлидан бораётган ёки Ирфон илмини эгаллаган киши «ориф» деб аталади.

<sup>166</sup> **Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий Порсо** (749/1348–822/1420) – хожагон-нақшбандия тариқати йирик намоёнчаси ва пири, ушбу тариқатнинг нақшбандия босқичи асосчиси Хожа Баҳроуддин Нақшбанднинг (718/1318–791/1389) асосий халифаларидан бири (Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Яъқуб Чархий ва Хожа Алоуддин Ғаждувоний билан биргаликда), Нақшбанддан кейин тариқат раҳбарлигини амалга оширган сўфий. У ўз даврининг фикҳ, калом ва тасаввуф соҳаларидаги йирик ва машҳур олими бўлиб, шу соҳаларга оид кўплаб асарлар яратган.

Биринчи қисм: Шаҳарнинг ўзида ҳамда шаҳардан ярим фарсах<sup>167</sup> узоқликкача бўлган жойларда дафн этилган улуғлар тўғрисидаги ҳикоялар.

Иккинчи қисм: Шаҳардан ташқаридаги туманлар ва биринчи қисмда эслатилган жойлардан наридаги маконларда [дафн этилган] улуғлар тўғрисидаги ҳикоялар. Аллоҳ уларни раҳмат қилсин.

Шунга аминманки, улар тўғрисидаги ҳикояларни худди шу тартибда икки қисмда келтириш улар тўғрисида бериладиган маълумотларнинг аниқ ва тушунарли бўлишига хизмат қилади.

---

<sup>167</sup> **фарсах** [فارساخ, *форс-тожикча фарсанг* فرسنگ (тош) сўзининг арабча талаффузда ўзгарган шакли] – олти километр икки юз қирқ метрга тенг келадиган узунлик ўлчов бирлиги.

## I ҚИСМ

«Ҳақиқатдан ҳам Аллоҳ барча ишнинг ўнг томондан бошланишини ёқтиради», деган ҳадисга таянган ҳолда, ҳикоямизни машҳур шайх Хожа Абу Ҳафс Кабир<sup>168</sup> қаддасаллоху таоло руҳаҳудан<sup>169</sup> бошладик. Зеро, кимки Бухоро шаҳрининг ўзидан қибла томон йўл олса, ушбу дин улуғининг нурли қабри ўнг қўлда [жойлашганлигига гувоҳ] бўлади. Бунинг устига, ул ҳазрат [яшаган] даври жиҳатидан ҳам бошқа уламолардан олдинроқ турадилар.

### ХОЖА ТЕПАЛИГИДАГИ<sup>170</sup> ҚАБРЛАР ТЎҒРИСИДА

Имом, олим ва омил<sup>171</sup> шайх **Хожа Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн аз-Забурқон ибн Абдуллоҳ ибн ал-Баҳр ал-Ижлий ал-Бухорий** раҳимаҳуллоҳ [ҳижрий-қамарий] 150 йили<sup>172</sup> дунёга келган бўлиб, Имом Шофеийнинг<sup>173</sup> таваллуди ва Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг<sup>174</sup> вафоти ҳам ана шу йили юз бергандир. Абу Ҳафс раҳимаҳуллоҳ [ҳижрий-қамарий] 217 йили<sup>175</sup> дунёдан ўтганлар. Ул ҳазратнинг нурга тўла қабрлари са-

<sup>168</sup> Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн аз-Забурқон ибн Абдуллоҳ ибн ал-Баҳр ал-Ижлий ал-Бухорий (150/767–217/832) – бухоролик йирик уламо, фикҳ, ҳадис ва калом соҳаларининг забардаст олими, Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг шогирдларидан бири, ҳанафийлик мазҳабининг Бухоро мактаби асосчиси. «Абу Ҳафс Кабир» номи билан машҳур бўлган. Абу Ҳафс Бухоро ва бутун Мовароуннаҳрда ислом илмларининг ёйилиши, хусусан, ҳанафийлик илмий анъаналарининг ўрнатилишига катта ҳисса қўшган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухоро айнан Абу Ҳафс Кабир туфайли куббат ул-ислом (ислом гумбази) унвонини олишга мушарраф бўлган. Абу Ҳафс Кабирнинг Бухородаги мақбараси «Ҳазрати Имом мақбараси» ёки «Имоми Ҳожатбарор мақбараси» номлари билан ҳам машҳур.

<sup>169</sup> қаддасаллоху таоло руҳаҳу [арабча *قدس الله تعالى روحه*] – Аллоҳ таоло унинг руҳини покласин (улуғ кишилар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган тилак).

<sup>170</sup> **Хожа тепалиги** – форс-тожикча кўриниши **Талли Хожа** (تل خواجه).

<sup>171</sup> **омил** [арабча *عامل* бажарувчи] – диний фарзларни бажарувчи ва уларга амал қилувчи киши.

<sup>172</sup> Милодий 767 йили.

<sup>173</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос аш-Шофеий (150/767–204/820) – буюк ислом уламоси, фикҳ, ҳадис ва ақида соҳаларининг йирик олими, ислом дини суннийлик йўналишидаги шофеийлик мазҳаби асосчиси.

<sup>174</sup> Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ал-Куфий (80/699–150/767) – ислом оламининг буюк уламоси, фикҳ ва ҳадис соҳаларининг йирик олими, ислом дини суннийлик йўналишидаги ҳанафийлик мазҳаби асосчиси.

<sup>175</sup> Милодий 832 йили.



ёҳатчи абдоллар<sup>176</sup> ва автодларнинг<sup>177</sup> тўпланадиган жойига айланган. Ул ҳазрат илмда, амалда, мужоҳадат<sup>178</sup> кучида, ҳол поклигида, зуҳдда<sup>179</sup>, саховатда, ғазотда ҳамда Қуръон[да баён этилган ислом аҳкомлари]ни ёйишда юксак даражаларга эришган эдилар. Ул ҳазрат барча мусулмонларга нисбатан ўта меҳрибон ва жонкуяр бўлиб, уларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилардилар.

Абу Сулаймон Жузжоний<sup>180</sup> раҳимаҳуллоҳ [ул ҳазрат тўғрисида] шундай дейди: «Устозим Имом Муҳаммад Шайбоний раҳимаҳуллоҳдан: «Сен бу дунёдан ўтадиган бўлсанг, бу илми қаердан излайлик?» – деб сўрадим. Имом раҳимаҳуллоҳ [саволимга жавобан]: «Абу Ҳафс Бухорийдан. Чунки ҳеч ким бу илми мендан унинг даражасида ўрганиб олган эмас», деб жавоб берди». Абу Сулаймон раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Ҳали Абу Ҳафс тирик экан [диний масалалар борасида туғилган саволлар бўйича] менга мурожаат қилиб ўтирманглар, чунки Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ барчага [ўзидан кейин бу борада] унга мурожаат қилишларини буюрган».

Ҳазрат Хожа Абу Ҳафсдан: «[Қиладиган] амалларинг орасида қай бири [сенда Аллоҳнинг марҳаматига] кўпроқ умид қилишингга сабаб бўлади?» – деб сўрашганида: «Ла илаҳа иллаллоҳ [деб] тавҳид калимаси[ни айтишим]», деб жавоб беради. Ундан яна: «[Қиладиган] амалларинг орасида

<sup>176</sup> **абдол** [арабча *ابدال*; бирлик шакли **бадал** *بدل* ўрнини босадиган] – тасаввуфда: олам ҳеч қачон уларнинг вужудидан холи бўлмайдиган, олам уларнинг вужудига таянган ёки уларнинг вужуди асосида бино бўлган «рижол ул-ғайб» («ғайб кишилари») туркумига кирувчи валийларнинг бир тури. Турли манбаларда уларнинг тутган ўрни, даражаси ва сони турлича кўрсатилади. Мустамлий Бухорийнинг (ваф. 434/1043) ёзишича, *абдол*нинг сони тўрт юзта бўлиб, ушбу тўрт юзтадан қирқтаси *автод*, ушбу қирқтадан тўрттаси *нақиб* ва ушбу тўрттадан биттаси *қутбдир*. Бошқа манбаларда келтирилишича, *автод* «рижол ул-ғайб» туркумини ташкил этувчи иерархиянинг юқоридан куйига қараб борадиган 5-табақасини ташкил этади: 1) қутб; 2) икки имом; 3) беш автод (ватадлар); 4) етти афрод (фардлар); 5) қирқ абдол (бадаллар); 6) етмиш нужабо (нажиблар); 7) уч юз нуқабо (нақиблар); 8) беш юз асоиб; 9) кўпсонли ҳукамо (ҳакимлар); 10) кўпсонли ражабийюн (ражабийлар). **Изоҳ:** *абдол* аслида арабча *бадал* сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига *бадаллар* (ўрнини босадиганлар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида – *абдол* кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини *абдол*, кўплик шаклини эса *абдоллар* кўринишида беришга қарор қилдик.

<sup>177</sup> **автод** [арабча *اوتاد*; бирлик шакли **ватад** *وتد* қозик] – тасаввуфда: олам ҳеч қачон уларнинг вужудидан холи бўлмайдиган, бири вафот этса, бошқаси унинг ўрнини эгаллайдиган «рижол ул-ғайб» («ғайб кишилари») туркумига кирувчи валийларнинг бир тури. Турли манбаларда уларнинг сони тўртта, бешта, еттита ёки қирқта деб эслатилади. Жумладан, айрим сўфийлар наздида улар тўрт киши бўлиб, ҳар бири ўрин жиҳатдан оламнинг тўрт тарафи – шарқ, ғарб, шимол ва жанубда ўша ерга тушувчи илоҳий файзни бу жиҳатларга ҳақли бўлган қутбларга етказиб туради. **Изоҳ:** *автод* аслида арабча *ватад* сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига *ватадлар* (қозиклар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида – *автод* кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини *автод*, кўплик шаклини эса *автодлар* кўринишида беришга қарор қилдик.

<sup>178</sup> **мужоҳадат** [арабча *مجاهدات* уриниш, тиришиш] – тасаввуфда: солиқнинг сайру сулуқдаги юксак даражалар – мақомлар ва ҳолларга етиш мақсадида ўз нафсининг истакларига қарши чиқиб, улар билан курашиши ва шу тариқа жисмоний машаққатларни бошидан ўтказиши.

<sup>179</sup> **зуҳд**, **зоҳидлик** [арабча *زهد* юз ўгириш, тарк этиш] – тасаввуфда: бу дунёнинг лаззатлари ва роҳат-фароғатларидан воз кечиб, Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсалардан воз кечган ҳолда, тақво ва парҳезкорликда умр кечириши.

<sup>180</sup> Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 204/819) – Марказий Осиёлик йирик уламо, фикҳ ва ҳадис соҳаларининг забардаст олими, Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг шогирдларидан бири. Мовароуннаҳрда ҳанафийлик мазаҳби ва фикҳининг кенг ёйилишига катта ҳисса қўшган.

қай бири [Аллоҳнинг азобидан] кўпроқ қўрқинишга ва даҳшатга тушинишга сабаб бўлади?» – деб сўрашганида эса, бунга жавобан: «Фатво чиқаришим. Чунки мен бу ишни амалга оширишдан ожизман», деб айтади. [Хожа Абу Ҳафс] ўз шогирдларидан бирига васият қилиб, шундай деган: «Илм ўргангин ва илмга амал қилгин. Зарурат бўлмаган ҳолларда одамлар қиладиган ишлар билан машғул бўлмагин. Бирор кишини ёмонлик билан эсламагин. Ўз уйингда яшагин. Доимо Қуръон тиловат қилгин. Булар мен ўзим учун маъқул топган амаллар бўлиб, буларни сен ҳам қилишингни истайман». Аллоҳим, бизни айтилган гапларни тинглайдиган ва ундаги яхши чақириқларга эргашадиганлардан қилгин<sup>181</sup>.

[Ушбу тепаликда жойлашган қабрлардан] яна бири ул ҳазратнинг фарзанди, олим ва омил **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафс ал-Бухорийнинг**<sup>182</sup> нурли қабри бўлиб, у Хожа [Абу Ҳафс] раҳимахуллоҳ қабрининг қибла томонидадир. Хожа Абдуллоҳ Субадмуний<sup>183</sup> Хожа [Абу Ҳафс] фарзанди раҳимахумуллоҳнинг<sup>184</sup> шогирди бўлган.

Бундан ташқари, айтишларича, амир ал-мўминин<sup>185</sup> Усмон<sup>186</sup> разияллоху анху фарзандларидан бири ҳамда Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анху фарзандларидан бири ҳам шу ерда дафн этилганлар. Бухоро аҳолиси орасида тарқалган ривоятларга кўра, Хожа [Абу Ҳафс] қабрининг бош томонида **Абон ибн Усмон**<sup>187</sup> разияллоху анхунинг қабри жойлашган. Бироқ ишончга лойиқ бўлган мўътабар китобларда келтирилишича, Абон ибн Усмон разияллоху анху Мадинаи мунавварада вафот этган.

Шунингдек, қирқ йил давомида кечалари ухламасдан, [тунларни] тоат-ибодат билан ўтказган[лиги сабабли] **Шайх Шаббедор** [номи билан

<sup>181</sup> Абу Ҳафс Кабирнинг қабри бугунги кунга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмидан шимоли-ғарбда, қадимий шаҳар деворлари яқинида, Абу Ҳафс Кабир ва Ҳазрати Имом дарвозаси кесишмасидаги Ҳазрати Имом қабристонидан жойлашган. Ушбу қабристоннинг ўзи IX асрда Абу Ҳафс Кабир қабри атрофида вужудга келгандир. Бу ерда қадим замонлардан буён мавжуд бўлган Абу Ҳафс Кабир хонақоҳи совет даврида колхоз омборхонасига айлантирилиб, хонақоҳ ҳамда унинг ҳужралари ва таҳоратхоналари хароб ҳолга келтирилган эди. Мустақиллик даврида (2009 йили) Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳида улкан мақбара, янги жомеъ масжид, дарвозахона ва гўзал боғ барпо этилди.

<sup>182</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий (ваф. 274/878) – ҳанафийлик фикҳининг йирик вакили. Абу Ҳафс Кабирнинг ўғли. «Абу Ҳафс Сағир» номи билан танилган.

<sup>183</sup> IX аср охирлари – X асрнинг биринчи ярмида Бухорода яшаб ўтган фақиҳ, муҳаддис ва тарихчи. Асарнинг кейинги бўлимларида Субадмуний тўғрисида асар муаллифининг батафсилроқ маълумоти ҳамда асар таржимонининг тўлдирувчи саҳифаоти маълумот-изоҳлари келтирилган.

<sup>184</sup> **раҳимахумуллоҳ** [арабча **رحمهم الله**] – Аллоҳ уларни раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улўқ кишилардан бир нечтасининг номи кетма-кет тилга олингандан кейин айтиладиган дуо).

<sup>185</sup> **амир ал-мўминин** [арабча **امير المؤمنين**] мўминлар амири – Ислом халифалиги, жумладан, хулафои рошидин, умавийлар ва аббосийлар халифаликлари даврида халифалик ҳукмдорига берилган унвон.

<sup>186</sup> **Усмон ибн Аффон** (р. а.) (ҳ.о.47/576–35/656) – Исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган кишилардан, Пайғамбар (с. а. в.)нинг энг яқин саҳобаларидан бири. Муҳаммад (с. а. в.)нинг куёви. Хулафои рошидин (тўғри йўлдан борувчи халифалар) номи билан машҳур бўлган илк тўрт халифадан учинчиси (23/644–35/656 йиллари халифалик қилган). Ашараи мубашшара – Муҳаммад (с. а. в.) томонидан жаннатга кириши башорат қилинган ўн киши жумласига кирган.

<sup>187</sup> **Абон ибн Усмон ибн Аффон ал-Қураший** (ваф. 105/723) – учинчи халифа Усмон ибн Аффоннинг ўғли. Фақиҳ, муҳаддис, муфассир ва тарихчи, ҳадисга доир «Ал-Мағозий» асари муаллифи. Маълум муддат Мадина шаҳри ҳокими бўлган.

машхур бўлган улуғ] ҳамда кароматлар<sup>188</sup> эгаси бўлган **Қози Имом Абдулвоҳид Шаҳиднинг** қабрлари ҳам шу ердадир.

## **САФФОР<sup>189</sup> [ЛАҚАБЛИ] ИМОМЛАР ҚАБРЛАРИ [ТЎҒРИСИДА]**

[Бу атрофда жойлашган қадамжолардан] яна бири Саффор [лақабли] имомлар қабрлари бўлиб, масжиднинг қибла бетида, Хожа [Абу Ҳафс] раҳимахуллоқ қабрининг жануб томонида жойлашгандир.

«Ансоб» («Насабнома»)<sup>190</sup> [асари] муаллифи Имом Абдулкарим ас-Самъоний<sup>191</sup> раҳимахуллоқ ўз китобида шундай ёзади: «Имом, олим, омил ва зоҳид<sup>192</sup> шайх **Абу Иброҳим Исмоил ибн Наср ас-Саффор** раҳимахуллоқнинг вужуди диний эътиқод мустаҳкамлиги билан сифатланган эди. У дин[ий масалалар] борасида ҳақ бўлган гапни айтар, [бунинг учун] бирор кишининг таъна-маломати ва гап-сўзидан қўрқмасди. **«Аллоҳнинг [тоати] йўлида жидду жаҳд қилувчи, маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган бўлурлар»**<sup>193</sup> [ояти] улар ҳақида нозил қилинган кишилар жумласидан эди. «Работи Малик»<sup>194</sup> [работи]ни қурдирган Шамс ул-мулк лақаби билан машхур Хоқон Наср ибн Иброҳим<sup>195</sup> [ҳижрий-қамарий] 461 йили<sup>196</sup> ўзини ёмон ишлардан қайтариб, эзгу ишларга буюрганлиги сабабли уни шаҳид қилди.

Унинг фарзанди, аз-Зоҳид ас-Саффор лақаби билан машхур бўлган **Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор**<sup>197</sup> раҳимахуллоқ ҳам олим,

<sup>188</sup> **каромат** [арабча *كرامت* улуғлик, саховат] – тасаввуфда: валийлар томонидан амалга ошадиган ғайриоддий ва ғайритабиий иш бўлиб, уларнинг узоқ масофани оз муддатда босиб ўтишлари, ҳавода ёки сув устида туришлари ёки юришлари, бошқа жойда бўлаётган ишларни билиб туришлари, бошқаларнинг кўнглидаги нарсаларни билишлари ёки фикрини ўқий олишлари, келажакда юз берадиган воқеаларни билишлари, қилган дуоларининг мустажоб бўлиши, душмандан, очликдан ёки ташналиқдан қутулиб қолиш ва ҳ.к. шулар жумласига киради.

<sup>189</sup> **саффор** [арабча *صفار*] – мис буюмлар ясовчи хунарманд, мисгар.

<sup>190</sup> **«Ал-Ансоб»** («Нисбалар») – Самъонийнинг бутун ислом оламида XII асрга қадар яшаб ўтган машхур кишилар (диний уламолар, олимлар, адиблар ва б.)нинг ҳаёти, фаолияти, яшаган жойлари ва ҳ.к. тўғрисида уларнинг нисбалари (исмлари таркибида келган таваллуд ёки яшаш жойлари) асосида алифбо тартибида ёзган саккиз жилдли йирик асари. Ушбу асар Марказий Осиёнинг XII асргача бўлган тарихи тўғрисидаги маълумотларга бой.

<sup>191</sup> **Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний ат-Тамимий асл-Марвазий** (506/1113–562/1167) – Марказий Осиёдан етишиб чиққан машхур муҳаддис, фақиҳ, тарихчи, генеалог ва адабиётшунос. «Ал-Ансоб» («Насабнома») асари муаллифи.

<sup>192</sup> **зоҳид** [арабча *زاهد*] юз ўғирувчи, тарк этувчи] – бу дунёнинг лаззатлари ва роҳат-фароғатларидан воз кечиб, Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсалардан воз кечган, тақво ва парҳезкорликда умр кечирадиган киши.

<sup>193</sup> Қуръони карим. «Моид» сураси, 54-оят.

<sup>194</sup> **Фарс-тожикча «Работи Малик»** (*رباط ملك*) топоними ўзбек тилида «Подшоҳ работи» маъносини англатади.

<sup>195</sup> **Шамс ул-Мулк Наср ибн Иброҳим ибн Наср Табғачхон** (ваф. 472/1080) – Мовароуннаҳр худудида ҳукм сурган, пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган Ғарбий Қорахонийлар давлати хоқони. 460/1068–472/1080 йиллари ҳукмронлик қилган.

<sup>196</sup> Милодий 1068 йили.

<sup>197</sup> **Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор ал-Бухорий** (460/1068–534/1140) – бухоролик машхур муҳаддис, фақиҳ, мутакаллим ва сўфий. Мотуридия калом мактаби вакили. Ҳадис, фикҳ, калом ва тасаввуфга оид «Талхис аз-зоҳид», «Талхис ул-адилла ли-қавоид ат-тавҳид», «Китоб ас-сунна ва-л-жамоат», «Баён ут-тавҳид», «Ал-Ибона ан исбот ар-рисола», «Рисола фи-л-калом», «Китоб ул-фусул» асарлари муаллифи.

омил ва обид<sup>198</sup> бўлиб, худди отаси каби подшоҳлар ва султонларга ҳақ гапни айтишдан қўрқмасди. Султон Санжар<sup>199</sup> Мовароуннаҳр ўлкаси манфаатларини ўйлаб<sup>200</sup>, уни Марвга олиб боргач, у ўша ерда яшаб қолди, аммо [умрининг охирларида] Бухорога келиб оламдан кўз юмди.

Унинг фарзанди **Абу-л-Ҳомид Ҳаммод ибн Иброҳим ас-Саффор** раҳимахуллоҳ Бухоро жоме масжидининг имоми эди. У ҳам олим, омил ва муҳаддис бўлиб, ҳар жума куни эрталаб Бухоро жоме масжидида [ҳадис ўрганувчиларга] ҳадис айтиб ёздирарди».

## [ҲОЖА АБУ ҲАФС САФКАРДАРИЙ ҚАБРИ ТЎҒРИСИДА]

Шаҳарнинг шимол томонида жойлашган Сафкардар<sup>201</sup> қишлоғида валийлик ва каромат эгаси бўлмиш шайх, олим ва муҳаддис **Ҳожа Абу Ҳафс Сағир Сафкардарий**<sup>202</sup> раҳимахуллоҳнинг нурли қабри бор. Улуғлардан бири [у тўғрисида] шундай деган: «Бир неча оқшом унинг қабридан минора шаклидаги нур таралиб турганини ўз кўзим билан кўрдим. Бу нур менинг кўзларимни қамаштирарди». Имом ва зоҳид Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн ал-Макхулий ан-Насафий<sup>203</sup> раҳимахуллоҳ [эса] «Ал-Итмом ли-тамом ал-эҳтимом» («Барча саъй-ҳаракатни ишга солиш учун мукаммаллашиш»)<sup>204</sup> китобида [у тўғрисида] шундай ҳикоя қилади:

«Имом Абу Ҳафс Сағир раҳимахуллоҳ ҳар куни саҳарлаб Имом Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахуллоҳ дарсида иштирок этиш учун Марвга борар, чошгоҳ вақтида эса Бухородаги уйига қайтиб келарди.

Бир куни унинг масжиди муаззини ҳам у билан бирга йўлга тушди. [Абу Ҳафс Сағир] Жайхун дарёсидан худди кичик бир ариқдан ўтгандек

<sup>198</sup> **обид** [арабча عابد ибодат қилувчи] – ибодат амалларини узлуксиз тарзда бажарувчи, доимо тоат-ибодат билан машғул бўлган киши.

<sup>199</sup> **Султон Санжар**, Муизиддин Абулҳорис Аҳмад Санжар ибн Маликшоҳ (479/1084–552/1157) – салжуқийлар сулоласи ҳукмдори. 1097–1153 йиллари Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларида мавжуд бўлган салжуқийлар давлатида ҳукмронлик қилган.

<sup>200</sup> Яъни, Мовароуннаҳр ўлкасида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлаш мақсадида.

<sup>201</sup> **Аслида**: Сафкарда. Ҳозирги кунда Бухоро вилояти Бухоро туманида жойлашган қишлоқ.

<sup>202</sup> **Аслида**: Ҳожа Абу Ҳафс Сағир Сафкардавий (VIII – IX а.) – муҳаддис ва фақиҳ, марвлик буюк муҳаддис, фақиҳ, тарихчи ва сўфий Абдуллоҳ ибн Муборакнинг (118/736 – 181/797) шогирди.

<sup>203</sup> **Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътаммид ибн Муҳаммад ибн Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий ал-Макхулий** (418/1027–508/1114) – қашқадарёлик машҳур муҳаддис, фақиҳ ва мутакаллим. Мотуридия калом мактаби вакили. «Ат-Тавҳид ли қавоид ат-тавҳид» («Тавҳид қоидаларига муқаддима»), «Баҳр ул-калом» («Калом илми уммони»), «Шарҳ ал-жомеъ ал-кабир» («Катта тўплам шарҳи»), «Маноҳиж ал-аимма фи-л-фуруъ» («Имомларнинг фуруъ ал-фиқҳдаги услублари»), «Изоҳ ал-манҳаж ли қавн ал-ақл ҳужжатан» («Ақлнинг ҳужжат бўлишида манҳажнинг изоҳи»), «Табсират ул-адилла фи усул ад-дин ала тариқат Аби Мансур ал-Мотуридий» («Дин асосларини исботлашда Абу Мансур Мотуридий таълимоти бўйича аниқ ва раво далиллар») асарлари муаллифи.

<sup>204</sup> «Ал-Итмом ли-тамом ал-эҳтимом» («Барча саъй-ҳаракатни ишга солиш учун мукаммаллашиш») – Муин ул-фуқаро бу китобнинг Абу-л-Муъин Маймун Насафий қаламига мансуб эканлиги тўғрисида ёзган бўлса-да, ушбу китоб тўғрисида, шунингдек, унинг ҳақиқатдан ҳам Насафий қаламига мансублиги борасида аниқлаштирувчи маълумот топишнинг иложи бўлмади.

ўтиб, бирпасда Марвга етиб келди. Муаззин бу шаҳарни кўриб ҳайратга тушди. Абдуллоҳ ибн Муборакни ўзининг барча шогирдлари, жумладан, Абу Ҳафс ас-Сағир, Халаф ибн Айюб<sup>205</sup>, Абу Бакр ал-Искоф<sup>206</sup>, Абу Бакр ал-Аъмаш, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий<sup>207</sup> раҳимахумуллоҳ ва шу кабилар билан бирга кўргач эса [улар билан бирга] ўтириб, унинг дарсини тинглади. Улар орасида Хизр алайҳиссалом ҳам бор эди. [Дарс тугагач] Абу Ҳафс у ердан кетди, ҳайратга тушган муаззин эса [Абу Ҳафс билан бирга кетиш] эсидан чиқиб, ўша ерда қолди. Шунда у бу ерликлардан бу қандай шаҳар эканлигини сўради. Улар унга бу Марв шаҳри эканлигини айтишди. Сўнгра [муаззин улардан] бу шаҳарнинг олими ким эканлигини ҳам сўради. Улар [бунга жавобан бу шаҳарнинг олими] Абу Ҳанифа раҳимахумуллоҳнинг шогирди Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахумуллоҳ эканлигини маълум қилишди. Шундан сўнг муаззин уларга бўлган воқеани сўзлаб берди-да, ўзидаги нарсаларни кўрсатди. Улар муаззинга [эртаси куни Абу Ҳафс келгунига қадар] сабр билан кутиб туришини маслаҳат беришди. У [эртаси куни] қоронғулик тарқаб, тонг ёришгунига қадар кутиб ўтирди. Ниҳоят шавкатли имом етиб келди. Муаззинни кўриб кулиб қўйди-да, енгил нафас олди. Сўнгра ундан [бўлиб ўтган воқеа билан боғлиқ] бу сирни [бошқаларга] айтмасликни сўради. Муаззин ҳам буни сир сақлаш ва [бошқаларга] ошкор қилмасликка сўз берди.

Шундай қилиб, иккаласи биргаликда [Бухорога] қайтиб келишди. [Кўриб ўтганимиздек,] муаззин [Абу Ҳафс билан қилган ушбу сафари давомида] ундан содир бўлган кароматнинг гувоҳи бўлганди. Бироқ у уйига етиб келганидан кейин [ўртадаги сирни ошкор қилмаслик тўғрисида] Абу Ҳафсга берган ваъдасини эсидан чиқариб қўйиб, кимни кўрган ва учратган бўлса, уларга [бўлиб ўтган воқеа тўғрисида] оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Имомнинг кароматлари ва [етишган] мақомлари [барчага] маълум бўлиб, [одамлар тилида] дoston бўлиб кетгач, кишилар барака истаб унинг атрофида йиғила бошлашди. Одамлар [ўзларига] омад ва бахт тилаб унинг олдига келишарди. Узоқ ва яқиндан бахтли ва бахтсиз кишилар унинг ҳузурига шошилишарди. Натижада, унинг юраги одамларга бўлган қизиқишдан совиб, Малик ул-ҳақ<sup>208</sup> бўлмиш Аллоҳдан паноҳ излади. Аллоҳ унда ғалаба қилиб, унинг нидоларини қабул қилди ва уни [одамларнинг кўзидан] яширди ва дуосини мустажоб айлади. Шавкатли пешқадам буюк имомнинг шогирди шундай [юксак даражага эга

<sup>205</sup> Абу Саид Халаф ибн Айюб ал-Умарий (ваф. 220/835) – Балх ва Хуросон муфтийси бўлган.

<sup>206</sup> IX асрнинг иккинчи ярми – X асрнинг бошларида Бухорода яшаб ўтган муҳаддис ва фақиҳ шайх. Асарнинг кейинги бўлимларида Искоф тўғрисида асар муаллифининг батафсилроқ маълумоти ҳамда асар таржимонининг тўлдирувчи саҳифаоти маълумот-изоҳлари келтирилган.

<sup>207</sup> Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий (ваф. 242/856) – Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг шогирдларидан бири.

<sup>208</sup> Малик ул-ҳақ [арабча ملك الحق] – ҳақиқий подшоҳ, ҳақиқий ҳукмдор.

бўлган] бўлса, унинг буюк ва улуғ устози (Аллоҳ уларнинг ҳаммасидан рози бўлсин) [етган даража] қандай бўлган экан?».

## ЧАШМАИ АЙЮБ АЛАЙҲИССАЛОМДАГИ ҚАБРЛАР<sup>209</sup> ТЎҒРИСИДА

Айюб алайҳиссаломга мансуб қабрнинг қибла томонида Хожа Каъбон лақаби билан машҳур бўлган Каъб ибн Саид ал-Омирий<sup>210</sup> раҳимахуллоҳнинг мунаввар қабри жойлашган. Уни Каъбон Обид деб ҳам аташади. У Хожа Абу Ҳафс Кабир раҳимахуллоҳнинг дўстларидан бўлган. У кофирлар томонидан шаҳид қилинган.

Абу Аҳмад Искоф [у тўғрисида] шундай дейди: «Каъбон олдимга эски бир этикни олиб келиб, буни ямаб-бутлаб бергин, чунки ғазотга бормоқчиман, деди. Мен бу этикни ямаб бўлмаслигини, чунки тикса титилиб кетиши мумкинлигини айтдим. У оғир бир нафас олди-да, шундай деди: «[Унда] қўлингдан келганича бутлагин. Мен тушимда Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламни тўрт саҳобаси билан бирга турган ҳолда кўрдим. [Улар менга:] «Бугун кечаси биз билан бирга бўлгин», деб айтишди». [Шундан сўнг] мен бор маҳоратимни ишга солиб, [ўша] этикни тикиб-бутладим. Каъбон [этикни мендан олиб, ғазотда иштирок этиш учун олдимдан] чиқиб кетганидан биров вақт ўтиб, [ўша жангда] шаҳид бўлди. Бу [воқеа ҳижрий-қамарий] 199 йили<sup>211</sup> юз берганди».

[Бу ердаги қабрлардан] яна бири Мавлоно Жамолиддин Маҳбубий<sup>212</sup> раҳимахуллоҳнинг фарзанди Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий<sup>213</sup> раҳимахуллоҳ қабри бўлиб, Чашмаи Айюб алайҳиссалом [мақбараси]нинг шарқида, ўша қабристондаги ҳовузнинг жанубида жойлашган.

Чашмаи Айюб алайҳиссалом [мақбараси]нинг шарқ томонида Шаръобод қабристони жойлашган. Насл-насаби Убода ибн Сомит<sup>214</sup> ра-

<sup>209</sup> Чашмаи Айюб (Айюб булоғи) зиёратгоҳи шу номли қудуқ ва мақбарадан иборат. Ушбу қудуқ устига XII асрда Қорахоний ҳукмдорлар, Амир Темур даврида 1383 йилда Амир Ҳажжож ва кейинчалик шайбоний ҳукмдорлар томонидан урта гумбаз қурилган. Мазкур мажмуа XIX асрга қадар бир неча бор таъмирланган. Чашмаи Айюб зиёратгоҳи бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмидан шимоли-ғарбда, Сомонийлар истироҳат боғи яқинида жойлашган.

<sup>210</sup> Абу Саид Каъб ибн Саид ал-Омирий ал-Бухорий (II/VIII–III/IX) – муҳаддис ва сўфий, Фузайл ибн Иёзнинг (107/725 – 187/802) шогирдларидан.

<sup>211</sup> Милодий 814/815 йили.

<sup>212</sup> Абу-л-Фазл Жамолиддин Убайдулоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад Маҳбубий Бухорий (546/1151–630/1233) – бухоролик машҳур фақиҳ ва муҳаддис. Муҳаддис, фақиҳ ва сўфий Сайфиддин Бохарзийнинг (586/1190–659/1261) устози.

<sup>213</sup> Шамсиддин Аҳмад ибн Убайдулоҳ ибн Иброҳим Маҳбубий Бухорий (ваф. 635/1238) – бухоролик машҳур фақиҳ ва муҳаддис. Мавлоно Жамолиддин Убайдулоҳ Маҳбубийнинг ўғли.

<sup>214</sup> Убода ибн Сомит (р. а.) (586–654) – Пайғамбар (с. а. в.) саҳобаларидан, Муҳаммад (с. а. в.) даврларида Қуръони каримни жамлаган ансорийлардан бири.

зияллоху анхуга бориб тақаладиган Мавлоно Жамолиддин Маҳбубий авлодларидан бўлган Хованд Садр уш-шариъа<sup>215</sup> оиласи аҳли шу ерда [дафн этилган]дир. У[шбу улуғ]ларнинг насаб силсиласи қуйида баён қилинади.

Катта Садр уш-шариа [номи билан] жаҳонга машҳур бўлган аллома Хованд Мавлоно Садр уш-шарианинг нурли ва пок қабри Шаръобод [қабристон]да бўлса-да, унинг фарзандлари Мавлоно Тож уш-шариъа ва Мавлоно Бурҳон уш-шариа раҳимаҳумуллоҳларнинг хоклари Кирмон вилоятидадир. Уларнинг ҳар бири оламдаги қуёш каби эди.

[Мазкур улуғларнинг насаб силсиласи қуйидагича:] Хованд Мавлоно Садр уш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Имом Тожиддин Умар ибн Имом Садр уш-шариъа ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Халаф ибн Ҳорун [ибн] Аҳмад ибн Маҳбу[б] ибн Валид ибн Убода ибн Сомит разияллоху анху. [Эслатиб ўтиш жоизки, ушбу насаб силсиласида номи биринчи бўлиб эслатилган] Хованд Мавлоно Садр уш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд машҳур Убайдуллоҳ мадрасасининг асосчиси, [мазкур насаб силсиласида номи сўнгги бўлиб эслатилган] Убода ибн Сомит разияллоху анху эса буюк ансорий<sup>216</sup> саҳобалардан бўлган. (Ул зотнинг мукаррам авлодларидан буюк имомлар етишиб чиқсинлар).

Ушбу насаб [силсиласи]да номи биринчи бўлиб эслатилган Хованд Мавлоно Садр уш-шариъа араб ва ажам [халқлари] алломаси, олиму уламолар устози ва Одам фарзандларининг сараси эди. Ул зотнинг барча илм соҳаларида ёзган асарлари унинг [барча илмларда] камолга етганини кўрсатади. Ул ҳазрат ўзи ўқиб-ўрганган илмлардан ташқари, Аллоҳ субҳонаху томонидан каромат қилинган ваҳбий<sup>217</sup> илмга ҳам эга эди. Аллоҳ таоло ул зотни «Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик»<sup>218</sup> кутубхонасига киргизган ҳамда «Бандасига (Муҳаммадга) Аллоҳ туширган ваҳийни келтирди»<sup>219</sup> сирларидан бўлмиш бир сирни баён қилган эди.

<sup>215</sup> *Жамолитдин Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий Бухорий* (ваф. 747/1346) – фикҳ, ҳадис, тафсир, калом, фалсафа, мантик, адабиётшунослик, тилшунослик, физика ва астрономия соҳалари олими, мотуридия калом мактаби вакили. «Садр уш-шариаи асғар» («Кичик Садр уш-шариа») ёки «Садр уш-шариаи соний» («Иккинчи Садр уш-шариа») лақаби билан машҳур бўлган. «Ал-Вишоҳ» («Тақинчоқ»), «Таъдил ул-улум» («Илмларни тартибга солиш»), «Шарҳ ул-Виқоя» («Виқоя шарҳи»), «Ал-Муқаддимот ул-арбаъа» («Тўрт муқаддима»), «Аш-Шурут ва-л-маҳозир» («Шартлар ва тимсоллар»), «Ат-Танқиҳ» («Тозалаш»), «Ат-Тавзиҳ» («Изоҳлаш») ва бошқа асарлар муаллифи.

<sup>216</sup> **ансорийлар** [арабча *انصار* ансор; *ناصر* носир]нинг кўпчилиги; ёрдам берувчилар, қўллаб-қувватловчилар] – Мадина халқининг Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) бошчилигида Маккадан чиқиб кетиб, Мадинага кўчиб ўтган (ҳижрат қилган) мусулмонларга ёрдам ва бошпана берган, уларни қўллаб-қувватлаган ва уларга қўшилган қисми.

<sup>217</sup> **ваҳбий** [арабча *وهبي* совға қилинган] – кишининг уринишлари ва меҳнатлари натижасида ҳосил бўлмаган, балки Аллоҳ томонидан ато этилган ҳар қандай нарса.

<sup>218</sup> Қуръони карим. «Каҳф» сураси, 65-оят.

<sup>219</sup> Қуръони карим. «Нажм» сураси, 10-оят.

[Ул ҳазрат] шайх, солик<sup>220</sup>, носик<sup>221</sup> ва мажзуб<sup>222</sup> Ҳасан Булғорий<sup>223</sup> қаддасаллоҳу руҳаҳу<sup>224</sup> қабулида бўлиш шарафига муяссар бўлган эди. Ул зот [ҳижрий-қамарий] 747 йили<sup>225</sup> вафот этган. Ул ҳазратнинг ўзининг ҳамда ўздан кейинги авлодларининг қабрлари Шаръободдир.

## СОМОНИЙ СУЛТОНЛАР РАҲИМАҲУМУЛЛОҲ ТЎҒРИСИДА

«Ансоб» [асари] муаллифи раҳимаҳуллоҳ [ўз китобида] Ҳофиз Ғунжор раҳимаҳуллоҳдан нақл қилган ҳолда [сомонийлар сулоласи ҳукмдорлари тўғрисида] қуйидагиларни келтиради:

«Улардан энг машҳури халққа тўғри йўл кўрсатувчи билимли ва адолатли амир **Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ибн Сомон** бўлиб, у амир ал-мўминин раҳимаҳуллоҳ томонидан [Мовароуннаҳр ўлкаси] ҳокимлигига тайинланган эди<sup>226</sup>. Унинг қилган ғазотлари, [юртни] адолат [билан бошқарган]и, илм аҳлини ҳурмат қилгани ва қўллаб-қувватлагани тўғрисида ҳикоя қилувчи китоблар кенг тарқалган. У [ҳижрий-қамарий] 234 йилнинг шаввол ойида<sup>227</sup> Фарғонада дунёга келиб, [ҳижрий-қамарий] 295 йилнинг сафар ойида<sup>228</sup> Бухорода оламдан ўтган ва [ҳаммаси бўлиб] олтмиш бир йил умр кўрган. У Баҳром Чўбин<sup>229</sup> авлодларидандир.

<sup>220</sup> **солик** [арабча *سالىك* йўловчи] – Аллоҳга етишиш мақсадида сайру сулуқнинг тавба мақомидан тортиб васл ва фано мақомигача бўлган босқичларини муршид (шайх, пир) раҳнамолигида босиб ўтувчи, шу тариқа Аллоҳ томон сайр қилувчи ва Аллоҳга етишгач, Аллоҳда сайр қилувчи киши. Қисқача қилиб айтганда, солик сайру сулуқ қилувчи киши, яъни Аллоҳ йўлининг йўловчисидир.

<sup>221</sup> **носик** [арабча *ناسىك* тийилувчи, сақланувчи] – гуноҳлардан тийилувчи киши.

<sup>222</sup> **мажзуб** [арабча *مجزوب* тортилган, жалб этилган] – *тасаввуфда*: жазба ҳолатига тушган сўфий; ўз саъй-ҳаракати, яъни сайру сулуқдаги риёзатлари ва мужоҳадатлари натижасида эмас, балки Аллоҳ ўзига томон тортганлиги, жалб этганлиги натижасида юксак мақомларга етган сўфий.

<sup>223</sup> **Шайх Салоҳиддин Ҳасан Булғорий Наҳживоний** (605/1208–698/1299) – Волгабўйида (Айрим маълумотларга кўра Озарбайжоннинг Наҳчивон диёрида) дунёга келиб, маълум муддат Бухоро шаҳрида, кейинчалик эса Эроннинг Кирмон ва Табриз шаҳарларида яшаб, фаолият кўрсатган сўфий, кубравия сўфийлик тариқати вакили. Наҳмиддин Кубронинг (540/1145–618/1221) халифаларидан бўлган Саъиддин Муҳаммад ибн Муайяд ал-Ҳамавийнинг (ваф. 650/1260) шогирди. Шайх Хованд Тоҳурнинг (ваф. 755/1354) отаси Шайх Умар Боғистонийнинг (ваф. 691/1292) сўфийлик тариқатидаги устози.

<sup>224</sup> **қаддасаллоҳу руҳаҳу** [арабча *قدس الله روحه*] – Аллоҳ унинг руҳини покласин (улуғ кишилар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган дуо).

<sup>225</sup> Милодий 1346 йили.

<sup>226</sup> **Сомонийлар давлати** (875–999) Марказий Осиё халқларининг араб истилосидан кейинги илк мустақил давлатларидан ҳисобланиб, мустақил сиёсат олиб борган бўлса-да, ушбу давлат пойтахти Бағдодда бўлган Араб (аббосийлар) халифалигига номигагина тобе, унинг ҳукмдорлари эса амир ал-мўминин (мўминлар амири) деб аталмиш Араб халифасининг номигагина ноиблари ҳисобланганлар. Шунга кўра, ушбу давлат ҳукмдорлари (амалда ҳокимиятга чиқиб бўлганидан кейин) Араб халифаси томонидан расмиятчилик юзасидангина тасдиқланган.

<sup>227</sup> Милодий 849 йилнинг май ойида.

<sup>228</sup> Милодий 907 йилнинг ноябрь ойида.

<sup>229</sup> **Баҳром Чўбин** (ваф. 592) – Эронда ҳукмронлик қилган сосонийлар сулоласи шоҳлари Хусрав I Анушервон (531–579) ва Хурмузд IV (579–590) ҳукмронлиги даврида кўшинлар лашкарбошиси. 590 йили эндигина ҳокимиятга чиққан Хусрав II Парвизни тахтдан ағдариб, ҳокимиятни эгаллайди ва 590–591 йиллари Эрон шоҳи сифатида мамлакатни бошқаради. 591 йили Хусрав II Парвиз Византия императори Маврикий ёрдами билан тахтни қайта қўлга киритгач, Турк хоқонлигининг Фарғона диёрига қочиб кетади ва ўша ерда Хусрав II Парвиз жосуслари томонидан ўлдирилади.



Айтишларича, бир куни Султон Исмоил ўз мулозимлари билан энди-гина отга миниб, йўлга тушган эди ҳамки, муаззин минорадан азон ай-тиб, [барчани] намозга чорлай бошлади. [Шунда] Султон ўз-ўзига: «Ҳам-ма Аллоҳ азза ва жаллани эслаётганда от миниб кетаверишим одобдан эмас», деди-да, жиловни тортиб [отни] тўхтатди ва азонга жавоб қайтар-ди. Султон Исмоил оламдан ўтганидан кейин бир куни уни тушда кўрди-лар. Унинг [нариги дунёдаги] аҳволини сўраганларида, «[Ўша айтилган азонга жавобан Аллоҳни] улуғлаганим ва [Унинг қаршисида] тавозеъ кўрсатганим туфайли Аллоҳ субҳонаху мени[нг гуноҳларимни] кечир-ди», деб жавоб берди.

Унинг отаси амир **Аҳмад ибн Сомон** ҳам билимли киши бўлиб, Суфён ибн Уяйна<sup>230</sup>, Исмоил ибн Уяйна<sup>231</sup>, Язид ибн Ҳарун<sup>232</sup> ва бошқа [муҳаддис] лардан ҳадис ривоят қиларди. У [ҳижрий-қамарий] 250 йили<sup>233</sup> Фарғона-да вафот этган.

Султон Исмоилнинг бир ака ва бир укаси бор эди. Унинг акаси **Абу-л-Ҳасан Наср ибн Аҳмад** ҳам олим бўлиб, ҳадис аҳлидан эди. У [ҳижрий-қамарий] 279 йилнинг жумодил ул-охир ойида<sup>234</sup> оламдан ўтган. Султон Исмоилнинг укаси **Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Аҳмад** Бухоро ҳокими бўлиб, у ҳам илм аҳлидан эди. У [ҳижрий-қамарий] 301 йилнинг сафар ойида<sup>235</sup> Бухоро куҳандизида<sup>236</sup> ҳибсда ётган вақти оламдан кўз юмган.

Подшоҳ Исмоилнинг ўғли **Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил** [ҳижрий-қамарий] 301 йилнинг жумодил-охир ойида<sup>237</sup> Жайхун [дарёси] бўйидаги Фарбар деган жойда ўз ғуломлари томонидан шаҳид этилган.

Подшоҳ Исмоилнинг набираси **Абу-л-Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил** [ҳижрий-қамарий] 331 йил ражаб ойининг<sup>238</sup> пайшанба кун[ларидан бир]ида кечаси вафот этган. У ўттиз йил бир ой тўрт кун ҳукмрон-лик қилган эди.

[Абу-л-Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоилнинг ўғли] **Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил**нинг вафоти [ҳижрий-қамарий] 343 йил рабеъ ул-аввал ойининг<sup>239</sup> шанба кун[ларидан бир]ида юз берган.

<sup>230</sup> Абу Муҳаммад Суфён ибн Уяйна ал-Ҳилолий (107/725–198/815) – муҳаддис олим, Макка ҳадис мактабининг йирик вакилларида бири.

<sup>231</sup> Исмоил ибн Уяйна – Суфён ибн Уяйна оиладаги тўққиз ака-уканинг бири бўлиб, улардан бештаси ҳадис илмини ўрганишган. Исмоил ибн Уяйна шулардан бири бўлиши мумкин.

<sup>232</sup> Аслида: Ҳорун; Тўлиқ шакли: Абу Халид Язид ибн Ҳорун Воситий (118/736–206/821) – ироқлик муфассир ва муҳаддислардан бири.

<sup>233</sup> Милодий 864 йили.

<sup>234</sup> Милодий 892 йилнинг сентябрь ойида.

<sup>235</sup> Милодий 913 йилнинг сентябрь ойида.

<sup>236</sup> **куҳандиз** [форс-тожикча *کهندهز*; аслида **куҳандиж** *کهنديج*; арабчалашган шакли **куҳандиз** *قهندز*] – ўрта асрлар шаҳарларида шаҳар девори ичкарасида, баъзан ташқарисида жойлашган, мудофаа мақсадларида фойдаланиладиган қалъа; Арк.

<sup>237</sup> Милодий 914 йилнинг январь ойида.

<sup>238</sup> Милодий 943 йил март/апрель ойининг.

<sup>239</sup> Милодий 954 йил июль ойининг.

[Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Насрнинг ўғли] **Абу-л-Фаворис Абдулмалик ибн Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил** [ҳижрий-қамарий] 350 йил шаввол ойининг<sup>240</sup> чоршанба кун[ларидан бир]ида дунёдан ўтган.

[Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Насрнинг яна бир ўғли] **Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳ ибн Наср** [ҳижрий-қамарий] 365 йил шаввол ойида<sup>241</sup> оламдан кўз юмган.

[Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳнинг ўғли] **Абу-л-Қосим Нуҳ ибн Мансур ибн Нуҳ ибн Наср** [ҳижрий-қамарий] 387 йил ражаб ойида<sup>242</sup> вафот этган. Унинг ҳукмронлиги йигирма бир йилу тўққиз ойга яқин вақт давом этган.

Унинг кўрсатмасига кўра, вафотидан кейин, [ҳижрий-қамарий] 387 йилнинг зу-л-қаъда ойидан<sup>243</sup> бошлаб хутбани ўғли **Абу-л-Ҳорис Мансур ибн Нуҳ** номига ўқидилар.

Кўйидаги шеърда [барча] сомоний ҳукмдорларнинг номлари бир жойда келтирилган:

Нуҳ тан буданд зи оли сомони машҳур,  
Ҳар як ба вилояте ва шаҳре мазкур.  
Исмоиле ва Аҳмаде ва Насре,  
Ду Нуҳ-у ду Абдулмалик-у ду Мансур.

(*Мазмуни*: Машҳур сомонийлар сулоласидан тўққиз киши ҳукмронлик қилган бўлиб, уларнинг ҳар бири бирор ўлка ёки шаҳарда донг таратган эди. [Уларнинг орасида] битта Исмоил, битта Аҳмад ва битта Наср, шунингдек, икки Нуҳ, икки Абдулмалик ва икки Мансур бўлган эди.)

Ушбу шеърда [сомоний ҳукмдорлар орасида] икки Абдулмалик бўлганлиги эслатилган бўлса-да, «Ансоб» китобида битта [Абдулмалик] тўғрисида сўз боради<sup>244</sup>.

<sup>240</sup> Милодий 961 йил ноябрь/декабрь ойининг.

<sup>241</sup> Милодий 976 йил июнь ойида.

<sup>242</sup> Милодий 997 йил июль/август ойида.

<sup>243</sup> Милодий 997 йил ноябрь ойидан.

<sup>244</sup> 875–999 йилларда Марказий Осиё, Хуросон ва Эронни ўз ичига олувчи улкан ҳудудда ҳукмронлик қилган Сомонийлар давлати ҳукмдорларининг ушбу давлат пойтахти Бухоро шаҳридаги умумий мақбаралари ва алоҳида қабрларидан иборат бўлган, IX–X асрларда бунёд этилган мажмуа ҳудуди ушбу давлат қулаганидан кейинги даврларда аста-секин қисқариб, мақбаралар ва қабрлар бузилиб борган, XVI–XVIII асрларда эса бу ҳудудда тураржой масканлари қурила бошлаган. Натижада ушбу мажмуадан фақатгина унинг бугунги кунда Исмоил Сомоний мақбараси деб аталадиган қисмигина сақланиб қолган. Мазкур мақбара 892–943 йиллар давомида бунёд этилган бўлиб, унда Аҳмад ибн Асад (ваф. 864 й.), Исмоил Сомоний (849–907) ва Аҳмад ибн Исмоил (ваф. 914) дафн этилганлиги тахмин қилинади. Исмоил Сомоний мақбараси ҳозирда Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмидан шимоли-ғарбда, Сомонийлар истироҳат боғида жойлашган.

## [ҒУНЖОР ҲОФИЗ ҚАБРИ ТЎҒРИСИДА]

Сомоний султонлар қабрларидан жануб томонга қараб бироз юрилса, **Ғунжор ал-Ҳофиз** лақаби билан машҳур бўлган муҳаддис олим, «Та-рихи Бухоро» («Бухоро тарихи») ва «Ҳазоил ус-саҳоба ал-арбаъа» («Тўрт саҳоба фазилатлари») китобларининг муаллифи **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ** раҳимахуллоҳнинг нурли қабри учрайди. Унинг Ғунжор лақабини олганлиги сабаби шундаки, у [доимо] муҳаддис имом Исо ибн Мусо ат-Тамимий ал-Ғунжор раҳимахуллоҳ томонидан ривоят қилинган ҳадисларга таянарди. У [ҳижрий-қамарий] 412 йили<sup>245</sup> оламдан ўтган<sup>246</sup>.

Исо ибн Мусо ал-Ғунжор ҳам бухоролик бўлиб, илгари яшаб ўтган ҳадис олимларидан ҳисобланади. Бироқ у [ҳижрий-қамарий] 185 йили<sup>247</sup> Сарахсда вафот этган. У икки юзи қип-қизил бўлганлигидан Ғунжор лақабини олган экан.

## [АБУ БАКР АҲМАД ИБН САЪД ҚАБРИ ТЎҒРИСИДА]

Бухоронинг қибла томонидаги Сумитан<sup>248</sup> қишлоғида [сўфиёна] ҳоллар ва мақомларга етишган валийлик ва кароматлар эгаси бўлмиш зоҳид, олим ва омил шайх **Ҳожа Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд**<sup>249</sup> қаддасаллоҳу таоло руҳаҳунинг нурли ва покиза қабри жойлашган. Ул ҳазратнинг фазилатлари ва эзгу хислатларини баён қилишга ҳожат йўқдир. Ул зот раҳимахуллоҳ [ҳижрий-қамарий] 360 йили<sup>250</sup> оламдан кўз юмган. Ҳикоя қилишларича, ул ҳазрат илм, амал ва зуҳдда юксак даражаларга эришган бўлса-да, унда [сўфиёна] ҳоллар ва важдлар<sup>251</sup> ғалаба қиларди. Гул эди, майса билан безанди. «**Аллоҳ ўзининг [бу] нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур**»<sup>252</sup>.

<sup>245</sup> Милодий 1021 йили.

<sup>246</sup> Ғунжор Ҳофиз қабри бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, Исмоил Сомоний мақбарасининг жанубига қараб борилганда ҳозирда Бухоро шаҳрининг ғарбий қисмидаги Мир Дўстим кўчасидадир.

<sup>247</sup> Милодий 801 йили.

<sup>248</sup> X асрдан бошлаб турли манбаларда Сақматин (سقمطين), Самтин (سمتين), Самитан (سمتن), Сумитан (سمتن) деб аталган бугунги Чор Бакр қишлоғининг қадимги номларидан бири.

<sup>249</sup> Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд Яманий (ваф. 360/971) – IX – X асрларда Бухоро яқинидаги Сумитан қишлоғида яшаб ўтган Тўрт Бакр (Чор Бакр) номи билан машҳур бўлган Абу Бакр куняли тўрт машҳур муҳаддис, фақиҳ ва тасаввуф шайхидан тўртинчиси. Унинг отаси Саъд Яманий IX аср охирларида Бухорога келиб қолган. Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд ва унинг авлодлари сомонийлар даврида Бухорода шайхулисломлик қилишган.

<sup>250</sup> Милодий 971 йили.

<sup>251</sup> **важд** [арабча وجد топиш, ҳис қилиш] – тасаввуфда: банданинг Аллоҳга бўлган муҳаббатидан келиб чиқадиган турли сабаблар билан маълум муддат давомида ўзини йўқотиб қўйиши ёки ҳар қандай кўринишда ўзининг табиий ҳолатидан чиқиши.

<sup>252</sup> Қуръони карим. «Нур» сураси, 35-оят.

## [АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН ФАЗЛ ҚАБРИ ТЎҒРИСИДА]

Шунингдек, шаҳарнинг қибла томонида олим, омил, зоҳид ва варё<sup>253</sup> шайх **Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорий**<sup>254</sup> раҳимахуллоҳнинг нурли қабри бор. Ул ҳазрат [ҳижрий-қамарий] 325 йили<sup>255</sup> вафот этган. Ул ҳазрат муҳаддис ва мужтаҳид<sup>256</sup> бўлиб, диний ишларда ҳам, дунёвий ишларда ҳам камолга эришган эди. Унинг Муҳаммад дини[нинг ёйилиши ва мустаҳкамланиши]га кўрсатган ёрдами туфайли Бухорода [соф исломга] хилоф бўлган мазҳаблар ва оқимлар қолмади. Айтишларича, ул ҳазрат зуҳд ва тақвода пешқадам бўлишига қарамасдан, шариат [аҳкомлари тўғрисидаги илм]ни ўргатиш ва ёйишда фаол иштирок этарди. Ҳикоя қилишларича, улуғлардан бири уни тушида кўриб, ундан: «Аллоҳ [у дунёда] сенга нисбатан нима қилди?» – деб сўрабди. У бунга жавобан: «У дунёда мен ёдлаб олган шаръий масалалар билан мендан мерос қолган дирҳамларни тарозида тортиб кўришганда шаръий масалалар оғирроқ келди. Шу сабабли мен [дўзах азобидан] қутулиб қолдим», дебди. Барчага маълумки, ундан тўрт юз минг ғитрифий<sup>257</sup> мерос қолган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл қабри ёнида унинг авлодларидан бўлган **Абу Амр Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Фазл ал-Фазлий** раҳимахуллоҳ[нинг қабри] жойлашган.

## [ИСМОИЛИЙ ИМОМЛАР ҚАБРЛАРИ ТЎҒРИСИДА]

Ҳожийён<sup>258</sup> дарвозасига олиб борадиган йўлнинг шимол томонида, Абу Бакр Фазл раҳимахуллоҳ қабрининг рўпарасида Исмоилий имомлар раҳимахумуллоҳнинг қабрлари мавжуд. «Ансоб» китоби муаллифи раҳимахумуллоҳ [ушбу қабристон тўғрисида] шундай ёзади: «Исмоилий имомлар Бухорода машҳур бўлиб, уларнинг қабрлари Хуросонга кетиш

<sup>253</sup> **варё** [арабча *ورع* қўрқувчи] – тасаввуфда: Аллоҳнинг буйруқлари ва қайтариқларига хилоф иш тутишдан қўрқувчи, Аллоҳга етишиш мақсадида ушбу йўлда тўсиқ бўлиши мумкин бўлган барча нарсалардан сақланувчи банда.

<sup>254</sup> **Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорий** (ваф. 325/937) – IX-X асрларда Бухоро яқинидаги Сумитан қишлоғида яшаб ўтган Тўрт Бакр (Чор Бакр) номи билан машҳур бўлган Абу Бакр куняли тўрт машҳур муҳаддис, фақиҳ ва тасаввуф шайхидан биринчиси. Сомонийлар даврида Бухорога келиб қолган. Унинг «Муснади Фазл» китоби, айниқса, машҳур бўлиб, бу асар Чингизхон Бухорони босиб олганда ёндириб юборилган.

<sup>255</sup> Милодий 937 йили.

<sup>256</sup> **мужтаҳид** [арабча *مجتهد*] – ўрта асрларда исломда ижтиҳод қилиш қобилияти ва ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний амалий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс.

<sup>257</sup> **ғитрифий** (*غتريفي*) – Аббосийлар халифалигининг бешинчи халифаси Ҳорун ар-Рашид ҳукмронлиги даврида (170/786–193/809) Хуросон амири бўлган ғитриф ибн Ато ал-Киндий (175/791–176/792) йиллари амирлик қилган) томонидан 176/792 йили зарб этилган ва Бухорода кенг муомалада бўлган танга.

<sup>258</sup> **Ҳожийён** [форс-тожикча *حاجيان*] – ҳожилар; бу ўринда Ҳожийён дарвозаси (форс-тожикча аслида: Дарвозаи Ҳожийён) Ҳожилар дарвозаси маъносини беради.

йўлида жойлашган. Мен [бир пайтлар ушбу қабристонни] зиёрат қилган-дим».

[Бу ерда ором топган исмоилий имомлардан биринчиси] фақиҳ ва олим имом **Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Исроил ал-Исмоилий** раҳимаҳуллоҳ бўлиб, унинг хонадони барча аъзолари илм аҳлидан бўлишган. У [ҳижрий-қамарий] 301 йили<sup>259</sup> таваллуд топиб, [ҳижрий-қамарий] 384 йил рамазон ойида<sup>260</sup> вафот этган.

Унинг фарзанди **Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий** раҳимаҳуллоҳ [она томондан] Абу Бакр Саъд раҳимаҳуллоҳ набираси ва унинг шогирдларидан биридир. Унинг вазифаси ҳар жума куни кечқурун [бобосининг] уйида [ҳадис ўрганувчиларга] ҳадис айтиб ёздиришдан иборат бўлган. У [ҳижрий-қамарий] 401 йил шаъбон ойида<sup>261</sup> вафот этган. Муҳаддис имом Ҳофиз Ғунжор раҳимаҳуллоҳ ўзининг «Таърих» [китоб]ида Абу-л-Ҳасан Исмоилийни эслатиб, у тўғрисида шундай ёзган: «Унинг отаси Мовароуннаҳрда ўз даврининг шайхи ва раиси<sup>262</sup> ҳамда ўз замонасининг пешвоси бўлган эди. [Ҳижрий-қамарий] 390 йилдан<sup>263</sup> кейин унинг раислиги ва имомлиги фарзанди Абу-л-Ҳасанга ўтди. У чуқур ақл-идроки ва кўзга ташланиб турган юксак истеъдоди туфайли ушбу мартабага лойиқ ва унинг вазифаларини бажаришга қодир бўлди. Абу-л-Ҳасан [ҳижрий-қамарий] 395 йили<sup>264</sup> ҳажга бориб, яна соғ-саломат Бухорога қайтиб келди. У ўз отаси ҳамда онасининг отаси Абу Бакр Саъд разияллоҳу анҳумдан [ҳадис] ривоят қиларди. Унинг барча эркак ва аёл авлодлари ана шу қабристонда дафн этилган, аммо бугунга келиб уларнинг қабрлари бузилиб, ўринлари билинмай кетган. Бу эса, «Мен уларнинг синган кўнгиллари ва бузилган қабрлари ёнида турман», деган қудсий ҳадисга кўра, уларнинг ҳоллари камолга етганлиги ва [ўзлари] улуғликка эришганлигини кўрсатади».

## САТТОЖИЙЛАР ҚАБРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Имом Абу Бакр Фазл раҳимаҳуллоҳ қабридан шарқ томонда саттожий имомлари раҳимаҳумуллоҳ қабрлари жойлашган. Улардан ҳар бири

<sup>259</sup> Милодий 913/914 йили.

<sup>260</sup> Милодий 994 йилнинг октябрь/ноябрь ойида.

<sup>261</sup> Милодий 1011 йилнинг март/апрель ойида.

<sup>262</sup> **раис** [арабча رئيس бошлиқ, раҳбар] – Ўрта асрларнинг айрим даврларида Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва бошқа диёрларида ҳам диний раҳнамо, ҳам маҳаллий ҳоким вазифасини бажарган, яъни диний ва дунёвий раҳбарликни амалга оширган кишининг лавозими. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шу ўринда эслатилган Исмоилий имомлар хонадони вакиллари – Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Исмоилий (301/913–384/994) ва унинг ўғли Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад Исмоилий (ваф. 401/1011) ҳам сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврининг охирлари ва қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврининг бошларида Бухорода раис (диний пешво ва маҳаллий ҳоким) бўлишган.

<sup>263</sup> Милодий 1000 йилдан.

<sup>264</sup> Милодий 1004/1005 йили.

жаҳон пешвоси эди, қабрлари эса автодлар ва абдолларнинг йиғиладиган жойидир. Ушбу хонадон вакили бўлган Хованд Тожиддин шундай ҳикоя қилади: «Жума куни намоздан сўнг уларни зиёрат қилгани бордим. Ушбу қабристонда ўтирганича зор йиғлаётган бир ёш йигитни кўрдим. Унинг ёруғ пешонасида ёруғлик<sup>265</sup> ва танишлик<sup>266</sup> белгилари кўзга ташланарди. Унинг ҳол-аҳволини сўраб билишга қанчалик уринмайин, жавоб бермади. Ортимга қайтдим. Шанба куни уни ўша жойда ўша аҳволда турганини кўрдим. Қаттиқ туриб сўрайверганимдан сўнг: «Мен абдоллардан бири эдим. Одобсизлик қилганим сабабли уларнинг олдидан ҳайдалдим», деди. Ундан: «Бу ердан нима изламоқдасан?» – деб сўрадим. У: «Улар ҳар пайшанба ва душанба кунлари ушбу улуғ маконда йиғилишади. Улар билан бирга бўлиш умидида келгандим», деб жавоб берди. [Бироқ] душанба куни тонгда [ушбу қабристонга] бориб, уни топмадим. Шундан кейин уни бошқа кўрмадим».

[Ушбу қабристондаги] биринчи қабр олим ва зоҳид имом, муфтий, имомларнинг устози, имом **Мавлоно Сайфиддин Саттожий** раҳимахуллоҳникидир. Ул ҳазрат [ҳижрий-қамарий] 640 йили<sup>267</sup> оламдан ўтган бўлиб, тўқсон уч йил умр кўрган.

Ул ҳазратнинг қабри олдида фарзанди **Мавлоно Жамолиддин Саттожий**нинг қабри бор. У ахёрлар<sup>268</sup> муқтадоси<sup>269</sup> ва аброрлар<sup>270</sup> пешвоси, валийлик ва каромат эгаси бўлиб, етти марта ҳажга борган эди. У тафсири, ҳадис ва тасаввуфга оид бир неча асар ёзган бўлиб, юз оят [тафсири]га бағишланган юз бобдан иборат «Зод ул-музаккирин» («Воизлар озиғи»), шунингдек, «Такмилат ул-латоиф» («Латоиф» асарига қўшимчалар»), «Ахоир уз-захоир» («Энг яхши захиралар»), «Одоб ут-тасаввуф» («Тасаввуф одоблари»), «Ашарот» («Ўнликлар»), «Ишрин» («Йигирма-

<sup>265</sup> ёруғлик [форс-тожикча шакли **рўшноӣ** روشنائى ёруғлик] – тасаввуфда: кўнгилинг Аллоҳдан бошқа барча нарсалар учун қоронғу бўлиб, фақатгина Аллоҳни эслаш ва у тўғрида ўйлаш учун ёруғ бўлиши.

<sup>266</sup> танишлик [форс-тожикча шакли **ошноӣ** اشنائى танишлик] – тасаввуфда: солиқнинг ўзидан бегоналашиб, Аллоҳга берилиши; солиқнинг ўзини бутунлай нутиб, биргина Аллоҳни таниши, билиши ва руҳан Аллоҳга яқинлашиши.

<sup>267</sup> Милодий 1242/1243 йили.

<sup>268</sup> **ахёр** [арабча **اخيار**; бирлик шакли **хайир** خير яхшилик қилувчи; танланган] – 1) яхшилик қилувчи киши, эзгу амаллар соҳиби; 2) тасаввуфда: «рижол ул-ғайб» («ғайб кишилари») туркумига кирувчи валийларнинг бир тури. Айрим манбаларда уларнинг сони еттита деб кўрсатилади. **Изоҳ:** ахёр аслида арабча **хайир** сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига **хайирлар** (яхшилик қилувчилар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида – ахёр кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини ахёр, кўплик шаклини эса **ахёрлар** кўринишида беришга қарор қилдик.

<sup>269</sup> **муқтадо** [арабча **مقتدى** эргаштирувчи] – диний илмлар ва амалиётда юксак даражаларга эришган ва мўминларни ўз ортидан эргаштириб, ҳидоят йўлига бошқара оладиган уламо.

<sup>270</sup> **аброр** [арабча **ابرار**; бирлик шакли **бар(р)** برّ яхши киши] – 1) яхши киши; 2) тасаввуфда: «рижол ул-ғайб» («ғайб кишилари») туркумига кирувчи валийларнинг бир тури бўлиб, абдоллардан бир поғона юқорида туради; 3) тасаввуфда: солиқ сифатида **сайр илаллоҳ** (Аллоҳга томон сайр) йўлининг муайян босқичларини босиб ўтган Аллоҳнинг хос бандаси. **Изоҳ:** аброр аслида арабча **бар(р)** сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига **баррлар** (яхши кишилар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида – аброр кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини **аброр**, кўплик шаклини эса **аброрлар** кўринишида беришга қарор қилдик.

лик»), «Арбаин» («Қирқлик»), «Қиссаи Юсуф» («Юсуф қиссаси»), «Малжаъ ул-музаққирин» («Воизлар паноҳи»), «Китоби Ёдгор» («Эсдалиқ китоби»), «Девони арабий» («Арабча девон») ва «Девони форсий» («Форсча девон») асарлари шулар жумласидандир. У [ҳижрий-қамарий] 644 йил рабеъ ул-аввал ойининг душанбага тўғри келувчи еттинчи куни<sup>271</sup> кеча-си етмиш уч ёшида оламдан кўз юмган.

[Мавлоно Жамолиддин Саттожий] Чингизхон босқини даврида [ҳижрий-қамарий] 618 йили<sup>272</sup> Ғазнин вилоятдан Бухоро шаҳрига келди. Фарзандлари ва издошларини Бухорода қолдириб, ўзи Хўжанд шаҳрига – автодлар қутби Шайх Маслаҳатиддин<sup>273</sup> раҳимахуллоҳ ҳузурига йўл олди. У [ўзининг мазкур шайх ҳузурига боришини асослаб]: «Ушбу мамлакатнинг подшоси у бўлиб, унинг ижозатисиз бу мамлакатда яшаб бўлмайди», деди. У шайхнинг ҳузурига етиб боргач, шайх унга: «Кеч келдинг, бизни куттириб қўйдинг», деб айтдилар. [Шундан сўнг Мавлоно Жамолиддин Саттожий] уч кун шайх билан бирга бўлди. Учинчи куни аср намози чоғида шайх уни ҳузурига чорлаб, шундай дедилар: «Бизнинг бу ерда [сени интизорлик билан] кутиб ўтиришимизнинг сабаби шу эдики, бу мамлакатда бирор-бир кўнгил эгаси<sup>274</sup> қолмаган эди. Сен келган экансан, мамлакатни сенга топширдик». Сўнгра шайх қуйидаги байтни айтдилару, жон бердилар:

Аз рахнаи даҳр ҳамчу дуздон ҷастам,  
Рахти сафар манзили дигар бастам.  
Бар лошаи хар вучуд будам якчанд,  
Гург омад-у хар дарид-у аз ғам растам.

(*Мазмуни*: Дунё қавагидан ўғри қаби отилиб чиқдим, сафар анжомини бошқа манзилга бориш учун тайёрладим. Бир неча вақт эшакнинг танасида вужуд бўлдим, бўри келиб эшакни ёриб ташлади-ю, мен қайғудан қутулдим.)

<sup>271</sup> Милодий 1246 йилнинг 30 июли.

<sup>272</sup> Милодий 1221 йили.

<sup>273</sup> *Аслида*: Шайх Муслиҳиддин Бадиуддин Нурий (1133-1223) – Хўжандда яшаб фаолият кўрсатган шоир ва сўфий. Айрим маълумотларга кўра, кубравия тариқати шайхи. Сўфийлар орасида валий ва қутб сифатида танилган. XIII-XIV асрларда қабри устига мақбара қурилган бўлиб, ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

<sup>274</sup> **кўнгил эгаси** [форс-тожикча шакли: **соҳибдил** **صاحب دل**] – *тасаввуфда*: сўфийлар наздида кўнгил (форс-тожикча **дил**) тўрт қатламдан иборат бўлиб, биринчи қатлам кўкрак, иккинчи қатлам қалб, учинчи қатлам юрак ва тўртинчи қатлам шаффоф пардадан иборат. Бунда кўкрак Аллоҳдан тушадиган илҳом кўнадиган, қалб имон нури акс этадиган, юрак Ҳақ мушоҳадати (Аллоҳни кўнгил кўзи билан кўриш) амалга ошадиган, шаффоф парда эса ишқ макон қурадиган жойдир. Ана шу тўрт қатламли кўнгилга эга бўлган, яъни Аллоҳдан тушган илҳом билан сўзлайдиган, қалбида имон нури акс этадиган, кўнгил кўзи билан Аллоҳни кўрадиган ва Аллоҳга нисбатан ишқ туядиган киши форсий манбаларда **соҳибдил** деб айтилиб, уни ўзбекчага **кўнгил эгаси** шаклида ўгириш мумкин. Яъни, кўнгил эгаси бу сўфий – солиқ ёки орифдир.

Айтишларича, Бухоро уламолари раҳимаҳумуллоҳ имомлар устози Мавлоно Шамс ул-аимма Кардарий<sup>275</sup> раҳимаҳуллоҳга: «Сиз Мавлоно Жамолиддин Саттожийнинг [ҳақиқатдан ҳам] Раб ва Ҳақни таниган олим эканлиги ёки эмаслигини билиб бериш учун унинг мажлисига [бир] келмайсизми?» – дейишди.

[Яна] айтишларича, Мавлоно Жамолиддин бир куни Хожа Хизр алай-хиссаломнинг кўрсатмаси билан Балхда ваъз қилибди. Ўша ваъз [мажлиси]да етмишта авлиё жон берибди. [Ушбу] валийларнинг Балхдаги қабри [барчага] маълум ва машҳурдир. Ул ҳазрат Бухорода ҳам ваъз қилганларида мазкур ваъз [мажлиси]да [яна] ўн иккита авлиё жон берибди. [Шунда] бир улуғ киши ўрнидан туриб: «Ўғлим, сен устоз[инг]дан ҳам юқорироқда дўкон очибсан. Чунки Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваъз [мажлиси]да бирор кишининг жон берганлиги тўғрисида ҳечам эшитмагандик», дебди. [Шунда] ул ҳазрат [унга]: «Ҳазрат [Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам] билимдон табиб бўлганлар, мен эса билимсиз табиб чиқиб қолдим», деб жавоб берибди.

Шундай қилиб, Мавлоно Шамс ул-аимма жумага ўтар кечаси жомеъ масжидида ҳозир бўлдилар-да, ўйчан ҳолда бир устуннинг олдида ўтирдилар. Қорилар Қуръон тиловат қилиб бўлганларидан кейин Мавлоно Жамолиддин минбарга чиқдилар ва ўша устунга қараб қуйидаги байт-лар]ни айтдилар:

Назм:

Ойи ба сари кў ва ба кў дар-наойи,  
Тарсӣ, ки зи ту кам шавад он раънойи.  
Наойи бар мо, битарс[ий] аз расвойи,  
Расво шудаи гар ойи ва гар наойи.

(Мазмуни: Кўча бошига келасану, кўчага кирмайсан. [Чунки ўзингдаги] ўша манманликнинг йўқолиб қолишидан қўрқасан. Расво бўлишдан қўрқиб, бизнинг олдимизга келмайсан. [Аммо бизнинг олдимизга] келсанг ҳам, келмасанг ҳам расво бўлиб бўлгансан.)

Мавлоно Шамс ул-аимма ҳайқириб юбордилар. [Ўрниларидан туриб] минбар олдига келдилар-да, бир муддат ўзларини йўқотган ҳолда туриб қолдилар. Сўнгра муборак бошларини кўтариб, [шундай] дедилар:

---

<sup>275</sup> XII асрнинг иккинчи ярми – XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган йирик муҳаддис, муфасссир, фақиҳ ва мутакаллим олим. Асарнинг кейинги бўлимларида Кардарий тўғрисида асар муаллифининг батафсилроқ маълумоти ҳамда асар таржимонининг тўлдирувчи саҳифаости маълумот-изоҳлари келтирилган.



Назм:

Эй, лафзи туро одати шакархойи,

В-эй нутқи туро шеваи гавҳарзойи.

Бар лафзи муборакат дигар бор бирон:

Ойи ба сари кў ва ба кў дар-наойи.

(*Мазмуни*: Эй, тили ширинсўзликни одат қилиб олган ҳамда нутқи гавҳар сочиш йўлини тутган зот. Муборак тилинг-ла яна бир бор айт: «Кўча бошига келасану, кўчага кирмайсан».)

Шундан сўнг Мавлоно [Шамс ул-аимма]нинг асҳоблари<sup>276</sup> ундан [нима сабабдан ҳайқириб юборгани ва ўзини йўқотиб қўйганини билиш мақсадида]: «Сизга нима [бўлди]?» – деб сўрашди. [У киши бу саволга жавобан шундай] дедилар: «Аллоҳнинг жалоли<sup>277</sup> ва азаматига<sup>278</sup> [қасам ичиб айтаман]ки, агар [Мавлоно Жамолиддин] яна бир марта менга юзланиб, менга яна бирор сўз айтганида эди, Шамс Кардарийнинг жонини танидан чиқариб юборган бўларди». Уларнинг ҳар иккаларини Аллоҳ раҳмат қилсин.

Мавлоно Жамолиддиннинг қабри олдида ул ҳазратнинг ўғли **Амир Шамсиддин**нинг қабри бор. У олим, обид, муфтий ва мударрис<sup>279</sup> бўлган.

Унинг қабри олдида эса ўғли **Ховандзода Шарафиддин**нинг қабри жойлашган.

Мавлоно Жамолиддин қабрининг оёқ томонида ул ҳазратнинг [яна бир] ўғли **Мавлоно Камолиддин**нинг қабри жойлашган. У олим, муфассир<sup>280</sup>, муҳаддис ва музаккир<sup>281</sup> бўлиб, «Латоиф ут-тафсир» («Тафсир но-зикликлари»), икки жилдли «Мифтоҳ ул-музаккирин» («Воизлар калити») ва икки жилдли «Қиссаи Юсуф» («Юсуф қиссаси») асарлари унинг қаламига мансубдир. У Бухоронинг ғорат этилишининг<sup>282</sup> биринчи куни, яъни [ҳижрий-қамарий] 671 йил ражаб ойининг биринчисида<sup>283</sup> кофирлар томонидан шаҳид этилган.

<sup>276</sup> **асҳоб** [арабча اصحاب; бирлиги соҳиб صاحب йўлдош, ёндош] – диний илм ва амалиётда юксак даражаларга етган киши – улуғ уламо ва сўфийнинг у билан доимо бирга юрадиган, бирга ўтириб-турадиган ва бирга бўладиган шогирди, халифаси, издоши ёки ҳар қандай маслақдоши. **Изоҳ**: асҳоб аслида арабча соҳиб сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига соҳиблар (йўлдошлар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида – асҳоб кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини асҳоб, кўплик шаклини эса асҳоблар кўринишида беришга қарор қилдик.

<sup>277</sup> **жалол** [арабча جلال улуғворлик, салобат] – улуғворлик (Аллоҳнинг сифатларидан бири).

<sup>278</sup> **азамат** [арабча عظمت улканлик, буюклик] – буюклик (Аллоҳнинг сифатларидан бири).

<sup>279</sup> **мударрис** [арабча مدرس дарс берувчи] – мадраса ўқитувчиси.

<sup>280</sup> **муфассир** [арабча مفسر] – Қуръонни тафсир қилувчи, тафсирчи.

<sup>281</sup> **музаккир** [арабча مذكر эслатувчи] – ваъз қилувчи, воиз.

<sup>282</sup> Бу ўринда 1256–1353 йиллари Эрон, Хуросон, Ироқ, Кичик Осиё, Кавказ ва бошқа ўлкаларда ҳоким бўлган мўғул сулоласи – хулоқуийлар давлатида 1265–1282 йиллари ҳукмронлик қилган Абақохоннинг (1234–1282) 1273 йили талончилик мақсадида Бухорога қилган вайронкор ҳужуми тўғрисида сўз бормоқда.

<sup>283</sup> Милодий 1273 йилнинг 29 январида.

Унинг қабри ёнида улуғвор фарзанди **Хованд Шоҳ Фахриддин**нинг қабри мавжуд. У ҳам олим, зоҳид, муфассир ва музаккир бўлган.

[Хованд Шоҳ Фахриддин қабрининг] нарёғида эса «Бўстон ул-музаккирин» («Воизлар бўстони») [асари] муаллифи **Хованд Тожиддин**нинг қабри жойлашган. У шариат ва тариқат босқичларини босиб ўтган<sup>284</sup> ҳамда уларнинг ҳимоячиси эди. У [ҳижрий-қамарий] 730 йили<sup>285</sup> оламдан ўтган.

Унинг олдида ўғли **Хованд Садриддин**нинг қабри бор. У [ҳижрий-қамарий] 750 йили<sup>286</sup> вафот этган.

Имом Абу Бакр Фазл раҳимахуллоҳ қабрининг қибла томонида **Солори Ҳаж**<sup>287</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган. Айтишларича, у ўттиз беш марта ҳажга борган экан.

Ҳожийён дарвозасидан ташқарига чиқиб келганда шимол томонда Жўйбор ариғи бўлиб, у ерда дин улуғларидан бирининг қабри жойлашган. Улуғ шайх Хожа Юсуф Ҳамадоний раҳимахуллоҳ бу жойни кўрсатиб, «Бу ерда [абдий] тирик бўлган бир улуғ зот ётибди», деган эканлар. Зеро, «**Аслида [улар] тирикдир – Парвардигорлари хузурда [жаннат неъматларидан] ризқланиб турурлар**»<sup>288</sup>.

## МИҚДОМ ҲОВУЗИ<sup>289</sup> [ТЕПАЛИГИ]ДАГИ ҚАБРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бу тепа бугунги кунда Хожа Чаҳоршанба тепалиги деб аталади. Бу тепаликда кўпгина улуғ кишилар [дафн этилганлар]. [Бу ерда дафн этилганлар орасида] узоқ ўтмишда яшаб ўтган кишилардан бири **Абу Абдуллоҳ Ҳошид ибн Абдуллоҳ ас-Суфий ал-Обид ал-Бухорий** раҳимахуллоҳдир. У [Бухоронинг] Дарби Майдон [маҳалласи]дан бўлиб, уни «Ҳошиди камгуноҳ» («Гуноҳлари кам бўлган Ҳошид») деб аташган. Муҳаддис имом Ҳофиз Ғунжор [ўзининг] «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») китобида [у тўғрисида] шундай ёзади:

«Ҳошид машҳур ислом амирларидан бўлиб, халифалик ҳукумати томонидан амирлик қилишга расмий кўрсатма олган эди. У бир муддат

<sup>284</sup> Аксарият сўфийлар наздида солиқ сўфийликдан кўзда тутилган мақсадга – Ҳақ висолига етиш учун уч босқич: шариат (шариатда буюрилган барча нарсаларни бажариш), тариқат (пир раҳбарлигида бирор тариқатга кириб, унинг шартларини бажариш) ва ҳақиқат (Худони қалб кўзи билан кўриш) босқичлари ёки тўрт босқич: шариат, тариқат, маърифат (Худони билиш) ҳақиқат босқичларини босиб ўтиши керак бўлади. Бу ерда Хованд Тожиддиннинг мазкур босқичлардан илк иккитасини босиб ўтганлиги эслатилмоқда.

<sup>285</sup> Милодий 1330 йили.

<sup>286</sup> Милодий 1349 йили.

<sup>287</sup> **Солори ҳаж** [форс-тожикча **سالار حج**] сўзи «Ҳажга борувчилар (ҳожилар) йўлбошчиси» маъносини англатади. Бу аслида кўп марталаб ҳажга борганлиги сабабли «Солори Ҳаж» номини олган кишининг лақаби бўлиб, бу ўринда унинг асл исми келтирилмаган.

<sup>288</sup> Қуръони карим. «Оли Имрон» сураси, 169-оят.

<sup>289</sup> **Миқдом ҳовузи** [форс-тожикча **شاهي مقياد**] – бу ўринда арабча **миқдом** сўзи олдиндан борувчи, илгор маъносини англатади. Шунга кўра, Ҳавзи Миқдомнинг ўзбек тилига сўзма-сўз таржимаси **Илгор ҳовузи** бўлади.

Шомда, яна бир қанча вақт Яманда [халифаликнинг] амир[и] сифатида фаолият кўрсатганди. Унинг тасарруфида ислом [ўлкалари]даги ўн икки жомеъ масжиди бўлиб, ихтиёрида ўн икки минг қурулди аскар бор эди. Бироқ вақти келиб унда интибоҳ<sup>290</sup> юз берди-ю, фоний салтанатни боқий салтанатга алмаштирди. Илм ўрганишга киришиб, катта илмга эга бўлди. Сўнгра Мовароуннаҳр томон йўл олди. Жайхун [дарёси]га етганда барча [тўплаган] китобларини дарёга ташлаб юборди-да, риёзатга<sup>291</sup> киришди. Узоқ муддат риёзат билан машғул бўлиб, юксак даражаларга эришди. Унинг қалбидаги ҳикматли сўзлар тилига чиқарди. Жумладан, у қўйнинг курак суягининг бир томонига: «Гуноҳ ишни қилмаслик тавба қилишдан осонроқдир», деб ёзган, иккинчи томонига эса «**Аммо, кимки Парвардигорининг [хузурида] туриши [ва ҳисобот бериши]дан қўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас, фақат жаннатгина [унга] макон бўлур**»<sup>292</sup>, [ояти]ни битиб қўйганди. Улуғлардан бири шундай дейди: «Ҳошид Суфийни кўрганимда у Бухоро жомеъ масжидида ўтирганди. Унинг атрофида кўп одам йиғилганди. У ўша курак суягини дам-бадам қўлига олиб, унга қарар ва йиғларди». У Бухоро улуғлари орасида ўзи тушадиган ҳол шиддати, ўзини одамлардан узоқ тутиши ҳамда [анча муддат] Каъбанинг яқинида яшаганлиги билан ажралиб турарди. Ул ҳазрат раҳимахуллоҳ [ҳижрий-қамарий] 246 йили<sup>293</sup> оламдан ўтди».

Унинг яқинида бошқа улуғлар[нинг қабрлари] бор. Улардан бири олим ва каромат эгаси **Хожа Даҳниёз**[нинг қабри]дир. Шунингдек, **Имом Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Басир ал-Майдоний** раҳимахуллоҳ[нинг қабри] ҳам ўша ердадир. У китобларни ёдлашда, яқийн ва зуҳдда ўз даврининг яғонаси бўлган мужтаҳид ва ривоятчи киши эди. У [ҳижрий-қамарий] 335 йилнинг зу-л-қаъда ойида<sup>294</sup> вафот этган.

[Ушбу тепаликда дафн этилган улуғ кишилардан] яна бири раис имом **Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил** раҳимахуллоҳдир. У ҳам олим ва фақиҳ бўлган. Мавлоно Жамолиддин Маҳбубий раҳимахуллоҳнинг айтишича, Самарқандда бир ёш йигитнинг кўзлари кўрмай қолади. Табиблар уни даволашдан ожиз қоладилар. Тушида унга: «Бухорога боргин», деб айтишади. У Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил [қаб-

<sup>290</sup> **интибоҳ** [арабча انتباه уйғониш, хушёр бўлиш, огоҳ бўлиш] – тасаввуфда: қалбдаги ғафлатнинг барҳам топиши, қалбдаги манманлик ва ғафлат тугунларининг ечилиши; банда қалбининг ғафлатдан – Худодан бошқа нарсаларга берилганлик туфайли Худони эсламай қўйишдан халос бўлиши, ғафлат уйқусидан уйғониб, худога юзланиши.

<sup>291</sup> **риёзат** [арабча رياض машқ] – тасаввуфда: солиқнинг сайру сулуқда ўз тани ва руҳини тарбиялаш, ёмон ва номаъқул хулқлардан поклаб, яхши хулқлар ва эзгу фазилатлар билан безаш воситасида ўз нафсини жиловлаш ва қалб поклигига эришиш мақсадида ўзини бу дунё роҳат-фароғатлари ва лаззатларидан тийиш орқали қийинчилик тортиши ва машаққат чекиши ёки қийинчилик ва машаққатларга чидаши ҳамда шу тариқа ўз тани ва руҳини қийинчилик ва машаққатларга одатлантириши.

<sup>292</sup> Қуръони карим. «Нозийот» сураси, 40–41-оятлар.

<sup>293</sup> Милодий 860/861 йили.

<sup>294</sup> Милодий 947 йилнинг июнь ойида.

ри]ни зиёрат қилгани келганида ҳар иккала кўзи [қайтадан] кўрадиган бўлади.

Шунингдек, **Хожа Имом Хусайн Суфъий** ва **Имом Абдулкарим ибн Абу Ҳанифа ал-Андақий** раҳимахуллоҳ[нинг қабрлари] ҳам шу ердадир. [Имом Абдулкарим] фозил ва зоҳид имом бўлиб, фикҳни<sup>295</sup> фикҳ билимдони Имом Абу Муҳаммад Абдулазиз ал-Ҳалвойдан ўрганган, ундан ҳадис ҳамда бошқа илмлар [бўйича маърузалар] тинглаган эди. У [ҳижрий-қамарий] 400 йилдан<sup>296</sup> кейин туғилиб, [ҳижрий-қамарий] 481 йилнинг шаъбон ойида<sup>297</sup> оламдан ўтган. Шайх Юсуф Ҳамадоний раҳимахуллоҳнинг халифаси<sup>298</sup> Ҳасан Андақий раҳимахуллоҳ у кишининг набирасидирлар.

Ушбу тепаликнинг ўртасида Хожа Авлиё Калон раҳимахуллоҳнинг халифаси **Хожа Сулаймон** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган.

Бундан ташқари, инсонларнинг сараси, подшоҳлар ва султонлар насихатчиси бўлмиш шавкатли имом **Мавлоно Музаффар** раҳимахуллоҳ[нинг қабри] ҳам шу ердадир. У [ҳижрий-қамарий] 758 йил рамазон ойининг еттинчи кунида<sup>299</sup> оламдан кўз юмган.

Ул ҳазратнинг фарзанди **Мавлоно Тоҳир** раҳимахуллоҳнинг мунаввар қабри ҳам ўша ердадир. У киши [ҳижрий-қамарий] 804 йил жумодил-охир ойининг йигирма тўққизинчи кунида<sup>300</sup> вафот этган. У кишининг қолган авлодлари раҳимахумуллоҳ ҳам ушбу қабр ёнида [дафн этилган]лар.

## СУБАДМУНДАГИ ҚАБРЛАР ТЎҒРИСИДА

Шунингдек, улуғ шайх ва машҳур имом **Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн ал-Ҳорис ас-Субадмуний**<sup>301</sup> қаддасаллоҳу таоло руҳахунинг покиза қабри ҳам ўша ердадир. У Устоз лақаби билан танилган эди. Уни Устоз деб атаганликларининг сабаби шундаки, улуғ амир Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний раҳимахуллоҳ саройида фақиҳ бўлган. Имом Абу Бакр Фазл унинг шогирди эди. Ўз даврида унинг би-

<sup>295</sup> **фикҳ** [арабча **فقه** фаҳм, тушунча] – Куръон, суннат, ижмоъ ва қиёс каби исломий манбалар, шунингдек, тегишли ҳудудлардаги урф-одатлар ва бошқалар асосида шариат аҳкомлари – мусулмонларнинг шахсий ҳаёти ва мусулмон жамиятларининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини тартибга солувчи исломий қонун-қоидаларни шакллантириш усулларини ўрганувчи фан, ислом ҳуқуқи, ислом қонунчилиги.

<sup>296</sup> Милодий 1009/1010 йилдан.

<sup>297</sup> Милодий 1088 йилнинг ноябрь ойида.

<sup>298</sup> **халифа** [арабча **خليفة** ўринбосар] – *тасаввуфда*: муршид (шайх, пир) йўлбошчилигида сайру сулук босқичларини босиб ўтиб, унинг ўринбосарлиги даражасига етган мурид (солик).

<sup>299</sup> Милодий 1357 йилнинг 1 сентябрида.

<sup>300</sup> Милодий 1402 йилнинг 12 феввалида.

<sup>301</sup> Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн ал-Ҳорис ас-Субадмуний (258/872–340/952) – фақиҳ, муҳаддис ва тарихчи. Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида (279/892–295/907) Сомонийлар давлати саройининг фақиҳи. «Муснаду Абу Ҳанифа» ва «Кашф ул-асрор» асарлари муаллифи.

лими бошқаларниқидан кенгроқ, истеъдоди эса бошқаларниқидан юк-сакроқ эди. Айтишларича, у хос кишилар ўртасида ҳам, авом ўртасида ҳам катта ҳурмат-эътиборга эга бўлган. Унинг ҳадис айтиб ёздиришга бағишланган дарсларида тўрт юзта ҳадис кўчириб ёзувчи ўтираркан. У валийлик ва каромат эгаси бўлган. Унинг нурга тўла қабрида ҳайбат ва буюк бир раҳнамолик белгилари намоён. У [ҳижрий-қамарий] 258 йил рабеъ ул-охир ойининг биринчи куни<sup>302</sup> дунёга келиб, [ҳижрий-қамарий] 340 йил шаввол ойининг бешинчисида<sup>303</sup> жума куни кечаси оламдан ўтган<sup>304</sup>.

Унинг қабри ёнида салафларнинг охиргиси ва халафларнинг<sup>305</sup> устози **Абу-л-Ваҳдат**<sup>306</sup> **Мавлоно Шамс ул-аимма Кардарий**<sup>307</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри бор. Айтишларича, Мавлоно Шамс ул-аимма раҳимахуллоҳ шундай деган эканлар: «Болалик чоғларимдан бошлаб то улғайгунимга қадар ёди улуғ бўлган Аллоҳ мени ўзининг исмат<sup>308</sup> ва ифбат пардаси ортида сақлаган, шу туфайли мендан гуноҳи кабира содир бўлмаганди. Борди-ю бирор-бир одобсизликка йўл қўядиган бўлсам, ўша заҳотиёқ ғайбдан менга дакки бериб, одобга чорлашарди. Бир куни кечаси Хожа Абу Ҳафснинг муқаддас равзасида<sup>309</sup> тунни уйғоқ ўтказишга киришдим. Одатимга кўра, [тун аввалида] витр намозини ўқимадим ва уни туннинг сўнгида адо этишни мўлжалладим. Бироқ тўсатдан жойнамоз устида уйку элтиб, ухлаб қолибман. Уйғонганимда тонг отган эди. Витр намозининг қазосини ўқиб олдим. Эрталаб шаҳар дарвозасига етиб борганимда кичкина бир бола олдимга келиб: «Шамс Кардарий! Ухлаб қолиб, витр намозининг қазосини ўқиган киши қандай одам бўлади?» – деб қолди. Англаб етдимки, Худо шу орқали дакки қамчиси билан мени саваламоқда». У киши [ҳижрий-қамарий] 560 йили<sup>310</sup> туғилиб, [ҳижрий-қамарий] 642 йил муҳаррам ойининг тўққизинчисида<sup>311</sup> жума куни вафот этганлар.

<sup>302</sup> Милодий 872 йилнинг 12 феввали.

<sup>303</sup> Милодий 952 йилнинг 10 марти.

<sup>304</sup> Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Субадмунийнинг қабри бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг 6-микрорайон деб юритиладиган жанубий қисмидаги Сафедмун (Абдуллои Сафедмўй) маҳалласидаги Турди Фароғий кўчасидадир.

<sup>305</sup> **халаф** [арабча خلف ўрнига келувчи] – 1) муайян киши ёки кишилар гуруҳидан кейин уларнинг ишини давом эттирадиган киши, издош; 2) авлод.

<sup>306</sup> Бизнингча ушбу куна аслида **Абу-л-Важд** (أبو الوجد) бўлиши керак бўлиб, котиб уни **Абу-л-Ваҳдат** (أبو الوحدة) кўришида хато ёзган бўлиши мумкин.

<sup>307</sup> **Абу-л-Важд Ҳофизиддин Шамс ул-аимма Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдусаттор Имодий Кардарий** (560/1164–642/1244) – йирик муҳаддис, муфассир, фақиҳ ва мутакаллим олим. Фиқҳ ва каломга оид «Ар-Радд вал-интисор ли Аби Ҳанифа имом ал-фуқаҳо ал-амсор», «Ал-Фавоид ал-мунфи фи-з-заб ан Аби Ҳанифа», «Китоб фи ҳалл мушкилот ал-Қудурий», «Таъсис ул-қавоид» асарлари муаллифи.

<sup>308</sup> **исмат** [арабча عصمت] – гуноҳлардан сақланиш, гуноҳлардан холилик, гуноҳсизлик, покдомонлик.

<sup>309</sup> **равза** [арабча روضة] – дин улуғларининг қабри.

<sup>310</sup> Милодий 1164/1165 йили.

<sup>311</sup> Милодий 1244 йилнинг 24 юни.

Унинг қабри ёнида илм ва амалда у кишининг халифаси бўлган **Мавлоно Бадриддин**нинг қабри жойлашган. У [ҳижрий-қамарий] 651 йил зу-л-қаъда ойининг охирида<sup>312</sup> оламдан ўтган. Аллоҳ уни раҳмат қилсин.

## ХОЖА ЖАНДИЙ РАҲИМАҲУЛЛОҲ МАҚБАРАСИ ТЎҒРИСИДА

[Ушбу мақбара] шаҳарнинг жанубида жойлашган бўлиб, шаҳардаги иморатларга қўшилиб кетган. Имом шайх **Абу Наср Аҳмад ибн ал-Фазл ибн Мусо ал-Музаккир ал-Жандий**<sup>313</sup> раҳимаҳуллоҳнинг мунаввар қабри шу ердадир. У Шайх Абу Бакр ибн Абу Исҳоқ ал-Калободий<sup>314</sup> қадда-саллоҳу таоло руҳаҳунинг ўқувчилари ва асқобларидан биридир. [Абу Наср Аҳмад Жандий] одамлар ва парилар пешвоси бўлиб, валийлик ва каромат эгаси эди.

Нақл қилишларича, бир куни бир одобсиз киши Хожа раҳимаҳуллоҳдан: «Бу йўлда сен яхшироқмисан ёки ит?» – деб сўраб қолди. [Жандий]нинг мулозимлари ва муридлари ўша савол берган одамнинг адабини бериб қўймоқчи бўлишди. [Бироқ] Хожа уларни қайтариб, [ўша одамга] шундай жавоб берди: «Эй биродар! Агар имоним бутун ҳолда [бу дунёдан] кетсам, мен яхшироқман. Борди-ю, Аллоҳнинг ўзи сақласину, бунинг акси бўлса, ит яхшироқ». Шунингдек, у зот: «Кимнингки эҳтиёжларини Ҳақ таоло қондирмаган, унга мадад бермаган бўлса, менинг қабрим бошига келсин», деган экан.

Ушбу мақбарада кўплаб уламолар, машойихлар ва улуғлар раҳимаҳумуллоҳ дафн этилганлар<sup>315</sup>.

## [ШАМС УЛ-МУЛК МАҚБАРАСИ ТЎҒРИСИДА]

Ушбу мақбарадан жанубда, намозгоҳ<sup>316</sup> томонга қараб бироз йўл юрилганда Работи Малик [работи]ни қурган одил подшоҳ **Шамс ул-**

<sup>312</sup> Милодий 1254 йил январь ойининг охирилари.

<sup>313</sup> Абу Наср Аҳмад ибн Фазл ибн Мусо ал-Музаккир ал-Жандий ат-Туркий (IV/X а.) – Сирдарё бўйидаги Жанд шаҳрида туғилиб-ўсган, Бухорода таълим олиб, фаолият кўрсатган муҳаддис ва сўфий. У ўз даврида «маърифат (Аллоҳни билиш илми) тили» лақаби билан машҳур бўлган.

<sup>314</sup> X асрда Бухорода яшаб ўтган йирик муҳаддис, муфасссир, фақиҳ, мутакаллим ва сўфий. Асарнинг кейинги бўлимларида Калободий тўғрисида асар муаллифининг батафсилроқ маълумоти ҳамда асар таржимонининг тўлдирувчи саҳифасти маълумот-изоҳлари келтирилган.

<sup>315</sup> Абу Наср Аҳмад Жандий қабри устида XVI-XVIII асрларда қурилган мақбара ва унинг ёнида бино этилган хонақоҳ «Турки Жандий мақбараси ва хонақоҳи» номи билан бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмининг марказида, Намозгоҳ кўчасидадир. (Ушбу мақбара ёнида кўкат бозори бўлгани учун Бухорода бу жой «Зелёный бозор» номи билан маълум).

<sup>316</sup> **намозгоҳ** [форс-тожикча نمازگاه; намоз ўқийдиган жой] – ҳайит намозларини ўқиш учун очиқ майдонда махсус тайёрланган жой.

**мулк**<sup>317</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри учрайди. [Ҳар ҳолда] оддий халқ шундай деб айтади ва [бу гап халқ орасида] кенг ёйилган. Аммо Самарқанд ва Хўжанд ўртасидаги йўлда, Оқкўталнинг нарёғида бир эски работ бўлиб, уни ҳам Шамс ул-мулк қурган. Унинг ана шу работдаги қабри [барчага] маълум ва машҳурдир.

Бухоронинг намозгоҳи [дастлаб] Шамс ул-мулкнинг боғи бўлган. У кейинчалик ушбу боғни намозгоҳга айлантирди. Ундан кейин Арслонхон<sup>318</sup> раҳимахуллоҳ бу ерда қурилиш ишларини амалга оширди. Бугунги кунда унда Амир Темур раҳимахуллоҳ томонидан қурилган мақсура<sup>319</sup> мавжуд.

## ХОЖА ПОРАДЎЗ<sup>320</sup> МАҚБАРАСИ ТЎҒРИСИДА

Дин улуғи, буюк, шавкатли ва фазилатли имом, омил ва зоҳид олим **Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Искоф**<sup>321</sup> раҳимахуллоҳнинг нурга тўла қабри ушбу мақбара ўртасидадир. Ушбу муборак манзилда улкан ҳайбат [нишонлари мавжуд] бўлиб, бу ер абдоллар, автодлар, сайёҳлар ва обидларнинг йиғиладиган жойидир. Нақл қилишларича, ул ҳазрат сўнгги марта касал бўлганида қуйидаги дуони ўқиган эканлар: **«Аллоҳумма инни атубу илайка мин кулли дақиқатин такалламту биҳа фи-л-илми ва латифатин асабтуҳо ла адрий ма оқибатуҳо индака»**<sup>322</sup>. Айтадиларки, Бухоронинг Тўрт Бакри<sup>323</sup> раҳимахумуллоҳ ҳамда қабри Балхда бўлган мужтаҳид Абу Жаъфар Ҳиндувоний раҳимахуллоҳ

<sup>317</sup> Шамс ул-Мулк Наср ибн Иброҳим ибн Наср Табғачхон (ваф. 472/1080) – Мовароуннаҳр худудида ҳукм сурган, пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган Ғарбий Қорахонийлар давлати хоқони. 460/1068 – 472/1080 йиллари ҳукмронлик қилган.

<sup>318</sup> Муҳаммад ибн Сулаймон Арслонхон (ваф. 524/1130) – Мовароуннаҳр худудида ҳукм сурган, пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган Ғарбий Қорахонийлар давлати хоқони. 495/1102 – 524/1130 йиллари ҳукмронлик қилган.

<sup>319</sup> **мақсура** [арабча مقصورة ўралган, тўсилган] – 1) ўрта асрлардаги масжидларда меҳроб ёки минбар яқинида подшоҳ, маҳаллий ҳокимлар ёки хос кишиларни намоз чоғида бошқа одамлардан алоҳида жойда жойлаштириш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида панжара ёки бошқа тўсиқ билан ўралган ҳолда махсус тайёрланган жой; 2) ўрта асрлар масжидларида турли мақсадларда панжара ёки бошқа тўсиқ билан ўраб қўйилган ҳар қандай жой.

<sup>320</sup> **порадўз** [форс-тожикча باره دوز ямоқчи] – оёқкийимларни ямовчи, оёқкийим ямоқчиси.

<sup>321</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Искоф (ваф. 313/925) – халқ орасида «Хожа Порадўз» («Ямоқчи Хожа») ёки «Бобо Порадўз» («Ямоқчи бобо») лақаблари билан машҳур бўлган муҳаддис ва фақиҳ шайх. Марвлик буюк муҳаддис, фақиҳ, тарихчи ва сўфий Абдуллоҳ ибн Муборакнинг (118/736–181/797) шогирди. Бухоролик хунармандлар орасида этиқдўзлар ва тикувчилар пири – ҳрмийси сифатида машҳур бўлган.

<sup>322</sup> Мазмуни: Аллоҳум! Мен илм ва ҳикмат борасида оқибатини билмасдан ҳар бир дақиқада айтган барча гапларим учун тавба қиламан.

<sup>323</sup> **Тўрт Бакр** [форс-тожикча шакли **Чаҳор Бакр (ёки Чор Бакр) چهار بکر**] – IX-X асрларда Бухоро яқинидаги Сумитан қишлоғида яшаб ўтган Абу Бакр куняли тўрт машҳур муҳаддис, фақиҳ ва тасаввуф шайхи: Абу Бакр Фазл (ваф. 325/937), Абу Бакр Ҳомид (ваф. 325/937), Абу Бакр Тархон (ваф. 333/944) ва Абу Бакр Саъд (ваф. 360/971). Тўрт Бакр Муҳаммад (с. а. в.) авлодларидан бўлган Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содиқнинг (83/702–148/765) набираларидан бўлганлар. Тўрт Бакр ўзлари яшаб ўтган Сумитан қишлоғида дафн этилган бўлиб, XVI асрда Абдуллахон II уларнинг қабри устида ҳашаматли мақбара ва бошқа меъморий иншоотлар қурган.

у кишининг шогирдлари бўлган эканлар. У зот [ҳижрий-қамарий] 313 йилнинг<sup>324</sup> ойларида бирида вафот этганлар<sup>325</sup>.

Ушбу мақбарада яна кўплаб уламолар, машойихлар ва сайидзодалар раҳимаҳумуллоҳ дафн этилган.

Ушбу мақбаранинг шарқ томонида, йўлнинг нарёғида солик ва мужоҳид шайх[лардан бўлган] **Шайх Сирожиддин Хилватий** раҳимаҳуллоҳнинг қабри бор.

Ушбу мақбаранинг шимол томонида, Коко ҳовузининг бўйида солик, валий ва меҳрибон шайх[лардан бўлган] **Шайх Маҳмуд Самбўсапаз**нинг нурли қабри жойлашган. У хожагон [тариқати пирлари] раҳимаҳумуллоҳнинг халифаларидан бўлган.

Калобод маҳалласидан жануб томонда Хожа Саррожгон раҳимаҳуллоҳнинг қабри бор. У киши ориф<sup>326</sup> ва зоҳид шайх **Хожа Муҳаммад Саррожгон** раҳимаҳуллоҳ бўлиб, Чингизхон босқини даврида<sup>327</sup> шаҳид бўлиш саодатига эришган эдилар. Ул ҳазратнинг қабрида ҳайбат, азамат ва салобат [белгилари] намоёндыр. Ушбу маконда одобсизлик қилган кишиларга нисбатан ғайриоддий ҳодисалар юз берганлиги тўғрисида кўплаб қиссалар мавжуд.

---

<sup>324</sup> Милодий 925 йили.

<sup>325</sup> Абу Бакр Муҳаммад Искофнинг кейинги даврларда бир неча бор таъмирланган, жумладан XIX асрда қайта қурилган ва Бухоро халқи орасида «Бобои Порадўз мақбараси» номи билан машҳур бўлган мақбараси бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмининг жанубида, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази яқинида, Арабон кўчасида жойлашган. Айни шу кунларда бу мақбара обод зиёратгоҳ бўлиб, тикувчилар, этиқдўзлар, маҳсидўзлар ва бошқа касб-кор эгалари Бобойи Порадўз мақбарасини зиёрат қиладилар.

<sup>326</sup> **ориф** [арабча **عارف** чуқур ва батафсил билувчи] – Аллоҳга етишиш йўлида Аллоҳни, унинг исмлари ва сифатларини билиш, яъни Аллоҳ ва унинг барча хусусиятлари тўғрисида билим ҳосил қилиш босқичига етган киши; Аллоҳни билиш учун ирфон йўлига кирган ва унинг босқичларини босиб ўтаётган киши; Аллоҳнинг зоти, исмлари ва сифатларини чуқур билувчи киши.

<sup>327</sup> Бухоро ҳижрий-қамарий 616 йилнинг охирлари – 617 йилнинг бошлари (1220 йилнинг февраль-март ойлари)да мўғуллар томонидан ишғол этилган.



## II ҚИСМ

### ФАТҲОБОДНИНГ<sup>328</sup> РУҲНИ КЎТАРУВЧИ ҚАБРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бу макон бундан буён ҳам орзу-умидлар уйи ва улуғларнинг [бу дунёдан у дунёга] кўчиб ўтиш жойи бўлиб қолаверсин.

Рижолуллоҳларнинг<sup>329</sup> улуғи, Шайх ул-олам қаддасаллоҳу таоло руҳаҳунинг нурли қабри шу ердадир. У омил ва муҳаддис олим **Шайх Сайфиддин ва-л-Ҳақ Абу-л-Маъолий Саид ибн Мутаҳҳар ибн Саид ибн Али ал-Бохарзий**<sup>330</sup> равваҳаллоҳу руҳаҳудир<sup>331</sup>. У киши ҳадис илмида Имом Сойиниддин раҳимаҳуллоҳдан ривоят нақл қилар, тариқатни ёйиш, дин йўли ҳақиқати ва сулукини баён қилиш ҳамда яқийн мақомларига етишда эса улуғ шайх, машойихлар шайхи Нажмиддин Кубро<sup>332</sup> қаддасаллоҳу таоло руҳаҳунинг халифаси эдилар. Ушбу қабрдан тарала-

<sup>328</sup> Ушбу макон бугунги кунда Бухоро шаҳридаги Фатҳобод маҳалласи бўлиб, халқ орасида «Шайх ул-олам маҳалласи» номи билан ҳам машҳур.

<sup>329</sup> **рижолуллоҳ** [арабча رجال الله худонинг улуғ кишилари] – тасаввуфда: олам ҳеч қачон уларнинг вужудидан холи бўлмайдиган, уларнинг вужудига таянадиган ёки уларнинг вужуди асосида бино бўлган, қутб (асос, таянч, ўқ), автод (қозиклар), афрод (ягоналар), абдол (ўринбосарлар), нуҷабо (нажиблар), нуқабо (нақиблар), ҳукамо (ҳакимлар), ражабийюн (ражабийлар) ва шу каби бошқа табақаларга бўлинадиган валийлар гуруҳи. Уларга нисбатан рижол ул-ғайб, ғайб эранлари, мардони ғайб, мардони худо каби сўзлар ҳам қўлланилади.

<sup>330</sup> Сайфиддин Абу-л-Маъолий Саид ибн Мутаҳҳар ибн Саид ибн Али ал-Бохарзий (586/1190-659/1261) – кубравия сўфийлик тариқатининг йирик намояндаси, ушбу тариқат асосчиси Нажмиддин Кубронинг (540/1145-618/1221) шогирди. Марказий Осиёда ҳукмронлик қилаётган мўғул ҳукмдорларининг ислом динига киришида катта ўрин тутган. Шу туфайли у Шайх ул-олам (Олам шайхи), Бухоро шаҳри эса Бухорои шариф (Улуғ Бухоро) унвонини олган. «Шарҳ ул-асмо ал-хусно» («Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи»), «Рисола дар ишқ» («Ишқ ҳақида рисола»), «Воқеаи хилват» («Хилватдаги воқеа»), «Рубоиёт», «Рўзнома», «Васиятнома» каби асарлар ҳамда тўртликлар ёзган. Сайфиддин Бохарзийдан кубравия тариқатининг ҳинд тармоғи – фирдавсия илдиэ олган.

<sup>331</sup> **равваҳаллоҳу руҳаҳу** [арабча روح الله] – Аллоҳ унинг руҳини шод қилсин.

<sup>332</sup> Нажмиддин Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий Кубро (540/1145-618/1221) – муҳаддис, мутакаллим, файласуф ва сўфий, кубравия сўфийлик тариқати асосчиси. «Фавоих ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол» («Жамол хушбўйликлари ва жамолнинг кашфи»), «Ал-усул ал-ашара» («Ўн усул»), «Рисолат ул-хоиф ал-ҳоим мин лавм ал-лоим» («Маломатчининг маломатидан ҳазар қилувчи ҳақида рисола»), «Рисолат ут-туруқ» («Тариқатлар рисоласи») ва бошқа асарлар муаллифи.

ётган нурлар қуёшдан-да ёрқинроқдир.

Назм:

Инна осорано тадуллу алайно,  
Фанзуру баъдано ила-л-осор.

(*Мазмуни:* Бизнинг изларимиз биздан белги берар. Биз [оламдан ўтганимиз]дан кейин [бизни кўрмоқ истасангиз] бизнинг изларимизга қаранг.)

Ул ҳазрат [ҳижрий-қамарий] 586 йилнинг шаъбон ойида<sup>333</sup> таваллуд топиб, [ҳижрий-қамарий] 659 йил зу-л-қаъда ойининг йигирма тўртинчи куни<sup>334</sup> вафот этганлар<sup>335</sup>.

Ҳазрат Шайх қуддиса сирруҳ<sup>336</sup> таваллуди ва вафоти санаси тўғрисида шеърий йўл билан шундай деганлар:

Назм:

Тасаввуфро чу ихё кард маъбуд,  
Саид ибн ал-Мутаҳҳар буд мақсуд.  
Валодат дар нўҳум аз моҳи шаъбон,  
Зи ҳичрат понсад-у ҳаштод-у шаш буд.

(*Мазмуни:* Худо тасаввуфни қайта тирилтирганда [унинг] Саид ибн Мутаҳҳар [воситасида амалга оширилиши]ни кўзда тутганди. У ҳижратнинг беш юз саксон олтинчи йили шаъбон ойининг тўққизинчи куни дунёга келганди.)

Дар шашсад-у панчоҳ-у нўҳ аз ҳукми Вадуд,  
Дар бист-у чаҳори моҳи зу-л-қаъда ки буд,  
Он мурғи Ҳумойи олами ҳимматро  
Бози ачал аз чанги қаҳонаш бирабуд.

(*Мазмуни:* Ўта меҳрибон бўлган Аллоҳнинг [ҳижрат тўғрисидаги] ҳукмидан олти юз эллик тўққиз йил ўтиб, зу-л-қаъда ойининг йигирма тўртинчи кунида ажал лочини ҳиммат оламининг ўша Ҳумо қушини ўз дунёсидан ўғирлаб кетди.)

<sup>333</sup> Милодий 1190 йилнинг сентябрь ойида.

<sup>334</sup> Милодий 1261 йилнинг 27 октябрида.

<sup>335</sup> XIII–XIV асрларда қурилган Сайфиддин Бохарзий мақбараси, масжиди ва хонақоҳи бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг жануби-шарқий қисмидаги Шайх ул-олам – Фатҳобод маҳалласида жойлашган.

<sup>336</sup> қуддиса сирруҳ [арабча *قدس سره*] – унинг ичи муқаддас бўлсин (улуғ кишилар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган дуо).

Мендек кичик ва арзимас бир банда эса Шайх раҳимахуллоҳнинг му-  
борак номини [тўлиқ кўринишида] қайд қилиб қўйиш мақсадида қуйи-  
дагиларни айтдим:

Назм:

Куняти Шайх Абу-л-Маъоний дон,  
Номи маймуни он бузург Саид.  
Лақабаш Сайфи Ҳаққ, давлат-у дин,  
Инчунин аз салаф ба банда расид.

(*Мазмуни*: Шайхнинг кунясини Абу-л-Маъоний, бу улўғнинг отини эса Саид деб билгин. Унинг лақаби Сайф ул-Ҳаққ ва-д-давла ва-д-дин (Ҳақ, давлат ва дин қиличи)дир. [Унинг тўлиқ номи тўғрисидаги маълумот] салафлардан менгача худди шу кўринишда етиб келган.)

Шайх қабрининг қибла томонида у кишининг икки фарзанди – **Хованд Жалолиддин Шаҳид** ва **Хованд Мутаҳҳариддин**нинг қабрлари жойлашган.

[Шайх] қабрининг шарқ томонида эса у кишининг набираси **Абу-л-Мафохир Яҳё ибн Аҳмад ибн Саид ал-Бохарзий**[нинг<sup>337</sup> қабри бор]. У олим, ориф, муҳаддис ва воиз бўлган. Фатҳободдаги дарвешларга дастурхон ёз[иб егулик бер]ган, [эгниларига] тўн кийгизган ва [яшашлари учун] хужралар қурган ҳам унинг ўзидир. У [ҳижрий-қамарий] 712 йили<sup>338</sup> Кирмондан Бухорога келган ва [ҳижрий-қамарий] 736 йили<sup>339</sup> оламдан ўтган.

Унинг қабри ёнида фарзандлари **Хованд Бурҳониддин Шаҳид** ва **Рухиддин Шайх Довуд** раҳимахумуллоҳнинг қабрлари жойлашган.

Фатҳободдан шимол томонда Азизон тепалиги<sup>340</sup> мақбараси жойлашган бўлиб, Шайхнинг аксарияти тажрид<sup>341</sup> йўлининг соликлари, тафрид<sup>342</sup> бурчагининг муътакифлари<sup>343</sup>, вафо ҳарамининг маҳрамлари

<sup>337</sup> *Абу-л-Мафохир Яҳё ибн Аҳмад ибн Саид ал-Бохарзий* (ваф. 736/1336) – кубравия сўфийлик тариқатининг йирик вакилларида бири, ушбу тариқат намояндаси Сайфиддин Бохарзийнинг (586/1190–659/1261) набираси. Катта мол-мулк ва ерлар эгаси бўлган. Тасаввуфга оид «Аврод ул-аҳбоб ва фусус ул-одоб» («Дустлар вирдлари ва одоб доналари») ва «Ал-Машйиха» («Шайхлар») ҳамда «Вақфнома» асарларини ёзган.

<sup>338</sup> Милодий 1312 йили.

<sup>339</sup> Милодий 1336 йили.

<sup>340</sup> **Азизон тепалиги** (*форс-тожикча кўриниши Талли Азизон تل خواجه*) Улуғлар тепалиги маъносини англатади.

<sup>341</sup> **тажрид** [*арабча تجريد* ажралиш, ялангочлашиш] – *тасаввуфда*: банданинг ёлғиз Аллоҳ билан бирга қолиш учун ўзини Худодан бошқа барча нарсалардан ажратиши. Тажрид икки турга: ташқи тажрид ва ички тажрида бўлиниб, ташқи тажрид ўзини бу дунё ва унга тегишли бўлган барча нарсалардан ажратиш, ички тажрид эса ўзини бу дунё ва унга тегишли бўлган барча нарсалардан ажратганлиги эвазига бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бирор-бир нарса талаб қилмасликдир.

<sup>342</sup> **тафрид** [*арабча تفريد* ёлғиз қолиш, ёлғизлашиш] – *тасаввуфда*: ёлғиз Аллоҳ билан қолиш учун одамлардан ҳамда бу дунёдаги барча нарсалардан ўзини четга тортиб, ажратиб, улардан яқкалашиш, ёлғиз худо билан қолиш.

<sup>343</sup> **муътакиф** [*арабча معتكف* юзланган, қаттиқ берилган] – масжидда маълум муддат ёки доимий тарзда қолиб, у ердан бошқа жойга чиқмасдан муайян шартларга эга бўлган тоат-ибодатни амалга оширувчи киши.

ҳамда сафо<sup>344</sup> суффасининг сўфийлари бўлган асҳоблари – **Шамсиддин Калон, Шамсиддин Хурд, Саъдиддин Хоразмий** ва бошқалар раҳимаҳумуллоҳ шу ерда [дафн қилинган]дир. Бир куни қаввол<sup>345</sup> самоъ<sup>346</sup> йиғинида қуйидаги байтни айтди:

Байт:

Гуфтам: «ариний» ва нест гаштам,

Аз бими ҷавоби «лан тароний»<sup>347</sup>.

(*Мазмуни: «[Ўзингни] менга кўрсат» дедим-у, «мени ҳеч қачон кўрмагайсан», деб айтилган жавоб даҳшатидан йўқ бўлдим.*)

[Ўша самоъ йиғинида] рақсга тушаётган Саъдиддин ўша ернинг ўзида жон берди.

Фатҳободдан шаҳар томон боришда уч ариқ ўртасида [ўзини] Аллоҳга муҳтож зот [деб билган] **Мавлоно Жалолиддин** раҳимаҳуллоҳнинг нурли қабри бор. У узоқ вақт давомида мужоҳадат ва риёзат билан машғул бўлган, Шайх қаддасаллоҳу таоло руҳаҳунинг муқаддас равзасида яшаб, хизмат қилган.

Шу йўлдан шаҳарга етиб борганда шаҳар четида ўта табаррук бир масжид бор. Ҳикоя қилишларича, кўплаб валийлар ўша масжидда Ҳазрат Хожа Хизр алайҳиссалом билан учрашиб, суҳбат қурганлар.

Ушбу масжиднинг шарқий ёнбошида меҳрибон валий **Хожа Қут** раҳимаҳуллоҳнинг нурли қабри жойлашган. У кашф аҳлидан бўлган. Турли кишилар томонидан ушбу улуғнинг айтган гаплари, кароматлари ва ғайриоддий ишлари тўғрисида турли ривоятлар келтирилган. Ушбу қабр атрофида шаклланган ҳазирада<sup>348</sup> кўплаб улуғ кишилар дафн этилганлар.

<sup>344</sup> **сафо** [арабча صفاء софлик] – тасаввуфда: 1) солиқ кўнглининг ҳар қандай маънавий хираликлар ва ифлосликлардан холи, пок ва узоқ бўлиши; 2) солиқнинг Худодан бошқа барча нарсалардан кўнгил узиб, бу дунёдан хилват тутиши.

<sup>345</sup> **қаввол** [арабча قوال қўшиқчи] – тасаввуфда: сўфийларнинг самоъ йиғинларида сўфиёна мазмундаги ғазаллар ва бошқа шеърлар асосида қўшиқ айтувчи киши.

<sup>346</sup> **самоъ** [арабча سماع тинглаш] – тасаввуфда: сўфий томонидан Худони англаб етиш, унга яқинлашиш ва у билан қалб мулоқот қилиш, бунинг учун эса важд ҳолатига тушиш мақсадида махсус кийимлар кийган ҳолда пок қалб ва холис ният билан диний-сўфиёна дуо, шеър, қўшиқ ва куй тинглаш ҳамда рақсга тушиш кўринишида амалга ошириладиган зикр тури.

<sup>347</sup> Куръони карим. «Аъроф» сураси, 143-оят.

<sup>348</sup> **ҳазира** [арабча حظيرة ўраб қўйилган] – одатда атрофи девор ёки панжара билан ўраб қўйилган улуғ кишилар, масалан, уламолар ва сўфийлардан бир нечасининг қабрлари жойлашган жой.

## САДРЛАР ТЕПАЛИГИДАГИ<sup>349</sup> ҚАБРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ушбу тепаликнинг шарқ томонида, Калобод дарвозаси ҳовузи рўпарасидаги жойнинг бир четида, Фатҳободга қараб кетишда валийлик ва кароматлар эгаси бўлган муҳаддис имом **Шайх Абу Шуъайб Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Бухорий** раҳимахуллоҳ ҳазираси жойлашган. У Хожа Абу Бакр Саъд раҳимахуллоҳнинг шогирди ва Мавлоно Шамсиддин Ҳалвой раҳимахуллоҳнинг устозидир. Ул ҳазрат қабрининг боши дуоларнинг ижобат бўладиган жойи бўлиб, [бу ерга келиб дуо қилган] кўплаб одамларнинг тилаклари ушалган ва ушалмоқда. У [ҳижрий-қамарий] 400 йили<sup>350</sup> вафот этган. «Ансоб» [асари] муаллифи раҳимахуллоҳ шундай ёзади: «Унинг қабри Калобод [маҳалласи]да бўлиб, одамлар уни зиёрат қилишади ва ундан барака излашади».

Унинг яқинида **Имом Али ибн Мансур ибн Шуайб ал-Устоз** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган. У ҳақиқат<sup>351</sup> аҳлидан<sup>352</sup> бўлиб, дақиқ<sup>353</sup> сўзлар воситасида гаплашар, қалбнинг сифатлари, мақомлари ва ҳоллари тўғрисида бир жилдлик китоб ёзган эди.

Айтишларича, Имом Солиҳ Сижорийнинг қабрига етмасдан қози ва имом **Абу Али Насафий** раҳимахуллоҳнинг қабри учрайди. У Мавлоно Шамс ул-аимма Ҳалвойнинг устозидир. Уни таништириш учун мана шунинг ўзи етарлидир.

Унинг қабри ёнида **Хожа Абдуллоҳ Хайрохарий** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган. У каромат эгаси эди.

<sup>349</sup> Садрлар тепалиги – форс-тожикча кўриниши Талли Судур (تل صدور).

<sup>350</sup> Милодий 1009/1010 йили.

<sup>351</sup> **ҳақиқат** [арабча **حقيقت** чинлик, ҳақлик, ҳақиқийлик] – солиқ худога васл (етишиш, қўшилиш) мақомида, унинг сири эса танзих (Худони бандаларга хос сифатлардан пок деб билиш) мақомида бўлган пайтида Ҳақ (худо) зотининг ҳеч қандай тўсиқсиз солиқ қалбидан намоён бўлиши, солиқнинг қалб кўзи билан худони кўриши. Ҳақиқат сўфий босиб ўтадиган тасаввуфнинг тўрт босқичидан тўртинчиси, тасаввуф йўлига кирган кишининг маърифат босқичидан кейин етадиган сўнгги босқичидир. Сўфийларнинг эътиқодича, солиқ шариат, тариқат, маърифат (худони таниш) босқичларидан сўнг ҳақиқат оламига, яъни Ҳақ зот бўлган худонинг моҳиятини англаб етиш босқичига етади. Сўфийлар назарида ҳақиқатнинг бир неча даражалари мавжуд бўлиб, унинг биринчи даражаси шухуд (қалб кўзи билан худони кўриш)дир. Шухуд ҳам, ўз навбатида, икки босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичи шайх шухуди ёки хузур, охирги босқичи эса Худода фоний бўлишдир. Ушбу босқичдан сўнг Худода боқий бўлиш юз беради. Ҳақ зотнинг ниҳояси бўлмагани каби ҳақиқат даражаларининг ҳам ниҳояси йўқдир. Солиқ тақлидий илм (эшитиб ўрганиш) ёки таҳқиқий илм (текшириб ўрганиш) мартабасида бўлганида солиқ илаллоҳ (Худо томон бораётган йўловчи) эмас, балки солиқ ила-т-тариқ (йўл томон бораётган йўловчи) ҳисобланади. У ҳақиқатнинг биринчи даражасига етганидан сўнггина унинг сулуки Худога томон сулук бўлади.

<sup>352</sup> **ҳақиқат аҳли** [форс-тожикча кўриниши **аҳли ҳақиқат** **اهل حقيقت**] – шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларидан иборат бўлган тасаввуф йўлининг охирги – тўртинчи босқичи бўлмиш ҳақиқат босқичига етган солиқ.

<sup>353</sup> **дақиқ** [арабча **دقيق** аниқ] – кўчма маънода қўлланиладиган, чуқур мажозий маънога ва ҳикматга эга бўлган.

## БУЮК БУРҲОНИЙ САДРЛАР<sup>354</sup> ТЎҒРИСИДА

Улар ер юзининг ва ўз даврларининг фахри эдилар. Уларнинг эзгу ва шарафли ишлари тўғрисидаги қиссалар ер юзининг [турли] ўлкаларида шунчалик кенг тарқалиб кетганки, мендек ожизнинг [бу тўғрида] таъриф бериб ўтиришимга [ҳеч қандай] ҳожат йўқ. Илм ўрганувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида яратилган «Баҳри муҳит» [асари] ул ҳазратнинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотларга бойдир.

Аззу фанодат Бухоро мин имоматихим,  
Изз ул-иморат мин абнои Сомон.  
Аҳл ул-амоим илло анна бобахум,  
Бобун ялузу биҳи арбобу тижон.

(*Мазмуни*: Бухоро уларнинг имомлиги туфайли улуғликка эришди, амирлик эса сомонийлар сулоласи туфайли буюк бўлди. Улар [бошларига] салла ўраган бўлсалар-да, эшиклари [бошларига] тож кийган кишиларнинг бош урадиган жойи бўлди.)

Уларнинг муқаддас машҳадлари ва покиза қабрлари уч жойдадир. Улардан айримлари Фатҳободга кетадиган йўлнинг четида жойлашган мана шу ҳазирада [дафн этилган]дирлар. Бу ҳазирада дафн этилганларнинг кўпчилиги аёллардир. Айтишларича, **Абу-с-судур ус-садр Бурҳон ул-аимма**<sup>355</sup> ва **Садр Ҳалим**[нинг қабрлари] ўша ҳазирададир. [Улардан бошқа] баъзилари [ушбу] қабрларнинг юқори томонида жойлашган ҳазирада ҳамда йўлнинг нариги томонидаги ҳазирада [дафн этилган]дирлар. Бу ерда ётганларнинг кўпчилиги садрларнинг авлодларидир. Аммо улуғ

<sup>354</sup>Буюк Бурҳоний садрлар [форсча-тожикча шакли *Судури муъаззами Ол Бурҳон صدر و معظم آل برهان*] - 536/1142-638/1240 йиллари Бухорода ҳукм сурган, диний ва сиёсий ҳокимиятни ўзида жамлаштирувчи *садр* (маҳаллий ҳоким) лавозимни эгаллаган руҳонийлар сулоласи. Кўпчилиги *Бурҳониддин* (Диннинг далили) ёки *Бурҳон ул-миллат ва-д-дин* (Миллат ва дин далили) унвонлари билан танилганликлари сабабли *Ол Бурҳон* (Бурҳонийлар) номи билан ҳам машҳур. Улар, шунингдек, *Садри жаҳон* (Жаҳон садри) ва *Садр ас-судур* (Садрлар садри) лақаблари билан эслатилади. 495/1102 йили салжукийлар давлати ҳукмдори Санжар ибн Маликшоҳ (479/1084-552/1157) ушбу сулоланинг илк вакили Бурҳон ул-аимма Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Бухорийни (ваф. 518/1124) Бухоронинг *садри* - маҳаллий диний ва сиёсий ҳокими этиб тайинлайди-да, унга ўз синглисини турмушга беради. Абдулазиз ибн Умардан кейин унинг авлодлари - Ҳусомиддин Абу-л-Маъолий Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ал-Бухорий (483/1090-536/1141), Тожиддин вал-ислом Аҳмад ибн Абдулазиз (ваф. 536/1142), Шамсиддин Муҳаммад ибн Умар (ваф. 559/1164), Бурҳониддин Маҳмуд ибн Аҳмад (ваф. 570/1174), Садр ас-судур Абдулазиз ибн Умар (ваф. 574/1178), Тож ул-ислом Умар ибн Масъуд (ваф. 609/1212), Садри Жаҳон Муҳаммад ибн Аҳмад (ваф. 616/1219), Сайфиддин Муҳаммад ибн Абдулазиз (ваф. 617/1220) ва Низомиддин Муҳаммад ибн Умар (ваф. 638/1240) ҳукмронлик қилишади. Бурҳоний садрлар салжукийлардан кейинги давлатлар - хоразмшоҳлар ва мўғуллар даврида ҳам ўз маҳаллий ҳокимиятларини сақлаб қолишади. Бироқ 638/1240 йили Маҳмуд Торобий бошчилигида мўғулларга қарши кўтарилган кўзғолон натижасида уларнинг ҳукмронлиги хотима топади.

<sup>355</sup>Буюк бурҳоний садрларнинг илк вакили **Бурҳон ул-аимма Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Бухорий** (ваф. 518/1124) мазкур сулола асосчиси сифатида Садри кабир (Буюк садр), Садри мозий (Илк садр) ва Абу-с-судур (Садрлар отаси) лақабларини олган.

садрларнинг аксарияти қабрлари ушбу ҳазиранинг шимолий қисмидаги тўпдадир. Ушбу қабрларнинг бири бошқасидан айро ва алоҳида ҳолда эмасдир. Ушбу улуғларнинг барчаси ваҳдат<sup>356</sup> оламига ғарқ бўлган, иттиҳод<sup>357</sup> мақомига етган кишилардир.

Ул ҳазратнинг насаб силсиласи қуйидагичадир: **Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн ас-Садр аш-шаҳид**, Сайфиддин, Малик ал-ислом<sup>358</sup> **Абу-л-Маъолий Аҳмад ибн ас-Садр ал-ҳалим аш-шаҳид**, Бурҳониддин<sup>359</sup> **Абу-л-Макорим Абдулазиз ибн ас-Садр аш-шаҳид**, Малик ал-уламо, Имом ал-ҳарамайн<sup>360</sup> **Абу-л-Маҳомид Муҳаммад ибн ас-Садр ал-кабир аш-шаҳид ал-ҳалим**, Ҳусомиддин, Имом ал-ҳарамайн<sup>361</sup> [...].

У Садр ас-Саид<sup>362</sup> раҳимаҳуллоҳ мағриб ва машриқ[даги ўлкалар]да донғи кетган иморатлар ҳамда умум фойдаланадиган бинолар ва иншоотларни қурган бўлиб, [ҳижрий-қамарий] 593 йили<sup>363</sup> оламдан ўтган. У Навфор масжиди ҳамда Сўзангарон [маҳалласидаги] Сақоя<sup>364</sup> масжидини қурдирган.

У хожалар хожаси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний<sup>365</sup> раҳимаҳуллоҳнинг муриди бўлган. У баъзида жумага ўтар кечаси Бухоро шаҳридан Ғиждувонга – Хожанинг ҳузурига борарди. Гоҳида Садр [Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний]нинг уйига кириб келганида Хожа бошини қуйи солиб ўтирган бўлардилар. Бунда Садр [пири бошини кўтармагунига қадар] тик тураверар, Хожа муборак бошларини кўтарганларидан кейингина салом берар ва ўтирарди. Бир сафар Садр кечаси [пири]нинг уйига кириб келганида Хожа раҳимаҳуллоҳ анча пайт бошларини кўтармай турдилар. Хизматкори [Хожага]: «Садр анчадан бери тик тур[ган ҳолда кут]иб қолди», деди. [Шунда] Хожа раҳимаҳуллоҳ: «[Бу ҳолат] одамлар унинг олдида тик туриб қоладиган кишининг айбини ювиш воситаси бўлсин», дедилар [ўзларининг бу хатти-ҳаракатларини изоҳлаб].

<sup>356</sup> **ваҳдат** [арабча *وحدت* битталиқ, ягоналик] – *тасаввуфда*: оламда биргина Аллоҳ ҳақиқий мавжуд бўлиб, қолган барча нарсалар ўз асос ва моҳиятларига кўра мавжуд эмаслар, балки Аллоҳ вужудининг турли кўринишдаги тажаллийсидирлар, деган қараш; ягона ҳақиқий мавжудот бўлмиш Аллоҳнинг мавжудлиги.

<sup>357</sup> **иттиҳод** [арабча *اتحاد* бирлашиш] – *тасаввуфда*: 1) барча нарсалар ягона ҳақиқий мавжудот бўлмиш Аллоҳнинг вужуди туфайлигина мавжуд бўлиб, ўз моҳиятларига кўра, мавжуд эмаслар деган қараш асосида мутлақ ягона бўлган зот вужудини кўнгил кўзи билан кўриш; 2) айрим сўфийлик таълимотларида сулукнинг охириги мақомларидан бири бўлиб, солиқнинг руҳан Ҳақ вужуди билан бирлашиб кетишини англатади.

<sup>358</sup> шаҳид бўлган садр, дин қиличи ва ислом подшоҳи.

<sup>359</sup> шаҳид бўлган юмшоқ кўнгилли садр, диннинг далили.

<sup>360</sup> шаҳид бўлган садр, уламолар подшоҳи, икки ҳарам имоми.

<sup>361</sup> шаҳид бўлган юмшоқ кўнгилли буюк садр, диннинг кескир қиличи ва икки ҳарам имоми.

<sup>362</sup> саодатга эришувчи, яъни у дунёда жаннатга тушувчи садр.

<sup>363</sup> Милодий 1197 йили.

<sup>364</sup> *Аслида*: **сақоя** [арабча *سقاية* – 1) сув оладиган жой, сув ичадиган жой; 2) ҳовуз; 3) таҳорат оладиган жой.

<sup>365</sup> Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (тахм. 496/1103–575/1179) – Хожа Юсуф Ҳамадоний (440/1048–535/1140) халифаларидан бири, **хожагон-нақшбандия** тариқати асосчиси, мазкур тариқатдаги *етти пир*нинг биринчиси. Хожагон-нақшбандия тариқатининг назарий асосларига бағишланган «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» («Хожа Юсуф Ҳамадоний мақомлари»), «Одоби тариқат» («Тариқат одоблари») ва «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» («Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг айтганларидан») асарлари муаллифи.

У[шбу садр]нинг ота-боболари асли марвлик бўлиб, унинг ўзи Бухорода туғилган ва шу ерда яшаган.

Хоразм уламоларидан бўлган эътиборли ва ишончли бир тарихчи ушбу садрнинг эзгу хислатлари тўғрисида шундай деган: «Унинг дини ва дунёси обод ва фаровон, илми ва ҳиммати эса юксак бўлиб, унинг эзгу хислатлари, юксак фазилатлари ва олий ҳиммати бизнинг давримиздаги бирор кишида йўқдир. Бухорога борганимда улуғвор отаси шаҳид имом Умар ибн Абдулазиз мени меҳмон қилди. Унинг ўзи [ўша меҳмондорчиликда] хизмат қилиб турар, гўзал юзли ва келишган қоматли покиза бир йигит эди. У, одатда, беш вақт намозни жамоат билан ўқир, рамазон ойи келганда олти, етти ёки ўн қулни озод қилар, рамазон ойи тугагунига қадар, қанчалик иши кўп бўлмасин, ҳар куни Қуръонни бир марта хатм қиларди. Қурбон ҳайитида ўзи ва оила аъзолари учун ўз қўли билан юзта қўй ва ўнта катта шохли қўчқор сўяр, бундан ташқари, яна тўққиз юзта қўйни қурбонлик қилиш учун уламолар, фақиҳлар, дарвешлар ва солиҳларнинг уйларига юборарди. У Аллоҳ учун ва Аллоҳ йўлида солиҳ, диёнатли ва тақводор кишиларга ҳурмати ва муҳаббати юксак, уларга бўлган эътиқоди тўғри ва тўлиқ бўлиб, уларга руҳий яқинлик ва [улардан] барака изларди».

Айтишларича, унинг ўз мол-мулкидан оладиган бир йиллик даромади юз минг динорга тенг бўлиб, [ерларидан олинадиган] маҳсулотнинг барчасини сарфлар, [ундан бирор қисмини ҳам келажак учун] захира қилиб қўймасди. Кимдир бирор нарсани [келажак учун] захира қилиб қўйса, уни маломат қиларди. Айтишларича, у раҳимахуллоҳ [бир сафар] касал бўлганида ўн минг динор миқдоридоги пулни бошқаларга маълум ва ошкор қилган ҳолда, яна қанчадир миқдордаги пулни эса яширин тарзда садақа қилган.

**Абу-л-Мафохир Умар ибн ас-Садр ал-кабир ал-муқаддам ва-л-мужтаҳид ал-аъзам, Бурҳон ал-миллат ва-д-дин, Нуъмон ас-соний, Баҳр ал-маъоний<sup>366</sup> Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Абдуллоҳ ибн Саҳл ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Фазл ибн Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Муслим ибн Абу Бакр Солим Зу-р-риёсатайн<sup>367</sup>, Карим ат-тарафайн<sup>368</sup> ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб** разияллоху анху. У Абу-ас-Судур ас-Садр ал-Имом ал-Кабир раҳимахуллоҳдир. «Кашшоф» [китоби] муаллифи Жоруллоҳ уни мақтаб, шундай деган:

«Бурҳон ул-аимма ёки Ибн Моза аждодлари дастлаб Марвда яшаганлар, кейинчалик Бухорога кўчиб ўтганлар. Садр унвони уларга [ҳижрий-

<sup>366</sup> илк ва буюк садр, буюк мужтаҳид, миллат ва дин далили, иккинчи Нуъмон, маънолар денгизи.

<sup>367</sup> Зу-р-риёсатайн [арабча ذوالرياستين] – икки мансаб эгаси бўлган.

<sup>368</sup> Карим ат-тарафайн [арабча كريم الطرفين] – насл-насаби ҳар икки [ота ва она] томондан асл ва улуг бўлган.



қамарий] 495 йилдан<sup>369</sup> кейин Султон Санжар ибн Маликшоҳ томонидан берилган. Султон ўз синглисини унга турмушга бериб, уни ушбу мавқе билан муборакбод этди-да, сўнгра Мовароуннаҳрга жўнатиб, садрлик мансабига тайинлади.

Айтишларича, у садр унвони билан аталган илк киши бўлиб, ундан кейин унинг авлодлари ва ворислари, умуман, ушбу хонадоннинг барча вакиллари шу унвон билан аталган. У илмда, тақвода ва эътиқодда [юксак даражаларга эришган ва] бошқаларга ўрнатилган шахс эди. Имом Нажмиддин Умар ан-Насафий – Аллоҳ уни ўз қадрли улуғлиги билан раҳмат қилсин – ундан: «Шеърый ёки насрий асарларда оятлар ёки ҳадислардан иқтибос келтириш мумкинми?» – деб сўраган кишига жавобан шундай деган эди: «Бухоро жомеъ масжидида буюк имом ва садр Абдулазиз иштирокида [бўлиб ўтган бир баҳс-мунозара йиғинида] мақсурадан туриб бир шеър ўқидим ва унда оятлардан иқтибос келтирдим, аммо у мазкур баҳс-мунозара йиғинида [оятлардан] иқтибос келтиришимга эътироз билдирмади». [Абдулазиз ушбу баҳс-мунозара йиғинида] унинг ва у билан баҳслашган киши – Абу-с-Судур Абдулазиз ибн Умар раҳимахуллоҳнинг ҳақиқага дуойи хайр қилди.

Айтишларича, Абу-с-Судур Абдулазиз ибн Умар «Ал-Муҳит» [асари]нинг муаллифидир. Шунингдек, айтишларича, унинг отаси ас-Садр ал-Ҳалим Абу-л-Мафохир Умар «Ал-Муғний» [асари]нинг, Умар ибн Абдулазиз раҳимахуллоҳнинг укаси Тожиддин Абу-л-Макорим Аҳмад ибн Абдулазиз «Аз-Захира» [асари]нинг, Ибн ас-Судур Тожиддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз «Ат-Татимма» [асари]нинг муаллифидир. Бундан ташқари, «Жомеъ ус-сағир» [асари]нинг муаллифи Ҳусомиддин ибн ас-Садр ас-Саид бўлиб, у бир неча бинолар ҳам қурган. Яна айтишларича, «Ат-Татимма» [асари]нинг муаллифи юқорида номи эслатилган Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиздир».

Буюк садрлар раҳимахумуллоҳ мақбарасининг шимолий қисмида жойлашган **Имом Абу Бакр Ҳоҳарзода** раҳимахуллоҳ қабри ушбу мақбараларга қўшилиб кетган. «Мабсут» [асари]нинг муаллифи бўлмиш ушбу олим, омил ва мужтаҳид киши Қози Абу Собит раҳимахуллоҳ опасининг ўғлидир. У [ҳижрий-қамарий] 483 йил жумодил ул-охир ойининг жумага тўғри келувчи йигирма бешинчи куни<sup>370</sup> кечаси вафот этган.

Ушбу тепаликнинг жанубий қисмида, Занжирий хонақоҳининг рўпарасида охирзамон мужтаҳиди ва уламолар устози **Мавлоно Шамс ул-аимма Ҳалвой** раҳимахуллоҳ қабри жойлашган. У[нинг тўлиқ номи] **Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Солиҳ ибн Муҳаммад ибн**

<sup>369</sup> Милодий 1102 йилдан.

<sup>370</sup> Милодий 1090 йилнинг 29 августида.

**Али ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб**<sup>371</sup> разияллоҳу анхум ажмаъиндир. Оламнинг қуёши, ўз даврининг ягонаси ва мужтаҳидларнинг охиргиси [бўлмиш ушбу улуғ шахс], Имом Фахр ул-ислом Паздавий<sup>372</sup>, Шамс ул-аимма Сарахсий<sup>373</sup> ва Имом Абу-л-Фазл Бакр ибн Муҳаммад Заранжарий<sup>374</sup> раҳимаҳумуллоҳнинг устози бўлган.

Нақл қилишларича, улуғ кишилардан бири бир кечаси тушида Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, унга: «Эй Расулуллоҳ, мени Аллоҳнинг валийларида бири воситасида иршод қилишингни истайман», дейди. Ҳазрат Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам [унга жавобан]: «Менинг ортимдан келаётган мана шу киши [сен истаган ўша валий]дир», деб айтади[лар]. [Шунда] ўша киши [у томонга] қараб, кўп одам билан бирга келаётган Мавлоно Шамс ул-аиммани кўради. Тонг от[иб, уйқудан уйғон]гач, у билан учрашиш ва унинг муборак дийдоридан баҳраманд бўлишни мўлжаллайди. Унинг масжидига бориб, қоронғу бир бурчакда ўтириб олади. [Бу пайтда] Мавлоно Шамс ул-аимма раҳимаҳуллоҳ азон айтардилар. У киши азон айтиб бўлгач, ўша кишини чақириб, унга: «Кўрган тушингни бирор кишига айта кўрма», дейдилар. Ушбу дин улуғи [Мавлоно Шамс ул-аимма]нинг кароматлари кўп ва саноксиз эди. У киши [ҳижрий-қамарий] 449 йили<sup>375</sup> Кешда вафот этганлар, аммо жасадларини Бухорога олиб келиб, мана шу ерда дафн этганлар<sup>376</sup>.

**Қози Имом Али Суъдий**<sup>377</sup> раҳимаҳуллоҳнинг покиза қабри ҳам шу ердадир. У илм, зуҳд ва тақвода юксак даражаларга етган эди.

Мавлоно Шамс ул-аимма қабрининг шарқий қисмига қўшилиб кетган ҳолда машойхлар силсиласи давомчиси, аллома имом **Мавлоно Жамолиддин Маҳбубий** раҳимаҳуллоҳнинг қабри жойлашган. Ул ҳазрат, Хованд Садр уш-шариа раҳимаҳуллоҳнинг насаб силсиласида эслатиб ўтилганидек, Убода ибн Сомит разияллоҳу анху авлодларидандир.

<sup>371</sup> Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Солиҳ Ҳалвоий ал-Бухорий (ваф. 449/1057) – йирик муҳаддис ва фақиҳ. «Ад-Даъавот», «Мажлис фи сифат ашрот ас-соъа ва мақомот ал-қиёма», «Мунтахаб ул-фатово», «Ал-Мабсут», «Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир», «Шарҳ ал-жомеъ ал-кабир», «Шарҳ аз-зиёдат», «Ан-Наводир», «Ал-Фатово» каби асарлар муаллифи.

<sup>372</sup> Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Аййима ибн Мужоҳид ал-Паздавий (400/1009–482/1089) – самарқандлик машхур фақиҳ ва мутакаллим. «Канз ул-усул», «Заллат ул-қорий», «Ал-Мабсут», «Ғано ал-фуқаҳо», «Танбиҳ ул-аълом», «Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар», «Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир», «Шарҳ ал-жомеъ ал-кабир» асарлари муаллифи. **Фахр ул-ислом** (Ислом фаҳри) лақабини олган.

<sup>373</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Саҳл ас-Сарахсий (ваф. 490/1096) – ҳанафийлик фикҳининг йирик намояндаси. «Ал-Мабсут», «Китоб фи усул ал-фикҳ», «Шарҳ ас-сияр ал-кабир», «Шарҳ мухтасар ат-таховия», «Шарҳ ал-жомеъ ал-кабир», «Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир», «Шарҳ -зиёдат», «Шарҳ зиёдат аз-зиёдат», «Шарҳ китоб ан-нафақот ли-л-хассоф», «Шарҳ адаб ул-қози ли-л-хассоф», «Тамҳид ал-фусул фи-л-усул», «Ал-Фавоид ал-фикҳия», «Китоб ул-ҳайз» ва бошқа асарларни ёзган.

<sup>374</sup> Абу-л-Фазл Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Фазл ибн Ҳасан ал-Ансорий аз-Заранжарий ал-Бухорий (427/1036 – 512/1118) – муҳаддис ва фақиҳ олим. **Абу Ҳанифаи асгар** (Кичик Абу Ҳанифа) лақаби билан машхур бўлган.

<sup>375</sup> Милодий 1057 йили.

<sup>376</sup> Мавлоно Шамс ул-аимма Ҳалвоийнинг қабри ҳозирги кунда Бухоро шаҳридаги Ҳазрат Шоҳ Ахсавий масжидига кириш йўлагининг ўнг томонида жойлашган бўлиб, у бу ерга 2004 йили қўчириб ўтказилган. Унинг шогирди Абу-л-Фазл Бакр ибн Муҳаммад Заранжарийнинг қабри ушбу масжидга кириш йўлагининг чап томонидадир.

<sup>377</sup> Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳусайн Муҳаммад ас-Суъдий (ваф. 461/1069) – муҳаддис ва фақиҳ олим.

У [ҳижрий-қамарий] 546 йили<sup>378</sup> туғилиб, [ҳижрий-қамарий] 630 йил жумоди ул-аввал ойининг пайшанбага тўғри келувчи олтинчи кунида<sup>379</sup> шом ва хуфтон намозлари ўрталиғида вафот этган.

Мавлоно Шамс ул-аимма раҳимахуллоҳ қабрининг қибла томонида Занжирий хонақоҳи асосчиси **Имом Шарафиддин Абдураҳмон** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган.

## БУҒРОБЕК ТЕПАЛИГИДАГИ<sup>380</sup> ҚАБРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қадим замонларда ушбу тепалик «Миёна тепалиги»<sup>381</sup> деб номланган. Ҳозирги даврда эса уни «Хожа Абу Бакр Тархон тепалиги»<sup>382</sup> ёки «Мавлоно Ҳофизиддин тепалиги»<sup>383</sup> деб ҳам аташади.

Олим, зоҳид ва мужоҳид имом **Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон ал-Балхий**<sup>384</sup> раҳимахуллоҳ «Ал-Жомеъ ал-муснад» («Санадли ҳадислар тўплами») [асари]нинг муаллифидир. У ўз даврининг энг зоҳид имомларидан эди. У ҳар куни озгина егулик билан қаноат қилар, бирор киши унинг мужоҳадати юкини кўтара олмасди. Хожа Абдуллоҳ Субадмунийнинг «Кашф» китобида келтирилишича, Хожа Имом Абу Бакр Тархон раҳимахуллоҳ бир куни: «Ўттиз йил бўлдики, тоқда турган узумни [ўз кўзим билан] кўриб, [унинг ҳақиқатда] қандай эканлигини билишни орзу қиламан», деб қолибди. [Шунда унинг ўша ерда турган] издошларидан бири: «Менинг бир боғим бор, уни Хожага бағишладим. Муборак қадамлари билан шу боғни табаррук қилсалар», деб айтибди. [Аmmo] Хожа Абу Бакр бунга жавобан: «Ўттиз йилдан кейин ўз нафсим истаги йўлида қадам босишга Аллоҳ таолодан уяламан», деган экан. У [ҳижрий-қамарий] 333 йилнинг сафар ойида<sup>385</sup> оламдан ўтган.

Унинг қабрига қибла томондан буюк муфассир ва улуғ зоҳид имом, яъни зоҳид, муфассир ва воиз имом **Алоуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдураҳмон ибн Аҳмад ал-Бухорий** раҳимахуллоҳнинг қабри қўшилиб кетган.

<sup>378</sup> Милодий 1151 йили.

<sup>379</sup> Милодий 1233 йилнинг 24 феввали.

<sup>380</sup> **Буғробек тепалиги** – форс-тожикча кўриниши **Талли Буғробек** (تل بغرابيك).

<sup>381</sup> **Миёна тепалиги** (форс-тожикча кўриниши **Талли Миёна** تل ميانه) Ўрта тепалик маъносини англатади.

<sup>382</sup> **Хожа Абу Бакр Тархон тепалиги** – форс-тожикча кўриниши **Талли Хожа Абу Бакр Тархон** (تل خواجه ابو بکر طرخان).

<sup>383</sup> **Мавлоно Ҳофизиддин тепалиги** – форс-тожикча кўриниши **Талли Мавлоно Ҳофизиддин** (تل مولانا حافظ الدین).

<sup>384</sup> **Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон** (ваф. 333/944) – IX-X асрларда Бухоро яқинидаги Сумитан қишлоғида яшаб ўтган Тўрт Бакр (Чор Бакр) номи билан машҳур бўлган Абу Бакр куняли тўрт машҳур муҳаддис, фақиҳ ва тасаввуф шайхидан учинчиси. Ҳадисга оид «Ал-Жомеъ ал-муснад» («Санадли ҳадислар тўплами») асарини ёзган.

<sup>385</sup> Милодий 944 йилнинг октябрь ойида.

Абу Бакр Тархон раҳимахуллоҳ қабрининг шарқ томонида Мавлоно Ҳофизиддин ал-Кабир ал-Бухорийнинг улуғвор отаси **Имом Алоуддин Муҳаммад ибн Наср ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Қалонасий ал-Бухорий** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган. У [ҳижрий-қамарий] 631 йил рабеъ ул-аввал ойининг ўн учинчи куни<sup>386</sup> кечаси вафот этган.

Мавлоно Алоуддин қабрининг оёқ томонида салафларнинг давомчиси ва халафларнинг сараси, ҳожилар ва икки ҳарамнинг<sup>387</sup> фаҳри **Абу-л-Иффат Мавлоно Ҳофизиддин ал-Кабир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий**<sup>388</sup> раҳимахуллоҳнинг нурли қабри бор. У [ҳижрий-қамарий] 693 йил шаъбон ойининг чоршанбага тўғри келувчи ўн саккизинчи куни<sup>389</sup> оламдан кўз юмган. Бу тўғрида шундай деганлар:

Назм:

Вафоти қудваи ислом, ҳофиз ул-миллат,  
Амони дини Худо, пешвои аҳли ҷаҳон  
Ба шашсад-у навад-у се, чаҳоршанба буд,  
Ба рўзи ҳаждаҳум аз авсати моҳи шаъбон.

(*Мазмуни: Мусулмонлар йўлбошчиси ва миллат посбони, ҳидоят дини кўриқчиси ва жаҳон аҳли пешвосининг вафоти олти юз тўқсон учинчи йил шаъбон ойининг ўрталари – ўн саккизинчиси чоршанба куни юз берган эди.*)

Мавлоно қабрининг қибла томонида унинг куёви, шавкатли имом, инсонлар йўлбошчиси Мавлоно Тожиддин ал-Мусаддир номи билан машҳур бўлган **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мусаддир ал-Бухорий** раҳимахуллоҳнинг қабрлари жойлашган. У киши [ҳижрий-қамарий] 710 йил рамазон ойининг биринчи куни<sup>390</sup> дунёдан ўтганлар.

Мавлоно Тожиддин қабрининг қибла томонида у кишининг фарзанди, Мавлоно Ҳофизиддиннинг набираси, шавкатли имом **Мавлоно Хусомиддин** раҳимахуллоҳнинг қабри бор. У [ҳижрий-қамарий] 727 йил рабеъ ул-охир ойининг пайшанбага тўғри келувчи учинчи куни<sup>391</sup> шом чоғида вафот этган.

<sup>386</sup> Милодий 1233 йилнинг 24 декабрида.

<sup>387</sup> **икки ҳарам** [арабча кўриниши **ҳарамайн** حرمين] – Макка ва Мадина шаҳарларидаги икки муқаддас макон – Катъба ва Муҳаммад (с. а. в.) равзалари.

<sup>388</sup> **Абу-л-Иффат (Абу-л-Фазл) Мавлоно Ҳофизиддин ал-Кабир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий** (615/1218–693/1294) – ҳанафий мазҳабининг машҳур муҳаддис, фақиҳ ва муфассирларидан бири. Шамс ул-аймма Муҳаммад Кардарий (560/1164–642/1244) ва Убайдуллоҳ ибн Иброҳим Маҳбубийларнинг (546/1151–630/1233) шогирди. Куръони каримдаги сўзлар ва иборалар изоҳига бағишланган форсча «Ал-Мустахлас» асарини ёзган.

<sup>389</sup> Милодий 1294 йилнинг 21 июлида.

<sup>390</sup> Милодий 1311 йилнинг 30 январидан.

<sup>391</sup> Милодий 1327 йилнинг 6 мартада.

Мавлоно Хусомиддин [қабри]нинг қибла томонида **Мавлоно Бурҳониддин Анжирфағнавий**нинг қабри, унинг олдида эса **Мавлоно Бурҳониддин Аршадий** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган.

Мавлоно Ҳофизиддин [қабри]нинг оёқ томонида унинг авлодларидан бўлган **Хожа Юсуф**нинг қабри мавжуд. У [ҳижрий-қамарий] 768 йил рамазон ойининг бошларида<sup>392</sup> оламдан ўтган.

Хожа Юсуф [қабри]нинг шарқ томонида шавкатли имом **Мавлоно Нажмиддин Ўтрорий**нинг, Мавлоно Ҳофизиддин [қабри]нинг шарқ томонида эса шавкатли имом ва қози **Хожа Нажмиддин ал-Ғиждувоний** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган.

У[шбу қабр]нинг шарқ томонида унинг акаси аллома имом, уламолар устози **Хожа Саъдиддин Масъуд ал-Ғиждувоний**<sup>393</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри бор. У [ҳижрий-қамарий] 797 йил зу-л-қаъда ойининг саккизинчи куни<sup>394</sup> вафот этган.

Назм:

Муҳити баҳри маъоний, чаҳони ҳилм-у карам,  
Насийри миллат-у дин Хоҷа Саъдиддин Масъуд  
Сабоҳи ҳаштуми зу-л-қаъда рафт аз дунё,  
Ки ҳафтсад-у навад-у ҳафт соли ҳичрат буд.

(*Мазмуни:* Маънолар уммони, юмшоққўнгиллик ва сахийлик олами ҳамда миллат ва диннинг мададкори бўлмиш Хожа Саъдиддин Масъуд ҳижратнинг етти юз тўқсон еттинчи йили зу-л-қаъда ойининг саккизинчи куни дунёдан ўтди.)

Бу атрофда [яна] кўплаб уламолар ва машойихлар[нинг қабрлари мавжуд] бўлиб, уларнинг ҳар бири тўғрисида маълумот бериш гапнинг чўзилиб кетишига олиб келади.

## ЕТТИ ҚОЗИ<sup>395</sup> ҚАБРИСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Абу Бакр Тархон раҳимахуллоҳ [қабри]дан шарқ томонга қараб юрилганда бироз масофадан сўнг Етти қози қабристони учрайди. [Ушбу қабристонда дафн этилган мазкур етти қозидан] ҳар бири ўз даврининг куёши бўлган эди. Улар ҳаётликларида ва қози бўлиб юрган даврлари-

<sup>392</sup> Милодий 1367 йил май ойининг бошларида.

<sup>393</sup> **Хожа Саъдиддин Масъуд ал-Ғиждувоний** (ваф. 797/1395) – хожагон-нақшбандия тариқати сўфийси, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний халифаларидан бири Хожа Салмон Карминийнинг иккинчи халифаси.

<sup>394</sup> Милодий 1395 йилнинг 2 сентябрида.

<sup>395</sup> **Етти қози** – арабча-форсча кўриниши **Қуззоти сабъа** (قضاة سبعة).

да бирор марта ҳам [адолат чегарасидан] четга чиқмаганлар. Уларнинг қабрлари боши дуо ижобат бўладиган жойдир.

Уларнинг бири **Қози Имом Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий**<sup>396</sup> раҳимахуллоҳдир. У «Амад ул-ақсо» («Энг олис мақсад»), «Тақвим ул-усул» («Фикҳий усул тақвими») ва «Мезон ул-усул» («Фикҳий усул мезони») [асарлари] муаллифи, валийлик ва каромат соҳиби бўлган. У Самарқанд ва Бухорода забардаст уламолар билан баҳс-мунозара қиларди. Улардан айримлари у ҳақида бадиха тарзида мақоллар (зарбулмасал) тўқиганлар. У [ҳижрий-қамарий] 430 йили<sup>397</sup>, баъзиларнинг айтишларича эса, 432 йили<sup>398</sup> оламдан ўтган бўлиб, олтмиш уч йил умр кўрган. Фозиллардан айримлари унинг вафоти муносабати билан қуйидаги марсияни ёзганлар:

Назм:

Лав саввар аш-шаръу шахсан фастафоза даман,  
Би-латми хаддин ва шаққ ил-жайби би-л-айдий.  
Лам йаблуғ ал-ъашру мимма кана ялзимуху,  
Мин ал-букоъи ала-л-Қозий Аби Зайд.

(Мазмуни: Агар шариат оламдан ўтган киши учун кишига қўли билан юзини юлиб, ёқасини йиртиб йиғлашга рухсат берганида эди, бу вафот этган Қози Абу Зайд учун лозим бўлган даражадаги йиғлашнинг ўндан бирига ҳам етмаган бўларди.)

Уларнинг яна бири **Қози Имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-Шаъбий**<sup>399</sup> раҳимахуллоҳдир. У Мавлоно Шамс ул-аимма Ҳалвовой ва Қози Абу Зайднинг устози бўлган. Айтишларича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муборак сочларининг бир толаси Имом Шаъбий раҳимахуллоҳдадир.

Улардан яна бири имом **Қози Имом Исмоил Мустамлий**<sup>400</sup> раҳимахуллоҳдир.

<sup>396</sup> Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий (ваф. 430/1039) – машҳур фақиҳ ва қози, фикҳдаги хилоф (мунозара) илмининг асосчиси. Фикҳга оид «Амад ул-ақсо», «Тақвим ул-усул», «Мизон ул-усул», «Таъсис ун-назар» ва «Тақвим ул-адилла» китобларини ёзган.

<sup>397</sup> Милодий 1038/1039 йили.

<sup>398</sup> Милодий 1040/1041 йили.

<sup>399</sup> Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр ибн Сулаймон аш-Шаъбий (ваф. 400/1010 ёки 404/1013) – машҳур фақиҳ ва қози, Шамс ул-аимма Ҳалвовой ва Қози Абу Зайд Дабусийнинг устози. «Кифоят уш-Шаъбий», «Шарҳ ал-жомеъ ал-кабир» ва «Шарҳ аз-зиёdot» асарлари муаллифи.

<sup>400</sup> Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Саҳл ибн Сухайл ибн Арзаҳ ал-Омулий ал-Бухорий ал-Мустамлий (ваф. 434/1043) – тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, тасаввуф ва фалсафа соҳалари олими, тасаввуф назариётчиси. Абу Бакр Калободийнинг арабча «Ат-Таъарруф ли-маъжаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли йўли билан танишув») номи ҳажман кичик китобига шарҳ сифатида форс-тожик тилида ёзилган тўрт жилдлик «Шарҳ ат-Таъарруф ли-маъжаб ат-тасаввуф» («Тасаввуф йўли билан танишув» асарига шарҳ) китоби муаллифи.

Улардан бошқа бири **Қози Имом Завзан**<sup>401</sup> раҳимахуллоҳдир.

Уларнинг яна бири «Фатово» [асари] муаллифи **Қози Имом Заҳрирдин**<sup>402</sup> раҳимахуллоҳдир.

Уларнинг бошқа бири унинг отаси **Қози Имом Бадеуддин**<sup>403</sup> раҳимахуллоҳдир. Унинг фазилатлари ва эзгу хислатлари тўғрисида сўз юри-тиш имкон даражасидан ташқаридадир<sup>404,405</sup>.

Етти қози [қабристонининг шарқ томонида Шофеиён<sup>406</sup> мақбараси жойлашган бўлиб, у ҳозирги кунда эскириб, билинмай кетгандир.

Шофеиён мақбарасининг шарқ томонида ҳадис аҳлининг фаҳри ва шофеий мазҳабига эътиқод қилувчилар йўлбошчиси, шавкатли имом **Тож ул-ислом Ҳамзанин**г қабри жойлашган. У[нинг тўлиқ номи] **Имом Абу-л-Мафохир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ҳамза ал-Хатибий ал-Худободий** раҳимахуллоҳдир. У [ҳижрий-қамарий] 588 йили<sup>407</sup> Худобод қишлоғида дунёга келган. Худобод Бухоро атрофидаги йирик қишлоқлардан бўлиб, шаҳардан қишлоққача беш фарсанг масофадир. Тож ул-исломнинг авлодлари раҳимахумуллоҳ унинг ёнида дафн этилганлар. Бугунги кунга келиб бу қабрлар чўкиб, билинмай кетган ва [улардан] бирор-бир белги қолмаган.

Етти қози [қабристонининг]га қибла томондан омил ва олим имом **Мавлоно Ҳусомиддин ал-Асилий** раҳимахуллоҳ ҳамда унинг ўғли – қози, имом, уламолар устози **Мавлоно Сирожиддин ал-Асилий** раҳимахуллоҳнинг қабрлари қўшилиб кетган. [Мавлоно Сирожиддин ал-Асилий ҳижрий-қамарий] 814 йили<sup>408</sup> вафот этган.

Шунингдек, Етти қози [қабристонининг]дан қибла томонга – Хожа Намадпўш раҳимахуллоҳ қабри томонга боришда Мавлоно Шамс ул-аимма Кардарий раҳимахуллоҳнинг дўстларидан бўлмиш «Мунтахаб» [асари]

<sup>401</sup> Абдурахим ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Садидий аз-Завзаний (тахм. IX/XIV а.) – Имод ал-ислом лақаби билан танилган фақиҳ, Бухорода қозилик қилган. Абу Жаъфар ат-Таҳовий (233/852–321/933)нинг «Шарҳ Маоний ал-асор» асарини ривоят қилиб, ўқитган.

<sup>402</sup> Заҳрирдин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар ал-Бухорий (ваф. 619/1222) – машҳур қози, фақиҳ ва мухтасиб. Фатволар тўпламидан иборат бўлган «ал-Фатово аз-Заҳирийя» асари муаллифи.

<sup>403</sup> Қози Имом Бадеъуддин ал-Бухорий (тахм. VII/XII а.) – Заҳрирдин ал-Бухорийнинг отаси. «Фатовойи Бадеъуддин» ёки «Фатовойи Бухоро» деб номланган асар муаллифи.

<sup>404</sup> Муллозода бу ўринда нимагадир XI–XIII асрларда Бухоро шаҳрида яшаб, фаолият кўрсатган ва фикҳ илми ривожига муносиб ҳисса қўшганлиги сабабли «Кўззоти сабъа» («Етти қози») номи билан машҳур бўлган етти фақиҳнинг ҳаммасини эмас, балки улардан олтитасини келтириб, уларнинг яна бири – Аҳмад ибн Амр ибн Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Бухорийни (ваф. 396/1006) тушириб қолдирган.

<sup>405</sup> Собиқ шўро даврида ушбу қабристон бузилиб, унинг ўрнида савдо техникуми биноси қурилган. Юртимиз мустақилликка эришгач, 2006 йили мазкур қадимий қабристонда дафн этилган улўғ шахслар хотирасига эҳтиром бажо келтириш мақсадида бу ерда мақбара шаклидаги «Дахмаи беҳиштиён» («Жаннатий кишилар дахмаси») номли ёдгорлик мажмуаси бино этилди.

<sup>406</sup> Шофеиён [форс-тожикча **شافعيان**] – шофеийлар.

<sup>407</sup> Милодий 1192 йили.

<sup>408</sup> Милодий 1411/1412 йили.

муаллифи **Мавлоно Хусомиддин Ахсикатий**<sup>409</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган.

Мавлоно Хусомиддин қабрининг қибла томонида эса Қозихон [лақаби] билан машхур бўлган **Қози Имом Фахриддин**нинг нурларга тўла қабри мавжуд. У[нинг тўлиқ номи] **Имом Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Марғинович**<sup>410</sup> раҳимахуллоҳдир. У мағриб ва машриқ[даги ўлкалар]да донғи кетган иморатлар ҳамда умум фойдаланадиган бинолар ва иншоотларни қурган буюк садр ас-саид Бурҳониддин Абу-л-Макорим Абдулазиз раҳимахуллоҳнинг халифа ва ноиб сифатидаги буйруғига кўра, Бухоро ва унинг атрофларида узоқ йиллар қозилик қилган. Имом Қозихон раҳимахуллоҳ «Фатово», «Жомеъ ул-кабир» ва «Жомеъ ус-сағир» [асарлари] муаллифидир. У чексиз фазилатларга эга бўлган.

Саййид Имом Абу-л-Қосим Шаҳид Самарқандий раҳимахуллоҳдан нақл қилишларича, у шундай деган: «Ҳаж амалларини адо этиб бўлгач, Ҳиро тоғидаги Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ғорида [бир неча вақт] хилватда ўтирдим. Ўша хилватда ўтирган кунларимдан бирида юзимни тупроққа қўйиб: «Аллоҳим, Сендан менга шундай бир бахт ато этишингни тилайманки, мени Ўз дўстларингдан бири билан учраштиргин», дедим. Ҳотифдан шундай овоз келди: «Биз одамларга ато этадиган бахт қуйидаги уч нарсадан бирида бўлади: биринчиси – набийлик; иккинчиси – шаҳидлик; учинчиси – фақирлик. Набийлик эшиги ёпилган. Сен шаҳидликни танлайсанми ёки фақирликни?». Мен шаҳидликни танладим. Чунки билардимки, фақирлик юқини кўтариш учун Муҳаммад Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг вужуди каби вужудга эга бўлмоқлик керак бўлади». [Шундан сўнг ўша ҳотифдан келган овоз] яна шундай деди: «Сен Биздан тилаган ўша Бизнинг дўстимиз билан учрашишинг эса жума куни юз беради. [Бунда жума намозининг] суннати ва фарзи орасида [Бизнинг] ўша дўстимиз келиб сенинг ёнингда ўтиради ва [ўзининг кимлигини] сенга маълум қилади». Муборак ҳаж сафаридан қайтишда қайси шаҳарга кирган бўлсам, то жума намозини ўқимагунча ундан чиқиб кетмасдим. Бухорои шариф шаҳрига етиб келганимда жума куни эди. [Жума намозининг] суннати ва фарзи орасида бир киши келиб ёнимга ўтирди. Ҳақ таолонинг ўша валийси шу бўлса керак, деган хаёлга бордим. Шуларни ўйлаб турганимда Қози Имом Фахриддиннинг охириги сафдан туриб, менинг яқи-

<sup>409</sup> Хусомиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ахсикатий (ваф. 644/1247) – машхур фақиҳ имом. «Ал-Мухтасар фи усул ал-фиқҳ», «Мифтоҳ ул-усул», «Ғоят ут-таҳқиқ» ва «Дақоиқ ул-усул ва-т-табйин» асарлари муаллифи.

<sup>410</sup> Фахриддин Абу-л-Маҳсин ал-Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Ўзгандий ал-Ансорий (ваф. 592/1196) – «Қози Имом Фахриддин» ва «Қозихон» лақаблари билан машхур бўлган фақиҳ қози. Бир муддат Бухоро ва унинг атрофларининг қозиси бўлган. Ҳанафийлик фиқҳига оид «Фатово Қозихон», «Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир» ва «Шарҳ аз-зиёдат» асарларини ёзган.



нимга келганини кўрдим. У менинг ёнимда ўтирган ўша одамга: «Бу жойдан тур. Чунки бу одам Ҳиро ғорида Ҳақ таолодан сўраган киши сен эмассан», деди-да, унинг ўрнига ўтириб олди»<sup>411</sup>.

Қозихон [қабри]нинг атрофида бошқа улуғ кишилар ҳам дафн этилганлар. Улардан бири **Дехқон Суғдий** раҳимахуллоҳ бўлиб, унинг қабри [Қозихон қабрининг] қибла томонидадир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам муборак сочларининг бир толаси ун[инг қабри]дадир.

Дехқон Суғдий раҳимахуллоҳ [қабри]нинг қибла томонида Сўфий шайхлар ҳазираси бор. У[шбу сўфий шайх]лардан бири **Шайх Ҳасан Намадпўш**<sup>412</sup> [лақаби билан танилган киши] бўлиб, унинг тўлиқ исми **Ҳасан ибн Юсуф ал-Бухорий ас-Сомоний** раҳимахуллоҳдир. Арслонхон Ғозий уни ўз отам деб атаган эди. Давр султони унга эътиқод қилганлиги сабабли Бухорони ибохат<sup>413</sup> ва бидъат аҳлидан тозалади. Қай бир сўфий бозорда мажбурдан [бўлса-да] мешкобдан сув ичган бўлса, уни шахардан ҳайдаб юборарди. «Тасаввуф одоб сақламоқликдир. Одобга риоя қилмадим, унда [мен сўфийман, деган] [қуруқ] даъводан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. [Қуруқ] даъвогар эса [сўфийлардан] узоқда бўлмоғи лозим», дерди. У ўттиз йил давомида Бухородаги хонақоҳда узлуксиз рўза тутган бўлиб, озгина егулик, жумладан, сабзи ва шолғом барглари ҳамда бошқа кўкатлар билан ифторлик қиларди. Ахийри ибохат аҳлидан бўлган бир сурбет кун қизиган [туш] чоғида хонақоҳга кириб келди-да, унинг муборак бошига болта билан уриб, уни шаҳид қилди<sup>414</sup>. Ҳазрат Шайх ул-олам<sup>415</sup> қаддасаллоҳу руҳаху бир неча бор айтган эдиларки, Бухоро тупроғида тирикларга эҳтиёжи бўлмаган икки киши мангу ором топган бўлиб, уларнинг бири Шайх Абу Бакр ибн Абу Исҳоқ Калободий раҳимахуллоҳ, иккинчиси эса Хожа Намадпўш раҳимахуллоҳдир. Хожа Намадпўш [ҳижрий-қамарий] 509 йили<sup>416</sup> оламдан ўтган. Айтишларича, қуйидаги шеър унинг қаламига мансубдир:

Назм:

Ин кўҳна намад баҳри Аҳад пушидам,  
То зин набарй, ки ман ба худ пушидам.

<sup>411</sup> Қози Имом Фахриддиннинг қабри бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмининг шимоли-шарқидаги Имом Қозихон гузарида, Хожа Нуробод кўчасидадир. Мазкур қабр атрофида вужудга келган қабристон ҳам унинг номи билан «Имом Қозихон қабристон» деб аталган бўлиб, у XX асрнинг 20-йиллари охирлари – 30-йиллари бошларида ёпилган, сўнгра бузилиб кетган. Бугунги кунда ушбу қабристон ўрнида аҳоли тураржойлари қурилган. Бироқ XIX асрда шу жойда қурилган Имом Қозихон мақбараси ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

<sup>412</sup> *Форс-тожикча* **Намадпўш** (نمد پوش) лақаби «Жундан тўқилган (кигиз) кийим кийган киши» маъносини англатади.

<sup>413</sup> **ибохат** [арабча **إباحت**] – бу ўринда: ҳаромни ҳалол деб билиш.

<sup>414</sup> Шайх Ҳасан Намадпўшнинг мақбараси 1949 йили бузиб ташланиб, ўрнига ҳовлилар қурилган.

<sup>415</sup> Кубравия сўфийлик тариқати шайхи Сайфиддин Бохарзийнинг лақаби.

<sup>416</sup> Милодий 1115/1116 йили.

Дидам, ки танам хирқаи султони бақост,  
Андохтам атлас ва намад пушидам.

(Мазмуни: Ушбу эски кигиз кийимни Ягона бўлган зот учун кийдим, ўзи учун кийган экан, деб ўйлаб юрмагин. Қарасам, танам боқийлик султонининг хирқаси экан, шу сабабли атлас кийимни ечиб ташлаб, кигиз кийим кийиб олдим.)

Абу Бакр Тархон [қабри]нинг жануб томонида, йўл ёқасида **Шайх Али Бухорий** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган. У буюк машойихлардан бўлиб, Шом, Ироқ ва Ҳижозда донғи кетган. Ўн саккиз марта ҳажга борган. Юз йилдан ортиқ умр кўрган. У [бир сафар ўзи тўғрисида]: «Умрим бўйи [бирор марта бўлса-да] жанобатдан ғусл қилишимга ҳожат бўлмади. Чунки [ўтган давр давомида] бирор аёл билан қўшилмадим ва [доимо] эҳтиломдан сақландим», деган экан. Улуғлардан бири шундай дейди: «Бир сафар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. Ул ҳазрат мендан: «Эй фалончи, Али Бухорийни зиёрат қилдингми?» – деб сўрадилар. Мен: «Йўқ, эй Расулulloҳ», деб жавоб бердим. [Шунда Расулulloҳ:] «Уни зиёрат қилгин. Чунки, кимки уни зиёрат қилса, худди мени зиёрат қилгандек бўлади», деб айтдилар»<sup>417</sup>.

Ушбу машҳадда кўплаб улуғлар дафн этилган бўлиб, **Имом Хатиб Абу-л-Маъоний** раҳимахуллоҳ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хожа Намадпўш раҳимахуллоҳ қабрининг шарқ томонида давр алломаси ва уламолар устози **Мавлоно Ҳамидиддин Шоший** раҳимахуллоҳнинг қабрлари бор. У киши [ҳижрий-қамарий] 781 йили<sup>418</sup> вафот этган. У кишининг барча авлодлари раҳимахумуллоҳ бир ҳазирада дафн этилганлар.

## АҚИЛИЙ ИМОМЛАР ҚАБРИСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Абу Бакр Тархон раҳимахуллоҳ [қабри]нинг қибла томонида, Буғробек масжиди рўпарасида ақилий[лар хонадонидан бўлган] имомлар[нинг қабрлари мавжуд]. Уларнинг насаб силсиласи бир томондан, Ақил ибн Абу Толиб<sup>419</sup> разияллоҳу анхуга, иккинчи томондан, Абу Айюб Ансорий разияллоҳу анхуга бориб етади.

<sup>417</sup> Шайх Али Бухорийнинг қабри бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмининг шимоли-шарқида, Чор минор тарихий ёдгорлигининг жануб томонида, Меҳтар Анбар кўчасида жойлашган. Шайх Али Бухорий ўн саккиз марта ҳаж қилганлиги туфайли «Ҳажги Пиёда» номини ҳам олган.

<sup>418</sup> Милодий 1379/1380 йили.

<sup>419</sup> Ақил ибн Абу Толиб (р.а.) (х.о. 44/578–50/670 ёки 60/679) – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.)нинг амакиваччаси, тўртинчи халифа Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг акаси. Араб қабиалари тарихи билимдони бўлган.

Давр алломаси **Мавлоно Шарафиддин Абу-л-Қосим ал-Ақилий ал-Ансорий**<sup>420</sup> раҳимахуллоҳ шундай деганлар: «Менинг бобом **Мавлоно Шарафиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ақилий**<sup>421</sup> раҳимахуллоҳ жинлар ва инсонлар муфтийси ҳамда ҳалол ризқ билан кун кечирувчи бир киши бўлиб, деҳқончилик ерларига эга бўлган. У киши яшаган замонда вилоят амири кофирлардан экан. Ул ҳазратдан солиқ тўлашини талаб қилибди, бўйсунмаган эканлар, бир кечаси оч қоплонлар билан бир жойга қамаб кўйибди. Тонг отгач қараса, у киши соғ-саломат бўлиб, қоплонлар унинг олдида ювошгина турган эмиш».

Имом Фахриддиннинг отаси, мадраса қурдирган Мужириддин бир оҳу овлаб, уни у кишининг Бозорча кўприги яқинидаги уйига юборибди. Аммо у киши ўша гўштдан емабдилар. Сабабини сўраганларида шундай дебдилар: «Агар ислом лашкари [шаҳардан] ташқарига чиқиб, сен бўйсунмадиган ўша лашкарга<sup>422</sup> қарши жангга киришса, сен қайси бири томонида туриб жанг қиласан?». Буни эшитган Мужириддин йиғлаб юборибди. Узоқ йиғлабди.

Абу Ҳафс Умар [ал-Ақилий] Нажмиддин Умар Насафийнинг шогирди бўлиб, Садр уш-шаҳид Ҳусомиддиннинг отаси Бурҳон ул-аимма, Садр ул-ислом Абу-л-Йуср ва Имом Зоҳид Дарвозжагий раҳимахумуллоҳни кўрганлар. У [ҳижрий-қамарий] 596 йили<sup>423</sup> вафот этган. Юқорида эслатилган Мавлоно Шарафиддин Абу-л-Қосим эса [ҳижрий-қамарий] 645 йилнинг сафар ойида<sup>424</sup> дунёга келиб, Ясавур талончилигидан<sup>425</sup> тўрт ой ўтиб, [ҳижрий-қамарий] 716 йил зу-л-қаъда ойининг биринчи кунини<sup>426</sup> оламдан ўтганлар.

У кишининг отаси аллома имом **Мавлоно Шамсиддин Аҳмад ал-Ақилий** раҳимахуллоҳ «Жомеъ ус-сағир» ва «Жомеъ ул-кабир» [асари]ни шарҳлаганлар ҳамда «Жомеъайн ва Зиёdot» номи билан машҳур бўлган эдилар. Ҳалол ризқ билан кун кечирувчи ушбу инсон Каломуллоҳ ҳофизи бўлиб, ҳар кечаси Қуръондан беш пора тиловат қилардилар. Талабаларнинг аҳволидан хабар олар, уларни тарбиялардилар. Тўғри мазҳаб йўли-

<sup>420</sup> Шарафиддин Абу-л-Қосим ал-Ақилий ал-Ансорий (645/1247-716/1317) – Ақил ибн Абу Толиб авлодларидан бўлган бухоролик йирик фақиҳ. Мўғуллар истилосидан кейинги даврда мадрасалардаги дарслари ва масжидларидаги маърузалари воситасида Мовароуннаҳрда ҳанафийлик фикҳини сақлаб қолишда муҳим ўрин тутган уламо.

<sup>421</sup> Шарафиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ақилий (ваф. 576/1180 ёки 596/1199) – Ақил ибн Абу Толиб авлодларидан бўлган бухоролик муҳаддис, фақиҳ ва мутакаллим. Фикҳга оид «Минҳож ул-фатово» ва каломга оид «Ал-Ҳодий» асарларининг муаллифи.

<sup>422</sup> Яъни, нафс лашкарига.

<sup>423</sup> Милодий 1199/1200 йили.

<sup>424</sup> Милодий 1247 йилнинг июнь/июль ойида.

<sup>425</sup> Бу ерда Чиғатой улуси шаҳзодаси, 1342-1346 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Чиғатой улуси хони Қозонхоннинг (ваф. 1346) отаси Ясавурнинг (ваф. 1320) 1316 йили Эрон ва Хуросонда ҳукмронлик қилган мўғул сулола хулоқуийлар ҳукмдори Ўлжайту қўшинлари ёрдамида Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида олиб борган вайронкор жанглари назарда тутилмоқда.

<sup>426</sup> Милодий 1317 йилнинг 23 январида.

дан оғишмасдилар. У киши [ҳижрий-қамарий] 657 йил рамазон ойининг бешинчи куни<sup>427</sup> вафот этганлар. У кишининг авлодлари у кишининг [қабри] атрофида [мангу] ором топганлар.

Ақилий имомлар қабристонидан қибла томонга қараб бироз юрилса, тепалик этагида имом, зоҳид ва воиз шайх **Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Суҳайл ибн Абу Исҳоқ ал-Аттобий ал-Бухорий** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган. У «Тафсир», «Зиёdot», «Фатово» ва [шу каби] бошқа асарларнинг муаллифидир.

## **АБУ БАКР ҲОМИД РАҲИМАХУЛЛОҲ ТЕПАЛИГИДАГИ ҚАБРЛАР<sup>428</sup> ТЎҒРИСИДА**

Олим ва омил шайх **Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид**<sup>429</sup> раҳимахуллоҳ валийлик ва каромат аҳлидандир. У илмда ва вазминликда юксак даражаларга етган бўлиб, чексиз фазилатлар ва эзгу хислатлар эгаси бўлган. Қабрининг боши абдоллар ва автодларнинг йиғиладиган жойидир. У [ҳижрий-қамарий] 325 йили<sup>430</sup> оламдан ўтган. Мавлоно Камолиддин Майдоний раҳимахуллоҳ Бухоронинг Чор Бакри вафоти санаси борасида шундай деган:

Назм:

Ба як сол рафтанд ду шайхи зоҳид,  
Абу Бакр Фазл ва Абу Бакр Ҳомид.  
Зи ҳичрат шуд сесад-у бист-у панҷ,  
Ки дар хок рафтанд ин ҳар ду ганҷ.  
Абу Бакр Тархон имоми меҳин,  
Ба сесад бирафт-у сулси сулсин.  
Абу Бакр Саъд он имоми Саид,  
Ба шаст-у ба сесад ба ҷаннат расид.

(Мазмуни: Икки зоҳид шайх – **Абу Бакр Фазл** ва **Абу Бакр Ҳомид** бир йилда вафот этдилар, ушбу икки хазина ҳижратнинг уч юз йигирма бешинчи йили<sup>431</sup> тупроқ остига кетдилар. Буюк имом **Абу Бакр Тархон**

<sup>427</sup> Милодий 1259 йилнинг 2 сентябрида.

<sup>428</sup> «Абу Бакр Ҳомид» ва «Шористонлик имомлар» қабристонлари XX асрга қадар сақланиб қолган бўлган. Бироқ совет даврида ушбу қабристонлар бузилиб, уларнинг ўрнида Бухоро кооператив техникуми (ҳозирги Юридик ва маиший хизмат коллежи), ўрта мактаб ва Ёғ заводи бинолари қурилган.

<sup>429</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид (ваф. 325/937) – IX–X асрларда Бухоро яқинидаги Сумитан қишлоғида яшаб ўтган Тўрт Бакр (Чор Бакр) номи билан машҳур бўлган Абу Бакр куняли тўрт машҳур муҳаддис, фақиҳ ва тасаввуф шайхидан иккинчиси. «Шайх ул-олам» унвонига эга бўлган.

<sup>430</sup> Милодий 937 йили.

<sup>431</sup> Милодий 937 йили.

[ҳижратнинг] уч юз ўттиз учинчи йили<sup>432</sup>, саодатли имом **Абу Бакр Саъд** эса [ҳижратнинг] уч юз олтмишинчи йили<sup>433</sup> жаннатга етдилар.)

Айтишларича, кимки бир кун ичида Чор Бакр раҳимаҳумуллоҳ қабрларини зиёрат қилиб, [уларнинг руҳларидан] ўз мушкулининг осон ва ҳожатининг раво бўлишида шафоат тиласа, шаксиз ҳожати раво, мушқули эса осон бўлади. Бу ҳолат ҳақиқатдан ҳам амалда синалгандир. Чор Бакрдан учтаси[нинг номи] аниқ бўлса-да, уларнинг тўртинчиси[нинг номи] икки хил – **Абу Бакр Фазл** раҳимаҳуллоҳ ва **Абу Бакр Исҳоқ** раҳимаҳуллоҳ кўринишида эслатилади. [Шунга кўра], зиёрат қилувчи бу ўринда номлари эслатилувчи бешта Бакрнинг барчасини зиёрат қилавериши керак. Зеро, шундагина [ҳақиқатда бу ерда дафн этилган] Чор Бакр зиёрати амалга ошганлигига ишонч ҳосил қила олади. Кашф аҳлидан айримларининг айтишларича, Абу Бакр Ҳомид қабрининг яқинида, унинг қибла томонида икки қабр бўлиб, кимки ушбу икки қабр орасида туриб дуо қилса мустажоб бўлади.

Абу Бакр Ҳомид раҳимаҳуллоҳ қабрининг шарқ томонида **Хожа Гулрез** раҳимаҳуллоҳнинг табаррук қабри бор. Бу ер абдоллар ва девоналарнинг йиғиладиган жойдир. Айтишларича, у муҳиблар жумласидан ҳамда Шайх ул-олам қаддасаллоҳу таоло сирраҳу хонадонининг мулозимларидан бўлган.

**Хожа Абдураҳмон Карминагий** раҳимаҳуллоҳнинг табаррук қабрини Абу Бакр Ҳомид раҳимаҳуллоҳ қабрининг қибла томонида деб айтишган. Бироқ [ҳозир бу қабрнинг] ўрни билинмай кетган. Айтишларича, ҳар йили рамазон ойида қадр кечаси[нинг айнан қайси тунда бўлиши] унга аён бўларди.

## ШОРИСТОНЛИК ИМОМЛАР ҚАБРЛАРИ<sup>434</sup>

Абу Бакр Ҳомид раҳимаҳуллоҳ қабрининг қибла томонига қараб бироз масофа йўл босилганда шористонлик имомлар қабрлари учрайди. Улар жумласига **Мавлоно Фахриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шористоний**, **Мавлоно Рукниддин Абдураҳим ибн Аҳмад аш-Шористоний** ва **Мавлоно Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдураҳим аш-Шористоний** киради.

Мавлоно Рукниддин мен фақирнинг она томондан бобоси, Мавлоно Жамолиддин эса каминанинг тоғасидир. Мавлоно Фахриддиннинг усто-

<sup>432</sup> Милодий 944 йили.

<sup>433</sup> Милодий 971 йили.

<sup>434</sup> «Абу Бакр Ҳомид» ва «Шористонлик имомлар» қабристонлари XX асрга қадар сақланиб қолган бўлган. Бироқ совет даврида, сал аввал айтиб ўтганимиздек, ушбу қабристонлар бузилиб, уларнинг ўрнида Бухоро кооператив техникуми (ҳозирги Юридик ва маиший хизмат коллежи), ўрта мактаб ва Ёғ заводи бинолари қурилган.

зи **Мавлоно Сирожиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қазвиний**нинг мунаввар қабри [Мавлоно Жамолиддин қабрининг] бош томонидадир. Шористонлик имомлар раҳимаҳумуллоҳнинг авлодлари у [шбу қабр]ларнинг атрофида [дафн этилган]дирлар.

Хожа Юсуф Ҳамадоний раҳимаҳумуллоҳнинг халифаларидан бўлган **Хожа Абдуллоҳ Барақий**<sup>435</sup> раҳимаҳумуллоҳнинг нурли қабрини ҳам мана шу ерда дейишади. Бироқ, ул ҳазрат қабрининг аниқ жойлашган ўрни маълум эмас. Унинг буюк бобоси асли Хоразмдан бўлиб, Бухорога кўчиб келган ва шу ерда яшаб қолган экан. Ул ҳазрат хонадонининг барча аъзолари раҳимаҳумуллоҳ илм аҳли, валийлик ва каромат эгаси, сунний эътиқод ва ҳанафий мазҳабга эргашувчи бўлганлар.

Аллоҳ маърифатига эришган олим имом **Мавлоно Жалолиддин ал-Халаф ал-Бухорий** ҳамда яна кўплаб уламолар раҳимаҳумуллоҳ шу атрофда [дафн этилган]дирлар.

Ушбу тепаликнинг қибла томонида валийлар қутби, олим ва зоҳид шайх [лар жумласидан бўлган] **Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб ал-Калободий ал-Бухорий**<sup>436</sup> қаддасаллоҳу таоло руҳаҳунинг мунаввар марқадлари ва муаттар машҳадлари жойлашган. Ул ҳазрат «Маъоний ул-ахбор» («Ҳадисларнинг маънолари»), «Китоб ат-таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли йўли билан танишув») ва [шу каби] бошқа асарлар муаллифидирлар. У кишининг ҳаёти тўғрисида [шунчалик кўп маълумот мавжудки, бу тўғрида қўшимча] маълумот бериб ўтиришга ҳожат йўқдир. [Ул ҳазрат] безатиб кўрсатишга бўлган бирор-бир уринишсиз ҳам безанган ҳолатдадир. У киши [ҳижрий-қамарий] 380 йили<sup>437</sup>, айримларнинг айтишларича эса 384<sup>438</sup> ёки 385 йили<sup>439</sup> оламдан ўтганлар.

Ул ҳазрат [қабри]нинг ёнида, шарқ томонида Ҳазрат Хожа Абу Юсуф Ҳамадоний<sup>440</sup> раҳимаҳумуллоҳнинг халифаларидан бўлган **Хожа Ҳасан Андақий** раҳимаҳумуллоҳнинг қабрлари жойлашган. У киши [нинг тўлиқ

<sup>435</sup> Хожа Абдуллоҳ Барақий (ваф. 555/1160) – хожагон-нақшбандия тариқати сўфийси, ушбу тариқат асосчиларининг устози Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (440/1048 – 535/1140) тўрт халифасидан биринчиси, Ҳамадоний вафотидан кейин хожагон силсиласи раҳбарлигини амалга оширган пир.

<sup>436</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб ибн Юсуф ибн Касир ибн Ҳотам ибн Абдурахмон ал-Калободий ал-Бухорий ал-Ҳанафий ас-Суфий (305/917–385/995) – бухоролик йирик муҳаддис, муфассир, фақиҳ, мутакаллим ва сўфий. У ҳадисга оид «Арбаъин фи-л-ҳадис» («Қирқ ҳадис»), «Амолий фи-л-ҳадис» («Ҳадис ҳақида қайдлар») ва «Маоний ул-ахбор» («Ҳадисларнинг маънолари») асарлари ҳамда Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Саҳиҳ ҳадислар тўплами») китобига шарҳ, фикҳга оид «Муъаддил ус-салот» («Намоз қоидалари»), «Ал-Ашфоъ вал-автор» («Жуфт ва тоқ намозлар») ва «Фасл ул-хитоб» («Ҳақни ботилдан ажратувчи»), тасаввуф ва каломга оид «Ат-Таъарруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли йўли билан танишув») асарларини ҳамда Қуръон тафсирига оид бир асарни ёзган. Калободийнинг «Ат-Таъарруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» асари тасаввуф таълимотини тизимлаштиришда муҳим ўрин тутган.

<sup>437</sup> Милодий 990/991 йили.

<sup>438</sup> Милодий 994 йили.

<sup>439</sup> Милодий 995 йили.

<sup>440</sup> Аслида **Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадоний**.

номи] **Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн ал-Андақий**дир<sup>441</sup>. У киши ўз даврининг [тасаввуф] шайхи, фақиҳ ҳамда муридлар тарбиялашда чиройли бир усулга эга [пир] бўлиб, Аллоҳ субҳонаху томонидан унга насиб этилган вақт<sup>442</sup> софлиги билан одамларни Аллоҳ таоло томонга чорлар, доимо ибодат ва риёзатга машғул эдилар. Набий саллаллоху алайҳи васаллам суннатлари ва одобларига эргашар, буюрганларига риоя қилардилар. «Ансоб» [асари] муаллифи Имом Абдулкарим [ас-Самъоний] раҳимахуллоҳ ҳадис илмида у кишининг шогирди бўлган. У киши [ҳижрий-қамарий] 462 йили<sup>443</sup> таваллуд топиб, 552 йил рамазон ойининг йигирма олтинчи куни<sup>444</sup> вафот этганлар.

Айтадиларки, Хожа Ҳасан Андақий Ҳазрат Хожа Абу Юсуф Ҳамадоний раҳимахуллоҳга иродат<sup>445</sup> қилган чоғларида ул ҳазратнинг хизматига ва мулозимлигига шунчалик қаттиқ бел боғлаб, ул ҳазрат билан узлуксиз тарзда бирга юриб, ўтириб-тура бошладиларки, ўз оиласи эҳтиёжларини таъминлаш учун меҳнат қилишдан ҳам воз кечдилар ва бутун ўй-хаёл ва диққат-эътиборлари ул ҳазрат билан бирга бўлишга қаратилди. Хожа Абу Юсуф раҳимахуллоҳ у кишига насихат қилиб: «Сен оилали дарвешсан. [Шунинг учун] меҳнат қилмоғинг ва тирикчилик эҳтиёжларингни таъминламоғинг лозим», дейдилар. [Бироқ] Хожа Ҳасан: «[Бундай қилишни] истамайман», деб жавоб берадилар. Хожа Абу Юсуф у кишини бундай жавоб берганлари сабабли койидилар-да, [маълум муддат] у киши билан гаплашмай кўядилар. Аммо бир куни Ҳақ таоло Хожа Абу Юсуф раҳимахуллоҳнинг тушларига кириб, у кишига қарата: «Эй Юсуф, сенга ақл кўзи берган бўлсам, Ҳасанга ақл кўзи ва кўнгил кўзи берганман», деб хитоб қилади.

Хожа Ҳасан қабрининг ёнида Имомзода номи билан машхур бўлган олим ва зоҳид имом, шайхулислам **Рукниддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Муфтий ал-Бухорий**<sup>446</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган.

<sup>441</sup> Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ал-Андақий (ваф. 552/1157) – хожагон-нақшбандия тариқати сўфийси, ушбу тариқат асосчиларининг устози Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (440/1048-535/1140) тўрт халифасидан иккинчиси. Хожа Абдуллоҳ Барақийдан (ваф. 555/1160) кейин хожагон силсиласи раҳбарлигини амалга оширган.

<sup>442</sup> **вақт** [арабча وقت вақт, пайт, чоғ] – солиқда юз берадиган, Худого муҳаббат, таваккул, таслим ва ризони ўзи ичига оладиган, солиқнинг ўтмиши – шу пайтгача юз берган барча нарсаларни ҳам, келажакни – бундан кейин юз берадиган барча нарсаларни ҳам бутунлай ёдидан чиқариб, бутун ўй-фикри фақатгина Худого қаратилишидан иборат бўлган бир ҳолат. Вақтда солиқ ўзини тамомила Худого топшириб, ўтган ишлардан афсусланмайди ва келажак тўғрисида қайғурмайди, балки ўзи турган вақтни қадрлайди.

<sup>443</sup> Милодий 1069/1070 йили.

<sup>444</sup> Милодий 1157 йилнинг 8 ноябри.

<sup>445</sup> **иродат** [арабча ارادت исташ, хоҳлаш; истак, хоҳиш] – тасаввуфда: Худого (худонинг васлига) етиш, бошқача сўз билан айтганда, қалб кўзи билан Худони кўриш, яъни Ҳақ зот бўлган Худонинг моҳиятини англаб етиш мақомига етишга аҳд қилиш, шу мақсадда муршид (шайх, пир)га байъат қилиб (қўл бериб), унга шогирд тушиш, ундан таълим ва тарбия олиб, унинг кўрсатган йўлидан бориш.

<sup>446</sup> **Рукниддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Муфтий ал-Бухорий** (491/1098-573/1177) – бухоролик машхур имом, фақиҳ, воиз, адиб ва шоир. Заранжарий Бухорий ва Муҳаммад Сурхакатийларнинг шогирди, Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож уш-шарифа, Жамолиддин Маҳбубий, Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ва Саъиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Афвийларнинг устози. «Ширъат ал-ислом» асари муаллифи.

У «Ширъат ул-ислом» [асари] муаллифи бўлиб, «Ал-Ҳидоя» [асари] муаллифи Шайхулислом раҳимахуллоҳнинг устозларидан биридир. У кишининг ўғли, каломга бағишланган «Уқуд ул-ақоид» [асари] муаллифи **Имом Саъдиддин**, Имом Саъдиддиннинг ўғли, Шайх ул-олам Саид ибн Мутаҳҳар ал-Бохарзийнинг устози **Имом Рукниддин аш-Шаҳид**, у кишининг ўғли **Мавлоно Носириддин Имомзода** ҳамда у кишининг барча авлодлари раҳимахумуллоҳ қабрлари мана шу ердадир.

Айрим жоҳил ва нодон кишилар **Имом Рукниддин Мозий** ва у кишининг авлодлари қабрларини кавлаб, мақбара қурганлар ва ушбу мақбарани ўз қиблаларига айлантирганлар. Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини кечирсин.

Шайх Абу Бакр қуддиса сиррухунинг нурли қабридан қибла томонга қараб бироз масофа йўл юрилганда уламолар устози **Мавлоно Абдурахмон ал-Бухорий** раҳимахуллоҳнинг мунаввар қабри бор. У киши турли зоҳирий ва ботиний камолотлар билан безанган бўлиб, диншунослик ва анатомия соҳаларида кенг билимга эга олим эдилар. У киши усул илмига доир «Ал-Муғний» ва маъношуносликка доир «Ал-Изоҳ» [асарлари]ни шарҳлаганлар. У киши [ҳижрий-қамарий] 812 йили<sup>447</sup> вафот этганлар.

## САРДУХУШК МАСЖИДИНИНГ ШАРҚ ТОМОНИДАГИ НУРЛИ ҚАБР ТЎҒРИСИДА

[Бу қабр] **Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Фазл ибн Атийя ибн Умар ибн Холид ал-Абасий ал-Куфий аш-Шарафдуний**га<sup>448</sup> тегишлидир. У [Бухоро яқинидаги] Шарафдун<sup>449</sup> қишлоғидан бўлиб, унинг [ўша қишлоқда] деҳқончилик ерлари бўлган. У [кейинчалик] Бухоронинг Хашшобин<sup>450</sup> дарвозаси яқинига кўчиб ўтган. Бухоронинг барча машо-йихлари, жумладан, Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн Исо ибн Мусо ал-Ғунжор раҳимахуллоҳ, Муҳаммад ибн Салом Пайкандий раҳимахуллоҳ ва бошқалар ундан [ҳадис] тинглаганлар. У Бухорода шифохона<sup>451</sup> яқинида вафот этган. У Имоми Аъзам разияллоху анху шогирдларидан эди.

Ушбу қабрдан қибла томонга бироз масофа йўл юрилганда йўл бўйида бир ҳазира учрайди. Ҳол аҳлидан айримлари бу қабрни **Имом Қозихон** раҳимахуллоҳга мансуб билишади.

<sup>447</sup> Милодий 1409/1410 йили.

<sup>448</sup> **Асли Шарафдуний** [شرفدنی] бўлиб, Бухоро яқинидаги Шарафдун қишлоғига мансубликни билдиради.

<sup>449</sup> **Шарафдун** [شرفدن] – Бухоро яқинидаги қишлоқ.

<sup>450</sup> **Хашшобин** [арабча خشايبين] – ёғоч сотувчилар; бу ўринда Хашшобин дарвозаси (форс-тожикча аслида: Дарвозаи Хашшобин) Ёғоч сотувчилар дарвозаси маъносини беради.

<sup>451</sup> Дор ул-марзо.



## [ШАҲАР ВА УНИНГ АТРОФИДАГИ БОШҚА ҚАБРЛАР ТЎҒРИСИДА]

Шаҳарнинг шимол томонида, Камаргарон ҳовузи бўйида Имом Фахриддин Розийнинг<sup>452</sup> дўстларидан бўлган аллома имом **Мавлоно Бадриддин Варсакий**<sup>453</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган. Уларнинг ўртасида кўп марталаб баҳс-мунозара юз берган бўлиб, бу тўғридаги қисса кенг тарқалгандир.

Хон мадрасаси тимчасида фозиллар ҳазираси бўлиб, у ерда дафн этилганлардан бири қўш тил эгаси ва икки тилда ижод қилувчи араб ва ажам алломаси **Мавлоно Разиюддин Нишопурий**<sup>454</sup> раҳимахуллоҳ, иккинчиси «Ал-Яминий» [асари] муаллифи, насаби саҳоба Утба ибн Ғазвон<sup>455</sup> разияллоху анҳуга бориб тақаладиган **Абу-н-Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбий**<sup>456</sup> раҳимахуллоҳ, учинчиси эса «Куллия» [асари] муаллифи **Сулаймоншоҳ** раҳимахуллоҳдир.

Шаҳарнинг ўртасида, Суффа кўчаси бошида **Хожа Ҳалимиддин Даймуний**нинг мунаввар қабри жойлашган. Унинг тўлиқ номи **Абу Муҳаммад Ҳалим ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Аҳмад ибн ал-Ҳалим ад-Даймуний** раҳимахуллоҳдир. У шофеъий мазҳаби фақиҳларидан бўлиб, илм ва вазминликда камолга эришган, зуҳд ва вараъда<sup>457</sup> дадил қадам ташларди. Унинг қабри Суффа маҳалласидаги Сўфиён<sup>458</sup> хонақоҳи рўпарасидадир. Ушбу хонақоҳ [бини си дастлаб] унинг уйи бўлиб, [кейинчалик хонақоҳ учун] вақф қилган экан.

Айтишларича, олти йил давомида Даймун қишлоғига сув келмай қолибди. Сув Нав ариғидан Мўлиён ариғига оқиб ўтаркан. Қишлоқ аҳолиси анча машаққат тортиб, қишлоққа сув олиб келибди. Биринчи бўлиб Хожанинг ерларига сув беришибди. Хожа бундан хабар топгач: «Оҳ, хато

<sup>452</sup> Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Али ар-Розий (544/1149–606/1209) – шофеъий мазҳабиға эътиқод қилувчи йирик фақиҳ, мутакаллим, муфасссир ва файласуф олим. «Ибн ал-Хатиб», «Имом Розий» ва «Имом Фахр Розий» номлари билан машҳур бўлган. «Мафотиҳ ул-ғайб», «Ал-Арбаин фи усул», «Асос ут-тақдис», «Асрор ут-танзил ва анвор ут-таъвил», «Асрор ун-нужум», «Ал-Инорот фи шарҳ ал-ишорот», «Ал-Баён вал-бурҳон», «Таҳсил ул-ҳаққ», «Таъжиз ул-фалосифа», «Таҳзиб уд-далоил ва уюн ул-масоил», «Зубдат ул-олам фи-л-калом», «Шарҳи Қонуни Ибни Сино», «Шарҳи Наҳжа ал-балоға», «Аш-Шажарат ул-муборака», «Ҳифз ул-бадан», «Жомеъ ул-улум» асарларини ёзган.

<sup>453</sup> Бадриддин Умар ибн Абдулкарим ал-Варсакий (ваф. 594/1198) – муҳаддис ва фақиҳ. Муҳаммад Шайбонийнинг «Жомеъ ус-сағир» асарига шарҳ ёзган.

<sup>454</sup> Разиюддин Абу Жаъфар Муҳаммад Нишопурий (ваф. 598/1201) – хуросонлик машҳур ғанафий фақиҳи, шоир ва сўфий.

<sup>455</sup> Утба ибн Ғазвон (р.а.) (ваф. 17/638) – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) саҳобаларидан, ислом динини қабул қилган илк кишилардан бири.

<sup>456</sup> Абу-н-Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбий (ваф. 427/1036) – сомонийлар ва ғазнавийлар давлатлари ҳукмдорлари саройи тарихчиси, «Тарих ул-яминий» асари муаллифи.

<sup>457</sup> **вараъ** [арабча **ورع** қўрқиш] – банданинг Худога етишиш мақсадида ушбу йўлда тўсиқ бўлиши мумкин бўлган барча нарсалардан сақланиши.

<sup>458</sup> **Сўфиён** [форс-тожикча **صوفیان**] – сўфийлар; бу ўринда Сўфиён хонақоҳи (форс-тожикча **аслида**: Хонақоҳи Сўфиён) Сўфийлар хонақоҳи маъносини беради.

қилибдилар. Чунки биздан олдин сув олишга ҳақли бўлган бошқа одамлар бор эди. Аммо улар андиша қилиб, жим турган бўлсалар керак», дебдилар. [Сўнгра] Хожа деҳқонлардан: «Ушбу берилган сувнинг таъсири ерда қанча вақт туради?» – деб сўрабдилар. Улар: «Уч йил», деб жавоб беришибди. [Шундан кейин] Хожа уч йил давомида ушбу ерда экин-тикин қилмаган экан. У киши [ҳижрий-қамарий] 416 йили<sup>459</sup> оламдан ўтганлар. У киши[нинг қабрлари]ни зиёрат қилиш ҳожатларнинг раво бўлишида катта таъсирга эга. Бу жой абдоллар ва автодларнинг тўпланадиган жойи бўлиб, кашф аҳли ва қалби тириклар у ердан кўпдан-кўп нур таралиб турганини кўришган.

Шаҳарнинг шимол томонида **Нуробод мақбараси** жойлашган бўлиб, у ерда кўплаб уламолар, машойихлар ва валийлар раҳимахумуллоҳ [дафн этилган]дирлар.

[Шаҳарни ўраган] қадимий девор четида жойлашган Айёр минораси яқинида хожалар хожаси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний раҳимахуллоҳнинг халифаси, зоҳид шайх ва мужоҳид обид **Хожа Авлиё Калон**<sup>460</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри мавжуд. У кишининг фазилатлари ва эзгу хислатларининг саноғи йўқдир.

У кишининг қабри яқинида фарзанди ва халифаси **Хожа Ғариб**<sup>461</sup> раҳимахуллоҳнинг қабри бор. Хованд Тожиддин Саттожийнинг айтишича, мажзуб ва солиқ Шайх Ҳасан Булғорий қуддиса сирраҳу: «Ҳаётим давомида кўплаб кўнгил ва сир эгаларига хизмат қилдим, аммо Хожа Ғариб Бухоридан юқориқ мартабадаги бирор кишини кўрмадим», деган экан<sup>462</sup>.

У кишининг [қабри] ёнида ушбу тариқат халифаларидан бўлган **Хожа Сўкмон**[нинг<sup>463</sup> қабри жойлашган]дир.

Хожа Авлиё раҳимахуллоҳ қабридан шарқ томонга қараб бироз юрилганда у кишининг авлодларидан бўлган **Шайх Нуриддин** раҳимахуллоҳнинг нурли қабри учрайди.

[Ўша қадимий] деворнинг ичкари томонида, Самарқанд дарвозаси ёнида Саййид Побанд номи билан машҳур бўлган **Саййид Абу-л-Ҳасан Ҳамадоний** раҳимахуллоҳнинг муаттар машҳади жойлашган. У кўплаб шайхлар билан мулоқотда бўлган, уларнинг улуғлари қаторидан жой ол-

<sup>459</sup> Милодий 1025/1026 йили.

<sup>460</sup> Хожа Авлиё Калон ёки Хожа Авлиё Кабир (ваф. 627/1229) – хожагон-нақшбандия тариқати сўфийси, ушбу тариқат асосчиси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тўрт халифасидан иккинчиси.

<sup>461</sup> Хожа Ғариб (ваф. 711/1311) – хожагон-нақшбандия тариқати сўфийси, Хожа Авлиё Кабирнинг ўғли ва тўрт халифасидан тўртинчиси.

<sup>462</sup> Хожа Авлиёи Ғарибнинг қабри Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмининг шимоли-шарқда жойлашган Буйробофон гузари ёнидаги тепаликда бўлган. XIV асрда мазкур қабр атрофида вужудга келган қабристонга XX аср бошларига қадар майит қўйилган. Шу гузарлик Саид ака Хожа Авлиёи Ғариб қабрини қайтадан бино этиб, бу ерда боғ барпо қилган.

<sup>463</sup> Хожа Сўкмон (тахм. XIII а.) – хожагон-нақшбандия тариқати сўфийси, Хожа Авлиё Кабирнинг тўрт халифасидан учинчиси.

ган бўлиб, бир неча бор [Аллоҳга] таваккул қилган ҳолда чўлни босиб ўтган. Унинг тўлиқ номи Саййид, шайх, имом **Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн Қосим ибн Ҳасан ибн Зайд ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб ал-Алавий ал-Ҳамадоний** разияллоҳу анҳу ва ан обоихил-киромдир<sup>464</sup>. У шариат уламолари ҳамда тариқат ва ҳақиқат<sup>465</sup> машойихлари жумласидан бўлиб, Аллоҳ азза ва жалла даргоҳида обрў-эътиборли бандалардандир. Хожа Имом Абу Бақр Абу Исҳоқ Калободий раҳимаҳуллоҳ унинг шогирдларидан бўлиб, ўз асарларида унинг айтган гапларини келтирган.

Айтишларича, ўша даврнинг ҳукмдорларидан бири золимларча унга кишан солиб, банди қилган экан. У ўша банди ҳолатида вафот этибди. Ўлимидан олдин ўзини ўша кишан билан бирга дафн қилишларини васият қилибди. Бухороликлар унинг зуҳд, тақво ва илмда юксак даражаларга эришганлиги, валийлик ва кароматларга эга бўлганлигига қаттиқ ишонишади. [Унинг руҳини восита қилиб] сўралган бирор-бир ҳожат раво бўлмасдан қолмайди. Унинг тариқатдаги насаб силсиласи Шайх Жаъфар Хулдий Кардарий<sup>466</sup> раҳимаҳуллоҳга бориб тақалади. Жаъфар Хулдий эса Шайх Жунайд<sup>467</sup> қаддасаллоҳу руҳаҳунинг муриди бўлган.

Саййид Абу-л-Ҳасан шундай ҳикоя қилади: «Бир куни кечаси Жаъфар Хулдий менга: «Бугун кечки овқатни биз билан бирга тановул қилгин», деб айтди. Аммо мен [кечки овқат чоғи унинг олдига] боролмаслигимни айтиб, узр сўрадим. Чунки ўша куни уйимда товуқ гўшти қовурмаси билан гуручдан бўлган таом тайёрланаётган, нафсим мени шу томон тортаётган эди. Ифторлик вақти бўлиб, хизматкор қозонни ўчоқдан оламан деганида [қозон] қўлидан тушиб кетиб, синди ва гуруч тупроққа қоришди. Уни йиғиб-териш олиш билан овора бўлиб қолганларида эса бир ит келиб, товуқ гўштини олиб қочди. Эрталаб шайхнинг кўзи менга тушгач:

<sup>464</sup> разияллоҳу анҳу ва ан обоихил-киром [арабча *الكرام عنه و عن آباءه الكرام*] – Аллоҳ таоло ундан ва унинг улуғ ота-боболаридан рози бўлсин (исломда дин улуғлари сарасига кирувчи киши номи тилга олингандан кейин айтиладиган дуо).

<sup>465</sup> Аксарият сўфийлар наздида солиқ сўфийликдан кўзда тутилган мақсадга – Ҳақ висолига етиш учун уч босқич: *шариат* (шариатда буюрилган барча нарсаларни бажариш), *тариқат* (пир раҳбарлигида бирор тариқатга кириб, унинг шартларини бажариш) ва *ҳақиқат* (Худони қалб кўзи билан кўриш) босқичлари ёки тўрт босқич: *шариат*, *тариқат*, *маърифат* (Худони билиш) *ҳақиқат* босқичларини босиб ўтиши керак бўлади. Бу ерда Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Али Ҳамадонийнинг мазкур босқичларнинг барчасини босиб ўтганлиги эслатилмоқда.

<sup>466</sup> Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Нусайр Хаввос Хулдий (252/866–348/959) – бағдодлик муҳаддис ва сўфий. Машҳур сўфийлардан Абу-л-Ҳусайн Нурий (ваф. 295/907), Жунайд Бағдодий (ваф. 297/909), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ал-Хаввос (ваф. 291/904), Абу Муҳаммад Рувайм ибн Муҳаммад (ваф. 303/915), Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Жаририй (ваф. 311/ 923) ва бошқалар билан яқин алоқада бўлган. Кўплаб сафарлар қилган. Сўфий шайхлар тўғрисида «Ҳикоят ул-машойих» («Шайхлар тўғрисида ҳикоятлар») асарини ёзган.

<sup>467</sup> Абу-л-Қосим Жунайд ибн Муҳаммад ибн ал-Жунайд ал-Бағдодий (ваф. 297/909) – келиб чиқиши эронлик бўлган бағдодлик машҳур сўфий, тасаввуфдаги саҳв (хушёрлик) йўли ҳамда *тавҳид* ва *фано* концепциялари асосчиси. Тасаввуфга оид ўн бешта асар ёзган. Тасаввуфнинг кейинги ривожига қўшган улкан ҳиссаси туфайли Саййид *ут-таифа* (Сўфийлар тоифасининг улуғи) лақабини олган.

«Кимки пирларнинг кўнглига қарамаса, Ҳақ таоло бир итни ундан устун қилиб қўяди», деди».

У [ҳижрий-қамарий] 395 йилнинг муҳаррам ойида<sup>468</sup> Бухорода вафот этган. Уни ўз ҳовлисида осонгина дафн этишган. Қалъа девори қурилиши муносабати билан, орадан йигирма йил ёки ундан кўпроқ вақт ўтиб, унинг суяқларини у ердан олиб, бошқа жойга кўмганлар<sup>469</sup>.

Қадимий бир китобда ўқишимизча, Саййид Абу-л-Ҳасан қабрининг бошига қўйилган тош Ҳиро тоғидан – Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга илк бор ваҳий тушган жойдан олиб келинган бўлиб, Саййид Абу-л-Ҳасан уни қабрининг бошига қўйишларини васият қилган экан. Ҳозирги замонда ҳожатманд ва бемор кишилар унга эҳтиром бажо келтирадилар, [натижада] ҳожатлар раво бўлади. Бу нарса амалда синалгандир.

[Юқорида эслатилган ўша қадимий] деворнинг ичкари томонида, Камаргарон<sup>470</sup> дарвозаси ёнида бир қабр бўлиб, уни **Имом Суфён Саврий**<sup>471</sup> разияллоҳу анҳуга тегишли деб билишади. Бироқ бу маълумот хатодир. Чунки «Жомеъ ул-усул» ва бошқа асарларда ёзилишича, у Маҳдий<sup>472</sup> халифалиги даврида [ҳижрий-қамарий] 161 йили<sup>473</sup> Басрада вафот этган. «Шарҳи саҳиҳи Кирмоний» асарида<sup>474</sup> ёзилишича, у [ҳижрий-қамарий] 161 йили<sup>475</sup> Басрада ҳукмдордан яшириниб юрган чоғи оламдан ўтган ва уни кечаси дафн этишган<sup>476</sup>.

<sup>468</sup> Милодий 1004 йилнинг ноябрь ойида.

<sup>469</sup> Маълумотларга кўра, Саййид Абу-л-Ҳасан Ҳамадоний дастлаб Бухоро шаҳрининг Самарқанд Дарвозаси яқинига дафн қилинган, лекин орадан йигирма йил ўтиб жасади у ердан олинди, Бухоро шаҳридаги «Саййид Побанди кушо» гузаридagi ҳовли ичига қайта дафн этилган.

Саййид Абу-л-Ҳасан Ҳамадоний мақбараси бизнинг давримизгача сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро шаҳрининг тарихий (эски шаҳар) қисмидаги Хоразм кўчасидаги ҳовли ичидадир. У Бухоро халқи орасида «Саййид Побанди кушо», «Саййид банди кушо» номи билан машҳур бўлганлиги сабабли мазкур мақбара «Саййид Абу-л-Ҳасан Побанди кушо зиёратгоҳи» деб аталади. Мақбара ёнида «Саййид Побанди кушо» номидаги масжид ҳам бор.

Собиқ Иттифоқ даврида «Саййид Абу-л-Ҳасан Побанди кушо зиёратгоҳи» қаровсиз қолиб, масжид вайронага айланган. Мустақиллик даврида мазкур гузарлик Иброҳим Қосимов ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан ушбу зиёратгоҳ ва масжид таъмирланди. Бугунги кунда ушбу зиёратгоҳ обод бўлиб, масжидда беш вақт намоз адо қилинмоқда.

<sup>470</sup> **Камаргарон** [форс-тожикча **اکمرگران**] – камар ясовчилар; бу ўринда Камаргарон дарвозаси (форс-тожикча **аслида**: Дарвозаи Камаргарон) Камар ясовчилар дарвозаси маъносини беради.

<sup>471</sup> **Суфён Саврий** (ваф. 161/777) – ироқлик машҳур муҳаддис, фақиҳ, муфассир, математик ва сўфий. Тасаввуфдаги саврия оқими асосчиси. «Ал-Жомеъ ал-кабир ва-л-фароиз», «Ал-Жомеъ ас-сағир» ва «Тафсир» асарлари муаллифи.

<sup>472</sup> **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мансур ибн Муҳаммад ибн Али ал-Маҳдий** (126/744–169/785) – пойтахти Бағдодда бўлган Араб халифалиги халифаси, Аббосийлар сулоласининг учинчи ҳукмдори (158/775–169/785).

<sup>473</sup> Милодий 777/778 йили.

<sup>474</sup> **Аслида**: «**Ал-Кавокиб ад-дарорий фи шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий**» («Саҳиҳ ал-Бухорий» шарҳига бағишланган «Ёрқин юлдузлар») – Шамсиддин Муҳаммад ибн Юсуф Кирмоний (717/1317–786/1384) томонидан Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» асарига ёзилган шарҳ. Бу асар «Тарихи Муллозода»да «**Шарҳи Саҳиҳи Кирмоний**» («Кирмонийнинг «Саҳиҳ»га ёзган шарҳи») номи билан эслатилган.

<sup>475</sup> Милодий 777/778 йили.

<sup>476</sup> Бугунги кунда Бухоро шаҳрининг Тўпхона гузариди Хожа Суфён Саврий номи билан аталадиган қадимий қабристон мавжуд. Мазкур қабристонда сақланиб қолган ўндан ортиқ қабр устига ўрнатилган қабртошлардаги ёзувлар ўчиб кетган. Ушбу қабристонда илгари замонларда масжид ва дарвозахона бўлган. Шунингдек, Бухоро шаҳрида бизнинг давримизга қадар Имом Суфён Саврийга нисбат бериладиган мақбара ва шу номдаги масжид сақланиб қолган.

Жомеъ масжидининг шимол томонида **Хожа Умар Ғозий Риғдамуний** ва унинг ўғли **Абу Бакр** [Риғдамунийнинг қабрлари жойлашган] дир. Уларнинг ҳар иккаласи олим, зоҳид, ориф ва жомеъ масжиди имоми бўлганлар. Отаси [ҳижрий-қамарий] 493 йилнинг рамазон ойида<sup>477</sup>, ўғли эса [ҳижрий-қамарий] 518 йилнинг жумодий ул-аввал ойида<sup>478</sup> оламдан ўтган.

Ушбу улуғлар [қабрлари]дан шимол томонга қараб бироз юрилса, хожагон тариқати халифаларидан бўлган солик ва носик **Шайх Муҳаммад Ҳаллож** раҳимахуллоҳнинг қабри учрайди.

Жомеъ масжидининг жануб томонида, бироз масофадан кейин паст гумбаз[ли бир иншоот] учрайди. У ерда бир қабр бўлиб, у[ни] **Арслонхон Ғозий** раҳимахуллоҳга тегишли [деб билишади]. Бироқ аслида ундай эмас. Чунки у [ҳижрий-қамарий] 524<sup>479</sup> ёки 525 йили<sup>480</sup> Балхда вафот этган бўлиб, унинг жасадини Марвга олиб келиб, ўзи қурган мадрасада дафн этишган. У Марв атрофидаги қишлоқлардан бири бўлмиш Сус қишлоғида туғилган. У Работи Малик [работи]ни қурган [ҳукмдор] набира-сининг ўғли бўлиб, Султон Санжар унинг куёвидир. Уни Тафқочхон деб ҳам аташган. Катта Тафқочхон эса Иброҳим ибн Наср<sup>481</sup> бўлиб, у Работи Малик [работи]ни қурган [ҳукмдор]нинг отасидир. Жомеъ масжидига қўшилиб кетган минора эса Арслонхон томонидан [ҳижрий-қамарий] 521 йили<sup>482</sup> бино этилган.

[Юқорида номи эслатилган қадимий] деворнинг ичкари томонида, Оҳангарон<sup>483</sup> дарвозаси ёнида буюк шайх Нажмиддин Кубро қаддасаллоҳу сирраҳу тариқатининг халифаларидан бўлган олим, ориф ва мужоҳид шайх бўлмиш **Шайх Нуриддин Хилватий** раҳимахуллоҳнинг қабри жойлашган<sup>484</sup>.

Қадимий жомеъ масжидининг жануб томонида, Оҳанин<sup>485</sup> дарвозаси яқинида Мавлоно Шамс ул-аимма Кардарий раҳимахуллоҳнинг замондошларидан бўлган **Мавлоно Нуриддин Сайрафий** раҳимахуллоҳнинг қабрлари жойлашган. У киши Бухоро жомеъ масжидининг имоми бўлиб,

<sup>477</sup> Милодий 1100 йилнинг июль/август ойида.

<sup>478</sup> Милодий 1124 йилнинг июль ойида.

<sup>479</sup> Милодий 1130 йили.

<sup>480</sup> Милодий 1131 йили.

<sup>481</sup> Абу-л-Музаффар Иброҳим ибн Наср Табғачхон (ваф. 460/1068) – Мовароуннаҳр ҳудудида ҳукм сурган, пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган Ғарбий Қорахонийлар давлатининг илк ҳоқони. 433/1040–460/1068 йиллари ҳукмронлик қилган.

<sup>482</sup> Милодий 1127 йили.

<sup>483</sup> **Оҳангарон** [форс-тожикча **آهنگران**] – темирчилар; бу ўринда Оҳангарон дарвозаси (форс-тожикча аслида: Дарвозаи Оҳангарон) Темирчилар дарвозаси маъносини беради.

<sup>484</sup> Тоқи Телпақфурўшон ёнидаги долонда, темирчилик устахонасининг орқа томонида.

<sup>485</sup> **Оҳанин** [форс-тожикча **اهنين**] – темирдан ясалган, темир; бу ўринда Оҳанин дарвозаси (форс-тожикча аслида: Дарвозаи Оҳанин) Темир дарвоза маъносини беради.

доимо масжидда эътикофда<sup>486</sup> ўтирарканлар. Чингизхон босқини куни жомеъ масжидидаги меҳробда бошини қуйи солиб ўтирган эканлар. Чингизхон у кишининг муборак юзини кўришга қанчалик уринмасин, бунга муяссар бўлолмабди. Ахийри, куч ишлатиб, у кишининг муборак бошини кўтарганида ул ҳазрат унинг юзига тупурибдилар. [Шундан сўнг Чингизхон] у кишини шаҳид қилибди.

Шаҳарнинг этак қисмида, дарё бўйида олим, ориф, солик ва носик шайх, мусулмонларни асирликдан қутқарувчи **Мавлоно Бадриддин ал-Майдоний** раҳимахуллоҳнинг қабри бор. У ўз даврининг яғонаси ва ўз замонининг ҳайрат уйғотувчи инсони эди. У [ҳижрий-қамарий] 718 йил зу-л-ҳижжа ойининг иккинчиси<sup>487</sup> пайшанба куни оламдан ўтган<sup>488</sup>.

Шаҳарнинг қибла томонида Сангреза<sup>489</sup> тепалигида солик ва мажзуб шайх, ўз даврининг баракаси **Бобо Тоҳир Чаҳортоқий** раҳимахуллоҳнинг нурли қабри жойлашган. У [ҳижрий-қамарий] 814 йил рамазон ойининг йигирма биринчи куни<sup>490</sup> вафот этган.

Эй Раббимиз, биздан ва сендан уларнинг руҳларига таҳийят<sup>491</sup> ва саломлар бўлсин.

---

<sup>486</sup> **эътикоф** [арабча اعتكاف] юзланиш, қаттиқ берилиш – масжидда маълум муддат ёки доимий тарзда қолиб, у ердан бошқа жойга чиқмасдан муайян шартларга эга бўлган тоат-ибодатни амалга ошириш.

<sup>487</sup> Милодий 1319 йилнинг 2 феввали.

<sup>488</sup> Мавлоно Бадриддин ал-Майдоний қабри бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда Бухоро вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнида, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасидаги «Кўйи хонақоҳ» масжиди ёнидадир.

<sup>489</sup> **Сангреза** [форс-тожикча سنګر يزہ] – шағал; бу ўринда Сангреза тепалиги (форс-тожикча аслида: Талли Сангреза) Шағал тепалик маъносини беради.

<sup>490</sup> Милодий 1412 йилнинг 15 январида.

<sup>491</sup> **таҳийят** [арабча تحيت] – ҳурмат-эҳтиром, улуғлаш ва дуо билан айтиладиган салом.

# ИЛОВАЛАР

## «ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА» КИТОБИДАГИ БУХОРО МОЗОРЛАРИ ТОПОГРАФИЯСИ<sup>492</sup>

Кейинги қирқ йил мобайнида археологлар<sup>493</sup>, архитектура тарихини ўрганувчилар ва шарқшунослар Бухоро тарихий топографияси, унинг ёдгорликлари ва муқаддас маконлари – мазорлари ҳақида кўпдан-кўп янги маълумотлар топишди. Бухоро шаҳри ҳудудидаги қабристонларнинг икки даврга – XIX аср охири ҳамда 1911–1912 йилларга доирлари кўрсатилди. Кейинроқ XX аср бошларига доирлари тадқиқотчи О. А. Сухарева<sup>494</sup> тарафидан кўриб чиқилди.

Ушбу қисқа шарҳларда Бухоронинг тарихий манба бўлмиш «Тарихи Муллозода» китобида баён этилган мазорлари ҳақида янги маълумотлар тақдим этилади. Шунини қайд қилиш керакки, аввало, «Тарихи Муллозода»да тилга олинган мазорларнинг ҳаммаси ҳам бугунги кунга қадар етиб келмаган, қолаверса, бу манбада XV аср бошларидаги Бухоро ҳудудида мавжуд мазорларнинг ҳаммаси ҳам қайд этилмаган. Бу, биринчи навбатда, маҳаллий аҳолининг асотирий (мифологик) анъаналари асосида бунёд этилган (масалан, Сиёвуш, Кўчқор Ота, Хожа Рўшноий ва бошқалар номлари билан боғлиқ) цитадель, яъни қалъа ичидаги ҳарбий иншоотларга тааллуқли.

Шунини айтиб ўтиш керакки, шарқшунос Р. Л. Фафурова «Тарихи Муллозода» китобининг русча таржимасидаги шарҳларида, *Бухорода меҳроблар ўрин олган қибла жануби-ғарбга қарайди*, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси, худди Самарқандда бўлгани каби, бор-йўғи 1–4 градус фарқ билан тўппа-тўғри ғарбга қараган. Агар, мабодо, қурилаётган иншоот ёнидан ўтган йўлнинг қийшиқлиги туфайли Ер юзининг тўрт тарафига тўла-тўқис мос тушмаган бўлса ҳам (масалан, Қўшмадраса I – Модарихон ва Абдуллохон мадрасалари), бу иморатлар таркибидаги масжидлар меҳроблари қурилиш жараёнида қатъий тарзда ғарбга қаратиб бунёд этилган.

Турли тарихий даврларда шаҳар айрим қисмларининг номланиши билан боғлиқ атамалар хусусида тўхталишга тўғри келади<sup>495</sup>. Араб босқини бошларида Бухоро қуйидаги қисмларга бўлинган эди: қалъа

<sup>492</sup> Елизавета Некрасова, тарих фанлари номзоди, археолог. Тарихий фотосуратлар ва қимматли маслаҳатларини берган ушбу олимага самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

<sup>493</sup> Мазорнинг мавжудлиги археологик тадқиқотлар орқали тасдиқланган ҳар бир ҳолатда «АТ» («археологик тадқиқотлар») тарзида қайд этиб борилди.

<sup>494</sup> Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент, 1958. Приложение 1.

<sup>495</sup> Бухоронинг турли даврлардаги ҳудуд (территория)лари ҳақида қуйидаги манбада маълумотлар келтирилган: Некрасова Е. Бухара // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Т. II. – Москва: 2018. – С. 102 – 110.



(диз, 3 гектарга яқин), шаҳристон (28–30 гектар) ва шаҳарга туташ ерлар (қўрғонлар ва кичик қишлоқлар). IX аср ўрталарида Хуросонда ноиблик тоҳирийлар қўлига ўтган (820–873 йиллар)да шаҳар атрофи ташқи девор билан ўраб олинди, шу тариқа Бухоронинг умумий майдони 700 гектардан ошиқроқ майдонни ташкил этди. Шу даврдан бошлаб шаҳар қўрғонини «қўҳандиз» («эски қалъа»), «шаҳристон»ни эса – «шаҳри дарун» («ички шаҳар») ёки арабча «мадина» деб аташ бошланди, ташқи девордан нари бўлган қисмлар эса «шаҳри берун» («ташқи шаҳар») ёки арабча «рабод» деб юритилди. Бу қисмларнинг бари деворлар ва сув тўлдирилган хандақлар билан бир-бирига боғланган эди.

IX аср охириги чораги – X асрда Бухоро сомонийлар пойтахти сифатида маданий ва тижорий марказлардан, Машриқ ва Мағрибнинг йирик шаҳарларидан бирига айланди. Унинг қўҳандизи ҳам, ички шаҳри – шаҳристони ҳам мустақкам қилиб қурилди. Ташқи шаҳар бир текис қурилмаган эди, аҳоли яшайдиган маконлар атрофида эса ер майдонлари ва боғлар мавжуд эди. Рўди Зар (у кейинчалик «Шоҳруд» деб номланган) канали устида дарвозалари бор кўприклар бунёд этилди.


XI аср бошида сомонийлар сулоласининг барҳам топиши ва пойтахтлик мақоми йўқотилганидан сўнг Бухоро шаҳри жиддий сиёсий ва иқтисодий инқирозга учради. Қўҳандиз вақтлар ўтиши билан нурай бошланди, бироқ ички шаҳар (шаҳристон ёки мадина) мустақкам ва зич қилиб қурилганича қолди. Ташқи шаҳар (рабод)нинг, асосан, тижорий-хунармандлик қисмлари, Мох ва Атторон бозорлари тарафлар мустақкам қилиб қурилган эди. Бўшаб қолган тураржой маконларида қабристонлар кўпайиб борди<sup>496</sup>. Ташқи шаҳар (рабод) атрофини ўраган деворлар бир неча бор вайрон бўлди ва қайта тикланди.

---

<sup>496</sup> Қуйидаги шарҳларда охириги тадқиқотлар асосида тарихий топография тақдим этилган: Мухаммад ан-Наршахи. Тарих-и Бухара. История Бухары / Вступительная статья Д. Ю. Юсуповой. Перевод, комментарии и примечания Ш. С. Камалиддина. Археолого-топографический комментарий Е. Г. Некрасовой. – Ташкент: 2011.

# ПЛАНЪ ГОР. БУХАРЫ

Хромофотографированъ Туркестанск. военно-топографич. отдѣломъ въ 1893 году.



**1-расм.** Бухоронинг 1893 йили Туркистон ҳарбий-топографик бўлими томонидан подполковник Родионов таҳрири остида тузилган харитаси.

1–23-рақамлар орқали мазор ва қабристонларнинг жойлашган ери кўрсатилган. Уларни фақат турли даврларда ҳамда ҳар хил сифат билан туширилган фотосуратлардагина кўриш мумкин, холос.

## **IX – XXI АСРЛАРДАГИ АБУ ҲАФС КАБИР ҚАБРИСТОНИ ВА МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ. 1-НУҚТА**

«Тарихи Муллозода» матнида Бухоронинг биринчи ва энг ҳурматга сазовор бўлган Абу Ҳафс Кабир Бухорий мозори мўлжали (ориентири) кўрсатилган: шаҳардан қибла (ғарб) тарафга қараб турганда ўнг қўлда. Бу ҳолатда масофа аҳамиятга эга эмас. Чунки Бухорода «шаҳар» дейилганда ҳамма замонларда ҳам шаҳристон (шаҳар, шаҳри дарун, ҳисори қадим) тушунилган. Тақдим этилган харитада бу жойнинг рельефи яхши акс этиб турибди. Кенг тепалик шимоли-жануб йўналишида жойлашган, унинг пастки қисмида Бухорода Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий (704–715 йиллар ҳукм сурган) қурдирган биринчи намозгоҳ девори яшириниб ётибди. Кўп ўтмай бу тепаликнинг шимолида биринчи мусулмон қабристони юзага келди, унда Абу Ҳафс Кабирнинг мақбараси ва кўп мазорлар бор эди. IX аср ўрталарида бу қисм ташқи шаҳар (рабод) таркибига кирди. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида, аниқроғи, ҳижрий 360, милодий 970/971 йили намозгоҳ шаҳар ташқарисига – Сумитан қишлоғига борадиган йўл бўйига кўчирилди. Кўп ўтмай эски намозгоҳнинг қибла тарафи доимий равишда кўпқаватли қабристонга айланиб борган (6 қаватгача қабр бўлгани аниқланган), бу қабристон қалъа деворининг ички қисмини ҳам эгаллаб борган, у ерда 12 қават одам кўмилган даражадаги қалинликка эга (АТ). Эҳтимол, қорахоний ҳукмдор Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (1102–1130 йиллар ҳукм сурган) амри билан ҳазира қайта таъмирланган. Унинг пештоқи ганч ўймакорлиги асосидаги маҳобатли ёзув билан безатилди, ёнига Абу Ҳафс Кабир Бухорий хотираси учун масжид тикланди, у яхшилаб ишлов берилган ғиштлардан қурилган, сирланган феруза ғиштчалар ўтмишда бузиб ташланган кичик мақбараси ҳам бўлганини эслатади. У айнан Абу Ҳафс Кабир Бухорий масжиди орқасида бўлган (археологик тадқиқот). Абу Ҳафс Кабир Бухорий-мозорининг жануби-ғарбий тарафида саффория имомлари мазорлари жойлашган бўлган, бироқ бугунги кунда уларнинг аниқ жойини фақат тахминангина кўрсатиш мумкин.

Муллозоданинг далолат қилишича, Абу Ҳафс мозори тепаликда бўлган, яъни китоб ёзилаётган даврда уни шаҳар ташқи девор билан ўраб олинганидан сўнг тепароққа кўчиришган. Бу ерда ҳам ҳазира, масжид айвони тиклашди, дахмага эски, яъни бузилган ҳазиранинг декорациялари ва қабр қолдиқларини қўйиб қўйишди. XVI асрнинг биринчи ярмида шайбоний ҳукмдор Абдулазизхон (у 1533 йилдан Бухорони бошқарган, 1540 йилдан эса барча ўзбекларнинг хони бўлган, 1550 йили вафот этган)

шаҳар деворини қайта тиклаган ва Абу Ҳафс ҳазираси Бухоронинг ғарбий девори ташқарисида қолган. Буюк аллома шарафига бу қабристон ва янги девор унинг номи билан «Ҳазрати Имом» дея атала бошланган.



**1-фотосурат.** Абу Ҳафс Кабир ёки Ҳазрат Имом қабристони. XIV-XV асрларда ташқи шаҳар (шаҳри берун) қалъа девори олдида кўчирилган мазори. Д. И. Ермаков олган фотосурат, 1890 йил.



## ЧАШМАИ АЙЮБ ҚАБРИСТОНИ ВА МОЗОРИ<sup>497</sup>. ХАРИТАДАГИ 2-, 2<sup>А</sup>-НУҚТАЛАР.

Чашмаи Айюб – XI асрнинг 50-йилларида юзага келган қабристон<sup>498</sup>. Ундаги Чашмаи Айюб мақбараси, аниқроғи, қадамжойи бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Бу мақбаранинг ғарбида Хожа Каъбон (Абу Хафс Кабирнинг сафдоши (милодий 814/815 йили вафот этган) мозори мавжуд. Афтидан, мозор унча катта бўлмаган тепаликда, XVI аср ўрталарида тикланган шаҳар деворининг ташқарисида бўлган. 35–40 йиллар бурун тепаликни текислашган, ҳозирги пайтда бу ерда бозор барпо этилган.

Чашмаи Айюб мақбарасининг шарқ тарафдан яқинида Шаръобод мазорлари (археологик тадқиқотда ғиштин дахма бўлгани қайд этилган) бор, яъни Ҳазрат Охунд Хованд (1340 ёки 1346 йили вафот этган) шажарасидан бўлган Мавлоно Жамолиддин Маҳбубийнинг «*Садр уш-шариа*» – «*Шариат кўкраги*» лақаби билан улуғланган авлодлари мангу макон топган.



**2-фотосурат.** Чашмаи Айюб қабристони. Айюб мақбара-мозори орқасида шаҳри беруннинг қалъа девори тепа қисми кўриниб туради, бу девор XVI аср ўрталарида бу ерга кўчирилган. *Откритка*, 1927 йил чиқарилган.

<sup>497</sup> Некрасова Е.Г. Архитектурные памятники Бухарского оазиса. Чашма-и Айюб. – Ташкент, 2019.


<sup>498</sup> Некрасова Е. Г. Архитектурные памятники Бухарского оазиса. Чашма-и Айюб. – Ташкент, 2019.



**3-фотосурат.** Олдинги қаторда XVI аср ўрталарида шаҳри берун (ҳисори нав, ҳисори жаҳид)нинг 500 метрдан ошиқроқ масофага жанубга кўчирилган қалъа деворлари кўринишлари. Хожа Каъбон мазорининг тахмин қилинаётган жой. В. М. Филимонов олган фотосурат, XX аср 70-йиллари бошлари.

## СОМОНИЙ СУЛТОНЛАР ҚАБРИСТОНИ. ХАРИТАДАГИ 3-НУҚТА.

Сомонийлар сулолавий қабристони ташқи шаҳардаги боғда жойлашган бўлган. У боғнинг шимолида, қадимда «Навканда»<sup>499</sup> деб аталган ерда. Кейинчалик ҳужжатларда бу қабристоннинг Чоргумбазон кўчасида экани қайд этилган<sup>500</sup>. Афтидан, бу ном сомонийлар мақбаралари сонидан келиб чиққан<sup>501</sup>. Бу ердаги Исмоил Сомоний (849–907) мақбараси бугунги кунларимизга қадар сақланиб қолган. Подшоҳ Исмоил ҳовузи қайта қовланган, тўғриси, бу ҳовуз мақбарадан бир неча аср кейин бунёд этилган.



**4-фотосурат.** Исмоил Сомоний мазор-мақбарасининг шарқий бош кўриниши. Кильдюшев олган фотосурат, 1927 йил.

<sup>499</sup> Мухаммад ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара. – С. 86

<sup>500</sup> Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари (Город Бухара и его старинные здания) // «Маориф ва ўқитувчи» («Просвещение и учитель»). – 1927, № 9-10. – С. 54.

<sup>501</sup> Мирзаахмедов Д. К. К изучению исторической топографии Бухары района мавзолея Саманидов // ИМКУ. Выпуск 19. – Ташкент: 1984. – С. 221-237.




### **ХОЖА ҒУНЖОРИЙ МАҚБАРАСИ. ХАРИТАДАГИ 4-РАСМ.**

Бу мақбара Ғунжор ал-Ҳофиз (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Бухорий ал-Варроқ) мазори асосида қад ростлаган. Шаҳарнинг ғарбий қисмидан, Шергирон дарвозасига элтувчи йўлнинг ўнг тарафидан ўрин олган. Бу мақбара XX асрнинг 30-йилларигача мавжуд бўлган. Ҳозирги пайтда бу ерда тураржойлар қурилган, мазор эса сақланиб қолмаган.



## СУМИТАН ҚИШЛОҒИ МОЗОРЛАРИ, УЛАР ҲОЗИРГИ ПАЙТДА Х–ХХІ АСРЛАРДА БУНЁД ЭТИЛГАН ЧОР БАКР МЕЪМОРИЙ АНСАМБЛИ ТАРКИБИГА КИРАДИ. ХАРИТАДАГИ 5-НУҚТА.

Чор Бакр қабристонни Бухоронинг Талипоч дарвозасидан ғарб томонида 5 километр узоқликдаги Сумитан қишлоғи яқинида жойлашган. Шу қишлоқ эгалари бўлган бакрлар, яъни буюклар – Абу Бакр Саъд ва унинг ўғли Абу Бакр Аҳмад мазорлари асосида юзага келган. XVI аср ўрталарида таниқли нақшбандий шайх Хожа Ислоҳ Жўйборий ўзини, *уларнинг авлоди ва меросхўри*, деб эълон қилди<sup>502</sup>. У Сумитан қишлоғини ва Абу Бакрлар мазорини қўлга киритган ва улар ёнида дафн этилган биринчи жўйборий шайх ҳисобланади. Асрлар мобайнида бу ерда шайхларнинг шажаравий қабристонни шаклланди, Абдуллоҳхон Шайбоний ёрдами билан улкан меъморий мажмуа қад ростлади. Меъморий-археологик тадқиқотлар даври (1983–1991, 1996–1997 йиллар)да қабристоннинг юзага келиши жараёнлари ва хронологияси ўрганилган. Шу нарса аниқландики, ҳақиқатан ҳам, Абу Бакр Саъд ва Абу Бакр Аҳмад дахмалари ҳазирада минг йил бурунги, яъни 2 метр чуқурликда жойлашган. Бу қабрлар қабристоннинг шимоли-ғарбий қисмида, иморат эса бир неча бор кенгайган, таъмирланган ва реставрация қилинган<sup>503</sup>.



**5-фотосурат.** Чор Бакр ёдгорлик мажмуаси, қабристоннинг шимоли-ғарбидаги бакрлар ҳазираси. В. А. Шишкин олган фотосурат, 1930 йил.

<sup>502</sup> Бабалджанов Б. М. Из истории одного «святого семейства» средневековой Бухары // Узбекистан в средние века: история и культура. Посвящается 80-летию доктора исторических наук, профессора Розии Галиевны Мукминовой. Доклады международной конференции. – Ташкент: 2003. – С. 86–99.

<sup>503</sup> Главный архитектурный ансамбль и хазира «Великих» некрополя Чор-Бакр в селении Сумитан (Бухара) // ARS ISLAMICA. В честь С. М. Прозорова. – Москва: 2016. – С. 853–876.



## **ЖЎЙБОРДАГИ ШАҲАР ДАРВОЗАЛАРИ ОЛДИДА ЖОЙЛАШГАН ҲОЖИЁН (ДАРИ ҲОЖИЁН (ҲОЖИЛАР ДАРВОЗАСИ), СОЛОРИ ҲАЖ, ҚОРАКЎЛ ДАРВОЗА) МОЗОРЛАРИ. ХАРИТАДАГИ 6-НУҚТА.**

Муллозода бу қисмда Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорий ва унинг қабрига туташган мазорлар ҳақида топографик маълумот беради. Ёзилишича, унинг қабри ёнига эвараси, қаршисига, йўлнинг нариги тарафига исмоилия имомлари, шарққа саттожия имомлари, ғарбга Солори Ҳаж дафн этилган.

Бироқ XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоронинг бу қисмида катта қайта режалаштириш амалга оширилган. Абдуллоҳхон Шайбонийнинг амрига биноан, Жўйборий шайхларнинг шимоли-ғарбий тарафдаги ерлари шаҳарга қўшиб олинди<sup>504</sup> (тахминан 40–45 гектар, бу жойлар ҳозирги пайтда «*Кунжи қалъа*» деб аталади). Шу тариқа мазорларнинг катта қисми бошқа жойга кўчирилган ва ҳозирги кунда уларни аниқлашнинг иложи йўқ.

---

<sup>504</sup> Историческая топография Бухары (новые данные) // Средняя Азия. Археология. История. Культура. Материалы международной конференции, посвященной 50-летию научной деятельности Г. В. Шишкиной. – Москва: 2000. – С. 232.

## **ХОЖА ЧОРШАНБЕ ҚАБРИСТОНИ (IX АСР, XX АСР ЎРТАЛАРИДА БУЗИБ ТАШЛАНГАН). ХАРИТАДАГИ 7-НУҚТА.**

Кўпқаватли қабристон Хожа Аспгардон мавзесига туташ бўлган. Ҳозирги пайтда бу ер тураржой мавзесига айлантирилган, уйлардан бирининг олдида Хожа Чоршанбе мақбараси қайта тикланган.



**6-фотосурат.** Хожа Аспгардон маҳалла масжиди. Стрелка Хожа Чоршанбе қабристонини кўрсатиб турибди. Фотосурот муаллифи ким экани номаълум, тахминан XX асрнинг 30-йиллари.

## САФЕДМУН (СУБАДМУН) ҚИШЛОҒИ МОЗОРЛАРИ. ХАРИТАДАГИ 8-НУҚТА.

Эски Бухоронинг жануб томонида, шаҳар ҳозирги ҳудудининг четида Оқмозор қабристонининг мажмуида. Унга «Ҳазрат Устод» дея улуғланган Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн [Муҳаммад] ибн Ёқуб ибн ал-Ҳорис Сафедмун (872 йилнинг феврали – 952 йилнинг мартининг) дафн этилган. У Исмоил Сомоний саройида таниқли уламо ва фақиҳ эди. Ташқи шаҳар ҳудудида, Саллоҳхона дарвозасидан узоқ бўлмаган ердаги Арабон масжиди ҳозиргача ҳам сақланиб қолган. XVI асрдаги ёзма манбаларда бу ерда мавзе ва асли Бадахшондан бўлган тасаввуф шайхи Халилуллоҳ Майдоний (ҳижрий 1002, милодий 1593/94 йили вафот этган) асос солган Сафедмун хонақоҳ бўлгани қайд этилган. У ҳам ана шу Сафедмун мавзесига – Ҳазрат Устод мазори олдида дафн этилган<sup>505</sup>. X асрда бу ерда Ҳазрат Устод масжид қурдиргани эҳтимолдан холи эмас.



**7-фотосурат.** Қадимий Сафедмун қишлоғи ёнидаги Оқмозор қабристонининг мажмуида. Мақбара ва мазорларнинг шимоли-ғарб тарафдан кўриниши. Е. Г. Некрасова фотосурати, 2013 йил.

<sup>505</sup> Норик Б. В. Библиографический словарь среднеазиатской поэзии (XVI – первая треть XVII в.). – Москва: 2011. – С. 558.



## ТУРКИ ЖАНДИЙ ҚАБРИСТОНИ. ХІ АСР – ХХ АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИ. ХАРИТАДАГИ 9-НУҚТА.

Бу қабристон шаҳар, яъни шахристоннинг жанубида, ташқи шаҳар (работ) худудида жойлашган. Қалинлиги бўйича қарийб 10 қаватдан иборат қабрларга эга. Абу Наср Аҳмад ибн Фазл ал-Жандий (ХІ аср бошларида вафот этган) унча катта бўлмаган мақбараси ёнида шаклланган, эҳтимол, Х асрда бузилган тураржойлар ўрнида пайдо бўлган<sup>506</sup>. XVI–XVII асрларда ярим вайронага айланган мақбара устида ҳашаматли бино тикланган. Турки Жандий қабриstonи (у ҳозирги пайтда бузиб ташланган ва ўрнига уй-жойлар қурилган)нинг жануби-шарқий чорагида меъморий мажмуа жойлашган ер олдидан ўтган йўлнинг нариги томонида мазор мавжуд, унга қорахоний Шамс ул-Мулк Наср ибн Иброҳим (1068–1080 йиллар ҳукмронлик қилган) дафн этилган бўлиши керак. Шамс ул-Мулк мазори Бухоро шахрининг Парфенова-Фенина томонидан 1911–1912 йилларда тузилган топографик харитасида шу худудда «Гўрхонаи Хоқон» қабри сифатида 73-рақам билан қайд этилган. Бу Намозгоҳ (илгариги Иброҳим) дарвозасига энг яқин қадимий қабристон ҳисобланади. Ундан кейин катта Шамс ул-Мулк худудида Шамсобод боғи ва бошқа бинолар барпо этилган. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Намозгоҳ айнан Шамс ул-Мулк томонидан қурилган. Ҳижрий 513, милодий 1119/20 йили қорахоний Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон амри билан эски, яримвайронага айланган бино ўрнига ўлчами бўйича ундан анча катта бўлган янги иморат тикланади. Бу иморат Амир Темур, Абдуллоҳхон Шайбоний қурдирган қўшимча бинолар ва кўп бор амалга оширилган таъмирлар орқали бизнинг давргача етиб келган.



<sup>506</sup> Некрополь Турки Джанди в Бухаре (материалы по исторической топографии, архитектуре и археологии) // Из истории культурного наследия Бухары. Выпуск 11. – Бухара: 2008. – С. 38–53.



**8-фотосурат.** Турки Жандий қабристони. Жандий мақбара-мозори устида XVI-XVII асрларда бунёд этилган гўрхонанинг баланд гумбазиди, унинг олдида зиёратхонанинг пастроқ гумбазиди акс этган. Е. Н. Юдицкий олган фотосурат, XX аср 70-йиллари бошлари.





## ХОЖА ПОРАДЎЗ ҚАБРИСТОНИ. ХАРИТАДАГИ 10-НУҚТА.

Бу мазор Саллоҳона дарвозаси ташқарисидаги қадимий қабристонда жойлашган, XVI асрдан у «Бобои Шавқии Порадўз» деб аталган<sup>507</sup>. Унинг ёнида масжид, минора, ҳовуз ва лангархона, яъни мусофирхонадан иборат мажмуа мавжуд. 1813 йили Бобои Порадўз мазори зиёратига Мир Иззатулла келган. Унинг сўзларига кўра, «*мазор устига ясси тош плиталар терилган, ҳеч қандай иморат тикланмаган*». Маҳаллий аҳоли бу ерни *шифо топиладиган макон, тупроғидан сепилса, яра-чақалар тез тузалади*, деб ҳисоблашган<sup>508</sup>. Мазор устидаги мақбара, тахмин қилиш мумкинки, кейинроқ – XIX асрнинг биринчи ярми ёки ўрталарида бунёд этилган.

XX асрнинг 30-йилларида мақбара ташландиқ ҳолга келиб қолган, 70-йилларда эса бузиб ташланган. Вайрон қилинган мақбара 1974 йили тозаланди ва археологлар томонидан тадқиқ этилди<sup>509</sup>, уни қайта тиклашди, қолдиқлари остида қолдирилди, кейинчалик ғиштлар терилиб, иморат баланд ердан жой олди. Бобои Порадўз мазори шу кунларда ҳам касби пойабзалчилик, тикувчилик, шу жумладан, зардўзлик билан боғлиқ бўлган кишилар тарафидан зиёрат қилинади.



**9-фотосурат.** Саллоҳона дарвозасига олиб борадиган йўл чап тарафидаги Хожа Порадўз қабристони. Фотосурот муаллиқи ким экани номаълум, XX асрнинг 30-йиллари.

<sup>507</sup> Семенов А. Забытый среднеазиатский философ XVII в. и его «Трактат о сокрытом» // Известия общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Т. I. – Ташкент: 1928. – С. 142.

<sup>508</sup> Соколов Ю. А. Бухара, Самарканд, Келиф в 1813 году // Известия общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Т. I. – Ташкент: 1928. – С. 200, 216; прим. 46. Ҳиндистоннинг мусулмонлар яшайдиган қисмидан бўлган Мир Иззатулла инглиз хизматида кирган эди. Саёҳат Ҳиндистонда инглиз мустамлакачилигининг йирик арбоби Вильям Муркрофт топшириғига биноан амалга оширилган ва Ҳиндикушнинг шимолидаги мамлакатларга дастлабки разведка саёҳати эди.

<sup>509</sup> Алимов У., Мирзаохмедов Ж., Мела Т. Мавзолей Бобои-Порадуз в Бухаре // Общественные науки в Узбекистане, 1975, № 4. – С. 69-71.

## ФАТҲОБОД МОЗОРИ<sup>510</sup>. ХАРИТАДАГИ 11-НУҚТА.

XIII асрда Фатҳобод мавзесида Бухоронинг шарқий деворидан ярим километрча келадиган ерда тасаввуфнинг кубравия тариқати вакиллари хонақоҳи бунёд этилган ва у XVIII асрга қадар фаолият олиб борган. Унинг асосчиси – Сайфиддин Бохарзий (ҳижрий 586–659, милодий 1190–1261 йилларда яшаган) эди, у тариқат асосчиси Нажмиддин Кубро (ҳижрий 618, милодий 1221 йили мўғул босқинчилари томонидан шаҳид қилинган)нинг сеvimли муридларидан бўлган. Бохарзий мусулмон Шарқида атоқли шайх, тасаввуф шоири ва илоҳиётчи эди. Бухорода ҳозирги кунга қадар уни «*Шайх ул-олам*», яъни «*Дунёнинг шайхи*» деб улуғлашади. Хоразмдан Бухорога кўчиб келганидан кейин аҳоли ўртасида катта шуҳрат топди ва мўғул ҳукмдорларига таъсир ўтказадиган обрўга эга бўлди. Хонақоҳнинг гуллаб-яшнаши XIV асрнинг биринчи чорагига тўғри келади, шу ва ундан олдинги даврларда Сайфиддин Бохарзийнинг ўзи ва авлодлари номларидан тузилган вақф ҳужжатлари шундан далолат беради<sup>511</sup>. Бу ҳужжатларда қайд этилишича, хонақоҳ атрофида – Фошун анҳори бўйида катта майдон юзага келган, Сайфиддин Бохарзий ва авлодлари мақбаралари, ҳовуз, яна бир хонақоҳ, хилватхона, соликлар ҳужралари, Ғозиён қабристон ва бошқалар мавжуд бўлган. Хонақоҳ атрофида Нилуфар боғи барпо этилган бўлган, Бохарзий авлодлари яшаш масканлари ҳам шу ердан ўрин олган, шарқ томонда эса яна ҳовли-жойлар бор бўлган, тахмин қилиш мумкинки, улар тариқатга кирган сўфийларга тегишли бўлган, ҳатто, бу ерда кулолчилик устахоналари ҳам бор бўлган.

XIV аср ўрталарида Сайфиддин Бохарзий мақбараси ёнида кубравиянинг яна бир шайхи Буёнқулихон мозори устига чиройли мақбара қурилган.

Ана шу улкан мажмуадан бизнинг давримизга фақат иккита иморат етиб келган. Сайфиддин Бохарзий ва унинг авлодлари мақбараси XV аср бошларида, равоқ эса XVI асрда қайта қурилган. Сайфиддин Бохарзий мозори устида 1929 йилгача ёғоч ўймакорлиги асосида яратилган, марсия ва шайхнинг ҳаёти саналари битилган ёзувларга эга сағана мавжуд бўлган.

Кўп йиллар мобайнида Фатҳобод мажмуаси ташландиқ ҳолатда ётди, шаҳарнинг sanoat зонасига тушиб қолди, ёнидан юк ташишга мўлжалланган темир йўл ўтказилди. XX асрнинг 80-йилларида ва XXI аср бошларида бу ерда катта миқёсдаги реставрация ва ободончилик ишлари амалга оширилди, XIX асрдаги минора қайта тикланди, ёдгорлик атрофида боғ бунёд этилди.

<sup>510</sup> Немцева Н. Б. Ханака Сайф ад-Дина Бахарзи (К истории архитектурного комплекса). – Бухара: 2003. – С. 71–86.

<sup>511</sup> Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в. – С. 138, 166 и след.



**10-фотосурат.** Фатҳобод. Сайфиддин Бохарзий қабриstonи ва мақбара-хонақоҳининг жанубий кўриниши. Кильдюшев олган фотосурат, 1927 йил.




**КАЛОБОД ДАРВОЗАСИ ТАШҚАРИСИДАГИ ҚАБРИСТОНЛАР:  
САДРЛАР ТЕПАЛИГИ; БУҒРОБЕК (МИЁН ЁКИ,  
МУЛЛОЗОДАГА КЎРА, ХОЖА АБУ БАКР ТАРХОН)  
ТЕПАЛИГИ; АБУ БАКР ҲОМИД ТЕПАЛИГИ. (X АСР-XX  
АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИ). ХАРИТАДАГИ 12-НУҚТА.**


Бу қабристонларга Бухоро тарихида муҳим из қолдирган, унга шараф келтирган буюк зотлар дафн этилган. Тақдим этилган режада саккиз тепалик – қабристон кўрсатилган (*12-нуқта*). Албатта, вақтлар ўтиши билан «Тарихи Муллозода»да қайд этилган бу табаррук жойлар ўзгариб кетган, ҳатто, уларнинг аниқ ерини тахминан кўрсатишнинг ҳам иложи йўқ. Қизиғи шундаки, Муллозода матнида Қарши ёки Қавола дарвозалари тилга олинмаган. Аммо Гулобод (кейинчалик Мозори Шариф) дарвозаси билан боғлиқ матн парчаларида бу муқаддас гўшалар ташқи шаҳар таркибида тилга олинган, афтидан, XVI асрнинг ўрталаридан ундан ташқарида қолиб кетган. Шуниси қизиқки, Бадриддин Қозихон<sup>512</sup>, Ҳазрати Ҳасан Юсуф ал-Бухорий Намадпўш ва Шайх Али Бухорий (Ҳажжи Пиёда) ҳозирги пайтда ҳам ташқи шаҳар (XVI асрдан «рабод», «янги шаҳар» – «ҳисори нав») ҳудудида, Имом Қозихон мавзесида (Калобод – Мозори Шариф дарвозасидан узоқ бўлмаган ерда) жойлашган. Албатта, бу мазорлар – қадамжолар Бухоронинг шарқий девори қайта қурилган, яъни реконструкция қилинган XVI асрда ёки Эски Бухорони Янги Бухоро, яъни Когон билан боғлайдиган темир йўл ўтказилиб, вокзал, пакгауз (юк омбори), божхона ва бошқалар қурилганда кўчирилган бўлиши ҳам мумкин.

---

<sup>512</sup> «Қозихон» номи билан машҳур бўлган Қози Бадриддин (1132-1221 йиллар) Чингизхон ҳузурига афв сўраб борган элчи эди. Афтидан, бу таклиф қабул қилинмаган. Сал муддат ўтиб, Қози Бадриддин ва шаҳарнинг бир неча таниқли кишилари Бухорода бебошликлар қилаётган мўғулларга қарши хужумга ўтган ва кучлар тенг бўлмаган бу жангда ҳалок бўлган. О. А. Сухарева Имом Қозихон билан таниқли уламо ва фақиҳ, Бухоро шаҳри ва вилояти қозиси Имом Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Марғилоний (ҳижрий 592, милодий 1195 йили вафот этган)ни бир шахс деб ҳисоблайди. Қаранг: Сухарева О. А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. – Москва: 1976. – С. 259 – 260.




**11-фотосурат.** Калобод дарвозаси олдидаги қабристон. Фотосурот муаллифи ким экани номаълум, 1890 йил.



**12-фотосурат.** Калобод дарвозаси олдидаги қабристонда мавжуд ҳазира. Фотосурот муаллифи ким экани ҳам, уни қачон суратга олингани ҳам номаълум.



**12<sup>а</sup>-фотосурат.** Имом Қозихон (Бадриддин)нинг шу номдаги тураржой мавзеси ва қабристон ҳудудидаги мазори – мақбараси. Е. Некрасова олган сурат, 2006 йил.



**12<sup>б</sup>-фотосурат.** Имом Қозихон қабристони. А. А. Балаев олган сурат, 1949 йил.



**12<sup>в</sup>-фотосурат.** Имом Қозихон қабристонни бузиб ташланган, мақбара сақланиб қолган. В. Н. Гиршберг олган сурат, 1954 йил.



**12<sup>в</sup>-фотосурат.** Имом Қозихон қабристонидagi Шайх Али Бухорий – Ҳажжи Пиёда мазори. Е. Некрасова олган сурат, 2006 йил.



**12<sup>а</sup>-фотосурат.**

Имом Қозихон қабристонига  
Ҳазрат Ҳасан Юсуф  
ал-Бухорий  
Намадпўш мазори.  
Е. Некрасова олган  
сурат, 2006 йил.



**12<sup>б</sup>-фотосурат.** Ҳазрат Ҳасан Юсуф ал-Бухорий Намадпўш масжиди.  
Б. Н. Засипкин олган сурат, 1930 йил.



## ФАҚИХ БАДРИДДИН ВАРСАКИЙ МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ 13-НУҚТА.

Бу мазор шаҳар, яъни шаҳристоннинг шимолида Камаргарон (кейинчалик у «Қози калон» дея атала бошлаган) ҳовузи ёнида жойлашган. Шаҳарнинг бу ҳудуди нисбатан баланд бўлгани учун сув келиши ниҳоятда мушкул бўлган. Бу ерда биргина ҳовуз қазилгани маълум. Варсакий мазори ана шу ҳовуз атрофида бўлган бўлиши керак, ammo фотосуратларда у акс этмаган.




### **13-фотосурат.**

Қози Калон  
ҳовузи. XX асрнинг  
20–30-йиллари. XV  
асрга қадар унинг  
олдида фақиҳ  
Бадриддин Варсакий  
(ваф. 594/1198 й.)  
мазарлари бўлган.



## ХОЖА ҲАЛИМИДДИН ДАЙМУНИЙ МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ 14-НУҚТА.

Сўфиён – сўфийлар маркази жойлашган мавзе. У XI–XII асрларда «Ас-Суффа», XV–XVI асрларда «Кўйи Суффа» деб аталган. XVII асрдан то XX аср бошларига қадар Сўфиён масжиди мавзеси бўлган. Мавзе ташқи шаҳар ҳудудида, Ғозиён (Мулло Муҳаммад Шариф) музофотида бўлган. Ас-Суффа мавзесидаги Бухоронинг биринчи хонақоҳи XI аср бошларига доир манбаларда эсланади. Фақиҳ ва сўфий Абу Муҳаммад Ҳаким ибн Муҳаммад ад-Даймуний (ҳижрий 416, милодий 1025 йили вафот этган) ўз уйини хонақоҳга айлантирган бўлган. Бу мавзе ва ундаги Даймуний мазоридан XX асрда болалар боғчаси ҳудудида қолиб кетган даҳмагина қолган. О. А. Сухарева бу мавзеда фақат Хожа Ҳалимиддин Даймуний мазори борлигинигина қайд этади, ҳолбуки, бу ҳудудда, Лаби Ҳовуз шарқидаги Нодир Девонбеги мадрасасидан жанубда, яъни йўлдан нари тарафда Бобой Ол мазори ҳам мавжуд<sup>513</sup>.



**14-фотосурат.** Сўфиён гузари масжиди ва Хожа Ҳалимиддин Даймуний мазори. Фотосурот муаллифи ким экани номаълум, XX асрнинг ўрталари.

<sup>513</sup> Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: 1958. – С. 53.

## **НУРОБОД ҚАБРИСТОНИ. ХАРИТАДАГИ 15-НУҚТА.**

У ташқи шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Бу қабристон ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланмаган. Унинг ҳудудида учта мазор бўлган. Шулардан биттаси – Хожа Нуробод мазори. У ғарб тарафдан Песхона маҳалласига, ҳовузга ва Ғарибхона (ёки Хожа Нуробод) масжидига туташган (Парфенова-Фенина тузган харитага кўра).

## **ХОЖА АВЛИЁИ КАБИР ВА УНИНГ ЎҒЛИ ҒАРИБ МОЗОРЛАРИ, ҚАБРИСТОНЛАРИ ВА ГУЗАР МАРКАЗЛАРИ. ХАРИТАДАГИ 16-НУҚТА.**

Бу мазорлар ва қабристонлар ҳам тадқиқ этиб улгурилмасдан бузиб ташланган. Улар шаҳристон (ички шаҳар)нинг шарқий қалъа деворига туташ ерда бўлган ва мунтазам равишда кенгайиб бораверган.

## САЙИД ПОБАНД МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ 17-РАСМ.

Саййид Побанд (Оёқлари кишанланган Саййид) ёки Саййид Бандкушой (Кишанни очувчи Саййид) мазори – Саййид Абулҳасан Ҳамадонийнинг унча катта бўлмаган сағанаси ва мақбараси. У Бухоро шаҳристонининг жануби-шарқий қисмида, Самарқанд дарвозаси (аҳоли орасида «Нав» ёки «Нур» ҳам дейилади) яқинида жойлашган<sup>514</sup>. XVI асрда бу мавзе ва қавмга тегишли масжид «Ҳазрати Саййид Бандикушой» деб аталган<sup>515</sup>, кейинроқ ҳужжатларда «Бозори дег» («Қозон бозори») ва «Дегрезий» («Қозон қуювчилик») тарзида тилга олинади.



**15-фотосурат.** Саййид Абулҳасан  
Ҳамадоний (Саййид Побанд) мазори.  
Е. Г. Некрасова олган фотосурат, 2013 йил.

<sup>514</sup> Мухаммад ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара (27-боб, 7-изоҳга қаранг). – С. 316.

<sup>515</sup> Иванов П. П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI–XVII вв. Москва-Ленинград: 1954. – С. 100; Д ж у р а е в а Г. А. Новые сведения по исторической топографии Бухары. XVI–XVIII вв. Часть I (По материалам документальных письменных источников). – Москва, 1992, № 2. – С. 11; Некрасова Е. Саййид Бандкушайи // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Т. II. – Москва: 2018. – С. 329–330.

## СУФЁН САВРИЙ ҚАБРИСТОНИ ВА МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ 18-НУҚТА.

Суфён Саврий (Абу Абдуллоҳ Суфён ибн Саид ибн Масруқ ас-Саврий) арабларнинг савр қабиласидан бўлган, ришталари тамим қабиласига боғланадиган, Кўфадан бўлган, ҳижрий 160, милодий 776/77 йили вафот этган<sup>516</sup>. Унинг мозори (қадамжоси) – Тўпхона (олдинлари Суфён Саврий) мавзесидаги шу ном билан аталадиган қабристонда. Бу шаҳристоннинг шимоли-шарқий чорагида жойлашган. Суфён Саврий Бухорода шаҳристондаги Бану Ҳамдам қабиласи масжидида намоз ўқиган, эҳтимол, шу жойда унинг мозорига асос солинган. Қабристонга 8 қават майит кўмилган (археологик тадқиқотлар).



**16-фотосурат.** Сўфиён Саврий қабристони ва мозори устидаги туғ.  
Е. Г. Некрасова олган фотосурат, 2006 йил.

<sup>516</sup> Мухаммад ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара (4-боб, 8-изоҳга қаранг).

## ҚУТАЙБА ИБН МУСЛИМ ҚАДАМЖОСИ. ХАРИТАДАГИ 19-НУҚТА.

Шаҳристоннинг шимоли-ғарбий чорагида қабристон бўлаклари ва мазор сақланиб қолган. Бу, афтидан, араблар яшаган Фағсодар маҳалласи ўрнида юзага келган. Муллозода асарида тилга олинган мазорлардан ташқари, бу ерда Қутайба ибн Муслим қадамжоси ҳам бўлган<sup>517</sup>. Аммо бизнинг кунларимизга қадар Муҳаммад Ҳаллож мазоригина сақланиб қолган, холос.



**17-фотосурат.** Фағсодар араб мавзесидаги номи номаълум қабристон. Хожа Муҳаммад Ҳаллож мазори устидаги туг. Е. Г. Некрасова олган фотосурат, 2017 йил.


<sup>517</sup> Айни С. Воспоминания / Перевод с таджикского Анны Розенфельд. – Москва-Ленинград: 1960. – С. 494, 496.

## **ЖОМЕ МАСЖИД (МАСЖИДИ КАЛОН) ЖАНУБИДАГИ АРСЛОНХОН ҒОЗИЙ МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ 20-НУҚТА.**

Муллозода берган маълумот халқ ривоятига асосланади. Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон Жоме масжид, яъни Масжиди Калон жанубида ўзи учун мовий гумбазли мақбара қурдиради. XIX аср охирлари – XX асрда шу ҳудуддаги хусусий ҳовли соҳиби қудуқ қаздираётганда гумбазга дуч келади<sup>518</sup>. XX аср охирларида мазор эканидан дарак берувчи фақат кичик бир сағана сақланиб қолган.

## **НУРИДДИН ХИЛВАТИЙ МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ 21-НУҚТА.**

Бу кубравия тариқати шайхи мазори Оҳангарон (Темирчилар) дарвозаси олдида ҳисор (ички шаҳар, шаҳристон) ҳудудида Бозори корд (Пичоқчилар бозори) масжиди (XVI асрдан уни қурган Ҳофиз ҳожи номи билан атала бошлаган) ғарбий девори орқасида жойлашган. Ҳозирги пайтда у тураржой ҳовлисида қолиб кетган, илгари мазор белгиси сифатида туг кўтарилган бўлган, ҳозир бу ер кичик бир гулзорга айлантирилган.



**18-фотосурат.**  
Нуриддин Хилватий мазори. Унинг мазори устидаги туг стрелка билан кўрсатилган.  
Е. А. Поляков олган фотосурат, 1954 йил.

<sup>518</sup> Саиджанов М. Город Бухара и Арк // Маориф ва ўқитувчи (Просвещение и учитель). – 1927, № 3-4. – С. 4 (Перевод со староузбекского Х. Тураева).

## **НУРИДДИН САЙРАФИЙ МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ 22-НУҚТА.**

Муллозода маълумотига кўра, бу мазор Оҳанин (Темирдан ясалган, Мустаҳкам) дарвозаси яқинидаги эски жоме масжиди жанубида жойлашган бўлган. Сайрафийнинг ўзи Бухоронинг жоме масжиди имоми бўлган, «эски жоме масжиди» дейилганда, афтидан, Мағоки Атторий масжиди кўзда тутилган. Бу эса қуйидагиларни қайд этишга ундайди: а) араблар келиши билан Мох масжидга айлантирилган; б) Оҳанин дарвозаси хандақнинг шимолий бурчагида ўтиш кўприги вазифасини ўтаган, қарийб XIV асрга қадар бир неча ном билан (Бозор, Шаҳристон, Мадина, Мох, Атторон) юритилган; Тоқи телпакфурушон XV асрнинг биринчи чорагида ҳали қурилмаган бўлган; в) XIII–XIV асрларда кўприкка ва кейин дарвозага олиб борадиган йўлнинг икки ёқасида ажойиб қабристон мавжуд бўлган. Тоқи телпакфурушонни тиклаш жараёнида мақбаралар ва сағаналардан чиққан чиройли қопламалар деворларни безашда ишлатилган.

Оҳангарон ва Оҳанин дарвозалари номлари Муллозода матнида хато қўлланмаган. Археологик қазишмалар жараёнида асрлар мобайнида бу ерда анъанавий устахоналар ҳамда темирчилар ва темирфурушлар бозорлари бўлгани исботланди.



## **БАДРИДДИН МАЙДОНИЙ МОЗОРИ. ХАРИТАДАГИ 23-НУҚТА.**

Бу мазор, худди XV асрда бўлгани каби, Шохруднинг чап қирғоғида, Регистоннинг жанубидаги Қуйи Хонақоҳ мавзесида жойлашган бўлган. Диний аллома, сўфий Мавлоно Майдоний 1319 йили вафот этган. Ҳозирги пайтда у аҳоли зич яшайдиган мавзелардан бири ҳудудида, масжид-хонақоҳнинг шимолий деворига туташ айвон остида. Бу ердан ўзига хос қадимий бир мактаб биноси – кичикроқ мадраса, саёҳатчи дарвешлар учун меҳмонхона, минора ва ҳовлидан иборат мажмуа ўрин олган. Археологик тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлишича, ҳар хил даврда қурилган бу меъморий мажмуа мустақкам пойдевор устида бунёд этилган айлана девор билан ўраб олинган.



**19-фотосурат.** Қўйи хонақоҳ гузаридаги Бадриддин Майдоний мазори. Е. Г. Некрасова олган фотосурат, 2006 йил.

## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР ВА ҚИСҚАРТМАЛАР ИЗОҲИ

Асар таржимасининг тадқиқот ва изоҳлар қисмида келтирилаётган маълумотларнинг илмий аниқлигини таъминлаш, шунингдек, уни мутолаа этиш ва ундан фойдаланишда енгиллик яратиш мақсадида қуйидагилар амалга оширилди:

1. «аср» ва «асрлар» сўзлари қавс ичида келганда қисқартирилган «а.» шаклида берилди. Масалан, «X аср» қавс ичида келганда қуйидаги кўринишда ифодаланди: **(X а.)**. Ёки «X–XI асрлар» қавс ичида келганда қуйидаги кўринишда ифодаланди: **(X–XI а.)**.

2. Шахсларнинг вафот этган йили қавс ичида берилганда «ваф.» қисқартмаси ва ундан сўнг вафот этган йилини келтирдик. Масалан, «944 йили вафот этган» деган жумла қавс ичида қуйидаги кўринишда ифодаланди: **(ваф. 944)**.

3. Шахсларнинг таваллуд топган йили қавс ичида берилганда «тав.» қисқартмаси ва ундан сўнг таваллуд топган йилини келтирдик. Масалан, «1098 йили таваллуд топган» деган жумла қавс ичида қуйидаги кўринишда ифодаланди: **(тав. 1098)**.

4. Ўтмишда яшаб ўтган шахсларнинг тарихий манбалар асосида аниқланган таваллуд ёки вафот саналарини, шунингдек, ўтмиш даврларга оид воқеаларнинг тарихий манбалар асосида аниқланган саналарини беришда аввал ўша саналарнинг ҳижрий-қамарий тақвимдаги, дрондан кейин эса милодий тақвимдаги варианты келтирилди. Масалан, милодий 893 йилга тўғри келувчи ҳижрий-қамарий 280 йилни «**280/893**» шаклида ёхуд милодий VIII асрга тўғри келувчи ҳижрий-қамарий II асрни «**II/VIII**» шаклида ифодаладик. Бошқача қилиб айтганда, кимдир ҳижрий-қамарий 280 йилда вафот этган бўлса, ушбу сананинг григориан тақвими бўйича 893 йилга тўғри келиши аниқланди ва мазкур сана қавс ичида қуйидагича берилди: **(ваф. 280/893)**. Ёхуд кимдир ҳижрий-қамарий II асрда яшаб ўтган бўлса, ушбу сананинг григориан тақвими бўйича VIII асрга тўғри келиши аниқланди ва мазкур сана қавс ичида қуйидагича берилди: **(II/VIII а.)**. Яъни, ушбу таржима-тадқиқотда келтирилган бундай қўш саналарни кўрганда дрондан олдин ҳижрий-қамарий, дрондан кейин эса ўша сананинг милодий тақвимда қайси йилга ёки асрга тўғри келиши ифодаланаётганини англаш лозим.

5. Ўтмишда яшаб ўтган шахсларнинг тарихий манбалар асосида аниқланган таваллуд ва вафот саналари, шунингдек, ўтмиш даврларга оид воқеаларнинг тарихий манбалар асосида аниқланган бошланиш

ва тугалланиш саналарини беришда аввал таваллуд ёки бошланиш санасининг ҳижрий-қамарий тақвимдаги, дрондан кейин эса милодий тақвимдаги варианты, дрондан сўнг эса аввал вафот ёки тугалланиш санасининг ҳижрий-қамарий тақвимдаги, дрондан кейин эса милодий тақвимдаги варианты келтирилди. Масалан, Абу Ҳафс Аҳмад ал-Ижлий ал-Бухорий ҳижрий-қамарий 150–217 йилларда яшаган бўлиб, бу сана григориан тақвимидаги 767–832 йилларга тўғри келади. Шунга кўра, унинг таваллуд ва вафот саналари бир жойда қуйидаги кўринишда берилди: **(150/767–217/832)**.

## ТАРИХИЙ, ДИНИЙ ВА ТАСАВВУФИЙ АТАМАЛАР ВА ИБОРАЛАР СЎЗЛИГИ

### А

**абдол** [арабча *ابدال*; бирлик шакли бадал *بدل* ўрнини босадиган] – тасаввуфда: олам ҳеч қачон уларнинг вужудидан холи бўлмайдиган, олам уларнинг вужудига таянган ёки уларнинг вужуди асосида бино бўлган «рижол ул-ғайб» («ғайб кишилари») туркумига кирувчи валийларнинг бир тури. Турли манбаларда уларнинг тутган ўрни, даражаси ва сони турлича кўрсатилади. Мустамлий Бухорийнинг (ваф. 434/1043) ёзишича, абдолнинг сони тўрт юзта бўлиб, ушбу тўрт юзтадан қирқтаси *автод*, шу қирқтадан тўрттаси *нақиб* ва ўша тўрттадан биттаси *қутбдир*. Бошқа манбаларда келтирилишича, *автод* «рижол ул-ғайб» туркумини ташкил этувчи иерархиянинг юқоридан қуйига қараб борадиган 5 табақасини ташкил этади: 1) қутб; 2) икки имом; 3) беш автод (ватадлар); 4) етти афрод (фардлар); 5) қирқ абдол (бадаллар); 6) етмиш нужабо (нажиблар); 7) уч юз нужабо (нақиблар); 8) беш юз асоиб; 9) кўп сонли хукамо (ҳакимлар); 10) кўп сонли ражабийюн (ражабийлар). *Изоҳ*: **абдол** аслида арабча *бадал* сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига *бадаллар* (ўрнини босадиганлар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида **абдол** кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини *абдол*, кўплик шаклини эса *абдоллар* кўринишида беришга қарор қилдик.

**аброр** [арабча *ابرار*; бирлик шакли **бар(р)** *بر* яхши киши] – 1) яхши киши; 2) тасаввуфда: «рижол ул-ғайб» («ғайб кишилари») туркумига кирувчи валийларнинг бир тури бўлиб, абдоллардан бир поғона юқорида туради; 3) тасаввуфда: солиқ сифатида *сайр илаллоҳ* (Аллоҳга томон сайр) йўлининг муайян босқичларини босиб ўтган Аллоҳнинг хос бандаси. *Изоҳ*: **аброр** аслида арабча **бар(р)** сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига *баррлар* (яхши кишилар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида **аброр** кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини *аброр*, кўплик шаклини эса *аброрлар* кўринишида беришга қарор қилдик.

**автод** [арабча *اوتاد*; бирлик шакли **ватад** *وتد* қозик] – тасаввуфда: олам ҳеч қачон уларнинг вужудидан холи бўлмайдиган, бири вафот этса бошқаси унинг ўрнини эгаллайдиган «рижол ул-ғайб» («ғайб кишилари»)

туркумига кирувчи валийларнинг бир тури. Турли манбаларда уларнинг сони тўртта, бешта, еттита ёки қирқта деб эслатилади. Жумладан, айрим сўфийлар наздида улар тўрт киши бўлиб, ҳар бири ўрин жиҳатдан оламнинг тўрт тарафи – шарқ, ғарб, шимол ва жанубда ўша ерга тушувчи илоҳий файзни бу жиҳатларга ҳақли бўлган қутбларга етказиб туради. *Изоҳ:* **автод** аслида арабча **ватад** сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига *ватадлар* (*қозиқлар*) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида *автод* кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини *автод*, кўплик шаклини эса *автодлар* кўринишида беришга қарор қилдик.

**азамат** [арабча *عظمت* улканлик, буюклик] – буюклик (Аллоҳнинг сифатларидан бири).

**азза ва жалла** [арабча *عز و جل*] – улуғ ва буюк; Аллоҳ номи эслатилганда Унга нисбат бериб айтиладиган хусусият. *Бу ўринда:* «Аллоҳ азза ва жалла» дегани «улуғ ва буюк Аллоҳ» маъносини билдиради.

**алайҳимуссалом** [арабча *عليهم السلام*] – уларга омонлик бўлсин (исломда пайғамбарлар номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**алайҳиссалом** [арабча *عليه السلام*] – унга омонлик бўлсин (исломда пайғамбарлар номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**алайҳиссалот вассалом** [арабча *عليه الصلوة و السلام*] – унга салавот ва омонлик бўлсин (исломда пайғамбарлар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган тилак).

**амир ал-мўминин** [арабча *امير المؤمنين* мўминлар амири] – Ислом халифалиги, жумладан, Хулафои рошидин, умавийлар ва аббосийлар халифаликлари даврида халифалик ҳукмдорига берилган унвон.

**ансорийлар** [арабча *انصار*; носир *ناصر* нинг кўплиги; ёрдам берувчилар, қўллаб-қувватловчилар] – Мадина халқининг Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) бошчилигида Маккадан чиқиб кетиб, Мадинага кўчиб ўтган (ҳижрат қилган) мусулмонларга ёрдам ва бошпана берган, уларни қўллаб-қувватлаган ва уларга қўшилган қисми.

**асҳоб** [арабча *اصحاب*; бирлиги соҳиб *صاحب* йўлдош, ёндош] – диний илм ва амалиётда юксак даражаларга етган киши – улуғ уламо ва сўфийнинг у билан доимо бирга юрадиган, бирга ўтириб-турадиган ва бирга бўладиган шогирди, халифаси, издоши ёки ҳар қандай маслакдоши. *Изоҳ:* асҳоб аслида арабча соҳиб сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига соҳиблар (йўлдошлар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида асҳоб кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини асҳоб, кўплик шаклини эса асҳоблар кўринишида беришга қарор қилдик.

**ахёр** [арабча *اخيار*; бирлик шакли хаййир *خير* яхшилик қилувчи; танланган] – 1) яхшилик қилувчи киши, эзгу амаллар соҳиби; 2) тасаввуфда: «рижол ул-ғайб» («ғайб кишилари») туркумига кирувчи валийларнинг бир тури. Айрим манбаларда уларнинг сони еттита деб кўрсатилади. Изоҳ: ахёр аслида арабча хаййир сўзининг кўплик шакли бўлиб, ўзбек тилига хаййирлар (яхшилик қилувчилар) кўринишида таржима қилиниши керак бўлса-да, бу сўз тарихий манбаларда асосан кўплик шаклида ахёр кўринишида келтирилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирлик шаклини ахёр, кўплик шаклини эса ахёрлар кўринишида беришга қарор қилдик.

## Б

**ботин** [арабча *باطن* ич, ичкари] – ич, ичкари, ички томон, ички кўриши, ички дунё (инсондаги).

## В

**важд** [арабча *وجد* топиш, ҳис қилиш] – тасаввуфда: банданинг Аллоҳга бўлган муҳаббатидан келиб чиқадиган турли сабаблар билан маълум муддат давомида ўзини йўқотиб қўйиши ёки ҳар қандай кўринишда ўзининг табиий ҳолатидан чиқиши.

**валий** [арабча *ولي* дўст; кўплиги **авлиё** *اولياء* дўстлар] – тасаввуфда: Аллоҳнинг амрлари ва наҳийларига тўлиқ риоя қилиш, Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билиш, икки дунёга тегишли нарсаларнинг барчасидан кўнгил узиб, биргина Аллоҳга кўнгил боғлаш, уни севиш ва унга интилиш орқали сайру сулук йўлида комилликка эришган, ўзидан фоний ва Аллоҳга боқий бўлган ёхуд ўзини тамомила унутиб, фақатгина, Ҳақ мушоҳадатига (Аллоҳни кўришга) машғул бўлган, натижада *Ҳақ валийси* (Аллоҳнинг яқин дўсти) мақомига етиб, ғайб илмидан хабардорлик ва кароматлар кўрсатиш қобилиятларига эга бўлган киши.

**валийлик** [арабча **валоят** *ولاية* валийлик, дўстлик] – тасаввуфда: Аллоҳнинг амрлари ва наҳийларига тўлиқ риоя қилиш, Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билиш, икки дунёга тегишли нарсаларнинг барчасидан кўнгил узиб, биргина Аллоҳга кўнгил боғлаш, уни севиш ва унга интилиш орқали сайру сулук йўлида комилликка эришиш, ўзидан фоний ва Аллоҳга боқий бўлиш ёхуд ўзини тамомила унутиб, фақатгина Ҳақ мушоҳадатига (Аллоҳни кўришга) машғул бўлиш натижасида *Ҳақ валийси* (Аллоҳнинг яқин дўсти) мақомига етиб, ғайб илмидан хабардорлик ва кароматлар кўрсатиш қобилиятларига эга бўлган киши – валийнинг ҳолати.

**вараъ** [арабча ورع қўрқиш] – банданинг худога етишиш мақсадида ушбу йўлда тўсиқ бўлиши мумкин бўлган барча нарсалардан сақланиши.

**варийъ** [арабча ورع қўрқувчи] – тасаввуфда: Аллоҳнинг амрлари ва наҳийларига хилоф иш тутишдан қўрқувчи, Аллоҳга етишиш мақсадида ушбу йўлда тўсиқ бўлиши мумкин бўлган барча нарсалардан сақланувчи банда.

**вақт** [арабча وقت вақт, пайт, чоғ] – солиқда юз берадиган, худога муҳаббат, таваккул, таслим ва ризони ўз ичига оладиган, солиқнинг ўтмишни – шу чоққача юз берган барча нарсаларни ҳам, келажакни – бундан кейин юз берадиган барча нарсаларни ҳам бутунлай ёдидан чиқариб, бутун ўй-фикри фақатгина худога қаратилишидан иборат бўлган бир ҳолат. Вақтда солиқ ўзини тамомила Худога топшириб, ўтган ишлардан афсусланмайди ва келажак тўғрисида қайғурмайди, балки ўзи турган вақтни қадрлайди.

**вахбий** [арабча وهبى совға қилинган] – кишининг уринишлари ва меҳнатлари натижасида ҳосил бўлмаган, балки Аллоҳ томонидан ато этилган ҳар қандай нарса.

**вахдат** [арабча وحدت битталиқ, ягоналик] – тасаввуфда: оламда биргина Аллоҳ ҳақиқий мавжуд бўлиб, қолган барча нарсалар, ўз асос ва моҳиятларига кўра, мавжуд эмаслар, балки Аллоҳ вужудининг турли кўринишдаги тажаллийсидирлар деган қараш; ягона ҳақиқий мавжудот бўлмиш Аллоҳнинг мавжудлиги.

## Д

**дақиқ** [арабча دقيق аниқ] – кўчма маънода қўлланиладиган, чуқур мажозий маънога ва ҳикматга эга бўлган.

## Ё

**ёруғлик** [форс-тожикча шакли рўшноӣ ёруғлик] – тасаввуфда: кўнгилнинг Аллоҳдан бошқа барча нарсалар учун қоронғу бўлиб, фақатгина Аллоҳни эслаш ва у тўғрида ўйлаш учун ёруғ бўлиши.

## Ж

**жалол** [арабча جلال улуғворлик, салобат] – улуғворлик (Аллоҳнинг сифатларидан бири).

### 3

**зикр** [арабча ذکر эшлаш] – *тасаввуфда*: соликнинг Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш мақсадида такбир, тасбиҳ, таҳмид, таҳлил, тавҳид, танзиҳ ва ҳавқала, шунингдек, оятлар ёки ҳадислардан олинган дуолар ҳамда Аллоҳнинг номлари ва сифатларини такрорлаш орқали уни тилда ёки қалбда поклаб ва улуғлаб эслаши.

**зоҳид** [арабча زاهد юз ўгирувчи, тарк этувчи] – бу дунёнинг лаззатлари ва роҳат-фароғатларидан воз кечиб, Аллоҳнинг зикрига халал берувчи барча нарсалардан воз кечган, тақво ва парҳезкорликда умр кечирадиган киши.

**зоҳир** [арабча ظاهر сирт, ташқари] – ташқари, ташқи томон, ташқи кўриниш, ташқи дунё (инсондаги).

**зуҳд, зоҳидлик** [арабча زهد юз ўгириш, тарк этиш] – *тасаввуфда*: бу дунёнинг лаззатлари ва роҳат-фароғатларидан воз кечиб, Аллоҳнинг зикрига халал берувчи барча нарсалардан воз кечган ҳолда, тақво ва парҳезкорликда умр кечириш.

### И

**ибоҳат** [арабча اِباحت] – бу ўринда: ҳаромни ҳалол деб билиш.

**интибоҳ** [арабча انتباه уйғониш, хушёр бўлиш, огоҳ бўлиш] – *тасаввуфда*: қалбдаги ғафлатнинг барҳам топиши, қалбдаги манманлик ва ғафлат тугунларининг ечилиши; банда қалбининг ғафлатдан – Худодан бошқа нарсаларга берилганлик туфайли Худони эсламай қўйишдан халос бўлиши, ғафлат уйқусидан уйғониб, Худога юзланиши.

**иродат** [арабча ارادت исташ, хоҳлаш; истак, хоҳиш] – *тасаввуфда*: Худога (Худонинг васлига) етиш, бошқача сўз билан айтганда, қалб кўзи билан Худони кўриш, яъни Ҳақ зот бўлган Худонинг моҳиятини англаб етиш мақомига етишга аҳд қилиш, шу мақсадда муршид (шайх, пир)га байъат қилиб (қўл бериб), унга шогирд тушиш, ундан таълим ва тарбия олиб, унинг кўрсатган йўлидан бориш.

**ирфон** [арабча عرفان чуқур ва батафсил билиш] – Аллоҳга етишиш йўлидан бораётган солик томонидан Аллоҳнинг зоти, исмлари ва сифатларини билиш илми ва амалиёти; Аллоҳни излаб бораётган, яъни Аллоҳга етишишни истовчи сўфийнинг Аллоҳ ва унинг барча хусусиятлари тўғрисида билим ҳосил қилиш учун танлаган йўли ва усули; Аллоҳни билиш илми. Сўфийларнинг таърифича, ирфон ақлий далил ва хулоса асосида эмас, балки Аллоҳ томонидан ато қилинадиган кашф ва шуҳуд ёрдамида Аллоҳни танишдан иборат бўлиб, киши бундай қобилиятга фақатгина қалби, руҳи ва танаси билан тоат-ибодат қилиш ёхуд Аллоҳ томонидан



мажзуб бўлиш (жалб қилиниш) орқалигина эга бўлиши мумкин. Ирфон йўлидан бораётган ёки Ирфон илмини эгаллаган киши «ориф» деб аталади.

**исмат** [арабча عصمت] – гуноҳлардан сақланиш, гуноҳлардан поклик, гуноҳсизлик, покдомонлик.

**истилом** [арабча استلام қўл тегизиб, силаш] – Каъбадаги Қора тошга қўл тегизиб, уни силаш ва ўпиш.

**истиғфор** [арабча استغفار] – гуноҳларни кечиришини сўраб Аллоҳга ёлвориш.

**иттиҳод** [арабча اتحاد бирлашиш] – *тасаввуфда*: 1) барча нарсалар ягона ҳақиқий мавжудот бўлмиш Аллоҳнинг вужуди туфайлигина мавжуд бўлиб, ўз моҳиятларига кўра, мавжуд эмаслар деган қараш асосида мутлақ Ягона бўлган зот вужудини кўнгил кўзи билан кўриш; 2) айрим сўфийлик таълимотларида сулукнинг охирги мақомларидан бири бўлиб, солиқнинг руҳан Ҳақ вужуди билан бирлашиб кетишини англатади.

## К

**каромат** [арабча كرامت улуғлик, саховат] – *тасаввуфда*: валийлар томонидан амалга ошадиган ғайриоддий ва ғайритабиий иш бўлиб, уларнинг узоқ масофани оз муддатда босиб ўтишлари, ҳавода ёки сув устида туришлари ёки юришлари, бошқа жойда бўлаётган ишларни билиб туришлари, бошқаларнинг кўнглидаги нарсаларни билишлари ёки фикрини ўқий олишлари, келажакда юз берадиган воқеаларни билишлари, қилган дуоларининг мустажоб бўлиши, душмандан, очликдан ёки ташналиқдан қутулиб қолиш ва ҳ. шулар жумласига киради.

**кашф ва аён** [арабча كشف و عيان очиш] – солиқнинг ғайб пардаси ортидаги нарсаларни кўриши, солиқка ғайб пардаси ортидаги нарсаларнинг аён (маълум, равшан, ойдин) бўлиши; **кашф ва аён аҳли** – ғайб пардаси ортидаги нарсалар унга аён (маълум, равшан, ойдин) бўлган сўфийлар.

**куҳандиз** [форс-тожикча كهندز; аслида **куҳандиж** كهندژ; арабчалашган шакли **куҳандиз** قهندز] – ўрта асрлар шаҳарларида шаҳар девори ичкарисида, баъзан ташқарисида жойлашган, мудофаа мақсадларида, шунингдек, қамоқхона сифатида фойдаланиладиган қалъа.

**кўнгил эгаси** [форс-тожикча шакли: **соҳибдил** صاحب دل] – *тасаввуфда*: сўфийлар наздида кўнгил (форс-тожикчаси дил) тўрт қатламдан иборат бўлиб, биринчи қатлам кўкрак, иккинчи қатлам қалб, учинчи қатлам юрак ва тўртинчи қатлам шаффоф пардадан иборат. Бунда кўкрак Аллоҳдан тушадиган илҳом кўнадиган, қалб имон нури акс этадиган, юрак Ҳақ таоло мушоҳадати (Аллоҳни кўнгил кўзи билан кўриш) амалга

ошадиган, шаффоф парда эса ишқ макон қурадиган жойдир. Ана шу тўрт қатламли кўнгилга эга бўлган, яъни Аллоҳдан тушган илҳом билан сўзлайдиган, қалбида имон нури акс этадиган, кўнгил кўзи билан Аллоҳни кўрадиган ва Аллоҳга нисбатан ишқ туядиган киши форсий манбаларда *соҳибдил* деб айтилиб, уни ўзбекчага *кўнгил эгаси* шаклида ўгириш мумкин. Яъни, кўнгил эгаси бу сўфий – солиқ ёки орифдир.

## М

**мажзуб** [арабча *مجدوب* тортилган, жалб этилган] – *тасаввуфда*: жазба ҳолатига тушган сўфий; ўз саъй-ҳаракати, яъни сайру сулукдаги риёзатлари ва мужоҳадатлари натижасида эмас, балки Аллоҳ ўзига томон тортганлиги, жалб этганлиги натижасида юксак мақомларга етган сўфий.

**Малик ул-ҳақ** [арабча *ملك الحق*] – ҳақиқий подшоҳ, ҳақиқий ҳукмдор, яъни Аллоҳ.

**машҳад** [арабча *مشهد* шаҳид бўлган жой] – шаҳид бўлган (Аллоҳ ва дин йўлидаги курашда жон фидо қилган) кишининг дафн этилган жойи, қабри.

**маъсият** [арабча *معصيت* бўйсунмаслик] – Аллоҳнинг амрларини бажармаслик ва тақиқларига риоя қилмаслик, гуноҳ ишлар қилиш, осийлик.

**мақом** [арабча *مقام* тўхташ жойи, ўрин] – солиқ сайру сулук йўлида ўз саъй-ҳаракатлари (ёхуд, айримларнинг фикрича, Аллоҳнинг тавфиқи) билан етадиган даражалардан ва босиб ўтиши керак бўлган босқичлардан ҳар бири. Мақом сўфий томонидан доимий такрорланиш натижасида унинг хусусиятига айланадиган хулқ-атвордир. Мақомлар муайян кетма-кетликда жойлашган бўлиб, бир мақом шартларини тўла адо этмаган солиқ ундан кейинги мақомга ета олмайди, бир мақом шартларини тўла адо этиб, ундан кейинги мақомга ўтган солиқда эса у етган олдинги мақомлар кучи сақланиб қолади.

**мақсура** [арабча *مقصورة* ўралган, тўсилган] – 1) ўрта асрлардаги масжидларда меҳроб ёки минбар яқинида подшоҳ, маҳаллий ҳокимлар ёки хос кишиларни намоз чоғида бошқа одамлардан алоҳида жойда жойлаштириш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида панжара ёки бошқа тўсиқ билан ўралган ҳолда махсус тайёрланган жой; 2) ўрта асрлар масжидларида турли мақсадларда панжара ёки бошқа тўсиқ билан ўраб қўйилган ҳар қандай жой.

**мағфират** [арабча *مغفرة* кечиритиш] – Аллоҳ томонидан бандаларнинг қилган гуноҳларининг кечиритиши, гуноҳларни кечиритиш.

**мударрис** [арабча *مدرس* дарс берувчи] – мадраса ўқитувчиси.

**мужоҳадат** [арабча *مجاهدات* уриниш, тиришиш] – *тасаввуфда*: солиқ-

нинг сайру сулукдаги юксак даражалар – мақомлар ва ҳолларга етиш мақсадида ўз нафсининг истакларига қарши чиқиб, улар билан курашиши ва шу тариқа жисмоний машаққатларни бошидан ўтказиши.

**мужтахид** [арабча *مجتهد*] – ўрта асрларда исломда ижтиҳод қилиш қобилияти ва ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний амалий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс.

**музаққир** [арабча *مذکر* эслатувчи] – ваъз қилувчи, воиз.

**муфассир** [арабча *مفسر*] – Қуръонни тафсир қилувчи, тафсирчи.

**муътакиф** [арабча *معتكف* юзланган, қаттиқ берилган] – масжидда маълум муддат ёки доимий тарзда қолиб, у ердан бошқа жойга чиқмасдан муайян шартларга эга бўлган тоат-ибодатни амалга оширувчи киши.

**муқтадо** [арабча *مقتدى* эргаштирувчи] – диний илмлар ва амалиётда юксак даражаларга эришган ва мўминларни ўз ортидан эргаштириб, ҳидоят йўлига бошқара оладиган уламо.

**муғ** [форс-тожикча *(مغ)* – 1 оташпараст, зардуштий; 2) оташпарастлар зардуштийлар руҳонийси.

**муҳаддис** [арабча *محدث* ҳадисчи] – ҳадис тўплаш, уни оғзаки ва ёзма тарзда баён қилиш орқали кейинги авлодларга етказиш билан шуғулланадиган киши, ҳадис илми билимдони.

**муҳаққиқ** [арабча *محقق* ҳақиқатни англаб етган] – *тасаввуфда*: унга оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг бошқа кишилар учун яширин ва сирли бўлган ҳақиқати (моҳияти) қандай бўлса шундайлигича маълум бўлган, бу оламда Аллоҳнинг зоти тажаллийсидан (жилваланишидан) бошқа бирор нарса мавжуд эмас, балки барча нарса Унинг зотининг турли кўринишларда акс этишидир деган хулосага келган киши.

**муҳожирлар** [арабча муҳожир *مهاجر* кўчиб ўтган, ҳижрат қилган] – Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) бошчилигида Маккадан чиқиб кетиб, Мадинага кўчиб ўтган (ҳижрат қилган) мусулмонлар.

## Н

**набий** [арабча *نبي* кўплиги **анбиё** *انباء* хабар берувчи] – Аллоҳдан хабар берувчи ва бандаларни Аллоҳнинг айтганларини бажаришга чақирувчи, пайғамбар.

**намозгоҳ** [форс-тожикча *نماز گاه* намоз ўқийдиган жой] – ҳайит намозларини ўқиш учун очиқ майдонда махсус тайёрланган жой.

**носик** [арабча *ناسك* тийилувчи, сақланувчи] – гуноҳлардан тийилувчи киши.

## О

**обид** [арабча *عابد* ибодат қилувчи] – ибодат амалларини узлуксиз тарзда бажарувчи, доимо тоат-ибодат билан машғул бўлган киши.

**ориф** [арабча *عارف* чуқур ва батафсил билувчи] – Аллоҳга етишиш йўлида Аллоҳни, унинг исмлари ва сифатларини билиш, яъни Аллоҳ ва унинг барча хусусиятлари тўғрисида билим ҳосил қилиш босқичига етган киши; Аллоҳни билиш учун ирфон йўлига кирган ва унинг босқичларини босиб ўтаётган киши; Аллоҳнинг зоти, исмлари ва сифатларини чуқур билувчи киши.

**ошуро** [арабча *عاشورا* ўнинчи] – ҳижрий-қамарий йилнинг биринчи ойи бўлмиш муҳаррам ойининг ўнинчи куни бўлиб, бу кун барча самовий динлар тарихида муҳим воқеалар бўлиб ўтгани сабабли мусулмонлар томонидан рўза тутиш ва бошқа солиҳ амаллар қилиш орқали улуғланади. Жумладан, бу кун Одам алайҳиссаломнинг тавбалари қабул қилинган, Нуҳ алайҳиссалом кемадан тушиб, бунинг шукронасига рўза тутган, Фиръавн ғарқ этилиб, Бани Исроилга денгиз ёрилган ва, шунинг учун, улар рўза тутган кундир.

## П

**порадўз** [форс-тожикча *پاره دوز* ямоқчи] – оёқ кийимларни ямовчи, оёқкийим ямоқчиси.

## Р

**равваҳаллоҳу руҳаҳу** [арабча *روح الله روحه*] – Аллоҳ унинг руҳини шод қилсин.

**равза** [арабча *روضه* боғ] – дин улуғларининг қабри.

**разияллоҳу анҳу** [арабча *رضى الله عنه*] – Аллоҳ ундан рози бўлсин (исломда дин улуғлари, масалан, саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеинлар ва бошқалардан бирининг номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**разияллоҳу анҳу ва ан обоихил-киром** [арабча *رضى الله عنه و عن آباءه الكرام*] – Аллоҳ таоло ундан ва унинг улуғ ота-боболаридан рози бўлсин (исломда дин улуғлари сарасига кирувчи киши номи тилга олингандан кейин айтиладиган дуо).

**разияллоҳу анҳум** [арабча *رضى الله عنهم*] – Аллоҳ улардан рози бўлсин (исломда дин улуғлари, масалан, саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеинлар ва бошқаларнинг номи кўплик шаклда тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**разияллоҳу анҳум ажмаъин** [арабча *رضى الله عنهم اجمعين*] – Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин (исломда дин улуғлари, масалан, саҳоба-

лар, тобеинлар, табаа тобеинлар ва бошқаларнинг номи кўплик шаклда тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**раис** [арабча رئيس бошлиқ, раҳбар] – Ўрта асрларнинг айрим даврларида Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва бошқа диёрларида ҳам диний раҳнамо, ҳам маҳаллий ҳоким вазифасини бажарган, яъни диний ва дунёвий раҳбарликни амалга оширган кишининг лавозими. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шу ўринда эслатилган исмоилий имомлар хонадони вакиллари – Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Исмоилий (301/913–384/994) ва унинг ўғли Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад Исмоилий (ваф. 401/1011) ҳам сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврининг охирлари ва қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврининг бошларида Бухорода *раис* (диний пешво ва маҳаллий ҳоким) бўлишган.

**раҳимаҳуллоҳ** [арабча رحمه الله] – Аллоҳ уни раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улуғ кишилардан бирининг номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**раҳимаҳумуллоҳ** [арабча رحمهم الله] – Аллоҳ уларни раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улуғ кишилардан бир нечтасининг номи кетма-кет тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**раҳматуллоҳ** [арабча رحمة الله] – Аллоҳ унга раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улуғ кишилар номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин** [арабча رحمة الله عليهم اجمعين] – Аллоҳ уларнинг барчасини раҳмат қилсин (уламолар, сўфийлар ва бошқа улуғ кишилардан бир нечтасининг номи тилга олингандан кейин айтиладиган тилак).

**риёзат** [арабча رياضت машқ] – *тасаввуфда*: соликнинг сайру сулукда ўз тани ва руҳини тарбиялаш, ёмон ва номаъқул хулқлардан поклаб, яхши хулқлар ва эзгу фазилатлар билан безаш воситасида ўз нафсини жиловлаш ва қалб поклигига эришиш мақсадида ўзини бу дунё роҳат-фароғатлари ва лаззатларидан тийиш орқали қийинчилик тортиши ва машаққат чекиши ёки қийинчилик ва машаққатларга чидаши ҳамда шу тариқа ўз тани ва руҳини қийинчилик ва машаққатларга одатлантириши.

**рижолуллоҳ** [арабча رجال الله худонинг улуғ кишилари] – *тасаввуфда*: олам ҳеч қачон уларнинг вужудидан холи бўлмайдиган, уларнинг вужудига таянадиган ёки уларнинг вужуди асосида бино бўлган, *қутб* (ўқ), *автод* (қозиклар), *афрод* (ягоналар), *абдол* (ўринбосарлар), *нужабо* (нажиблар), *нуқабо* (нақиблар), *ҳукамо* (ҳакимлар), *ражабийюн* (ражабийлар) ва шу каби бошқа табақаларга бўлинадиган валийлар гуруҳи. Уларга нисбатан *рижол ул-ғайб*, *ғайб эранлари*, *мардони ғайб*, *мардони Худо* каби сўзлар ҳам қўлланилади.

## С

**салафлар ёки солих салафлар** [арабча салаф سلف олдин ўтган, аждод] – пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) томонидан мақтаб эсга олинган ва башорат қилинган, ислом тарихининг илк уч асрида яшаб, фаолият кўрсатган саҳобалар, тобеинлар ва табаа тобеинлар жумласидан бўлган мусулмон диний арбоблари (олимлар, фозиллар, мужтаҳидлар ва ш.к.).

**саллаллоҳу алайҳи васаллам** [арабча صلى الله عليه وسلم] – ул зотга Аллоҳнинг салавот ва саломи бўлсин; Муҳаммад (с. а. в.) номи айтилганидан кейин келтириладиган дуо.

**самоъ** [арабча سماع тинглаш] – тасаввуфда: сўфий томонидан Худони англаб етиш, унга яқинлашиш ва у билан қалбан мулоқот қилиш, бунинг учун эса важд ҳолатига тушиш мақсадида махсус кийимлар кийган ҳолда пок қалб ва холис ният билан диний-сўфиёна дуо, шеър, кўшиқ ва куй тинглаш ҳамда рақсга тушиш кўринишида амалга ошириладиган зикр тури.

**сафий** [арабча صفي; кўплиги асфиё اصفياء тозалаб (ажратиб) олинган, танлаб олинган] – Аллоҳнинг бандалар орасидан танлаб олган ва ўзига яқин қилган бандаси.

**сафо** [арабча صفاء софлик] – тасаввуфда: 1) солик кўнглининг ҳар қандай маънавий хираликлар ва ифлосликлардан холи, пок ва узоқ бўлиши; 2) соликнинг Худодан бошқа барча нарсалардан кўнгили узиб, бу дунёдан хилват тутиши.

**саффор** [арабча صفار] – мис буюмлар ясовчи ҳунарманд, мисгар.

**саҳобалар** [арабча шакли: саҳоба صحابه ёки асҳоб اصحاب; бирлиги: соҳиб صاحب бирга бўлувчилар, бирга юрувчилар, асҳоблар, ҳамроҳлар] – ислом дини пайдо бўлган илк пайтлардаёқ Муҳаммад (с. а. в.)нинг пайғамбарлигига имон келтирган, доимо Ул зот билан бирга бўлиб, бирга юрган, Ул зотга йўлдош ва қўлдош бўлган сафдошлари, Ул зот билан мулоқотда бўлган ёхуд ҳарбий юришларида қатнашган мўмин кишилар. Кейинчалик Муҳаммад (с. а. в.)ни ўз ҳаёти давомида бир марта бўлса ҳам кўрган барча кишиларни саҳобалар деб атай бошлаганлар.

**сифат** [арабча صفت белги, хусусият] – Аллоҳга хос бўлган хусусият, белги, ўзига хослик; Аллоҳнинг махсус номлар билан билдириладиган тавсифи, эпитет.

**солик** [арабча سالك йўловчи] – Аллоҳга етишиш мақсадида сайру сулукнинг тавба мақомидан тортиб васл ва фано мақомигача бўлган босқичларини муршид (шайх, пир) раҳнамолигида босиб ўтувчи, шу тариқа Аллоҳ томон сайр қилувчи ва Аллоҳга етишгач, Аллоҳда сайр қилувчи киши. Қисқача қилиб айтганда, солик – сайру сулук қилувчи киши, яъни Аллоҳ йўлининг йўловчисидир.

**субҳонаху ва таоло** [арабча سبحانه و تعالى] – пок ва улуғ. Аллоҳнинг номи эслатилганда ундан кейин келтирилиб, пок ва улуғ Аллоҳ маъносини билдиради.

## Т

**табаа тобеинлар** [арабча шакли: **табаъа тобеъин** تبعه تابعين тобеинларга эргашувчилар] – мусулмон ҳолида тобеинларни кўрган, уларга эргашган ва шу ҳолида вафот этган кишилар.

**тажрид** [арабча تجريد ажралиш, яланғочлашиш] – *тасаввуфда*: банданинг ёлғиз Худо билан бирга қолиш учун ўзини Худодан бошқа барча нарсалардан ажратиши. Тажрид икки турга: ташқи тажрид ва ички тажридга бўлиниб, *ташқи тажрид* ўзини бу дунё ва унга тегишли бўлган барча нарсалардан ажратиш, *ички тажрид* эса ўзини бу дунё ва унга тегишли бўлган барча нарсалардан ажратганлиги эвазига бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бирор-бир нарса талаб қилмасликдир.

**такбир** [арабча تكبير улуғлаш] – Аллоҳни улуғлаш мақсадида «Аллоҳу акбар» («Аллоҳ буюкдир») иборасини айтиш ва такрорлаш.

**танишлик** [форс-тожикча шакли **ошноӣ** آشنایی танишлик] – *тасаввуфда*: солиқнинг ўзидан бегоналашиб, Аллоҳга берилиши; солиқнинг ўзини бутунлай унутиб, биргина Аллоҳни таниши, билиши ва руҳан Аллоҳга яқинлашиши.

**тафрид** [арабча تفريد ёлғиз қолиш, ёлғизлашиш] – *тасаввуфда*: ёлғиз Худо билан қолиш учун одамлардан ҳамда бу дунёдаги барча нарсалардан ўзини четга тортиб, ажратиб, улардан яккалашиш, ёлғиз Худо билан қолиш.

**тақво** [арабча تقوى сақланиш] – *тасаввуфда*: банданинг Аллоҳга етишиш мақсадида ушбу йўлда тўсиқ бўлиши мумкин бўлган барча нарсалардан сақланиши. Тақвонинг асосини икки нарса: кўрқиш ва сақланиш ташкил этади. Банданинг Аллоҳдан тақвоси ҳам икки кўринишда бўлади. Яъни, банда Ҳақнинг азобидан ёки унинг фироқидан кўрқади. Банданинг Ҳақнинг азобидан кўрқиши кўринишидаги тақвосининг белгиси шундан иборат бўладигани, бунда у азобга учрамаслик учун Ҳақ таолонинг буйруқлари ва қайтариқларига риоя қилади ҳамда Ҳақ билан бўладиган суҳбат ҳақлари ва ҳадларини сақлайди. Бордию банданинг Ҳақдан бўлган тақвоси фироқдан кўрқиш кўринишида бўладиган бўлса, бунда банда Ҳақдан айро бўлиб қолмаслик учун, Ҳақдан қуйида бўлган нарсалардан ўзини сақлайди ва Ҳақдан қуйида бўлган нарсалар билан ором топмайди.

**тахийят** [арабча تحيت салом] – хурмат-эҳтиром, улуғлаш ва дуо билан айтиладиган салом.

**тоат** [арабча طاعت бўйсунуш] – Аллоҳга бўйсунуш, Аллоҳга итоат қилиш, Аллоҳнинг буюрган ишларини бажариш ва тақиқлаган нарсаларидан сақланиш.

**тобеинлар** [арабча шакли: **тобеъин** تابعين; бирлиги: **тобеъ** تابع эргашувчилар] – саҳобаларнинг шогирдлари ва издошлари, саҳобалардан кейин уларнинг ислом динини ёйиш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларини давом эттирган мусулмонлар тоифаси, пайғамбар Муҳаммад (с. а. в)дан кейинги даврда ул зотнинг саҳобаларини кўрган, улар билан турли муносабатда бўлган ёки уларга эргашган авлод вакиллари.

## У

**уламо** [арабча علماء олимлар] – ислом илмлари (тафсир, ҳадис, фикҳ ёки калом) соҳаси олими.

## Ф

**фарсах** [фарс, форс-тожикча фарсанг فرسنگ (тош) сўзининг арабча талаффузда ўзгарган шакли] – олти километр икки юз қирқ метрга тенг келадиган узунлик ўлчов бирлиги.

**фақиҳ** [арабча فقيه тушунувчи, англаб етувчи] – фикҳ (ислом ҳуқуқи, ислом қонунчилиги) билимдони, ислом ҳуқуқшуноси.

**фитна** [арабча 1 – [فتنة] беқарорлик, нотинчлик; 2) давлатга қарши амалга оширилган, беқарорлик ва нотинчликка сабаб бўладиган исён.

**фикҳ** [арабча فقه фаҳм, тушунча] – Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёс каби исломий манбалар, шунингдек, тегишли ҳудудлардаги урф-одатлар ва бошқалар асосида шариат аҳкомлари – мусулмонларнинг шахсий ҳаёти ва мусулмон жамиятларининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини тартибга солувчи исломий қонун-қоидаларни шакллантириш усуллари-ни ўрганувчи фан, ислом ҳуқуқи, ислом қонунчилиги.

## Х

**халаф** [арабча خلف ўрнига келувчи] – 1) муайян киши ёки кишилар гуруҳидан кейин уларнинг ишини давом эттирадиган киши, издош; 2) авлод.

**халифа** [арабча خليفة ўринбосар] – тасаввуфда: муршид (шайх, пир) йўлбошчилигида сайру сулук босқичларини босиб ўтиб, унинг ўринбосарлиги даражасига етган мурид (солик).



## Ш

**шафоат** [арабча شفاعت ёнини олиш] – 1) Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.)нинг Аллоҳдан мўминлардан бўлган у ёки бу кишининг гуноҳларини кечириши ва жаннатга киргизишини сўраб ўртага тушишлари; 2) юксак даража, мақом ва мартабаларга етган мўминлардан бирининг Аллоҳдан бошқа мўминларнинг гуноҳларини кечиришини сўраб ўртага тушиши; 3) фаришталарнинг гуноҳкорлар, Куръоннинг қорилар ва Рўзанинг рўзадорлар гуноҳларини кечиришини сўраб ўртага тушишлари.

## Э

**эътикоф** [арабча اعتكاف юзланиш, қаттиқ берилиш] – масжидда маълум муддат ёки доимий тарзда қолиб, у ердан бошқа жойга чиқмасдан муайян шартларга эга бўлган тоат-ибодатни амалга ошириш.

## Я

**яқийн** [арабча يقين қатъий ишонч] – *тасаввуфда*: бандада Аллоҳнинг ўз бандасининг фойдасини кўзлаб иш тутишига бўлган қатъий ишончи.

## Қ

**қаввол** [арабча قوال қўшиқчи] – *тасаввуфда*: сўфийларнинг самоъ йиғинларида сўфиёна мазмундаги ғазаллар ва бошқа шеърлар асосида қўшиқ айтувчи киши.

**қаддасаллоҳу арвоҳаҳум** [арабча قدس الله ارواحهم] – Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин (авлиёлар номи кўплик шаклда тилга олинганда ундан кейин айтиладиган дуо).

**қаддасаллоҳу руҳаҳу** [арабча قدس الله روحه] – Аллоҳ унинг руҳини муқаддас қилсин (авлиёлар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган дуо).

**қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум ажмаъин** [арабча قدس الله تعالى ارواحهم ] – Аллоҳ таоло уларнинг барчаларининг руҳларини муқаддас қилсин (авлиёлар номлари тилга олинганда ундан кейин айтиладиган дуо).

**қаддасаллоҳу таоло руҳаҳу** [арабча قدس الله تعالى روحه] – Аллоҳ таоло унинг руҳини муқаддас қилсин (авлиёлар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган дуо).

**қуддиса сиррух** [арабча قدس سره] – унинг ичи муқаддас бўлсин (авлиёлар номи тилга олинганда ундан кейин айтиладиган тилак).

**қутб** [арабча قطب қутб; таянч; асос; ўқ] – сўфийлар наздида валийликнинг энг юқори даражасига етган, инсонларнинг кўнглидаги нарсалар-

ни била оладиган ҳамда уларга таъсир ўтказиш қобилиятига эга бўлган комил инсон, ягона ва улуғ йўлбошчи. Қутб сўфийлик ёки валийликнинг қуйидан юқорига кўтарилиб борадиган поғонасидаги энг юқори даража бўлиб, мазкур поғоналар турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинган. Жумладан, айрим муаллифлар уларни қуйидан юқорига қараб борадиган тўрт минг макнун (яширин), уч юз ахёр (энг яхшилар), қирқ абдол (ўринбосарлар), етти аброр (яхшилар), тўрт автод (устунлар), уч нуқабо (донишмандлар) ва бир қутбдан, бошқалар эса уч юз нақиб, қирқ нажиб (улуғ), етти абдол, тўрт автод ва уч афроддан иборат деб билишган. Мустамлий Бухорий (ваф. 434/1043) эса, айнан валийлар эмас, балки умуман сўфийларнинг қуйидан юқорига қараб борадиган абдол, автод, нуқабо ва қутб деган тўрт даражага бўлиниши, жумладан, ер юзида доимо тўрт юзта абдол мавжуд бўлиб, улардан қирқтаси автод, ушбу қирқтадан тўрттаси нақиб ва ушбу тўрттадан биттаси эса қутб бўлиши тўғрисида сўз юритган.

## Ғ

**ғариб** [арабча غريب] – ўз юртидан бошқа юрт(лар)да яшовчи, ўз юртидан бошқа юрт(лар)га чиқиб кетган, бегона юрт(лар)да яшовчи, бегона юрт(лар)да овораю сарсон бўлиб юрувчи, мусофир.

**ғитрифий** (غطريفى) – аббосийлар халифалигининг бешинчи халифаси Ҳорун ар-Рашид ҳукмронлиги даврида (170/786–193/809) Хуросон амири бўлган ал-Ғитриф ибн Ато ал-Киндий (175/791–176/792 йиллари амирлик қилган) томонидан 176/792 йили зарб этилган ва Бухорода кенг муомалада бўлган танга.

## Ҳ

**ҳазира** [арабча حظيره ўраб қўйилган] – одатда атрофи девор ёки панжара билан ўраб қўйилган улуғ кишилар, масалан, уламолар ва сўфийлардан бир нечтасининг қабрлари жойлашган жой.

**ҳақиқат** [арабча حقيقت чинлик, ҳақлик, ҳақиқийлик] – солиқ Худого васл (етишиш, қўшилиш) мақомида, унинг сири эса танзиҳ (Худони бандаларга хос сифатлардан пок деб билиш) мақомида бўлган пайтида Ҳақ (Худо) зотининг ҳеч қандай тўсиқсиз солиқ қалбида намоён бўлиши, солиқнинг қалб кўзи билан Худони кўриши. Ҳақиқат сўфий босиб ўтадиган тасаввуфнинг тўрт босқичидан тўртинчиси, тасаввуф йўлига кирган кишининг маърифат босқичидан кейин етадиган сўнги босқичидир. Сўфийларнинг эътиқодича, солиқ шарият, тариқат, маърифат (Худони таниш) босқичларидан сўнг ҳақиқат оламига, яъни Ҳақ зот бўлган Ху-

донинг моҳиятини англаб етиш босқичига етади. Сўфийлар назарида, ҳақиқатнинг бир неча даражалари мавжуд бўлиб, унинг биринчи даражаси шухуд (қалб кўзи билан Худони кўриш)дир. Шухуд ҳам, ўз навбатида, икки босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичи шайх шухуди ёки ҳузур, охирги босқичи эса Худода фоний бўлишдир. Ушбу босқичдан сўнг Худода боқий бўлиш юз беради. Ҳақ зотнинг ниҳояси бўлмагани каби ҳақиқат даражаларининг ҳам ниҳояси йўқдир. Солик тақлидий илм (эшитиб ўрганиш) ёки таҳқиқий илм (текшириб ўрганиш) мартабасида бўлганида солик илаллоҳ (Худо томон бораётган йўловчи) эмас, балки солик ила-т-тариқ (йўл томон бораётган йўловчи) ҳисобланади. У ҳақиқатнинг биринчи даражасига етганидан сўнггина унинг сулуки Худого томон сулук бўлади.

**ҳақиқат аҳли** [форс-тожикча қўриниши **аҳли ҳақиқат** **اهل حقيقت**] – шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларидан иборат бўлган тасаввуф йўлининг охирги – тўртинчи босқичи бўлмиш **ҳақиқат** босқичига етган солик.

**ҳол** [арабча **حال** ҳолат] – тасаввуфда: сайру сулук босқичларини босиб ўтиш жараёнида соликда унинг ўзи истамаган ҳолда (ёхуд, айримларнинг фикрича, сўфийнинг ўз саъй-ҳаракатлари натижасида) юз берадиган, қувонч, қайғу, умид, кўрқув ва шу каби бошқа вақтинчалик руҳий ҳолатлардан бири.

# КЎРСАТКИЧЛАР

## КИШИ ИСМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ

### АСАР МАТНИДА МУАЛЛИФ ТОМОНИДАН БЕВОСИТА ЁКИ БИЛВОСИТА ЭСЛАТИЛГАН КИШИ ИСМЛАРИ

#### А

Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Солиҳ Ҳалвоий ал-Бухорий. *Қаранг:* Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб (Шамс ул-аиммаи Ҳалвоий)

Абдулазиз ибн Умар. *Қаранг:* Абу-с-Судур Абдулазиз ибн Умар

Абдуллоҳ ибн Аббос 74

Абдуллоҳ ибн Масъуд 60

Абдуллоҳ ибн Муборак. *Қаранг:* Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Муборак ибн Возиҳ ал-Ҳанзалий ат-Туркий ал-Марвазий

Абдурахим ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Садидий аз-Завзаний 19, 111

Абон ибн Усмон. *Қаранг:* Абон ибн Усмон ибн Аффон ал-Қураший

Абон ибн Усмон ибн Аффон ал-Қураший 74

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мансур ибн Муҳаммад ибн Али ал-Маҳдий 124

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафс ал-Бухорий 74

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ 19, 23, 55, 83, 136

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ. *Қаранг:* Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос аш-Шофеий 72

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мусаддир ал-Бухорий 108

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний 21, 59, 65, 72, 73, 77 121  
Абу Абдуллоҳ Ҳошид ибн Абдуллоҳ ас-Суфий ал-Обид ал-Бухорий 90  
Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Муборак ибн Возих ал-Ҳанзалий  
ат-Туркий ал-Марвазий 55, 76, 77, 95  
Абу Абдураҳмон Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ан-Насоий 58  
Абу Али Насафий 101  
Абу Амр Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад  
ибн Фазл ал-Фазлий 84  
Абу Аҳмад Искоф 78  
Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон ал-Балхий 19,  
64, 95, 107, 108, 109, 114, 115, 116, 148  
Абу Бакр Абдуллоҳ Тархон. *Қаранг:* Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад  
ибн Али ибн Тархон ал-Балхий  
Абу Бакр ал-Аъмаш 77  
Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил 91  
Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Иброҳим  
ибн Исроил ал-Исмоилий 85  
Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд Яманий 20, 83, 85, 95, 101, 116, 117, 137  
Абу Бакр ал-Искоф. *Қаранг:* Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад  
ал-Искоф  
Абу Бакр Исҳоқ. *Қаранг:* Абу Бакр Фазл  
Абу Бакр Калободий. *Қаранг:* Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ  
Иброҳим ибн Яъқуб ибн Юсуф ибн Касир ибн Ҳотам ибн Абдураҳмон  
ал-Калободий ал-Бухорий ал-Ҳанафий ас-Суфий  
Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб ибн Юсуф ибн  
Касир ибн Ҳотам ибн Абдураҳмон ал-Калободий ал-Бухорий ал-Ҳанафий  
ас-Суфий 18, 91, 109, 112, 116, 117, 121  
Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Суҳайл ибн Абу Исҳоқ ал-Аттобий  
ал-Бухорий 116  
Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Саҳл ас-Сарахсий 22, 106  
Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий 16, 22, 23, 26, 32, 45, 54  
Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорий. *Қаранг:* Имом  
Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорий  
Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид 12, 20, 63, 95, 116, 117, 148  
Абу Бакр Муҳаммад ал-Калободий ал-Бухорий. *Қаранг:* Абу Бакр  
Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб ибн Юсуф ибн Касир ибн  
Ҳотам ибн Абдураҳмон ал-Калободий ал-Бухорий ал-Ҳанафий ас-Суфий  
Абу Бакр Муҳаммад Наршахий. *Қаранг:* Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъ-  
фар ан-Наршахий

Абу Бакр Муҳаммад ас-Сарахсий. *Қаранг*: Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Саҳл ас-Сарахсий

Абу Бакр Риғдамуний 125

Абу Бакр Саъд. *Қаранг*: Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд Яманий

Абу Бакр Тархон. *Қаранг*: Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон ал-Балхий

Абу Бакр Фазл. *Қаранг*: Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорий

Абу Бакр Ҳомид. *Қаранг*: Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид

Абу-л-Важд Ҳофизиддин Шамс ул-аимма Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдусаттор Имодий Кардарий 88, 89, 93, 108, 111, 123, 125

Абу-л-Ваҳдат Мавлоно Шамс ул-аимма Кардарий. *Қаранг*: Абу-л-Важд Ҳофизиддин Шамс ул-аимма Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдусаттор Имодий Кардарий

Абу Довуд. *Қаранг*: Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Имрон ал-Аздий ас-Сижистоний

Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Имрон ал-Аздий ас-Сижистоний 58

Абу Жаъфар Муҳаммад аш-Шаъбий. *Қаранг*: Қози Имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-Шаъбий

Абу Жаъфар Ҳиндувоний 95

Абу Зайд Убайдуллоҳ ад-Дабусий. *Қаранг*: Қози Имом Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий

Абу Закариё Муҳйиддин Яҳё ибн Шарофиддин ибн Муррий ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Ҳузомий ибн Муҳаммад ан-Нававий 23, 56

Абу Иброҳим Исмоил ал-Бухорий ал-Мустамлий. *Қаранг*: Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Саҳл ибн Суҳайл ибн Арзақ ал-Омулий ал-Бухорий ал-Мустамлий

Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ибн Сомон 80

Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Саҳл ибн Суҳайл ибн Арзақ ал-Омулий ал-Бухорий ал-Мустамлий 19, 70, 73, 110, 164, 178

Абу Иброҳим Исмоил ибн Наср ас-Саффор 75

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор. *Қаранг*: Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор ал-Бухорий

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор ал-Бухорий 75

Абу Исҳоқ Каъб ибн Мотеъ ал-Ҳимярий ал-Аҳбор 21, 69

Абу-л-Иффат Мавлоно Ҳофизиддин ал-Бухорий. *Қаранг*: Абу-л-Иффат Мавлоно Ҳофизиддин ал-Кабир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий

Абу-л-Иффат Мавлоно Ҳофизиддин ал-Кабир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий 19, 93, 108, 109

Абу-л-Макорим Абдулазиз 103, 112  
 Абу-л-Мафохир Яхё Бохарзий. *Қаранг:* Абу-л-Мафохир Яхё ибн Аҳмад ибн Саид ал-Бохарзий  
 Абу-л-Мафохир Яхё ибн Аҳмад ибн Саид ал-Бохарзий 19, 99  
 Абу-л-Маъолий Аҳмад 103  
 Абу-л-Маҳомид Муҳаммад 103  
